Keywords: Academy of Sciences, development of science, status of the State Museum, reorganization, Ministry of Culture, Academy of Arts, liquidation in the prescribed manner, Uzbek



language, Alisher Navoi, manuscripts, economics, national liberation movement, philosophy, law, archeology, museum building, period of repression and recent history.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining ilmiy va tashkiliy faoliyatida Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limining o‘ziga xos o‘rni bor. Bo‘lim Fanlar akademiyasi tashkil etilgandan buyon uning tarkibida mavjud va uning tarkibidagi ilmiy muassasalar O‘zbekiston ilm-fani rivojiga munosib hissa qo‘shib kelmoqda. Fan bo‘limlari bir yoki bir necha fan tarmoqlari olimlarini birlashtiruvchi Akademianing ilmiy va ilmiy-tashkiliy bo‘linmasi hisoblanadi. Bo‘lim o‘z tarkibiga kiruvchi institutlar va boshqa ilmiy muassasalarga umumiy rahbarlikni amalga oshiradi.

Ma’lumki, 2017-yilda ilm-fanning ustuvor yo‘nalishlari rivojlanishini ta’minalash, shuningdek ilmiy-tadqiqot muassasalari faoliyatini samarali muvofiqlashtirish maqsadida Fanlar akademiyasi boshqaruv apparati tuzilmasida fizika-matematika va texnik fanlar, kimyo-biologiya fanlari, ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘yicha bo‘limlar tashkil etilgan[1]. Mazkur bo‘limlar negizida ilmiy tadqiqot muassasalari faoliyat ko‘rsatadi.

Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limi O‘z SSR FA tashkil topgan davrdan to 1965-yilgacha «Gumanitar fanlar bo‘limi»[2] sifatida faoliyat yuritgan. 1966-1994- yillarda keyinchalik birlashib ketganligini hisobga olgan holda ta’kidlaydigan bo‘lsak, 2 ta bo‘lim, ya’ni «Falsafiy, iqtisodiy va huquqiy fanlar» va «Tarix, tilshunoslik va adabiyotshunoslik» bo‘limlari sifatida faoliyat yuritgan[3].

Keyinchalik (2000-2016-yillar) yuqorida ta’kidlangan bo‘limlar umumlashib «Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limi»[4] va «Ijtimoiy-gumanitar fanlar majmuasi»[5] deb ham yuritilgan.

Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limi negizidagi ilmiy tadqiqot muassasalari bo‘yicha xronologik jihatdan quyida tanishib o‘tamiz.

O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi. 1876-yilda Toshkent muzeyi tashkil etilgan. U yetakchi olimlar va jamoat arboblari A.P.Fedchenko, V.F.Oshanin, N.A.Mayev tashabbusi bilan ochilgan O‘rta Osiyoning birinchi muzeyidir[6]. O‘rta Osiyoda birinchi muzeyning rasmiy ochilishi 1876-yil 12-iyulda bo‘lib o‘tgan[7]. 1920-yilda Muzeylar va yodgorliklarni muhofaza qilish komiteti (Turkkomstaris) o‘z ishini boshladi. Muzey 1933-yilda Fanlar qo‘mitasiga o‘tkazildi. 1943-yilda O‘zbekiston SSR Fanlar akademiyasining tashkil etilishi bilan muzey ilmiy muassasa sifatida uning tarkibiga kirdi. 1969-yilda O‘zbekiston tarixi muzeyiga o‘zbek yozuvchisi, akademik M. T. Oybek nomi berilgan[8]. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi va O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi Markaziy Kengashining V.I.Lenin markaziy muzeyining Toshkent filialini va Oybek nomidagi O‘zbekiston xalqlar tarixi muzeyini tugatib, ularning negizida 1992-yildan boshlab O‘zbekiston Fanlar akademiyasi huzuridagi O‘zbekiston tarixi muzeyini tashkil etildi. Qarorga ko‘ra O‘zbekiston tarixi muzeyi ilmiy-tadqiqot muassasasi hisoblanadi[9]. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 5-avgustdaggi qarori[10] binoan Fanlar akademiyasining O‘zbekiston tarixi muzeyiga Davlat muzeyi maqomi berilgan.

O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti. Institut Turkistonda 1917-yildan keyin yuzaga kelgan ilmiy tadqiqottuzilmalari asosida shakllangan[11]. 1934-yilda[12] O‘zbekiston SSR Fanlar qo‘mitasi huzuridagi O‘zbek tili va adabiyoti ilmiy tadqiqot institutiga aylandi. 1937-yilda unga A.S.Pushkin nomi berilgan. 1939-yilda muassasa SSSR O‘zFAN Til, adabiyot va tarix institutiga aylantirildi va 1943-yildan boshlab O‘zSSR Fanlar akademiyasining tarkibiga kiradi[13]. 1991-yil 17-sentabrda O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Adabiyot institutiga Alisher Navoiy nomi berilgan[14]. 2016-yilda O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot instituti rahbar hamda ilmiy xodimlarini, professor-o‘qituvchilar tarkibini attestatsiyadan o‘tkazildi va Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi O‘zbek tili va adabiyoti ilmiy-tadqiqot instituti aylantirildi[15]. 2017-yil 17-fevraldaggi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-2789-son qarorida[16] Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi O‘zbek tili va adabiyoti ilmiy-tadqiqot instituti negizida O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining O‘zbek tili, adabiyoti va folklori institutini qayta tashkil etildi.

San‘atshunoslik instituti. 1928-yil 11-dekabrda Samarcand shahrida O‘zbekiston musiqa

va xoreografiya ilmiy tadqiqot instituti nomi bilan tashkil etilgan[17]. 1932-yilda Toshkent shahriga ko‘chirilgan. 1943-1957-yillarda Madaniyat vazirligi tasarrufida bo‘lgan[18]. 1957-yilda O‘zSSR Fanlar akademiyasining tarkibiga kirgan va 1963-yilgacha bo‘lgan[19]. 1963-yildan[20] 1997-yilgacha yana Madaniyat vazirligi tasarrufida bo‘lgan. 1997-yil 23-yanvarda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni qabul qilindi. Mazkur farmonga binoan, San’atshunoslik ilmiy-tadqiqot instituti Badiiy Akademiya tarkibiga kiritilgan[21]. 2009-yil 19-mayda san’atshunoslik ilmiy-tadqiqot institutining izlanishlar yo‘nalishlari Fanlar akademiyasi ijtimoiy-gumanitar ilmiy muassasalarida olib borilayotgan tadqiqotlar bilan uzviy bog‘liqligini hisobga olib Vazirlar Mahkamasi qaror qildi[22]. Qarorga muvofiq, O‘zbekiston Badiiy akademiyasi tarkibidagi San’atshunoslik ilmiy-tadqiqot instituti O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tarkibiga o‘tkazilgan.

Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi. Muzeyga 1939-yilda asos solingan. 1940-yilda to‘plangan manbalar O‘zbekiston davlat tabiat muzeyi binosining bir qismida ko‘rgazma sifatida namoyish etila boshladи[23]. 1947-yili ko‘rgazma zaminida Adabiyot muzeyi tashkil topgan. 1958-yildan Adabiyot muzeyi O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Til va adabiyot instituti qoshiga o‘tkazilgan. 1967-yil 18-yanvarda[24] muzey O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining mustaqil ilmiy va ilmiy-ma’rifiy muassasasiga aylantirilgan. 1978-yil Adabiyot muzeyi negizida H.S.Sulaymonov nomli Qo‘lyozmalar instituti tashkil etildi va muzey shu institut tarkibiga kirdi. 1991 yil 31 maydan O‘zbekiston hukumati qarori va Alisher Navoyning 550 yilligi munosabati bilan Davlat adabiyot muzeyi H.S.Sulaymonov nomli Qo‘lyozmalar instituti tarkibidan chiqarildi va mustaqil ishlay boshlagan[25]. 2016-yilda Fanlar akademiyasining Davlat adabiyot muzeyini Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti tarkibiga berish va uning negizida O‘zbek tili va adabiyoti muzeyi tashkil qilingan[26]. 2017-yil 17-fevraldagи O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-2789-son qarori[27] asosida 2017- yil 18-mayda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori qabul qilindi unda Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi yangidan tashkil etilgan.

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti. Institut 1943-yil 3-noyabrda[28] O‘zbekiston SSR Davlat ommaviy kutubxonasining Sharqiy bo‘limi asosida tashkil etilgan[29] va O‘zSSR FA Sharq qo‘lyozmalarini o‘rganish instituti deb nomlangan. 1950-yilda Sharq qo‘lyozmalarini o‘rganish instituti O‘zbekiston SSR Fanlar akademiyasining Sharqshunoslik institutiga aylantirildi[30]. 1957-yilda institutga Abu Rayhon Beruniy nomi berildi[31]. Institut Sharq fanini rivojlantirishga qo‘sghan ulkan hissasi uchun 1981-yilda institut Abu Ali ibn Sino (Avitsenna) nomidagi xalqaro mukofotning birinchi laureati bo‘lgan[32]. 2014-yil 8-iyul O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori[33] qabul qilindi. Unga ko‘ra, Toshkent davlat sharqshunoslik instituti huzurida Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharq qo‘lyozmalarini markazi tashkil etildi. Mazkur markaz O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining tugatilgan Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti negizida tashkil etilishi belgilandi. 2017 yil 17 fevraldagи O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-2789-son qarori[34] va Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 18 maydagi 292-son Qarori[35] bilan Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti yangidan tashkil etilgan.

Iqtisodiyot instituti. Institut 1943-yil noyabrda[36] SSSR Fanlar akademiyasi O‘zbekiston filiali Iqtisodiy tadqiqotlar sektori negizida tashkil etilgan. Keyin u 4 ta bo‘limdan iborat bo‘ldi: sanoat iqtisodiyoti, qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti, ishlab chiqaruvchi kuchlarni taqsimlash, xalq xo‘jaligi nazariyasi va tarixi. 1950 yildan keyin murakkab xalq xo‘jaligi muammolariga e’tibor kuchaydi[37]. 70-yillardan O‘zbekiston sanoat kompleksini rivojlantirish muammolariga borgan sari ko‘proq e’tibor berila boshladи[38]. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994 yil 6 aprel qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi FA Ishlab chiqarish kuchlarini o‘rganish kengashi iqtisodiyot fani faoliyatini takomillashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Davlat istiqbolni belgilash va statistika qo‘mitasi tarkibiga kiritildi. 2000-2003 yillarda institut tomonidan beshta yirik ilmiy ish nashr qilindi[39]. 2013 yil 28 fevralda O‘zbekiston Prezidentining qarori bilan tugatilayotgan Fanlar akademiyasi Iqtisodiyot instituti negizida Toshkent davlat iqtisodiyot universitetida «O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy



asoslari va muammolari» ilmiy-tadqiqot markazi tashkil etildi.

Tarix instituti. Institut 1943-yil noyabrda[40] SSSR Fanlar akademiyasi O‘zbekiston filiali Til, adabiyot va tarix instituti asosida tashkil etilgan[41]. O‘tgan yillar mobaynida ijtimoiy-iqtisodiy hayot, milliy-ozodlik harakatlari tarixini o‘rganishda X.Ziyoyevning xizmatlari katta bo‘lgan. Ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar tahliliga esa mashhur olma R.X.Aminova katta hissa qo‘sghan[42]. 2016-yil 18-iyulda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori[43] qabul qilindi. Qarorga binoan, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix institutini Mirzo Ulug‘bek nomli O‘zbekiston Milliy universiteti huzuridagi Tarix instituti etib qayta tashkil qilindi. 2017-yil 17-fevraldagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori[44] va Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 18-maydagi 292-son Qarori[45] bilan Tarix instituti O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tarkibiga o‘tkazilgan.

I.M.Mo‘minov nomli falsafa va huquq instituti. Institut 1958-yilda[46] O‘zSSR Fanlar akademiyasi Prezidiumi huzuridagi Falsafa va huquq bo‘limi negizida tashkil etilgan. 1974 yilda institutga I. M. Mo‘minov nomi berildi. Ilmiy-tadqiqot ishlarining eng muhim yo‘nalishlarining rivojlanishi I. M. Mo‘minov, X. S. Sulaymonova, A. I. Eshonov va boshqa yetakchi olimlar faoliyati bilan bog‘liq[47]. «Huquqiy demokratik davlat asoslarini mustahkamlash, ijtimoiy, ma’naviy muhitni yanada yaxshilash, diniy aqidaparastlikning oldini olish chora-tadbirlari» dasturining bajarilishi yuzasidan institut xodimlari targ‘ibot-tashviqot ishlarini olib borishgan[48]. 2012-yil 7-fevraldagi Vazirlar Mahkamasining Qaroriga[49] binoan Falsafa va huquq institutining mol-mulk va ilmiy-tadqiqot loyihibarini keyinchalik o‘tkazish bilan belgilangan tartibda tugatildi. Unga ko‘ra falsafa bloki – O‘zbekiston Milliy universitetiga; yuridik blok – Toshkent davlat yuridik institutiga o‘tkazilgan.

Milliy arxeologiya markazi. Institut 1970-yilda Samarcanda O‘zbekiston SSR Fanlar akademiyasi Tarix va arxeologiya institutining[50] arxeologiya sektori asosida tashkil etilgan[51]. Uning tashkil etilishida I.M.Mo‘minov, Ya.G.‘G.‘ulomov va A.A.Asqarovlar katta rol o‘ynagan[52]. Institutning birinchi direktori akademik A. A. Asqarov (1970-1979[53], 1983-1987). 1988-yilda institutga akademik Ya.G.‘G.‘ulomov nomi berilgan[54]. Yangi institut uchun ma’muriy bino, Samarcand tarixi muzeyi binosi va boshqalarni o‘z ichiga oлgan binolar majmuasi barpo etildi[55]. Baqtriya, Sug‘diyona va Choch regionlaridagi urbanizatsiya jarayonlarini o‘rganish borasida muhim tadqiqotlar olib borgan A.A.Asqarov, Yu.F.Buryakov, R.H.Sulaymonov, E.V.Rtveladze, T.Q.Xo‘jayev, M.H.Isomiddinov, M.I.Filanovich kabi olimlar Abu Rayhon Beruniy nomidagi Davlat mukofoti bilan taqdirlandilar[56]. 2017 yil 17 fevraldagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-2789-son qarorida[57] Samarcand shahridagi Arxeologiya instituti va O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Arxeologiya institutining Toshkent bo‘limi negizida Ya.G.‘ulomov nomidagi Arxeologik tadqiqotlar instituti tashkil etildi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 18-maydagi VM 292-son Qarori binoan Ya. G.‘ulomov nomidagi Arxeologik tadqiqotlar instituti yangidan tashkil etilgan[58]. 2019-yil 21-sentabrdagi Vazirlar Mahkamasining 792-son qarori[59] bilan O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tizimida davlat muassasasi shaklidagi Milliy arxeologiya markazi tashkil etilgan .

X. S. Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar instituti. O‘zbekiston SSR Fanlar akademiyasi Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi negizida 1978 yilda O‘zbekiston SSR FA Qo‘lyozmalar instituti tashkil etilgan. Institut Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyini muzey bo‘limi sifatida saqlab qoldi. Institutning birinchi direktori X. S. Sulaymonov (1978-1979) edi. 1979-yildan institutga A.P.Qayumov rahbarlik qilgan. 1979-yilda institutga X.S.Sulaymonov nomi berilgan[60]. 1997-yilda qo‘lyozmalar instituti tugatilib[61], uning fondi O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Sharqshunoslik institutiga o‘tkazilib, u yerda qo‘lyozmalar instituti fondi sifatida alohida saqlanadi .

Temuriylar tarixi davlat muzeyi. Buyuk davlat arbobi Amir Temur tug‘ilgan kunning 660 yilligi munosabati bilan O‘zbekiston Prezidentining 1995-yil 26-dekabrdagi Farmoni[62] bilan 1996-yil «Amir Temur yili» deb e‘lon qilindi. 1996-yil 14-martda Amir Temur va temuriylar davrida ilm-fan, maorif va madaniyatning yuksak darajadagi taraqqiyotini haqqoniy aks ettirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qaror[63] qabul qildi. Qarorga muvofiq, Toshkent shahrida

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tizimida Temuriylar tarixi Davlat muzeyi tashkil etilgan. 1996-yil bahorida Temuriylar tarixi davlat muzeyi binosini barpo etish boshlandi va 1996-yil 18-oktabrida muzey binosi qisqa vaqt ichida bitkazilib[64], foydalanishga topshirilgan.

Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi. Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi 2001-yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-2837-son Farmoni[65] asosida tashkil etilgan. Muzey binosi Toshkent shahri Yunusobod tumanidagi «Shaxidlar xotirasi» yodgorlik majmuida barpo etilgan[66]. 2002-yilda «Qatag‘on qurbanlari xotirasi» muzeyi faoliyatini tashkil etish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qarorida[67] O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tarkibida «Qatag‘on qurbanlari xotirasi» muzeyi tashkil etilgan[68]. 2017-yil 22-noyabrdagi Vazirlar Mahkamasining Qarori[69] qabul qilingan. Qarorga binoan, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi negizida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi tashkil etilgan.

O‘zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo‘yicha Muvoqiflashtiruvchi-metodik markaz. 2012-yil 27-yanvarda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qaroriga[70] binoan, O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi huzurida O‘zbekistonning eng yangi tarixi bo‘yicha Jamoatchilik kengashi tashkil etilgan. 2017-yil 30-iyunda O‘zbekiston milliy davlatchiligining vujudga kelishi va taraqqiy topishining eng yangi tarixini tadqiq etish va o‘qitish, ilmiy, ilmiy-ommabop, o‘quv-metodik, ma’rifiy adabiyotlarni tayyorlash va chop etish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori qabul qilindi[71]. Qarorga muvoqiq, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi huzuridagi O‘zbekistonning eng yangi tarixi bo‘yicha Jamoatchilik kengashi O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi huzuridagi O‘zbekistonning eng yangi tarixi bo‘yicha Jamoatchilik kengashiga aylantirilgan.

Davlat va huquq instituti. O‘zbekistan Respublikasi Fanlar akademiyasi, Davlat va huquq instituti 2017 - 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvoqiq akademik huquqiy tadqiqotlar darajasini oshirish, mamlakatda ijtimoiy- iqtisodiy va siyosiy-huquqiy islohotlarning keyingi istiqbollarini belgilashda huquqiy ilmiy ishlamalarni samarali amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratish hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-son Farmoni[72] ijrosini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 30-oktabrdagi 675-son qaroriga[73] asosan tashkil etilgan.

Xulosa qilib shuni ta’kidlash mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tashkil etilganidan to 2021 yilgacha Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limi tizimida 14 ilmiy muassasa tashkil topgan va faoliyat yuritgan. Shundan 10 ta muassasa hozirgi kunda ham faoliyat ko‘rsatmoqda. Ular: 1.O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi; 2.O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti; 3.San’atshunoslik instituti; 4.Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi; 5.Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti; 6.Tarix instituti; 7. Milliy arxeologiya markazi; 8.Temuriylar tarixi davlat muzeyi; 9.O‘zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo‘yicha Muvoqiflashtiruvchi-metodik markaz; 10.Davlat va huquq instituti.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limi negizida ilmiy tadqiqot muassalaridan bo‘lgan O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi tashkil topganligi va akademiya tarkibida faoliyat yuritganligiga ko‘ra, eng yoshi katta muassasa hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi negizida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qatag‘on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi tashkil etilgan.

Fanlar akademisining tarkibidagi 3 ta ilmiy muassasa faoliyati tugatilgan. Ular: 1.Iqtisodiyot instituti (negizida Toshkent davlat iqtisodiyot universitetida «O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolarini» ilmiy-tadqiqot markazi); 2. I.M.Mo‘minov nomli falsafa va huquq instituti (Falsafa bloki – O‘zbekiston Milliy universitetiga; yuridik blok – Toshkent davlat yuridik institutiga o‘tkazilgan); 3. X. S. Sulaymonov nomidagi qo‘lyozmalar instituti (uning fondi O‘z R FA Sharqshunoslik institutiga o‘tkazilgan).

Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘limining 5 ta muassasa ma’lum bir vaqt Fanlar akademiyasi tarkibidan chiqarilgan va akademiya tizimida qayta tashkil etilgan. Ular: 1.O‘zbek tili, adabiyoti



va folklori instituti; 2.San'atshunoslik instituti; 3.Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi; 4.Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti; 5.Tarix instituti;

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining ilmiy muassasalarini tuzilmasini yanada maqbullashtirish va faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2012 yil 7 fevraldagi 33-ton Qarori ko'ra O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Ijtimoiy-gumanitar fanlar bo'limining 6 ta muassasasi maqbullashtirildi. Shundan 4 ta muassasa (O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti, Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi, Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti, Tarix instituti) Oliy ta'lif tizimidagi muassasalar tarkibiga o'tkazilgan va 2017 yilda akademiya tarkibida qayta tashkil etilgan. 2 ta muassasa (Iqtisodiyot instituti va I.M.Mo'minov nomli falsafa va huquq instituti) faoliyati tugatilgan.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarni tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldagi PQ-2789-ton qarori
2. O'z R FA MA 1-fond, 2-L-ro'yxat, 241-yig'majild.2-6-varaqlar. // Akademiya nauk Uzbekskoy SSR. Spravochnik. -T.:, 1958. -S.38.
3. O'z R FA MA 1-fond, 2-L-ro'yxat, 241-yig'majild.7-8-varaqlar. //«Ustav akademii nauk Uzbekskoy SSR» utverden postanovleniyem Soveta Ministrov Uzbekskoy SSR o't 1 marta 1982 goda, № 460.
4. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -T.: «Fan», 2003. -152 b.
5. Fanlar akademiyasi O'zbekiston mustaqilligi-yillarda/ Akademiya nauk v godi nezavisimosti Uzbekistana. Akademiya nauk Respublikи Uzbekistan 70 let. -T.: «Fan», 2013. -575 b.
6. Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, 1958. -C.143. // Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, «Fan», 1976. -C.179.
7. N.S.Sodiqova. O'zbekiston xalqlari tarixi muzeyi 100 yoshda. O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. 1976-yil 12-ton. -B.38-49.
8. Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, 1958. -C.150.; // Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, «Fan», 1976. -244 c.
9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1992-yil 21 apreldagi «O'zbekiston tarixi muzeyini tashkil etish to'g'risida»gi 203-ton qarori.
10. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 5 avgustdagи «O'zbekiston tarixi davlat muzeyini tashkil etish to'g'risida»gi 402-ton qarori.
11. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-T.:, «Fan», 1993. -B.208-212.
12. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
13. Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, «Fan», 1976. -C.171-173.
14. O'zbekiston Respublikasi Prezident huzuridagi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Adabiyot institutiga Alisher Navoiy nomini berish to'g'risida» 1991-yil 17 sentabrdagi 236-ton Qarori
15. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2016-yil 13 maydagи 152-ton qarori
16. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarni tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldagi PQ-2789-ton qarori
17. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi San'atshunoslik institutining 2017 — 2021-yillarda amalga oshirilgan islohotlar bo'yicha Ma'lumotnomasi
- 18.O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 7-jild, Parchin-Soliq. -T.:, «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2004. -B.504.
19. Akademия наук Узбекской ССР. Справочник. -T.:, 1958. -C.138. // Akademия наук в годы независимости Узбекистана.-Ташкент: Фан, 2013. -C.478-479.
20. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 17-varaq
- 21.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Badiiy akademiyasini tashkil etish haqida» 1997-yil 23 yanvardagi PF-1701-ton Farmoni
22. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «San'atshunoslik ilmiy-tadqiqot instituti faoliyatini yanada rivojlantirish to'g'risida» 2009-yil 19 maydagи 141-ton Qarori
23. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -T.:, «Fan», 2003. -B.116-119.
24. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
25. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-T.:, «Fan», 1993. -B.216-217.
26. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2016-yil 13 maydagи PF-4797-ton Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2016-yil 13 maydagи 152-ton qarori
27. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarni tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldagi PQ-2789-ton qarori
28. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
29. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
30. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-T.:, «Fan», 1993. -B.203-207.
31. H.Fozilov, A.I.Sadovskiy. O'zbekistonda fan tarraqqiyoti.-T.:, O'zSSR davlat nashriyoti,1959. -B.56.
32. Akademия наук Uzbekskoy SSR. -T.:, «Fan», 1983. -S.450-452.
33. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tuzilmasini yanada maqbullashtirish hamda respublika akademik ilm-fani va olyi ta'liming integratsiyasini mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida» 2014-yil 8 iyuldagи PQ-2204-ton Qarori
34. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarni tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldagi PQ-2789-ton qarori
35. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining yangidan tashkil etilgan ilmiy-tadqiqot muassasalarini faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 18 maydagи 292-ton

Qarori

36. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
37. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. -Т., «Фан», 1976. -С.148-151.
38. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-Т., «Fan», 1993. -В.134-140.
39. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.85-90.
40. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
41. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. -Т., 1958. -С.128. // Академия наук Узбекской ССР. Справочник. -Т., «Фан», 1976. -С.155-158.
42. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.98-102.
43. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston tarixi sohasidagi tadqiqotlarni tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2016-yil 18 iyuldag'i PQ-2562-son Qarori
44. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyatini, ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldag'i PQ-2789-son qarori
45. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining yangidan tashkil etilgan ilmiy-tadqiqot muassasalari faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 18 maydag'i 292-son Qarori
46. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq. // Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. -Т., 1958. -С.133-135. // Академия наук Узбекской ССР. Справочник. -Т., «Фан», 1976. -С.151-153.
47. Академия наук Узбекской ССР. -Т., «Фан», 1983. -С.441-443.
48. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.90-94.
49. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining ilmiy muassasalari tuzilmasini yanada maqbullashtirish va faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2012-yil 7 fevraldag'i 33-son Qarori
50. O'z R FA MA 1-fond, 1-ro'yxat, 28-yig'majild. 19-varaq.
51. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. -Т., 1958. -С.128. // Академия наук Узбекской ССР. Справочник. 1976. -Т., «Фан», 1976. -С.158-165.
52. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-Т., «Fan», 1993. -В.196-203.
53. Академия наук Узбекской ССР. -Ташкент: «Фан», 1983. -С.447-450.
54. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi 50-yil.-Т., «Fan», 1993. -В.248. 196-203
55. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. 1976. -Т., «Фан», 1976. -С. 158-165.
56. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.152. 102-106
57. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Fanlar akademiyasi faoliyatni, ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 17 fevraldag'i PQ-2789-son qarori
58. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining yangidan tashkil etilgan ilmiy-tadqiqot muassasalari faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 18 maydag'i 292-son Qarori
59. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Arxeologik tadqiqotlarni tubdan takomillashtirish to'g'risida» 2019-yil 21 sentabrdagi 792-son Qarori
60. Академия наук Узбекской ССР. -Т., «Фан», 1983. -С.455-456.
61. <http://einfolib.uz/index.php/2020/10/06/rukopisnoe-nasledie-uzbekistana/14.12.20>
62. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «1996-yilni «Amir Temur-yili» deb e'lon qilish to'g'risida» 1995-yil 26 dekabrdagi PF-1333-son
63. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Temuriylar tarixi davlat muzeyini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 1996-yil 14 martdagi 99-son Qarori
64. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.113-116.
65. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Qatag'on qurbanlarini yod etish kunini belgilash to'g'risida» 2001-yil 1 maydag'i PF-2837-son Farmoni
66. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.119-121.
67. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining ««Qatag'on qurbanlari xotirasi» muzeyi faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2002-yil 8 noyabrdagi 387-son qarori
68. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. -Т., «Fan», 2003. -В.119-121.//<https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/samatshunoslik-instituti-uz/> 12.12.2020
69. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qatag'on qurbanlari xotirasi davlat muzeyi va hududlardagi oly ta'lim muassasalarini tuzilmasida Qatag'on qurbanlari xotirasi muzeylarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017-yil 22 noyabrdagi 936-son Qarori
70. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Oly va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzurida O'zbekistonning eng yangi tarixi bo'yicha jamoatchilik kengashini tashkil etish to'g'risida» 2012-yil 27 yanvardagi PQ-1694-son Qarori
71. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi huzurida O'zbekistonning eng yangi tarixi bo'yicha Jamoatchilik kengashi faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2017-yil 30 iyundagi PQ-3105-son Qarori
72. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida» 2020-yil 29 apreldagi PF-5987-son Farmoni
73. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tizimida davlat va huquq institutining faoliyatini tashkil etish to'g'risida» 2020-yil 30 oktyabrdagi 675-son Qarori



SOVIET REPRESSION POLICY IN UZBEKISTAN: VICTIMS SENTENCED TO DEATH IN THE 40S AND 50S OF THE TWENTIETH CENTURY

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.059>

Djunaev Farkhad Abdukhamidovich,

Lecturer of the Department of «History», Navoi State Pedagogical Institute

e-mail: fdjunayev@inbox.ru

Abstract: In this article gives information about, the post-World War II repression of the Uzbek intelligentsia by the Soviet authorities with unjust accusations, as well as the constant intimidation and obedience of the peoples through the policy of repression, is not only a national statement.

Keywords: party, political campaigns, Soviet ideologues, repressive policy, Writers' Union of the USSR, the concepts of «ideology and cosmopolitanism».

СОВЕТСКАЯ РЕПРЕССИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: СВИДЕТЕЛЬСТВА 40-50-Х ГГ. XX ВЕКА

Джунаев Фарход Абдухамидович,

Навоийский государственный педагогический институт,

Преподаватель кафедры «История»

Аннотация. В данной статье рассказывается о репрессиях советской власти в послевоенные годы против узбекской интеллигенции, попытках политики репрессий держать народы в страхе и повиновении и тем самым предотвратить восстание национальных колоний.

Ключевые слова: партия, политические кампании, советские идеологи, репрессивная политика, Союз писателей СССР, концепции «идеология и космополитизм».

СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАФОН СИЁСАТИ: ХХ АСР 40-50-ЙИЛЛАРИ ШОҲИДЛИГИ

Джунаев Фарход Абдухамидович,

Навоий давлат педагогика институти, “Тарих” кафедраси ўқитувчisi

Аннотация. Уибу мақолада иккинчи жаҳон урушидан кейинги шилларда Совет ҳокимиятининг ўзбек зиёлларни устидан ноҳақ айлар кўйиб қатагон қилганликлари, қатагонлик сиёсатини уюштириши орқали халқларни доимо кўркув ва итоаткорликда тутиши ҳамда шу йўл билан миллий мустамлакаларнинг бош кўтаришига изн бермаслик ҳаракатлари баён этилган.

Калим сўзлар: партия, сиёсий кампаниялар, совет мағкурачилари, қатагонлик сиёсати, ЎзССР Ёзувчилар уюшмаси, «гоясилик ва космополитизм» тушунчалари.

INTRODUCTION. The Soviet government has repeatedly pursued repressive policies in Uzbekistan. Between 1946 and 1990, such horrific repressions were twice consciously organized. The first was organized in the late 1940s and early 1950s, while the second was established in the 1980s. The main purpose and motive of such repressions organized by the Soviets was as follows. The first is to renew the conscious, selfless, knowledgeable and organized scholars, the leaders who emerge from among the people from time to time, and to keep the people in darkness, oppression. The second was to keep the peoples in constant fear and obedience through repression, and thus to prevent the revolt of the national colonies.

«... In order to subdue the people, the People's Writer of Uzbekistan Said Ahmad said, it was necessary to panic. Repression came into play ... I was in prison and gradually began to understand this.»[10].

THE MAIN PART. As soon as the war ended, the beginning of repressions against the workers of science, enlightenment and culture, of course, was not accidental. The country was

exhausted from the protracted war. It was natural that there would be difficulties in all spheres of social life, especially in the economic sphere. Of course, those who opened the eyes of the people to these difficulties of socio-economic life were primarily intellectuals. That is why the Central Committee of the Communist Party decided to show the intelligentsia the «Marxist-Leninist right path» by showing its «wisdom» and «theoretical maturity.» By order of the Politburo of the Central Committee of the CPSU (b) in 1946 «On the magazines» Звёзда «and» «Ленинград», «On the repertoire of dramatic theaters and measures to improve it», «On the film of the Great Life», in 1948 «On the Great Friendship Opera» and other decisions were announced. These decisions and the official articles published in Pravda and the Communist Magazine at the time, along with a number of achievements in literature, art and culture, were marked by «serious shortcomings», a low artistic and even «hopeless» spirit of uncertainty about the future. with the emergence of irrigated, ideologically ‘harmful’ works. In 1947, philosophy, in 1948, biology, in 1950, physiology, in 1950, linguistics, and in 1951, linguistics on political and economic issues, and in 1951, discussions on political economy were directly chaired by the VKP (b) MQ itself. These discussions called for action in all areas of science on the basis of the party's «valuable and unique theoretical conclusions.»

This was especially difficult in Uzbekistan. Well-known historian Islomjon Tursunov writes that a total of 61,799 Uzbek intellectuals were imprisoned in 1939-1953, of whom 56,112 were sentenced to various terms of imprisonment and 7,100 were shot. [8] Among them were real enthusiastic and dedicated figures of our science and culture. People's Poet of Uzbekistan Shukrullo narrates: "After the war, Oybek was the chairman of the association, and I was a consultant. Mamarasul Boboev and Kamil Yakubov worked in Sharq Yulduz. One day they asked me for a poem to publish in the newspaper. In 1939, while teaching in Karakalpakstan, I wrote a poem dedicated to the Aral Sea, entitled «A Night at Sea». Unfortunately, I was in trouble when it was announced. For some politicians, the work was in line with the resolution of «ideology and cosmopolitanism.» They accused him of not working hard and praising the dry sea scene. Poems like my work at the time were needed for the 'execution' of the decision on the ground. This was the prelude to preparations for another unjustified arrest in 1948-1950." [9]

The terrible and dark days that befell Uzbek writers during this period were described by the philologist Naim Karimov in the journal «Science and Life» («Executioners of Uzbek literature» -1991 No. 1 [1], Oybek «Tosh ekan boshim» -1992 5-6, 7-8, 9-10 [2]) opens on the basis of very convincing evidence.

The persecutions and repressions against the intelligentsia since the late 1940s were led by A.E. Niyazov and H.T. Tursunov, leaders of the Communist Party who had lost their national identity and were ready to throw themselves from the roof for positions and positions under the direction and shadow of Moscow. The chauvinists who had established the republic were at the forefront of organizing these horrific repressions. His whole heart was filled with elements of chauvinist hatred against the indigenous peoples and their intellectuals

In the early 1950s, the number of writers on the blacklist was 60, according to Muhitdinov. [5] These are: M.Shaykhzoda, Oybek, Abdulla Qakhhor, M.Boboev, U.Rashidov, Mirtemir, Shuhrat, Hamid Sulaymon, Said Ahmad, Mirzakalon Ismoilii, Meli Jura, Yongin Mirzo, brothers Abdunabi and Abdurahmon Alimuhamedov, Nemat Toshpolat, Mahmud Murodov, Gulom Alimov and others. Various 'accusations' were leveled against those who were oppressed and persecuted. In particular, Maqsud Shaykhzoda was accused of «anti-Soviet nationalist activities.» A document (actually a verdict) on M. Shaykhzoda's nationalism and anti-Soviet activities, prepared under the «conductorship» of V. Milchakov, was discussed at a meeting of the board of the Writers' Union of Uzbekistan on January 31, 1952. In it, the great poet was expelled from the Writers' Union. Look at the human faith and belief and conscience. None of the 31 members of the jury, who knew the poet well, who had worked side by side with Maqsud Shaykhzoda as a colleague for many years, did not object or oppose this illegal and unjust law. It was a shining example of betrayal not only to a colleague, a friend, but also to the national interest.

A report «proving» the «nationalism» and «anti-Soviet» activities of the great man, the



patriotic poet M. Shaykhzoda, was published in the newspaper «Zvezda Vostoka» (No. 2, 1952), edited by Milchakov. V. Milchakov is also the organizer of all slanders, harassment and persecution of the great Uzbek novelist Oybek. He brought a group of unscrupulous and unscrupulous Uzbek lagabardar writers to Oybek and wrote a letter of complaint to the USSR Writers' Union. The letter based Oybek's «nationalist» image on undeniable «documents» and called on the Writers' Union of Uzbekistan to rid itself of this anti-Soviet element. Moscow sent M. Shaginyan, a relative of the Uzbek people's executioner Apresyan and a «loyal defender» of communist ideology, to investigate the application. On June 1, 1949, at a meeting of the presidium of the Writers' Union of Uzbekistan, he led a campaign against Oybek, and led a group of envious demonstrators to the Central Committee of the Republican Party. From that day on, the Central Committee headed by A.E.Niyazov began to lead the attack on Oybek. In the same year, at the same time, the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan made an urgent decision «On the activities of the Writers' Union of Uzbekistan.» It was concluded that Oybek was responsible for all the mistakes and shortcomings in the activities of the Writers' Union. Immediately on July 9-10, the III Plenum of the Writers' Union of Uzbekistan was convened and Oybek was removed from the post of chairman of the association and editor of the magazine «Sharq yulduzi». But the opposition was not satisfied with this either. During the plenary sessions of the Writers' Union of Uzbekistan in 1950-1951, Oybek was falsely and hypocritically beaten in the magazines «Communist», «Sharq yulduzi» and the newspaper «Qizil O'zbekiston». In early 1951, the party organization headed by V.Milchakov removed Oybek from the party. On November 30 of that year, the Writers' Union expelled him from the board. These sufferings and tragedies of life dried up the great writer's tiredness. He was initially diagnosed with a microstroke, paralyzed his right arm, and lost his tongue.

RESULT AND DISCUSSION. On February 21-22, 1952, the X Plenum of the Communist Party of Uzbekistan was convened. The first secretary of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan A.E. Niyazov made a report «On the state of ideological work in the country and their improvement.» [6] The report was aimed at discrediting the name of Oybek, who was seriously ill from head to toe. The Institute of Language and Literature, headed by Oybek, does not study the history of Uzbek literature, does not evaluate the folk epic «Algomish» in a Marxist-Leninist position. In the preface to the Anthology of Uzbek Poetry, the author criticizes the author for «anti-people», «idealization» of the historical past in the novel «Navoi», «widespread use of Arabic-Persian words incomprehensible to the general public». wanted to give. So much so that Oybek's opponents, in collusion with their counterparts in the neighboring Republic of Tajikistan, published an article in the December 7, 1952, issue of the Communist Tajikistan newspaper by Abdulgani Mirzaev, Candidate of Philological Sciences, «Against the Disturbance of Historical Truth.» The author of the article was later awarded the title of Honored Scientist of Uzbekistan. In this article, the author unreasonably criticized some historical points in Oybek's novel «Navoi», the main purpose of which was to publish a work that won the Stalin Prize and was translated into a number of languages around the world. The destruction of Navoi was tantamount to the death of the great writer. With this in mind, with the help of the Secretary for Ideological Affairs of the Communist Party of Uzbekistan H. Tursunov, forces well acquainted with Oybek's work prepared an article against the novel «Navoi». However, this article was published on May 16, 1953 in the newspaper «Kyzyl Uzbekistan» on behalf of graduate student Botir Fayziev.[7]

At a time when Oybek was in prison, Kazakh writer Mukhtor Avezov visited Tursunov and told him that Oybek was one of the most famous figures and pride of the multinational Soviet literature, and that there was not a trace of nationalism or counter-revolution in his work or actions. «The secretary of the Central Committee found the evidence they presented to be absolutely correct and said that it was absolutely impossible to save Oybek.»[3]

A striking example of this is the fact that the key to national repression was in the hands of organizations in Moscow higher than the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan.

Those who suffered from the scourge of persecution and repression were not the only

representatives of artistic creation. Among the sociologists, Hamid Suleiman, an orientalist, A.Bobokhodjaev, a historian, O.Aminov, an economist, A.Gulomov, a linguist, and hundreds of others suffered from nationalist and anti-Soviet views. One of the ardent devotees of Uzbek science is the great scholar Hamid Suleiman, who left his name as a true patriotic scientist. The work of the scientist in the country is an example for the younger generation. Only the courage of the great scholar in the chapter on Navoi studies can be a bright proof of this idea. A careful study of more than 200 copies of devons copied at different times revealed that 3,132 poems by Hamid Sulaymon Navoi in Uzbek were distributed among dozens of devons of various sizes.

Why was a nationalist scholar like Hamid Suleiman persecuted? The indictment against Hamid Suleiman, approved by the Chairman of the State Security of the Uzbek SSR, Lieutenant General Drozdetsky, on July 21, 1951, reads as follows: "... Suleymanov, together with A.Alimuhamedov, took practical measures to exclude people they did not like (especially non-Uzbeks) in the management and education of higher education institutions and replaced them with their own people.

In 1947-1949, Suleymanov, together with Alimuhamedov, based on his nationalist views, opposed the decision of the Ministry of Education of the USSR to translate lectures from Russian and foreign literature for Uzbek students in Uzbek into Russian ... «4 volume. 232-234, 271-274).[4]

The scholar was sentenced to 25 years in prison and exiled to a place called Chuna in the Far East. He was acquitted only in February 1956.

CONCLUSION. True, we console ourselves that thousands of our compatriots who were unjustly persecuted in many areas were acquitted in 1956. The beginning of the acquittal in political affairs dates back to 1955. But the main culprit was born in the land of the national colony, pure and immaculate as a flower, a nation, a homeland, and the victims of repression were writers, poets, scientists and other dear souls who were born to live. The families and relatives of our compatriots, who were unjustly arrested and persecuted, have not been able to rise for many years as the descendants of the «enemy of the people», they have been crushed and wounded. We will never forget and have no right to forget the massacres and repressions of the enemies of our nation, the great Russian chauvinists.

REFERENCES:

1. «Fan va turmush», 1991, № 4, p.12. Karimov N. «O'zbek adabiyotining jallodlari». https://n.ziyouz.com/books/jurnallar/fan_va_turmush/Fan%20va%20turmush%20-%201991-pdf
2. «Fan va turmush», 1992, № 5-6, 7-8, 9-10, p.25. Karimov N. Oybek: «Tosh ekan boshim». <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/fan-va-turmush-1992/>
3. «Fan va turmush», 1992, № 9-10, p.25. Karimov N. Oybek: «Tosh ekan boshim». <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/fan-va-turmush-1992/>
4. «Fan va turmush», 1991, № 41, p.10. Sulaymonova F. Odamlar suyagi o'sha vaqtida qotgan. https://n.ziyouz.com/books/jurnallar/fan_va_turmush/Fan%20va%20turmush%20-%201991-11.pdf
5. Muhitdinov N. My years in the Kremlin. –T.: Uzbekistan, 1995, p.58.
6. Qizil O'zbekiston, 1952, 24 fevral, № 46 (8105), p.2.
7. Qizil O'zbekiston, 1953, 16 may, № 412 (8529), p.4.
8. Tursunov I. The cry of souls striving for independence. –T.: 1993. p.33.
9. Usmonov I. Victims of repression. –T.: Uzbekistan, 1992, pages 205, 206.
10. «Sharq yulduzi», 1989, № 4, p.174. O'tkir Hoshimov. Qo'rquv sultanati. O'zbekiston xalq yozuvchisi, 928 raqamli sobiq "siyosiy mahbus" Said Ahmad bilan suhbat. https://n.ziyouz.com/books/jurnallar/sharq_yulduzi/Sharq%20yulduzi%20-%201989_4.pdf



МАСОФАВИЙ (ОНЛАЙН) ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.058>

Хидиров Сухроб Норбўтаевич,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқув-услубий бўлум бошлиги, социология
фандари бўйича PhD*

Аннотация. Мақолада масофавий таълимни ривожлантиришининг зарурйлиги ва унинг механизмлари келтирилган. Масофавий таълим жараёнининг асосий элементлари бошқарув бўлими томонидан доимо сифат назорати остида бўлади. Бу бўлум, ўз навбатида, таълим жараёнининг барча шитирокчиларидан келаётган маълумотлар ва мулоҳазаларни таҳдил қилиши йўли билан унинг иши самарадорлиги тўғрисида хуносалар беради.

Калит сўзлар: онлайн, масофавий таълим, механизм, бошқарув бўлими, таълим сифати.

Мамлакатимизда масофавий таълим ривожига бўлган назарий қарашлар таҳлили мазкур муаммо глобаллашув жараённида таълимнинг модернизация қилиниши ва ахборотлашган жамиятнинг олий таълимга таъсири кўринишида ҳисобга олинган ҳолда етарли ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ахборотлашган жамиятда инсон билимининг илгари бирлаштириб бўлмайдиган соҳаларининг бирлашуви хос бўлиб, бунга ўхшаш жараёнлар замонавий таълим тизимида намоён бўлади. Ахборот технологияларининг бирлашуви айrim ривожланаётган мамлакатлар ахолисининг компютерлашуви талабларига асосан ОЎЮдан узоқ масофада билим олишга имкон берадиган таълимдаги янги, ўзига хос технологиялар пайдо бўлишини келтириб чикарди. Натижада, масофавий таълимнинг шаклланишига олиб келди.

Масофавий таълим тарафдорлари талаба турган жойидан қатъий назар, билим олиш имкониятига эга эканлигини унинг асосий афзаллиги деб ҳисоблайди. Бу ҳолат Ўзбекистон сингари давлат учун ўта долзарбdir. Бунинг устига масофавий таълимни талаба учун ҳар қандай қуляй шаклда, ўқув юкламасини ўз ҳоҳишига кўра, тақсимлаган ҳолда олиш, машғулотлар тўғри ташкил этилганда эса янгича дастурли-аппаратли платформалар ва электрон курслардан фойдаланиш туфайли масофавий таълимнинг юксак самарасига эришиш мумкин. «Масофавий таълим олиш жараёни турли алоқа воситалари (қоғоз, аудио ва видео узатувчи воситалар, компьютер, почта, интернет, телерадиокоммуникация, спутник) ёрдамида масофадан туриб олиб борилиши бўлиб, анъанавий, электрон, сиртқи, экстернат каби таълим ютуқларини масофавий тарзда етказиб бериш асосида ташкил этиладиган интеллектуал, ижтимоӣ, иқтисодий самарадорликка эга бўлиб, инсонни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган таълим шаклиди» .

Янги ахборот асри инсон ҳаёти барча соҳаларида глобаллашув жараёни таълимни ҳам ўзгаришига мажбур этмоқда. Ўқитишининг янги шакл ва технологиялари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Булар орасида масофавий ўқитиши технологиялари етакчи ўринни эгалламоқда. «Хорижий манбаларда глобаллашув ва глобаллашув жараёнлари олий таълимда тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишининг маҳсули», деб таъкидланган.

4. Дейкина А. Д. Преподавание русского языка в школе и вузе в контексте межкультурной коммуникации: материалы междунар. науч.-практ. конф. М. : МПГУ ; Ярославль : РЕМДЕР, 2010. 516 с.
5. Колесникова А. Ф. Проблемы обучения русской лексике. М. : Рус. яз. 1977. 92 с.
6. Левицкий Ю. А. Общее языкознание: учеб. пособие. Изд. 4-е. М. : ЛИБРОКОМ, 2009. 266 с.
7. Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. Страсбург, 2001; Русская версия. МГЛУ, 2003. 8 с.
8. Пулькина И. М., Захава-Некрасова Е. Б. Учебник русского языка для студентов-иностранных. Изд. 6-е. М. : Дрофа, 2003. 608 с.
9. Практическая грамматика русского языка для зарубежных преподавателей-руссистов / под ред. Н. А. Метс. М., 1985. 240 с.
10. Покровский М. М. Избранные труды по языкознанию. М., 1959.
11. Розенталь Д. Э., Теленкова М. А. Словарь-справочник лингвистических терминов : пособие для учителя. 3-е изд., испр., и доп. М. : Просвещение, 1985. 284 с.
12. Реформатский А. А. Введение в языкознание. 4-е изд. Просвещение. 2001. 536 с.
13. Соломник А. Б. Язык как знаковая система. Изд. 2-е. М. : ЛИБРОКОМ, 2010. 224 с.
14. Ширшов И. А. Теоретические проблемы гнездования. М. : Прометей, 1999. 236 с.
15. Щукин А. Н. Методика преподавания русского языка как иностранного : учеб. пособие для вузов. М. : Высш. шк., 2003. 334 с.



**КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ ВА АРМ ФАОЛИЯТИ АСОСИДА ФИЛОЛОГИК
ОТМДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
ИНТЕГРАЦИОН-МЕТОДИК ЁНДАШУВ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.053>

Ахмедова Малоҳат Эргашевна,
ТТАЎзбек ва хорижий тиллар кафедраси мудири п.ф.н. доцент

Аннотация. ОТМ Кредит-модул тизими ва АРМ фаолияти асосида ОТМда мустақил таълим фаолиятини такомиллаштиришинг интегратсион-методик ёндашуви, ойли таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарши, мустақил бошқарадиган ОТМ фаолияти таҳлил этилган. Олий таълиммуассасаларини илгор жсаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод дарслеклари, кредит-модул тизимининг тамошларига асосланади. Шахсга йўналтирган таълимни ташкил этиши ва таълимда шаффоффликка эришиши, таълимда мослашувчанликни кучайтириши ҳамда талабалар мобилигини кучайтириши ЭСТС кредит-модул тизими таркиби икки зарур элементдан иборат эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Калим сўзлар: ЭСТС, ИРС, ўрганиши натижалари, ГПА, ЭРАСМУС, Таълимни ривожлантириши жамгарма

**ИНТЕГРАТИВНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ПОДХОД К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ
САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ НА
ОСНОВЕ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ И ИРЦ**

Ахмедова Малоҳат Эргашевна,
Кандидат педагогических наук, доцент, заведующая кафедрой узбекского и
иностранных языков Ташкентской медицинской академии

Аннотация. На основе кредитно-модульной системы вуза и деятельности ИРЦ разработан интеграционно-методический подход к совершенствованию деятельности самостоятельного образования в вузе, деятельности высших учебных заведений, местного самоуправления, самостоятельно управляемых вузов. анализируются. Учебники нового поколения, созданные на основе передового мирового опыта высших учебных заведений, строятся на принципах кредитно-модульной системы. Важно, что структура кредитно-модульной системы ECTS состоит из двух необходимых элементов: организации личностно-ориентированного обучения и достижения прозрачности в образовании, повышения гибкости в образовании и усиления студенческой мобильности.

Ключевые слова: ECTS, IRC, результаты обучения, GPA, ERASMUS, Фонд развития образования

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021-йил 19-ноябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари учун кредит-модул тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича киска муддатли тренерлар тайёрлаш курсини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли бўйруги. “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021-йил 19-ноябрдаги 483-сонли бўйруги ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 01-387-сонли бўйруги Олий таълим тизимида кенг жорий этилмоқда. [6; 1] Таълим муассасалари кутубхоналари миллиятнинг маънавий маданияти ва маънавий онгини шакллантириш ва сақлашда, адабиёт ва китобхонликни тарғиб қилишда муҳим рол бажаради. Унинг мақсади нафақат китобларни йиғиш, китобларни нашр этиш ва тарқатиш, балки илмий гоялар ва қадриятларни асраб-авайлаш, уни авлоддан-авлодга ва уни кенг китобхонлар оммасига етказишидир. [5; 1] Олий ўкув юртлари кутубхоналарига яъни АРМга юклатилган вазифалар илмий тафаккурни ривожлантириши ва жамиятнинг дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги йилларида замонавий талабларни ҳисобга олган холда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-аҳлоқий қадриятларни

сақлаб қолишига йўналтирилган принципиалянги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида 2006-йил 20-июнда О?збекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ахборот кутубхона билан таъминлашнин ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-381-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан қўйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Оилӣ таълим муассасалари талабалари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш; - миллӣ маънавий-аҳлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, ҳалқнинг маданий-тариҳий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш - янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш; - маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллӣ маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш. Ахборот-ресурс марказлари деганда таълим муассасаларининг ўкув, илмий ва маънавий-маърифий соҳаларини қамраб оладиган, шунингдек ушбу соҳаларнинг ривожланишида фаол қатнашадиган алоҳининг таркибий қисми тушунилади. Ҳозирга замон ахборот-ресурс марказлари анъанавий кутубхоначиликни сақлаган ҳолда ахборот даврига мос иш олиб боришилари талаб этилади ва улар оилӣ таълим муассасаларининг ўкув, илмий ва маънавий-маърифий фаолиятини ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради ҳамда мустақил таълим фаолияти мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш; - миллӣ маънавий-аҳлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, ҳалқнинг маданий-тариҳий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш; - янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш; - маданий, таълимиy, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун оилӣ таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, мустақил бошқарадиган ОТМ фаолияти билан боғлашимиз мумкин. Олий таълим муассасаларини илғор жаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод дарслклари, ўкув қўлланмалари ҳамда даврий нашрлар билан тизимли таъминлаш максадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 10-октябр куни 816-сон “Олий таълим муассасаларини ўкув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 2020 йилда “ОТМда ўкув жараёнига кредит-модул тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ти Низом жорий этилиши ушбу қарор билан Олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий ўкув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш, уларни харид қилиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом, хорижий ўкув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳrir қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми, олий таълим муассасаларини ўкув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарслклар ва ўкув қўлланмаларини янгилаб бориш тартиби тўғрисида низоми ҳамда мустақил таълими тизими учун ўкув адабиётларини яратишга қўйилган талаблар тасдиqlangan. Замонавий таълим муассасаси кутубхонаси -Ахборот-ресурс марказлари учун юқори сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган бир неча жиҳатларни кўриб чиқамиз. Энг асосийси – ОТМда Ахборот-ресурс марказларидан фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилган бўлиши зарур. Ахборот-ресурс марказлари одатдаги кутубхоналардан фарқ қиласи, чунки унинг фондидаги адабиётлар Олий таълим муассасаси йўналишига мос келиши керак, Олий таълим муассасаси йўналишидан келип чиқиб, мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ максимал миқдордаги турли хил адабиётлар билан тўлдирилган бўлиши шарт. Ахборот-ресурс марказлари фойдаланувчилари, яъни талабалар учун фойдаланишда содда, осон бўлган сайт, фондини тўлиқ рақамлаштириш чораларини кўриш ва масофадан фойдаланиш имконини берадиган электрон базасини яратиш зарур. Ахборот-ресурс марказлари замонавий техник воситалар



билин жиҳозланган бўлиши зарур. Ахборот-ресурс марказлари фойдаланувчилари асосан талабалар бўлганилиги учун улар доимо мустақил таълим олиши, ёзма ишлари ёзиши мумкин, шунинг учун қўшимча кўрсатилиши зарур (матнларни чоп этиш, сканер қилиш, нусха кўчириш, адабиётлар рўйхатини тузиш ва бошқалар) Шунингдек, кутубхоначилар ҳам талабаларга ёрдам беришга тайёр бўлиши ва хушмуомала бўлишлари керак. Ахборот-ресурс марказларининг асосий тамойили фойдаланувчиларга исталган жойда, исталган шаклда ва исталган вактда ахборот манбаларини тақдим этишдан иборат. Ахборот-ресурс маркази кутубхоначилари, замонавий фойдаланувчиларга инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда замонавий хизмат кўрсатишни билиши, бошқа маданият, дин, миллат вакилларининг манфаатларини ҳисобга олишлари, ёшларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишда талабаларнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, ойлй таълим муассасасига янги келган биринчи курс талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи битирувчи талабаларнинг эҳтиёжидан катта фарқ қиласди, доимий равишда талабаларда ўз устида мустақил ишлаш ва шахсий ривожлантириш, шунингдек талабанинг ижодий салоҳиятини очиб бериш, ўқиши доирасидан ташқари ўз касбига ва касб фанларига қизиқишини очиб бериш каби ишларда талабаларни кўллаб қувватлаш мухим аҳамиятга эга.[3,77] АРМ фонди маҳаллий нашриётлардан, бошқа университетлардан, китоб муаллифларидан, Масалам Тошкент Юридик университети Республика ойлй таълим муассасалари орасида намунали АРМ фаолиятида мустақил таълим олиш учун фойдаланиладиган Глазго университети (Лондон, Буюк Британия, 146 та китоб), Бостон коллежи юридик факултети (86 та китоб) каби хорижий шериклардан олинган адабиётлар билан таъминланганлиги мухим аҳамиятга эга. Айниқса . Нагоя университети (36 та китоб), Лондон юридик мактаби (37 та китоб), Финляндия университети (3 та китоб), шунингдек Германиянинг Халқаро Ҳамкорлик Жамияти ва Ўзбекистон Республикасининг Қизил ярим ой жамияти (1500 га якин китоб мавжуд) Ахборот-ресурс марказида ҳозирги вақтда жаҳон илмий ҳуқуқий таълимбазаларидан фойдаланиш имконияти яратилган. Бугунги кунда ойлй таълим муассасаларида бундай намунали тизимни жорий этишда кенг қамровли семенар -тренинглар олиб борилмоқда.

Тадқиқот доирасида таҳлилларга эътибор қаратсак айнан АРМнинг бой манбалар эгалиги асосида кредит-модул тизимига ўтиши ва кредит-модул тизими АҚШда энг биринчилардан жорий этилганлигига гувоҳ бўламиз. ЭСТС кредит-модул тизими ўзагида ҳам АҚШ академик кредит тизими тамойиллари ётади. Кредит-модул тизими илк бор XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда жорий этилган. 1869 йилга келиб Гарвард Университетига ўша даврнинг энг илғор фикрловчиларидан бўлган Чарлес Эллиот президент этиб сайланади. Гарвард Университетида талабалар ўкув дастурида таклиф қилинадиган фанлар орасидан ўзлари хоҳлаган, қизиқкан фанларни танлаб, ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Талаба ўқиши дастурини маълум маънода ўзи шакллантириш имкониятига эга бўлган эди. Университет фанлари рўйхатини иқтисодиёт, меҳнатбозори ва талабалар эҳтиёжларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Ўз фанларига талабаларни жалб қилиш мақсадида ўқитувчилар ҳам дарс машғулотлари сифатини яхшилашга ва мустақил таълимни яхшилашга ҳаракат қила бошлайди. Дарс машғулотларида талабаларнинг фаоллиги ҳам анча ортади. Қатъий ўкув дастурлардан воз кечгандан сўнг, университет олдида бир қанча саволлар туғила бошлайди. Талабаларнинг курсдан- курсга ўтиши ёки битириши қандай мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Талабаларнинг ўқиши дастуридаги ривожланишини нималар билан ўлчаш мумкин?. Талабалар мутахассис сифатида шаклланиши учун қанча билим эгаллаши керак. Оддий ечим: хар бир фанга унинг ўқиши юкламасидан келиб чиқиб рамзий ўлчов бирликлари, яъни кредитлар тақсимланиши кераклигини ҳис этишади. Аста-секинлик билан бошқа университетлар ҳам Гарвард Университети амалиётини ўзларида кўллай бошлайди. Қайси университетлар шу амалиётни кўлласа, ёшлар орасида шу университетларга қизиқиш орта бошлайди. Кредит тизими тамойилларини АҚШ олий таълим муассасаларида янада кенгрок тарқалишининг кейинги босқичи 1900 йиллар бошларида рўй берди. 1906 йилда АҚШдаги пўлат саноати магнати, Энджю Карнеги олий таълим муассасаларининг ўқитувчиларини кўллаб-

кувватлаш мақсадида “Таълимни ривожлантириш жамғарма” сини (ТРЖ) ни ташкил этишади. Жамғарма Эндио Карнеги пулларини ўқитувчиларга улар ўқитган фан кредитлари миқдорига қараб тақсимлашга қарор килади. 1976 йилда Европа Иттифоқи давлатлари таълим вазирлари мазкур давлатлар университетлари ўртасида ҳамкорликда ўқиши дастурлари жорий этиш борасида келишувга эришишишади. [1; 77] Лойиҳани амалга ошириш ва амалиётга татбиқ этиш учун, лойиҳанинг молиявий ва ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишида 10 йилдан кўпроқ вақт керак бўлди. 1987 йилда Европа иттифоқининг Лондон Саммити давомида иттифоқ аъзо мамлакатлари ОТМлари ўртасида талабалар алмашинувини кўллаб-кувватловчи Эрасмус (ЭРАСМУС) дастури ташкил этилади. Дастур муваффақияти учун энг муҳим шартлардан бири бу талабалар хорижда ўрганган фанлари ўз университетига қайтгандан сўнг тегишли таълим даражасини қўлга киритишлари учун тан олинишига эришиш эди. 1989 йилга келиб Европа Иттифоқида янги кредит-модул тизими қоидалари ишлаб чиқилади ва уни Эуропеан Средит Трансфер Систем (ЭСТС) деб номлайди. Европа Иттифоқи давлатлари университетлари ўртасида талабалар алмашинувини ривожлана бошлайди. 1999 йилга келиб Европада Болоня таълим тизими жараёни деб аталган Европа мамлакатлари олий таълим вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш халқаро форуми иш бошлайди. Форумнинг мақсади Европа давлатларида олий таълим стандартлари ва сифатини уйғунлаштиришга қаратилган эди. Хозирда ЭСТС кредит-модул тизими Европанинг 48 давлати олий таълим муассасалари томонидан турли даражада таълимни бошқариш усули сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Европадаги энг қадимги олий ўқув юрглари Салернодаги Олий тиббиёт мактаби ва Болоня университети (Италия, XI аср), Париж университети (Франция, XII аср), Кембриж ва Оксфорд университетлари (Англия, XIII аср). 1400-йилга келиб Европада 55 та университет фаолият юритган ва ҳар бир университетда кутубхона бўлган, 1756-йилда очилган, Россияда Москва университети кутубхонаси ўзининг биринчи кунлариданоқ нафақат университет, балки оммавий кутубхона сифатида ҳам ишлади. Ўзбекистонда университет кутубхонаси 1918-йилда Марказий Осиё ва Қозогистонда олий таълим асосчиси ҳисобланган Туркистон халқ университети, ҳозирги Мирзо Улуг?бек номидаги Ўзбекистон Миллий университети негизида ташкил этилган. Бундан ташқари, у бутун Ўрта Шарқдаги биринчи университетдир (Техрон университети 1934-йилда ташкил этилган, 1946-йилда Кобул университети, Ўрта Осиёда энг қадимги, Тошкент университетидан кейин, Самарқанд университети 1927-йилда ташкил этилган). Демак, кўриниб турибдики АРМ билан ОТМда кредит тизимни жорий этишда энг аввало бир-бирига интегратсион бўлган жиҳатларига эътибор қаратамиз. [2; 68] ЭСТС – Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими, кредит таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муйян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Кузатишларимиз ва олиб бораётган тадқиқотларимиз натижасида ОТМ Кредит-модул тизими ва АРМ фаолияти асосида ОТМда мустақил таълим фаолиятини такомиллаштиришнинг интегратсион-методик ёндашуви асосида бугунги куннинг энг долзарб кредит таълимига хос муаммоларига дуч келишимиз табий ҳол. [1; 57] Ўқишининг меъёрий муддат

Хафталар сони. Кредитлар миқдори ҳамда академик соатлар миқдори:

3 йил	152	180	5400
4 йил	204	240	7200
5 йил	256	300	9000
6 йил	308	360	10800

Таълим дастури – Бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассисликларидан бири бўйича барча ўқув-меъёрий ҳужжатлар мажмуи, норматив ҳужжатлар, умумий маълумотлар, хизмат ва ресурлар, ўқув фанлари дастурлари тўғрисида ахборот ва х.к. Фанлар каталоги – Ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича мажбурий ва танлов фанлари ҳақида маълумотлар мажмуи. Фан коди, фан номи, қисқача тавсифи, кредит миқдори, семестри, ПУ ҳақида маълумот; ГПА – ўзлаштирилган балларнинг ўртacha қиймати. ГПА ҳар семестр ва ҳар бир ўқув йилида ўқитилган фанлар бўйича талабанинг кредити ва



баҳоларининг кўпайтмаси ва қўшилмаси ўргачасини ҳамда шу асосда талабанинг курсдан курсга ўтиши ёки қолдирилишини белгилаб беради, шунингдек академик мобилликни амалга ошириш учун асос бўлади. Кредит тўплаш – ҳар бир семестр учун ажратилган 30 кредитни ҳар бир фан кесимида ЙН натижасига қараб, тақдим этилади. Бунда тегишли семестрдаги фанларга ажратилган кредитларни олиши учун талаба ушбу фанлардан ЙН асосида ижобий баҳо, яъни 3, 4, 5 баҳолар олсагина, ажратилган кредит тўлиқ тақдим этилади. Баҳолаш – ОЎМТВнинг 2018-йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғи асосида тасдиқланган Низом бўйича талабалар фанлар кесимида баҳоланади. Бунда фанлардан талабаларни баҳолаш учун оралиқ ва якуний назорат турларидан фойдаланилади. Аммо курсдан курсга қолдириш ВМнинг 2020-йил 31-декабрдаги 824-сонли қарори асосида амалга оширилади. Академик қарздорлик - 1-ҳолатда агар талаба муайян фандан ОН туридан қониқарсиз баҳо олса, ёки фанга ажратилган аудитория соатларининг 25 фоизини ва ундан юқорисини сабабсиз қолдирса, ЙН турига киритилмайди ва академик қарздор ҳисобланади; 2-ҳолатда агар талаба муайян фандан ЙН туридан қониқарсиз баҳо олса, ёки иштирок этмаса, академик қарздор ҳисобланади. Иккала ҳолатда ҳам кредит тақдим этилмайди. Академик қарздорлик талабанинг курсдан курсга қолдириш учун асос бўлмайди, лекин ГПА қийматининг етарли бўлмаслигига олиб келади, натижада ГПА қиймати ($2,4 - 3,0$ қиймат оралиғда белгиланади) университет томонидан белгиланган миқдор бўйича амалга оширилади. Академик қарздорликни бартараф этиш учун талаба ўз ҳисобидан кейинги семестр давомида ёки ёзги таътил вақтида қайта ўзлаштириб, тегишли назорат турини қайта топшириб, ижобий баҳо олиш натижасида бартараф этади. Ўқиш юкламаси – талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари (аудитория ва мустақил таълим машгулотлари, курс иши, амалиётлар) амалга ошириш учун кредитларга мос равишда соатлар ҳажми; Транскрипт – талабанинг академик маълумотлари ҳамда ҳар семестрда ўқитилган фанлар рўйхати, ўзлаштирилган баҳолар, кредитлар ва ГПА қийматининг кўрсатгичларини ўз ичига олган намунавий шаклдаги хужжат (Амалдаги баҳолаш дафтарчасининг мұқобили шаклидаги хужжат). Талабанинг шахсий электрон кабинети – талабага ўқув жараёнига тегишли маълумотларнинг ўз электрон саҳифасида акс эттирилиши, ўқув режа, фан дастури, фанлар каталоги, дарс жадвалини тузиш, таълим траекторияси, стажировка маълумотномаси, транссрипт, қайдномалари, танлов фан ва Пўни танлаш имконияти, ўқув адабиётлар рўйхати ва х.к. Пўнинг шахсий электрон кабинети – Пў ҳақида маълумот, ўқувга тегишли маълумотларнинг ўз электрон саҳифасида акс эттирилиши: ўқув режа (ишчи), фан дастури (силлабус), фанлар каталоги, қайднома, дарс жадвалини тузиш, талабалар рўйхати, баҳолаш меъзонлари, давомат журнали, ўқув адабиётлар рўйхати, савол-топшириклар тўплами, шахсий иш режаси, илмий-услубий ишлари ва х.к. ГПА ҳисоблаш шакли – Мисол учун ТНА факултети 1-курс ГПА = $7*4(28) + 3*4 (12) + 6*5 (30) + 6*5 (30) + 3*5 (15) + 2*5 (10) + 3*5 (15) = 140$. фанга ажратилган + 3 + 6 + 6 + 3 + 2 + 3 = 30 кредит $140 / 30 = 4,6$ ГПА – 4,6. Кредит-модул тизимининг тамойиллари. Шахсга йўналтирган таълимни ташкил этиш (студент-сентеред леарнинг). Таълимда шаффоффликка эришиш (транспаренсий); Таълимда мослашувчанликни кучайтириши (импровинг флексиблитий). Талабалар мобиллигини кучайтириш (импровинг студент мобилитий). Барча турдаги ўқув ишлари 54, Аудиторийка машгулоти 24-32 соат. Ўқишнинг нормативе муддати 4 йил. Ўқув жараёни 204 хафта. ЭСТС кредит-модул тизими таркиби икки зарур элементдан иборат. Ўқиш юкламаси (леарнинг workload) Ўқиш натижалари (леарнинг оутсомес) Кредит. Ўқув юкламаси 30 соат (Леарнинг workload) 40 % Контакт соат (12 соат) 60 % Мустақил таълим соати соат). Талаба ўқув юкламасининг таркибий қисмлари. Фанларни кредитларга ажратиш: модулар ва нон-модулар. Курс давомида бир хил кредит миқдорига teng фанлар. Курс давомида ҳар хил кредит миқдорига teng фанлар. Талаба ўқув юкламасининг таркибий қисмлари. Кредитлар миқдори. Бакалавр - 240 кредит. Магистратура – 120 кредит. Фанлар асосий, танлов, факултатив. Соатлар тақсимоти. Контакт соат – 40%, Мустақил таълим – 60%. Кредит-модул тизими бакалавр 240 кредит 60 кредит (1 йил) Магистратура 120 кредит 60 кредит (1 йил). Бакалавр 240 кредит, 60 кредит (йилига о’ртacha) 30 кредит (1-семестр) 30 кредит (2-семестр) 1 кредит = 30 соат (14 соат назарий ва амалий та’лим

+ 16 соат мустақил та'лим) 1 кредит = 30 соат , (14 соат назарий ва амалий та'лим + 16 соат мустақил та'лим) 13 кредит, (назарий ва амалий таълим) – 43 % 17 кредит, (мустақил таълим) – 57 %, 17 кредит, (мустақил таълим) – 57 %, 6 ёки 7 та фан бўйича, 13 кредит * 30= 390 соат , (1 семестр), 390 : 15 (ҳафта) = 26 с. Ҳафталик аудитория соати = 26 соат. 1 кредит = 30 соат, 1-курс 1-семестр 15 ҳафта, 2-семестр 15 ҳафта Аттестациялар. 6 ҳафта 2-курс 3-семестр 15 ҳафта, 4-семестр 15 ҳафта. Аттестациялар 6 ҳафта 3-курс 5-семестр-15 ҳафта 6-семестр 15 ҳафта Аттестациялар 6 ҳафта, 4-курс 7-семестр 15 ҳафта 8-семестр-15 ҳафта. Аттестациялар 6 ҳафта этиб белгиланади. [1; 34]

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, талабанинг шахсий тазлим траекторияси талаба томонида танланган ҳамда унга кетма-кетлиқда билимлар тўплаш ва ҳохлаган компетенсиялар ийғиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институсионал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижасида бир хил малака олишга олиб келиши мумкин. Ушбу жараёнда талаба мажбурий фанлардан ташқари танлов фанларни ва ПЎларни мустақил танлаш имкониятига эга бўлади. Ўқув йилининг бошида 1 ҳафта кредит таълим тизимиға кириш ҳафталигага амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Усмонов Б.Ш, Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т. “Тафаккур” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
 2. Ахмедова М.Э. Педагогика назарияси ва тарихи (Ўқув қўлланма) – Т.: Тафаккур бўйтони, 2011.134 б.
 3. Ш.С.Шодмонова, М.Э.Ахмедова ва бошалар. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. Дарслик. - Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2019. 214-б.
 4. Азизхўжаева Н.Н.Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т.:2006.
- Интернет сайтлар
- 5.httpz – O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
 6. http://lex.uzz – O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi
 7. http://bimm.uz – Oliy ta’lim tizimi pedagog va rahbar kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni tashkil etish bosh ilmiy-metodik markazi
 8. http://ziyonetyt.uz – Ta’lim portalı ZiyoNYeT
 8. www.pedagog.uz
 9. www.Ziynet.uz
 - 10 www.Edu.uz



ЭРТАКЛАРДА САФАР МОТИВИННИГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.052>

*Нематова Хулкар Абдулбакиевна,
Жizzakh Davlat pedagogika institutu, mustaqil tадқиқотчи*

Аннотация: Мақолада ўзбек халқ әртакларида сафар сюжетни ҳаракатга келтирган муҳим мотивлардан бири ҳисобланиши, сафар мотиви аксарият ҳолларда туши+синов мотивлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳаракат мотивлар сирасига кириб, әртакларнинг ҳар учала турнида ҳам фаол қўлланилиши, қолаверса, сафар қаҳрамоннинг мардлигини синаши, жасорат кўрсатиши, ҳомий кучлар билан яқинлашиши ва ниҳоят уни ўз мақсадига етказни учун восита бўлганлигини ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Сафар, саёҳат, «Кимёи саодат» асари, ботиний сафар, зоҳирий сафар, чўпчак, эртак термини, мотив тушунчаси, мотив-ҳаракат, актив мотив, сафар мақсади, сафар машаққатлари, сафар натижаси.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МОТИВА ПУТЕШЕСТВИЯ В СКАЗКАХ

*Нематова Хулкар Абдулбакиевна,
Джиззакский государственный педагогический институт, соискатель*

Аннотации: В статье отмечается, что в узбекских народных сказках путешествия - один из важнейших мотивов сюжета, мотив путешествия часто тесно связан с мотивами сна + теста и включается в мотивы действия, активное использование во всех трех типах сказок, а также идея о том, что поездка была средством проверить отвагу героя, проявить храбрость, стать ближе к покровителям и, наконец, привести его к своей цели.

Ключевые слова: Путешествие, путешествие, произведение «Химическое счастье», внутреннее путешествие, путешествие вовне, термин, термин сказки, понятие мотива, мотив-действие, активный мотив, цель путешествия, трудности путешествия, результат путешествия.

USE OF THE TRAVEL MOTIF IN FAIRY TALES

*Nematova Hulkar Abdulbakievna,
Jizzakh State Pedagogical Institute, independent researcher*

Annotation: The article notes that in Uzbek folk tales, travel is one of the most important motives that set the plot in motion, the motive of the journey is often closely related to the dream + test motives, action is one of the motives and is actively used in all three types of fairy tales, as well as the idea that the trip was a means to test the hero's courage, show courage, get closer to the patron forces and finally reach his goal.

Keywords: Journey, travel, the work «Chemical Happiness», the inner journey, the outer journey, the term, the term of the fairy tale, the concept of motive, motive-action, active motive, the purpose of the journey, the hardships of the journey, the result of the journey.

Азалдан инсон ҳаётида сафар, саёҳат муҳим аҳамиятга эга ҳодисалар сирасига киради. Тарихда умрини сайру саёҳатга бағишилаган шахслар бўлишган, улар ҳаётини хатарга қўйиб янги ва нотаниш эллар, маданиятлар билан танишганлар, ўз эсдаликларини турли сафарномаларда иншо этганлар. Сафар ва мусофири (сафар қилювчи) ҳақидаги ҳадисларда ҳам саёҳат улуғланганлигини кўришимиз мумкин. Зоро, мусофирига садақа беришнинг савоб аталиши, дуоси шаксиз мустажоб бўладиган олти турдаги кишилар сирасига мусофириларнинг ҳам киритилиши пайғамбар саҳобаларининг дин йўлидаги сафарга чорлаш бўлибгина қолмай, илм йўлида ёки «Қуръони карим» тавсия қилган ибрат олиш учун сафар қилишга ҳам даъват этади.

Ислом оламидаги улуғ ислоҳотчи олим ҳужжат ул-ислом Абу Ҳомид Муҳаммад

Фаззолий «Кимёи саодат» асарида сафарни иккига бўлади, яъни ботиний ва зоҳирий сафар ҳакида сўз юритади. Ботиний сафар деб руҳий-маънавий саёҳатни тушунган мутафаккир, унинг таърифи бу рисолага сигмайди, деб маълумот беради.

Зоҳирий сафар шартларини баён этган Фаззолий аввалги бобда сафарнинг ният, одоб ва турлари ҳакида маълумот беради:

1. Аввалги сафар илм талабида йўлга тушиш бўлиб, улуғ олим «илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор», деган хадисга асосланиб, бундай сафарни фарз деб ҳисоблайди.

2. Иккинчи тариқа ёмон сифатлардан ҳалос бўлмоқ учун сафарга чиқиш бўлиб, бу энди «Қуръони карим»да бевосита тавсия этилган ва Ибн Баттута эътироф этган ибрат олиш учун қилинган сафардир. Бундай сафар ҳакида Фаззолий қуидагиларни ёзади: «... Вақтики сафарда бўлса, ўзига ёмон феъли маълум бўлур ва сафар ранжидин ўзининг ожизлиги, заифлиги ва бадхўйлигини билиб олур». Бишр Рофий р.а бу ҳақда: «Эй яқинларим, сафар қилинглар, токи пок бўлгайсизлар, чунончи сув бир ерда турса таъми бузилур», деган деб эслаб ўтади.

3. Учинчи тариқи сув ва қуруқликдаги ажойиботларни томоша қилиш орқали Яратган қудратини билиш, ҳис этиш учун керакдир. Бу навъ сафар ҳам фойдалидир, деган Фаззолий бундай сафарга ибодат учун ҳаж тавоғ қилмоқ, авлиё, анбиё ва тобеъинларнинг мозорларини зиёрат қилмоқ, уламо ҳамда улуғларнинг дийдорига мушарраф бўлиб, дуоларини олмоқ кабиларни киритади.

Иккинчи сафар хаёт енгилроқ томонга азм этиш, учинчи сафар эса тижорат сафари ҳисобланиб, буни Фаззолий юқоридаги сафарлар сирасига қўшмаса-да, маъқуллайди. Саёҳатнинг тўртингчи тури кўнгил очиш учун қилинадиган сайру саёҳат бўлиб, Фаззолий бундай саёҳатни фойдаси ҳам, зарари ҳам бўлмаган сафар сирасига киритади.[1.114] Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳар бир шарқлик, айниқса, мусулмон кишиси учун сафар қилиш фарз амаллар қаторида саналиш даражасига етди. «Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан» қабилидаги мақоллар пайдо бўлган. Мусулмон Шарқининг ўзида эъзозланган сафар, сайру саёҳат унинг адабиётига ҳам таъсир этмай қолмади.

Эртаклар – халқ тафаккурининг энг ёрқин кўзгуси ҳисобланади. 2010 йил нашр этилган «Адабиётшунослик луғати»да эртак истелоҳига қуидагича таъриф берилган: «ЭРТАК – халқ оғзаки ижодидаги эпик жаңр, чўпчак. Эртак барча халқлар оғзаки ижодида қадимдан шаклланган ва фаол жанрлардан саналади. Эртаклар, асосан, насрда яратилиб, сюжети асосида сехрли-фантастик, саргузашт ёки майший характердаги воқеалар ётади. Воқеалар баёни ва талқинида ижодий фантазия, тўқима салмоқли ўрин тутади». [2.370] Эртакларда халқнинг кундалик ҳаётда кўзга ташланмайдиган пинҳон томонлари, энг ёрқин орзу-истаклари нажоткор қаҳрамонлар тимсолида кўзга ташланади. Таникли фольклоршунос олим Буюк Каримий «Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари» номли мақоласида эртак ва унга маънодош чўпчак терминларига изоҳ бериб, қуидагиларни ёзади: Эртак термини узоқ замонларнинг мевасидир. Лекин қайси замонлардан бери «эртак» шаклида ишлатила бошлиғанлиги ҳакида қатъий бир нарса дейишига ҳали қийналамиз. Аммо илгарилари «эртаки» шаклида ишлатилгани бизга маълум. Луғатларга мурожаат этганимизда «эртаки» сўзининг қадимий сўз, афсона, ҳикоят, қисса, ҳатто достон маъноларини ўз ичига олганини кўрамиз... Халқ ўртасида «эртак» термини вазифасини кўп ерда ҳали ҳам «чўпчак» адо қилиб келади... «Чўпчак» эмас, балки «чўрчак» сўзининг – афсона, эртак, матал маъноларини тошиб юрганини луғатлар орқали топишимиз мумкин... Мақолада тадқиқотчи рус фольклоршуноси Н.Андреев таснифига кўра, ўзбек халқ эртакларини учга бўлиб, таснифлайди: 1) Ҳайвонлар ҳакидаги эртаклар. Олим бу турдаги эртакларни энг қадимги деб ҳисоблаб, таркибида тотемистик, анимистик унсурлар ҳукмронлик қиласи, деб баҳолайди. 2) Фантастик-сехрли эртаклар. Бу турли эртакларнинг От, Бўри, Симург қуш, Ялмогиз кампир, унинг сехрли ашёлари каби кўчма қаҳрамон ва образлар асосий ўрин тутиб, инсоннинг атрофидаги олам, табиат, ҳаёт кечиришдаги бутун ҳодисалар, нарсаларнинг аксиидир», дейилади. 3) Майший-новеллистик эртаклар ҳакида сўз юритган тадқиқотчи, уларнинг асосида ижтимоий



тengsizlikka қарши кураш ғояси ётади», деб ҳисоблайди. [3.56] Ушбу таснифдан сўнг ўзбек халқ эртаклари учга бўлинган ҳолда нашр этиладиган, таснифланадиган бўлди.

Ўзбек халқ эртаклари қизикарли саргузаштларга, фавқулодда қаҳрамонлар ва акл бовар қилмайдиган лавҳаларга бойлиги билан жаҳон халқлари эртаклари хазинасида ўзига хос ўрин тутади. Эртакларда қаҳрамонлар гоҳ зарурат туфайли саёҳатга чиқсалар, гоҳ ўз баҳтларини қидириб, ихтиёрий равишда сафарга отланадилар. Умуман олиб қараганда, сафар мотиви халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлган ва халқнинг менталитети, маданияти ва турмуш тарзини ўзида ифода этадиган жанр ҳисобланган эртакларда аҳамиятли, айтиш мумкинки, сюжетни ҳаракатга келтирувчи муҳим мотивлардан бирига айланди. МОТИВ (лот. *motivio* – ҳаракатлантираман) – мусиқашунослиқдан ўзлашган термин... Адабиётшунослиқда М. Термини турли маъноларда қўлланилади. Жумладан, воқеабанд асарларда М. сюжет схемаси (мас., қаҳрамон банди этилади, унга бирон-бир қиз ёрдам беради, ўғай она ва муштипар солиҳа қиз; қаҳрамон кимсасиз етимлиқдан юксак мартабага ётади; қаҳрамон отасини танимайди, фавқулодда вазиятда унга дуч келади ва х.) ёки бирор бир нарса (мас., кўзгу, тумор), ҳолат (мас., туш кўриш, арвоҳ билан суҳбат, ўзини танитмай юриш), образ (доно вазир, вафодор дўст, ракиб) каби қатор қўринишларда воқе бўлади. [2.180] Мотив унсурининг фольклор асарлардаги ўрни ўзига хос бўлганлигини у хақда фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Х.Эгамовнинг «Мотив ва сюжет» номли маҳсус тадқиқот – мақола ёзганлигидан ҳам билиш мумкин. Ушбу мақолада тадқиқотчи фольклорда, хусусан, эртакларда мотивнинг қўлланилиши ва аҳамияти хусусида сўз юритади: «Айниқса эртаклардаги хилма-хил мотивлар унинг сюжет қурилишида қолипловчи, зарур ўринлардан бирини ташкил ётади. Эртак қаҳрамонларининг уч йўлга (борса келмас, борса келар, борса келар ё келмас) қараб ажраб кетишлари, кенжа ботирнинг (ўғил) нуроний чолга (Хизр) учраши, жодугар кампир ёки девлар билан олишиб, уларни енгиб, сеҳрли буюмларни қўлга киритиши каби қатор воқеаларни кўрамиз. Шунингдек, қаҳрамонларнинг аждар, дев, тимсоҳ ва бошқа ёвуз кучлар билан қурашининг гувоҳи бўламиз. Эртаклар сюжетидаги бу каби кўплаб учрайдиган воқеалар тасвири мотивлардир. Эртаклар сюжети эса ана шу мотивлар улошмасидан ташкил топади». [5.361] Ушбу мақолада муаллиф мотивни сюжетнинг ҳаракатга келтирувчи куч эканлигини таъкидлаган ҳолда, рус фольклоршуноси Б.Путиловнинг фикрига таяниб, бир қанча турлари борлигини айтиб ўтади: «... бу кўрсатилган мотивлар ичida мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракат, тасвир – мотив, мотив – ҳаракатистикага ажратади. У бу кўрсатилган мотивлар ичida мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракатларни биринчи ўринга қўйиб, қолганларини бевосита юқоридаги мотивларга қўшилиб, уларни тўлдириб келишини айтади». [5.364] Тадқиқотчи мотивнинг бундан турларини таърифлар экан, эртакнинг қаҳрамон пассив ҳаракатда бўлган экспозицион ҳолатини мотив – ситуация эканлигини, нутқ – мотив эса подшонинг буйруғи, ёки туш кўриш каби ҳолатлар билан қаҳрамоннинг актив жараёнга киришиши деб изоҳланади. «Ҳаракат мотивга қаҳрамоннинг бевосита актив фаолияти, сафарга чиқиши, мусобақаларда қатнашуви, ҳар хил тўқнашувлари, кузатишлари киради». [5.364] Демак, кузатганимиздек, тадқиқотчи ушбу мақолада мотивнинг бир тури – сюжетни ўзида камраб олган мотив ҳолатлар ҳақида сўз юритмоқда. Айнан сафар мотивига тадқиқотчининг алоҳида эътибор қаратганлигининг сабаби, сафарни асар сюжетида муҳим ўрин тутган мотивлар сирасига кирганлигидир. Бу фикрнинг исботини биз кўйида кўриб ўтамиз. Тадқиқотчи мақолада ушбу мотивларни умумлаштириб, икки турга бўлади: «Шу жиҳатдан эртаклардаги мотивлар қаҳрамоннинг фаолияти, ҳаракатига, сюжетда тутган ўрни ва ҳолатига кўра икки хил: актив ва пассив тарзда намоён бўлади. Пассив мотивлар – қаҳрамон бевосита иштирок этмаган, унинг актив фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда учрайди». [5.370] Мотив – ҳаракатни актив мотивлар қаторига киритган тадқиқотчи, сафарни ҳам актив мотивлар сирасида санаб ўтади.

Сеҳрли ёки фантастик эртаклар аксарият тадқиқотчilar яқдиллик билан таъкидлаганларидек, энг қадимги даврларда яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари саналади. Бу турдаги эртакларда сафардаги ўзига хос қийинчилик, ундан ёрдам берадиган

ҳомий кучлар, рақиблар ёки ёвуз кучлар, сафар мақсади ва натижаси каби күшимиша мотив, образ ва персонажлар ҳам тартибга солинган. Сафар машаққати (куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро, қалин ва вахимали ўрмон ёки чакалакзор, чўққиси кўринмайдиган баланд тоғлар, борса келар, борса хатар ва борса келмас номли уч йўл, Кўхи қоф тоғи, девлар ёки парилар юрти), ҳомий кучларга учраш (парилар, девлар, Ялмоғиз кампир ёки пари момо, нуроний чол ёки Хизр, сеҳрли ёки учар от, бўри ёки қуш, ҳатто маймун) рақиблар ёки ёвуз кучларга дуч келиш (подшонинг ёвуз ниятли вазири, ялмоғиз кампир, кенжা ўғилнинг ақалари ва ҳ.к.), сафарда ёрдам берувчи буюмлар (сеҳрли инга, тароқ, кўзгу, отнинг ёли, күшнинг пари, бўрининг жуни), сафар мақсади (баҳт излаш, сеҳрли қуш, учар от, гўзал парини топиб келиш) каби бутун бир йўналиш ишлаб чиқилган. Жумладан, «Олмос ботир» эртагида ғайритабиий ҳолда туғилган қаҳрамон – Олмос ботир подшонинг топшириғи билан Булбулиг ёё қушни олиб келиш учун хатарли сафарга чиқади. Яъни ёвуз ниятли вазир подшонинг кўзи хиралашганидан фойдаланиб, Олмос ботирни йўқ килиш орқали ўз мақсадига эришмоқчи бўлиб, ушбу сафарни уюштиради. Бироқ эзгу ниятли қаҳрамонга бу сафар омад, муваффақият олиб келади. Йўлда пари ва девлар – ҳомий кучларнинг ёрдами билан мақсадига эришиб, эсон-омон қайтади. Ҳажман катта бўлмаган ушбу эртакда сафар мотиви билан боғлик бутун бошли стихияли йўналишнинг барчасини ўз ўрнида фаол ишлаганини кўрамиз. Бу ўринда сафар қаҳрамоннинг мардлигини синаш, жасорат кўрсатиш, ҳомий кучлар билан яқинлашиш ва ниҳоят уни ўз мақсадига етказиш учун восита бўлганлигини ҳам гувоҳи бўламиз.

«Паҳлавон Рустам» эртагида эса унинг қаҳрамони Рустам Девсифат деб аталган ваҳший қўлига асир бўлиб тушиб қолган ватандошларини кутқариш учун сафарга чиқади. Сафарга чиқишидан олдин у отасининг уч ўғлидан бири, бошқалар қатори оддий йигит эди. Сафар олдида ва сафар давомида уч хатарни – дев, аждар ва девнинг ҳийлагар вакилини енгди, бошка девларни ҳам маҳв этди. Бунда унга ҳомий куч сифатида отасининг маънавий қиёфаси, сеҳрли буюмлардан эса қирқ газ узаядиган қиличи ёрдам берди. Девсифатни ҳам маҳв этган Паҳлавон Рустам сафардан ўз мурод-мақсадига етади – Девсифат қўлидаги ватандошларини ҳалос қиласиди. Бу эртакда сафар қаҳрамонни ҳар томонлама тарбиялайди ва паҳлавон ҳамда доно инсон бўлишида ёрдам беради.

Эртаклар мифлардан ўсиб чиққани маълум. Мифлардаги худолар ва паҳлавонлар ҳақидаги қарашлар эртакларда дев ва париларга, ҳомий кучларга эврилган Осмон, ер ва Ер ости салтанатидан иборат мукаддас учлик эртаклардаги уч йўл, уч ният, уч шарт каби мотивларга айланган. Бироқ туркӣ ҳалқлар мифларида сафар мотивининг аҳамиятли эмаслигини кузатдик. Балки, ilk бадиий тафакқури маҳсули бўлмиш мифларда аждодларимиз олам ва инсоннинг қандай яратилгани билан қаттиқ қизикқани учун бошка нарсаларга кам эътибор қаратгандир. Ҳар нима бўлганда ҳам бу ҳодиса, сафар мотиви ўзбек ҳалқ эртакларига ислом дини таъсирида ўзлашган деган хуносага келишимизга сабаб бўлди.

Ўзбек ҳалқ эртакларида сафар сюжетни ҳаракатга келтирган муҳим мотивлардан бўлиб, адабиётшунос X.Эгамов уни актив мотивлар сирасига киритган. Сафар мотиви аксарият ҳолларда туш+синов мотивлари билан чамбарчас боғлик бўлиб, ҳаракат мотивлар сирасига киради ва эртакларнинг ҳар учала турида ҳам фаол қўлланалади. Сафар мотиви, айниқса, сеҳрли-фантастик эртакларда ўзи билан боғлик бутун бошли йўналиш марказида туради. Маиший ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳам муҳим ўрин тутган сафар мотиви қаҳрамонни шакллантириш, фаолиятга ундаш ва алал-оқибат мурод-мақсадига етказадиган муҳим foявиятни воситалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фазолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат (туркий). Тошкент: Адолат, 2005.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Тошкент: Akademnashr. 2010.
3. Каримий Б. Ўзбек ҳалқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1995. № 4.
4. Эгамов X. Мотив ва сюжет. Ўзбек фольклоршунослиги. Антология. Тошкент O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi .



CLASSROOM ACTIVITIES ACCORDING TO ORAL COMMUNICATION

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.051>

*Alaudinova Dilnoza Rustam kizi,
Termez State University, Lecturer, Department of Interfaculty Foreign Languages*

Annotation: The relevance of the article is the activity according to oral communication. There are different types of learners in the world. In some ways they learn quickly, in some ways slowly, below I summarize some classroom activities. By doing those activities you may learn new ways of learning speech. A child's executive functions are an important contributing factor to pragmatic language competence. These include the ability to focus and sustain attention, to plan and organize behavior, to self-monitor and self-regulate, and to curb impulsiveness.

Keywords: activity, language reference, summarize, types of learners, oral communication, slowly, quickly

РАБОТА В КЛАССЕ ПО УСТНОМУ ОБЩЕНИЮ

Алаудинова Дилноза Рустам кизи,

Термезский государственный университет, преподаватель межфакультетской кафедры иностранных языков

Аннотация: Актуальность статьи заключается в деятельности по устному общению. В мире есть разные типы учеников. В чем-то они учатся быстро, в чем-то медленно. Ниже я подытожу некоторые занятия в классе. Выполняя эти действия, вы можете научиться новым способам изучения речи. Управляющие функции ребенка являются важным фактором, способствующим прагматической языковой компетенции. К ним относятся способность концентрировать и удерживать внимание, планировать и организовывать поведение, контролировать себя и саморегулироваться, а также сдерживать импульсивность.

Ключевые слова: деятельность, языковая ссылка, обобщение, типы обучающихся, устное общение, медленно, быстро.

OG'ZAKI MULOQOTGA DOIR SINF MASHG`ULOTLARI

Alaudinova Dilnoza Rustam qizi,

Termiz davlat universiteti, Fakultetlararo chet tili kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya: Maqolaning dolzarbliji og'zaki muloqotga muvofiq faoliyatdir. Dunyoda har xil turdag'i o'quvchilar mavjud. Qaysidir ma'noda ular tez, qaysidir ma'noda sekin o'r ganishadi, quyida men sinfdagi ba'zi tadbirlarni umumlashtiraman. Ushbu mashqlarni bajarish orqali siz nutqni o'r ganishning yangi usullarini o'r ganishingiz mumkin. Bolaning ijro etuvchi funktsiyalari pragmatik til kompetentsiyasining muhim omili hisoblanadi. Bularga diqqatni jamlash va ushlab turish, xulq-atvorni rejalahtirish va tartibga solish, o'zini o'zi nazorat qilish va o'zini o'zi boshqarish, impulsivlikni jilovlash qobiliyati kiradi.

Tayanch so'zlar: faoliyat, til ma'lumotnomasi, xulosa, o'quvchilarining turlari, og'zaki muloqot, sekin, tez

Introduction. Children with DLD have differing core language skills, such as in their use of vocabulary and sentence structure, but most struggle to read social cues and so experience the following problems:

- Knowing when to talk and when to listen, including how to appropriately interrupt the other speaker;
- Knowing how to introduce and change topics;
- Being able to follow shifts and segues in discussions, whether one-on-one or in groups;
- Being able to retain and then follow multistage commands, such as, "Once you have answered the question on page 10, draw a line on your page and write a new heading, 'The

Aztecs’’ It is impossible to discern how much such difficulties reflect poor working memory (see below) and how much they are due to reduced comprehension abilities. The bottom line is that affected students will grasp only one or two components of the instructions above;

- Knowing how to begin and end conversations in appropriate ways;
- Taking in instructions in an environment with background noise and other distractions;
- Producing connected spoken language in order to share their own experiences (narrative discourse); explain how something works, such as the rules of a game (procedural discourse); or give a classroom presentation on a curriculum-based topic (expository discourse);

Understanding that the nature of their relationship with the other speaker will influence the communication style. For example, we display respect for authority figures by stopping what we are doing when they speak to us, by not fidgeting, by allowing the more senior partner to select and conclude topics, and by ensuring that we do not say or do things that might be construed as disrespectful, such as appearing to mock the other speaker; and

•Discerning direct communication from humor, sarcasm, irony, metaphor, and other forms of nonliteral, figurative language. Figurative language is so much a part of everyday language that we are often unaware of its presence in our conversations. Figurative language is the spice of everyday communication, but as such it can add complex flavors that make language hard for some children and adolescents to understand.

Methodology. Sometimes children with language disorders are given related but less-than-specific diagnostic labels, such as ADHD, which can exist alongside language disorders. Labels such as these may be appropriate, in the sense that children can meet diagnostic criteria for more than one disorder at a time (a phenomenon referred to as comorbidity). However, sometimes misdiagnosis occurs, and this is more likely in clinical and educational settings in which DLD is poorly understood. Because language disorders impact written language as well, the reading and writing skills of affected students will fall behind those of their peers. In turn, this deepens the struggle these children experience every day in the classroom, in terms of managing the increasingly complex written demands of the academic curriculum.

Students with language disorders often make their presence felt in the classroom by struggling to keep up academically and socially, and by missing or misreading social cues. It has been said that “learning floats on a sea of talk,” and if you are not as proficient as at least the average child in the classroom with respect to your verbal abilities, you will be left behind. Perhaps worse still, you may acquire a label such as “inattentive,” “rude,” or “disengaged.” Labels are double-edged swords in schools. They are sometimes necessary in order to gain access to additional services but can also cause adults to prejudge a child and be prone to a range of cognitive biases as a consequence.

A child’s executive functions are an important contributing factor to pragmatic language competence. These include the ability to focus and sustain attention, to plan and organize behavior, to self-monitor and self-regulate, and to curb impulsiveness. Executive abilities such as these are associated with maturation in the prefrontal regions of the brain. These areas mature considerably later than other cortical areas (typically around the early 20s), and so it is not surprising that executive functions are very much under construction in school-age children. It is also important to note that neurobiological disabilities are common in school-age children. This means that the abilities of students with developmental language disorder, ADHD, and/or autism are likely to be more fragile with respect to these important drivers of academic success.

Another important consideration is the fact that working memory is limited. Working memory roughly corresponds to what we are consciously thinking about and processing at any given time. The capacity of working memory is currently thought to be limited to about four items. These constraints apply to individuals without a learning disability, but there is evidence that working memory may be even more constrained for students with disorders such as DLD.

Discussion and recommendation. A learning theory known as cognitive load theory specifically addresses working memory limits. In essence, each task we perform, including learning tasks, imposes a “cognitive load” on working memory. As educators, we try and optimize this load. For complicated tasks that are relatively new to the learner, this involves reducing the number of items the learner must pay attention to, which can be achieved in a number of ways.



One approach is to provide students with fully worked examples or models. In addition, to avoid imposing any unnecessary cognitive load, it's best not to show students a presentation with lots of distracting animations that are not essential to the point the teacher is trying to make. Similarly, it's best to avoid asking students to read a text while you simultaneously explain the meaning of the text or summarize its messages, as such explanations force them to divide their attention. These may sound like obvious points, but, in our experience, they commonly occur when teachers present new material. On the other hand, it appears that working memory has separate channels for processing visual and verbal information. As a result, we can work around some of the working memory limits by using a relevant visual image, such as a diagram, alongside a spoken explanation of the image.

The following is a proposal of oral tasks about environmental topics according to diverse types of intelligence, learning styles and students in a class, elaborated by the learners:

I Solution to Problems (Logical, Interpersonal, Bodily/ Kinaesthetic Intelligences. Logical, Social, Physical Learning Styles. Analytic, Innovative, Common Sense, Kinaesthetic Learners)

1. The preparation of the infrastructure for the development of the area in the outskirts of a big city began three weeks ago. So far, they have provided comfort and development to many persons; however, in order to continue working it is necessary to destroy a significant number of trees which give important benefits not only to animals but also to humans.

-What do you think about this situation? Can you think of a solution?

-Do you consider necessary to continue with this developing project by clearing this area?

-What information can you provide about this environmental topic (deforestation) that is affecting our country and the world nowadays?

-What is our country doing to fight this problem?

2. A group of persons that lives in the downtown part of a metropolitan city are complaining because the air has become unbreathable. Many persons use main highways in this area to go to work in their cars; everyday, there are long traffic jams and cars spend hours releasing toxic substances which contaminate the air.

-What do you think about these persons that are affected by this problem?

-According to your personal knowledge what are the consequences of inhaling toxic substances?

-What do you consider these persons should do to counteract this situation?

II Oral Reports

(Intrapersonal, Verbal/ Linguistic Intelligences. Solitary, Verbal Learning Styles. Analytic, Common Sense, Participative Learners)

1. A tsunami is a series of waves generated when water in a lake or the sea is rapidly displaced on a massive scale. It can be generated by any disturbance that rapidly displaces a large mass of water, such as an earthquake, volcanic eruption, and landslide or meteorite impact. Make an oral report about this phenomenon. Refer mainly to the causes and consequences, as well as, the main regions in the world affected by it.

2. The term climate change is used to refer to changes in the Earth's global climate or regional climates. It describes changes in the variability or average state of the atmosphere or average weather. These changes can come from internal processes, be driven by external forces or more recently, caused by human activities. Make an oral report about the consequences this phenomenon is causing nowadays. Make reference to the work that is being carried out to fight it.

III Simulation

(Interpersonal, Bodily/ Kinaesthetic, Verbal/ Linguistic Intelligences/ Social, Physical, Verbal Learning Styles. Innovative, Analytic, Participative, Dynamic, Common Sense, Collaborative, Kinaesthetic Learners)

1. A well-known factory is running important experiments with electric energy. This factory is located near a rain forest. Lately, locals have called the authorities to report forest fires. Nevertheless, the director of this factory claims that the factory is not responsible for the fires. Despite this, the fires continue and they are becoming more frequent. Roles to play: the

director of the factory, the head of the local authorities, a local who is affected by the fires. 2. A professional fisherman has always obtained different varieties of fish from a deviation of the river located near his house. In recent days, he has discovered a significant decrease in the fish population which he associates with the presence of the representatives of a major oil company who are running some tests near the area. He believes that some wastes that have been thrown to the river are killing the fish. He went to talk to the principal representative of the company who recognized the company that was throwing the wastes near the river; however, he claims the tests are too important and paid no attention to the fact that they were affecting the fish populations of the river and the fisherman as well. Roles to play: the fisherman and the representative of the company.

IV Presentation of the Results of an Investigation

(Intrapersonal, Verbal/ Linguistic Intelligence. Solitary, Verbal Learning Styles. Analytic, Dynamic, Auditory Learners)

1. In many countries there exist several ways through which the population is warned about the terrible effects of the ultraviolet rays. However, you have seen that many people do not pay attention to these warnings. Investigate about the consequences of ultraviolet rays for humans and the measures to protect people from them. Make sure to acquire previous knowledge about this environmental problem. Present the results of this investigation to your classmates.

2. There is a great number of endangered species all over the world and our country is not an exception. Investigate about some of the endangered species and present the results in your classroom.

V Role-Playings. (Bodily/ Kinaesthetic, Interpersonal, Verbal/ Linguistic Intelligences. Physical, Social, Verbal Learning Styles. Kinaesthetic, Participative, Collaborative Learners)

1. A- You are an ecologist who represents a recognized environmentalist group. You are going to interview a specialist on the applications of nuclear energy. Ask him/her several questions related to the misuse of this energy and its effects on the environment.

B- You are a specialist on the usage of nuclear energy. You are going to be interviewed by an ecologist. Answer his/her questions according to your knowledge about the topic.

2. A- You are doing a research about the use of wind energy. You are going to talk with the engineer that headed the work to create the Eolic Park in your province. Ask him about the use of wind energy in general and how it was used in this specific area.

B- You are the engineer who headed the construction of the Eolic Park. You are going to be asked about the use of wind energy, especially in this area. Answer all the questions according to your experience.

VI Debates. (Interpersonal, Verbal/ Linguistic, Logical/ Mathematical Intelligences. Social, Verbal, Logical Learning Styles. Innovative, Analytic, Participative, Dynamic, Common Sense, Collaborative, Kinaesthetic Learners)

1. Erosion is an important natural process, but in many places it is increased by human activities.

Some of those activities include deforestation, overgrazing and road or trail building. What do you know about this environmental topic and its consequences? Discuss it with your classmates.

2. A tropical cyclone is a type of low pressure system which is generally formed in the tropics. Caribbean countries have been affected by this phenomenon. Debate what you know about it and share experiences (if any) about the consequences cyclones have caused to those countries.

VII Minilecture. (Intrapersonal, Logical, Verbal/ Linguistic Intelligences Solitary, Logical, Verbal Learning Styles. Analytic, Common Sense, Participative Learners)

1. You have compiled a big amount of information about thaws, an issue that is affecting significantly the environment nowadays. Offer a minilecture in which you talk about the causes, the consequences and the work that is being done to face this problem in some countries of the world.

2. Earthquakes have devastating consequences. You are a specialist on this topic. Express



what you know about this topic. Make sure to cite current examples.

VIII Round Table. (Interpersonal, Bodily/ Kinaesthetic Intelligence. Social, Physical/ Kinaesthetic Learning Styles. Innovative, Analytic, Participative, Dynamic, Common Sense, Collaborative, Kinaesthetic Learners)

1. You had the opportunity to attend an important conference on Climate Change in which you had the possibility to acquire relevant information about this topic. Discuss with several partners the most important aspects of this environmental issue.

2. In world conferences about Global Warming specialists always deal with the most important aspects of this environmental topic. Analyse with a small group of classmates the aspects which, according to your own knowledge and considerations, are dealt with in these conferences.

Conclusion. These effects have been validated by a large number of controlled experiments. And there is strong evidence that applying these principles may also aid motivation, as students experience a sense of achievement rather than a sense of frustration.

List of used literatures:

1. B. Tomblin et al., "The Prevalence of Specific Language Impairment in Kindergarten Children," *Journal of Speech and Hearing Research* 40 (1997): 1245–1260.
2. C. A. Christle, K. Jolivette, and C. M. Nelson, "School Characteristics Related to High School Dropout Rates," *Remedial and Special Education* 28, no. 6 (2007): 325–339.
3. J. Britton, *Language and Learning: The Importance of Speech in Children's Development* (New York: Penguin Books, 1970).
4. N. J. Cohen et al., "Unsuspected Language Impairment in Psychiatrically Disturbed Children: Prevalence and Language and Behavioral Characteristics," *Journal of the American Academy of Child & Adolescent Psychiatry* 32, no. 3 (1993): 595–603.
3. P. Snow, "Elizabeth Usher Memorial Lecture: Language Is Literacy Is Language—Positioning Speech-Language Pathology in Education Policy, Practice, Paradigms and Polemics," *International Journal of Speech-Language Pathology* 18, no. 3 (2016): 216–228.

**СПОРТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.050>

Гаффоров Нодир Насриевич,

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Тошкент,

Ўзбекистон

Аннотация Мақолада ўзбек спорт терминологиясининг тадрижий тараққиёти, ривожланиши тенденциялари, ўзига хос ҳусусиятлари, бошқа соҳавий терминлардан афзалиги, жамоавий ва якка турдаги спорт турларининг тавсифи, терминларнинг микросистемаси билан боғлиқ номланишилар, спорт терминологиясида эришилган ютуқлар ва истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, янги таснифлаш йўллари ҳақида мулоҳазалар баён қилинганд.

Калим сўзлар: спорт терминлари, жамоавий спорт ва якка спорт турлари, мустақиллик даври спорт терминологияси, тасниф, тавсиф, янги спорт ўйинлари, футбол, волейбол, қўлтўпи, чавгон.

СПОРТИВНАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Гаффоров Нодир Насриевич,

доцент Государственный университет физической культуры и спорта Узбекистана

Аннотация В статье описывается эволюционное развитие узбекской спортивной терминологии, тенденции развития, особенности, преимущества других отраслевых терминов, описание видов спорта коллективных и индивидуальных видов, названия, связанные с микросистемой терминов, достижения в спортивной терминологии и задачи, которые необходимо выполнить в будущем, новые способы классификации.

Ключевые слова: спортивная терминология, командные и индивидуальные виды спорта, спортивная терминология периода независимости, классификация, описание, новые спортивные игры, футбол, волейбол, подлокотник, всадник.

SPORTS TERMINOLOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Gaffarov Nodir Nasrievich,

Docent Uzbek state university of physical education and sport Tashkent,Uzbekistan

Abstract The article describes the evolutionary development of Uzbek sports terminology, development trends, features, advantages of other industry terms, description of sports of collective and individual types, names associated with the microsystem of terms, achievements in sports terminology and tasks to be performed in the future, new ways of classification.

Keywords: sports terminology, team and individual sports, sports terminology of the independence period, classification, description, new sports games, football, volleyball, armrest, rider.

Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалий жиҳатини тадқиқ қилувчи қатор йўналишлар шаклланмоқда. Айниқса, ҳар бир мамлакатнинг дунёга танилишида катта ҳисса қўшувчи спорт мусобақалари орқали тил ҳам ривожланмоқда. Жумладан, дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни Миллий кураш, Бокс, дзюдо каби спорт турлари бўйича жаҳонда тенгиз эканлигини тан олмоқда. Ҳусусан, миллий курашнинг халқаро спорт тури сифатида тан олиниши ва ўзбек тилида мавжуд бўлган спорт терминларининг дунёга оммалашиши мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қиласди. Ўзбек тилшунослиги ҳам ўзининг янги босқичида “лисоншунослиқдан нутқшуносликка” йўналишида “тил ва жамият”, “тил ва маданият”, “тил ва шахс”, “миллий тил ва миллий тафаккур” каби субстанциал асосларда ҳал қилинувчи муаммолар билан шуғуланишга киришди. Жаҳон тилшунослигида структур йўналишнинг давоми сифатида XX аср сўнгидаги шаклланиб, жадал ривожланаётган когнитив йўналиш ҳам айнан шу муаммолар устида тадқиқот олиб



бормоқда.

Ўзбек тилидаги лисоний ҳодисаларнинг соционпрагматик, семантик ва лексикографик структурасини тадқиқ қилиш бу борадаги муаммолар ечимиға дахлдорлик касб этади. Хусусан, тилни жаҳон миқёсида ташувчи сифатида намоён қилувчи спорт терминларини лисоний ва лексикографик нұктай назардан ўрганиш бугунги кунда тил ва мулокот структураси тадқиқи муаммоси кучайган бир шароитда ўта долзарб ҳисобланади.

Дунё тилшунослигига спорт терминологияси масалалари бўйича бир катор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу йўналишда М.Аднан, Р.Вайнз, Е.Гуреева, М.Мешч, П.Вайт, З.Мурзоев Ю.Шоломицкий, Р.Исмоилов, М.Норкин, Х.Рафиев, М.Бобоёров, З.Абдулаева каби хориж ва ўзимизнинг олимларнинг илмий изланишлари соҳа тадқикида алоҳида ўрин эгалламоқда.

XIX-XX аср тилшунослигига терминология Д.Лотте, Г.Винокур, А.Реформатский, Е.Поливанов, Р.Будагов, Н.Амосова, А.Хаютин, А.Брайсон, Х.Сонневелд, Ж.Бўронов, Р.Дониёровлар томонидан янада ривожлантирилди. Мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, ўз ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд. Бу эса уларнинг тадқиқи муаммосига янгича ёндашувларни такозо этади. Жумладан, В.Д.Швайконинг илмий изланишлари инглиз тилидаги спорт соҳаси фразеологик бирликларининг тадқиқига бағишланганлиги билан характерли.

Ўзбек тилшунослигига М.Бобоёров соҳа терминологиясининг ўзбек тили ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини ёритган, З.Абдулаева эса терминлар тараққиётiga тарихий – ижтимоий омилларнинг таъсири масаласини тадқиқ этган. Х.Саримсоқов ўзбек ва инглиз тилларида спорт терминлари ва неологизмларнинг шаклланиш тарихи, ясалиш (лексик – семантик, деривацион ва б.) усуслари, фразеологик бирликларнинг терминологик хоссалари каби масалаларни чоғиширма аспектда ўрганган.

Бироқ ўзбек тилидаги спорт терминлари соционпрагматик ва лексикографик аспектларда тадқиқ этилмаган. Спорт терминларининг кўлланилиши, тараққиёти, мавжуд умумий ва соҳавий луғатларда берилиши монографик ўрганилган эмас.

Спорт терминларини лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш қуйидаги вазифаларни бажаришни такозо этади:

- спорт терминларининг соционпрагматик хусусиятлари ўрганиш;
- спорт терминларининг семантик структураси баҳолаш; уларнинг когнитив структурасини аниқлаш;
- спорт терминларнинг когнитив мақомини белгилаш, уларнинг формал таснифини бериш, спорт терминларнинг семантик таснифи ишлаб чиқиш;
- спорт терминларининг когнитив таснифини бериш, соҳада кўлланилаётган ўз ва ўзлашма қатламга доир терминларнинг кўлланилиш частотаси аниқлаш;
- спорт терминларининг лексикографик муаммолари ўрганиш, босма шунингдек, замонавий электрон ўкув луғатлар тизими яратишнинг лисоний асослари ишлаб чиқиш.

Умуман, терминология бу – маълум бир касб соҳаси ёки ишлаб чиқариш терминлари тўплами ҳамда терминларнинг шаклланиши, таркиби ва фаолият кўрсатиши ҳакидаги таълимот ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, терминологиянинг умумий назарий предмети: инсониятнинг билимлари тўпланган ва узатилган маҳсус сўзларнинг шаклланиши ва ишлатилишини ўрганиш асосида мавжуд терминологик тизимни ривожлантиради; спорт ва бошқа соҳаларда янги атамалар ва уларнинг тизимларини яратишнинг оптимал йўлларини қидиради турли билим соҳалари терминологиясига хос бўлган умумий самарали хусусиятларни аниқлайди.

Ўзбек тилига бўлган эътибор тобора кучайиб боргани сари ўзбек тили соҳаларига оид атамалар яъни терминлар билан ишлашга бўлган эътиёжни юзага келтирмоқда. Терминнинг маъноси, моҳияти унинг номидан келиб чиқади. Термин-терминус лотинча-чегара чек маъносини англатади. У чекли, чегараланган, муайян соҳага оид бир маъноли сўздир. Ҳар қандай сўз пайдо бўлишида бир маъноли бўлади. Кишилик жамияти ривожланиши давомида у кўп маъноли сўзга айланаб боради. Терминологияга бағишланган илмий тадқиқотларда ҳар қандай термин сўздир, аммо ҳар қандай сўз термин бўла олмайди деган фикр илгари сурилади. Термин чекланганлиги, бир

маънога эга бўлгани туфайли маҳсус контексада ҳамма вақт ўз маъносини сақлади. У эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига эга эмас. Оҳанг ёрдамида терминнинг маъноси ўзгармайди. Демак, термин маълум бир соҳага оид аниқ бир маънога эга сўзлар мажмуи. Терминологик лексика тил лексикасининг ажralmas кисми сифатида у билан ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча жараёнларни бошдан кечиради. Ҳозирда Ўзбекистонимизда саноат, кишлoқ xўjалиги, фан, техника, маданият ва спорт каби соҳаларнинг жадал ривожланиши ўзбек тилида терминологик луғат тармоғини ҳам кундан-кунга кучайтироқда. Айни вақтда ўзбек тилида фан ва техниканинг деярли барча соҳаларига оид терминологик луғатлар тайёрланган. Улар асосан оригинал асарлар яратиш ва таржима жараёнида вужудга келмоқда. Сўз бойлигининг маълум бир қисмини терминлар ташкил қилади. Гарчанд терминлар муайян бир соҳага оид тушунчаларни очик ифода қилувчи сўзлар бўлсада, кўлланиши жиҳатидан шу соҳа кишиларигагина маълум тушунчалардир. Терминларни ўзбек тилига таржима қилишда уларни эътибор билан ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

Спорт терминологияси умумий терминологик тизимнинг бир қатлами сифатида нафақат тор спорт соҳасида, балки умумий адабий тил миқёсида ҳам ишлатиладиган сўз бирикмаларининг асосий ўзаги бўлган кенг туркумни ўз ичига олади. Ўзбек тилида ҳам спорт терминлари энг қадимги ва барқарор терминологик қатламлардан бири эканлиги, у от сўз туркумининг салмоқли қисмини ташкил этишини таъкидлаш лозим. Спорт – шахснинг жисмоний қобилиятларини ривожлантиради. Бу соҳадаги мутахассислар биринчи навбатда спорт ўйинлари ва мусобақалар қоидаларини яратиб, турли ўқув машқларини ишлаб чикадилар ва шунга мос равищда саломатликни тиклаш ҳамда ривожлантириш билан шуғулланадилар. Шунга қарамай, спорт соҳаси мутахассислари, шунингдек, олимлар инсон танасининг имкониятларини аниқлайдилар, қолаверса, мунтазам мақсадларга эришишнинг муайян воситалари самарадорлигини текширишлари, ўрганишлари керак. Спорт терминологияси илмий терминология каби нафақат номинатив, балки аккумулятив функцияни ҳам бажаради.

Тил хусусиятларини тушуниш зарурати туфайли социолингвистик ва ички лингвистик омиллар контекстида спорт терминларининг келиб чиқиши ўзбек тилшунослигига бирмунча ўрганилган. Шундай бўлса-да бу борада қуйидаги вазифалар амалга ошириш мақсадга мувофик:

- терминологиянинг тил лексик системасидаги ўрнини аниқлаштириш;
- номаълум сўзлардан уларни фарқловчи терминларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш;
- умумий сўз туркумларини ташкил этган ҳолда атамаларни ташкил этишининг таркиби хусусиятларини аниқлаш;
- спорт атамалари асосида феъл-авторни танлаш, инвентаризация қилиш ва тизимлаштириш;
- спорт терминологияси ва фразеологик бирликлардан, хусусан, бадиий адабиётда фойдаланиш соҳаларидан бирини тадқиқ этиш.

Спорт терминологияси ва айниқса, спорт феслари бадиий ва ўқув адабиётларида, шунингдек, терминологияга бағишлиланган маҳсус адабиётларда (босма луғатлар, электрон луғатлар) спорт терминларининг сўз бойлигининг кенг соҳасини ифодалашига қарамасдан етарлича ёритилмаган. спорт атамалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни аниқлаш ва умумлаштириш, лингвокултурологик аспектларда, бизнингча, ҳали кўриб чиқилмаган. Спорт терминологияси соҳасининг узлуксиз янгиланиб ва ривожланиб бориши ҳамда бугунги кунда спортта бўлган қизикишнинг ортиб бориши боис уни янада чуқуроқ ўрганишни тақозо қилади.

Фойдаланилаган адабиётлар:

- 1.Шоломицкий Ю. С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, –1972. –25 с.
- 2.Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт -физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. –95 б.;
3. РафиевХ.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, –1972. –25 с.;
- 4.Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. –Самарқанд, 2009. –22 б.
5. Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. –32 б.;
6. Худойберганова Д. Мустақиллик даврида спортта доир лексемалар тараққиёти//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). –Бухоро, 2017. –124 б.

МАВХУМ ОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАДҚИҚИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.049>

Alibekova Zilola Abdulkhayit qizi,

Jizzax davlat pedagogika instituti, Chet tillar fakulteti, Tabiiy va aniq fanlarda chet tili kafedrası o`qituvchisi

Annotatsiya. Мақолада ўзбек тилишунослигида «абстракт номлар» термини билан ўрганилаётган лексик бирликлар от сўз туркумининг маъновий гуруҳи сифатида «абстракт отлар», «фикрий отлар», «мавхум отлар» каби терминлар билан номлаб келингандиги ҳамда мазкур масаланинг ўрганилиши билан боғлиқ муаммолар хусусида сўз юритилади.

Kalit so`zlar: мавхум от, микросистема, мавхумлашиш, абстракция, лингвокультурологик

Тилшунослигиимзда от сўз туркуми бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, Форобий атоқтли ва турдош отларни фарқлаб, уни содда маъноли сўзларни иккига бўлади:

- 1) атоқли отлар. Масалан, Зайд, Амр каби;
- 2) тур ва жинсни кўрсатадиган сўзлар. Масалан, одам, ҳайвон, от каби.

Тур ва жинсни билдирувчи сўзлар асосида муаллиф сўз туркумларини ҳам тасниф этади. Форобий тур ва жинсни билдирадиган сўзларни араб грамматика мактаблари анъаналари асосида от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Шунингдек, от ва феълларнинг грамматик категориялари ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, от ва феъллар учун жинс (эрлик-хотинлик), сон (бирлик-иккилик-кўплик) категориялари хос эканлигини, шу билан феълларнинг ўзига хос белгиси замон (ўтган-ҳозирги-келаси замон) билдириши эканлигини таъкидлайди.” Маҳмуд Кошғарий ҳам ҳозирги тилшунослиқда қўлланилаётган уч узвли сўз ясалishi ҳақида маълумот бериди, “У сўз ясашга асос, ясовчи восита ва ясалма ҳақида фикр юритади. Жумладан, отларнинг ясалishi ҳақида маълумот берар экан, феълдан (ясашга асос) ўн икки ҳарф (ясовчи восита) воситасида от (ясалма) ҳосил бўлишини таъкидлайди. От ясовчи қўшимча атамаси ўрнига ҳарф атамасини қўллайди. Феълдан от ясовчи қўшимчалар сифатида -а(-га, -ма): билга «билимдон, ақлли» (биди сўзидан)”. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси дарслигида “Мавхум тушунчани ифодаловчи от ясалади” деб келтирлади. Бу маъно асосан мавхум тушунчани билдирувчи отлар ёки сифатларга қўшилганда гина анлашилади: Salāmatlıq bolsun sizlärgä (Tafsir). Yaxshi begü birlä dostluq qildi (0°N). Meniň shaydahqimm qilma ayb (Sakkokiy). Kep qattiqliq tarttim (BN). Qaldım judahgıl dardığ'a (Furqat).” Ўтган асрда яшаган Фитратнинг таърифига кўра, ““бидирган маънога от бўлиб тақалғон сўз от» дейилади. Отларнинг ҳаммаси бор-лиқдаги «кўзга қўринарлик нарса»ни ифодалаши шарт эмас. Эс, қайгу, зулм каби «маъноси кўзга қўринмас от» ларнинг ҳам мавжудлиги таъкидланади.” Ушбу фикрлари орқали отларнинг маъно жиҳатидан аниқ ва мавхум турларга ажралишига ишора қилиб ўтади.

От туркуми макросистема бўлиб, у турдош от ва атоқли от микросистемаларидан иборат. “Муайян от (масалан, китоб, одам, Али, Кармана) бевосита от системасининг элементи эмас, улар бу система билан билвосита, яъни “атоқли от”, “турдош от” тушунчалари орқали боғланади. Бу фикрлар мавхум, лисоний системаларга дахлдор.”

Ўзбек тилшунослигида биз «абстракт номлар» термини билан ўрганаётган лексик бирликлар от сўз туркумининг маъновий гуруҳи сифатида «абстракт отлар», «фикрий отлар», «мавхум отлар» каби терминлар билан номлаб келинган. XX асрнинг иккинчи ярмида нашр қилинган олий таълим дарслекларининг барчасида «абстракт от» термини ишлатилган.

Мустакиллик йилларида эса мактаб ва аксарият олий таълим дарслекларида «мавхум от» термини қўллана бошлади. Жумладан, Р.Р.Сайфуллаева, Б.Р.Менглиев, Г.Х.Бокиева, М.М.Қурбонова, З.Қ.Юнусова, М.Қ.Абузоловалар ҳаммуаллиғлигига ёзилган «Ҳозирги

ўзбек адабий тили» ўкув қўлланмасида «мавхум отлар» Ш.Раҳматуллаевнинг «Хозирги адабий ўзбек тили» дарслигига “фикрий отлар” термини қўлланган. Биз ушбу тадқиқотда “абстракт” термини ушбу номларнинг моҳиятини тўлиқроқ очади, деган фикрда бўлдик. Ўзбек тилида мавхум сўзи кўп маъноли бўлиб, унинг «ноаник, мужмал» ҳосила маъноси бор ва “мавхум” термини билан номланаётган сўзлар семантикасини изоҳлашда мазкур “ноаник” маънонинг салбий таъсири сезилади. Ўзбек тилидаги фалсафага оид аксарият дарслер, илмий ишларда “мавхумлашиш” эмас “абстракция” термини ишлатилиди ва мазкур ҳодисанинг натижасида ҳосил бўлган номларга нисбатан ҳам “абстракт” терминини қўллаш мантиқан тўғри бўлади. Тилшунослар томонидан лексик сатҳдаги абстрактлик / конкретлик муаммосини ечишга жуда кўп уринишлар бўлган ва бундай тадқиқотлар ҳозиргача давом этмоқда. Бу борадаги тадқиқотларнинг кўплигига қарамасдан абстракт ва конкрет лексикани аниқ чегаралаш хусусида яқдил фикр мавжуд эмас. Абстракт сўзлар тадқиқидаги турлича хуносаларга текшириш обьектининг онтологик мураккаб табиатга эга эканлиги асосий сабаб деб кўрсатилиди. Жаҳон тилшунослигига абстракт номларни ажратиш, уларнинг лексик-семантик, морфемик, морфологик, концептуал жиҳатларига оид тадқиқотлар мавжуд бўлгани ҳолда, ўзбек тилшунослигига мазкур сўзлар фақат от туркумининг маъновий гурухи сифатида ажратилиб келинган. Мавхум номлар от ва сифат сўз туркумининг алоҳида маъновий гурухини ташкил этади. “Абстракт отлар нарсанинг белги, ҳолат, муносабат ёки ҳаракатини обьектидан фикран ажратиб алоҳида субстанция сифатида номлаб, бевосита кузатишда берилмаган ақлий билиш орқали англанадиган тушунчаларни атайди: маънавият, идрок, қувонч, беғуборлик. Абстракт сифатлар бевосита кузатишда берилмаган ақлий билиш орқали англанадиган белгиларни номлайди: ақли, фаросатли, мураккаб, тахминий. Абстракт номларни чегаралашда мураккабликни келтириб чиқарувчи предмет, тушунча, модда, белги каби кенг маъноли, ажина, ялмоғиз каби муайян образга эга ҳамда яшиллик, иссиқлик, совуқлик, юмшоқлик, аччиқлик каби -лик аффикси билан ясалган, бевосита кузатишда берилган тушунчаларни ифодаловчи сўзлар абстракт ном бўла олмайди.”

Абстракт сўзларнинг лисоний хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий муассасалари ва университетларида, жумладан, University of Oxford, University of Cambridge (England), University of Humboldt (Germany), University of Georgia (Georgia), University of Chicago (USA), Москва давлат университети, Москва давлат педагогика университети, Воронеж давлат университети, Белгород давлат миллий тадқиқотлар университети, Олтой давлат педагогика университети (Россия), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да тадқиқотлар олиб борилмоқда

Жаҳон тилшунослигига абстракт маъноли лексик бирликларнинг лисоний моҳиятларини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар доирасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: абстракт сўзлар номинациясининг гносеологик табиатга эга эканлиги, бевосита кузатишда берилмаган воқеликларни номлаши далилланган (University of Humboldt, Москва давлат университети), абстракт отларнинг сон кўплик шаклини қабул қила олмаслиги, саноқ системасига бефарқлиги асосланган (University of Cambridge, Москва давлат педагогика университети), «хусусият», «ҳаракат», «ҳолат» каби маъновий гурухлари ажратилган (Москва давлат педагогика университети), ментал ҳолат номларининг концептуал жиҳатлари аниқланган (University of Cambridge, University of Georgia), абстракт отларнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари конкрет номлардан фарқли эканлиги очиб берилган (Олтой далат педагогика университети, Воронеж давлат университети, Белгород давлат миллий тадқиқотлар университети), абстракт сўзлар моҳияти когнитив ва прагматик ёндашув асосида аниқланган (University of Cambridge, University of Chicago). Лисоний-фалсафий йўналишдаги ишларга С.Шаумян, Л.О.Чернейконинг тадқиқотларини, Е.Назарова, Э.Хабибулинарнинг илмий ишларида абстракт сўзларнинг ясалиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган бўлса, А.Сетти ва Н.Карамеллиларнинг илмий тадқиқотлари эса абстракт сўзларнинг концептуал тадқиқига оидdir.

Жаҳон тилшунослигида абстракт номларни ўрганишда қуидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: абстракт сўзларнинг этнолингвистик хусусиятларини аниклаш; нутқий абстракт номинацияларнинг прагматикасини ёритиш; абстракт номларда миллат маданиятининг акс этишини ўрганиш; изохли ва таржима луғатлардаги лексикографик талқинларини ойдинлаштириш; ассоциатив луғатларини тузиш; лексик абстракциянинг сўз турқумларида воқеланишини ва матн ҳосил қилиш имкониятларини очиб бериш. “Абстракт номлар ўз зидди ҳисобланган конкрет номлардан фарқли семантикага эга.” Бу ўзига хосликлар семантик структурадаги денотатив ва сигнификатив маъно муносабатларида ёрқинроқ намоён бўлади. Конкрет лексика денотатив (атоқли отлар, терминлар) ва денотативсигнификатив маъноли номларни ўз ичига олса, абстракт лексика эса сигнификатив ва сигнификатив-денотатив маъноли номлардан иборат бўлади . М.Ҳакимвога кўра, абстракт номлар объектив воқелик билан бевосита боғланмаганлиги учун семантик структурада сигнификатив маъно устунлик қиласи ҳамда абстракт номлар объектив воқелик билан бевосита эмас, балки бильвосита боғланар экан, ушбу бильвосита боғланишнинг даражасига кўра денотатив маънонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини белгилаш мумкин деб ҳисоблади. “Масалан, ақл сўзининг ажратилиш даражаси гўзаллик сўзининг ажратилишидан, яъни абстракция даражасидан фарқ қиласи. Ақл сўзи “инсон миясининг дунёни акс этириш, шахснинг воқеликка муносабатини бошқариб турадиган фаолияти” ни номлайди ва уни фақат назарий билиш орқали англаш мумкин деб ҳисоблади. Ушбу сўзда инсондан ажратилиш (абстракциялаш) юқори даражада бўлиб, унинг семантикасига назар ташласак, ақл ҳудди инсондан ташқарида мавжуд бўлган субстанция эканлиги ҳакида таассурот уйғотади. Мазкур тадқиқот ишида абстракциянинг паст даражаларида семантик структурада денотатив маънонинг мавжудлигини кузатиш мумкин эканлиги таъкидланади ва бизнингча ҳам шундай. Бундай сўзларда ишора қилиб келаётган воқеликларнинг маълум белгиларини кузатиш мумкин бўлади. Масалан, тинчликни эшлиши, гўзалликни эса кўриш мумкин деб ҳисобланади, бизнингча тинчликни ҳам эшиши ҳам кўриш мумкин. Сабаби одамларда қандайдир кўркув, юздаги ҳавотирлардан нотинчлик эканлигини, тинчлик эмаслиги ёки уларнинг хатти-ҳарактларидан, умуман борлиқдаги меъёрий ҳолатдан тинчликни кўриб ҳам билиш мумкин. Гўзалликнит эса кўриш билан англашимиз мумкинлиги ҳакидағи фикрларга ҳеч қандай эътиро з билдирамаймиз. М.Ҳакимова абстракт сўзлардаги «маънонинг тебраниш кенглиги» ҳам конкрет сўзларнидан фарқли деб кўрсатади. Унга кўра, денотатга эга бўлмаган номларнинг маъновий тебраниши маълум даражада ихтиёрий бўлиб, у лисоний ҳамжамиятда мазкур ном ифодалайдиган тушунчанинг кўлами билан белгиланади. “Масалан, баҳт абстракт номининг маъновий тебраниш кенглиги ўзбек тили эгалари онгиди ушбу ном ифодалайдиган тушунчанинг кўламига боғлиқ. Яъни, ушбу сўзниң инвариант маъноси «кишининг ҳаётдан тўла қониқиши ҳолати» бўлса, инсонларнинг ҳаётдан қониқиши даражалари турлича эканлиги ҳисобига маънонинг тебраниши кузатилади: «баҳт – соғлик», «баҳт – мавжудлик», «баҳт – севги», «баҳт – хотиржамлик», «баҳт – оила», «баҳт – хурсандчилик» каби.” Шунингдек, абстракт отлар предметнинг ўзини ёки қисмини эмас, ҳаракатини, ҳолатини, хусусиятини, сифатини, муносабатини предметдан ажратиб алоҳида номлайди, яъни гўзаллик – олам, одам ва бошқа шу кабиларнинг сифати бўлса, баҳтиёрик – инсоннинг ҳолатини ифодалайди. Мавҳум отларда «предмет» туркумлик семаси асосида грамматик ва семантик номутаносибликка дуч келамиз. Абстракт сўзларда ижобийлик ёки салбийлик субъектнинг муносабати асосида эмас, объектнинг ўзи билан шартланган бўлади дея таъкидланади. Масалан, инсонийлик, юртпарварлик, эзгулик, меҳрибонлик, поклик каби сўзлар англатаётган тушунчаларнинг ўзи ижобий. Ёки ёвузлик, худбинлик, жоҳиллик каби сўзларда ҳам салбийлик субъектнинг муносабатида эмас, ходисанинг ўзида мавжуд бўлади. Демак, аксарият конкрет сўзларда ижобийлик ёки салбийлик коннотатив, абстракт сўзларда эса сигнификатив характеристерга эга. Абстракт лексемаларни семаларга ажратишда ҳам ўзига хос жихатлар мавжуд. Конкрет маъноли лексемаларни семик таҳлил қилиш осон кечади ва семема семаларга аниқ ажралади.

Абстракт моҳиятлар, абстракт тушунчаларни нафақат бош маънолар, балки ҳосила

маънолар билан ҳам номланиши мумкин.

Бунда икки хил ҳолат кузатилади:

“1) абстракт маънодан абстракт маъно ҳосил бўлади;

2) конкрет маънодан абстракт маъно ҳосил бўлади. Ақл, меҳр, имон, эҳсон каби лексемаларнинг семантик тараққиёти натижасида абстракт маънолар шаклланган. Конкрет маънодан абстракт маъно шаклланишини ном кўчишининг абстракциялашиш усули деб баҳолаш мумкин.” М.Ҳакимовага кўра, конкрет денотатни ифодаловчи сўзлар абстракт тушунчаларни ҳам номлай бошлайди. “Масалан, туз (овқатга таъм берувчи модда) – туз (маъно, мантиқ), баҳор (фасл) – баҳор (шодлик), оғир (вазннинг меъёрдан ёки таққосланаётган нарсадан ортиклиги) – оғир (вазмин), тирналмок (бирон бир нарсани устки қисмининг қирилиши) – тирналмок (рухий азобланиш), бўсаға (уйнинг кириш қисми) – бўсаға (ҳар ишнинг бошланиши). Маънонинг абстракциялашиши орқали ном кўчишда қуидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: нарса-ҳодиса абстракциялашади (қизнинг юзи – гурухнинг юзи), белги абстракциялашади (оғир юк – оғир вазият), харакат абстракциялашади (боши ёрилди – онасига ёрилди); пайт маъноси абстракциялашади (баҳор фасли – қалбимда баҳор). Оғирлик сўзининг семантик структурасига назар ташласак, ундаги маъно тараққиётининг бир йўналиши нарса ҳажмининг ортиб бориши билан уни кўтаришдаги қийинчилекнинг ҳам ортиб боришига асосланган.” Шу йўсинда «масаланинг мушкуллиги», «малоллик», «азоб-уқубат» каби маънолар шаклланган: Ўн бир ёшлиқ Темур, тўқиз ёшлиқ Қобил ва Анварларни тарбия килиш оғирлиги Нодиранинг устига тушди (Абдулла Қодирий).

От сўз туркуми доирасида амалга оширилган тадқиқотлар доирасида сўз туркумларининг ядро ва перифериал қисмлари ҳақида В.Виноградовнинг ядрорий қисмлар тилнинг “асосий луғат заҳирасини ташкил этиши” ҳақидаги фикрини эслаш ўринли. Олимнинг фикрича, ушбу лугавий фонд “тилга янги сўзларни ҳосил қилишга база бўлиб хизмат қиласи ва тил лугат таркибининг бойиб боршининг бош ва асосий моддий ва структурал асосидир”. Бу фикрга шубҳа келтирмаган ҳолда шуни қайд этиш керакки, акад. В.Виноградовдан кейин тил лексикони ва сўз туркумлари таркибидаги бундай сўзлар қатламини ажратиб кўрсатиш учун экстралингвистик усулларга мурожаат қилинди. Жумладан, нутқда кўлланиш частотаси юқори бўлган сўзларни ядрорий лексика деб кўрсатишга уринишни шундай баҳолаш мумкин . Аммо нутқий частотаси юқори бўлган ҳар қандай сўзни ядрорий қатламга оид лексика деб тушуниш ҳам ҳамиша тўғри бўлмайди. Масалан, ўзбек тилида “дўстлик” лексемаси частоталилиги катта сўзлардан бири. С.Муҳамедовнинг “Ўзбек тилининг алфавитли частотали луғати”да унинг от шакли 200 минг сўз кўлланиш ҳолатида 218 марта (абадий дўстлик каби), сифат ёки равиш шакли 35 марта (дўстлиги йўқ, дўстлик ёрдами каби) кўллланган . Дўстлик сўзи от туркуми вакили сифатида келганида унинг частотаси юқорилиги маълум, аммо у равиш ёки сифат шаклида келганида бу кўрсаткич пасайиб кетади. Шу каби у мавхум ва ясама от эканлиги ва туркий тилларнинг тегишли конуниятига кўра от ёки феълни аниқлаб келса, равиш ёки сифатга силжиши маълум. Лексеманинг бошқа туркумга силжиш ёки кўчиш хусусияти мавжуд экан, уни ядрорий қисмга оидлиги бўйича охирги ва мутлақ хулоса бериш асосизз бўлади деб ҳисоблаймиз.

Тилшунослигизда от сўз туркумидан абстракциянинг барча турлари мавжуд деб қаралади. Гул, ўсимлик, мева, одам, нарса, предмет, ҳаракат сўзлари умумлаштирувчи абстракция; баҳт, саодат, баҳтиёрлик, обрў, зийраклик, умид, севги, муҳаббат, фурур каби сўзлар эса айирувчи абстракция натижасидир. Сифат сўз туркумидан ҳам ширин, кизил, хушбўй, ёзги каби сўзларда умумлаштирувчи абстракция; аклии, доно, машхур, зиёли, фаросатли каби сўзларда айирувчи абстракцияни кузатишимиш мумкин. Олмош, сон сўз туркумидан умумлаштирувчи абстракциянинг юқори чўққисини кўриш мумкин бўлгани ҳолда, айирувчи абстракция кузатилмайди. Ўзбек тилида мавхум отларнинг кўпчилигини хурсандчилик, ғамгинлик, ноҳушлик, кувонч, баҳт, соғинч, хавотир каби ҳолат номлари ташкил этади. Бевосита кузатища берилимаган, фақат ақлий билиш орқали идрок қилинадиган ҳолат номларини “абстракт ҳолат номлари” деб белгилаш мумкин. Ўзбек тилида ҳолатни ифодаловчи абстракт номлар таҳлилида мазкур гуруҳ элементларининг



бир жинсли эмаслигига гувох бўлдик.

Н.Абдураҳмонованинг “Морфологик таҳлилнинг машина таржимасида берилиши” деб номланган мақоласида машина таржимаси жараёнида отга тегишли сўзларнинг синтактик алоқага киришганда турли от гурухларга бўлиниши, инглиз ва ўзбек тиллари учун грамматик категорияларнинг моделлаштирилишида формаллаштириш билан ҳал қилиниши борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Юқорида кўриб ўтилганидек, мавҳум отлар турли терминлар остида мазмун-моҳиятини очишга қартилган тадқиқотлар амалга оширлган бўлиб, унга кўра, мавҳум отларнинг ўз қатлам, ўзлашма қатламлигидан тортиб токи унинг бошқа тилларда доирасида автоматик таржимаси масаласигача ўрганилган бўлса-да, бироқ лингвокультурологик жиҳатдан жиддий тадқиқ этилмаган. Масалан, “Қари билганни пари билмас” инглиз тилида “The Devil knows many things because he is old.” (Шайтон кўп нарсани билди, чунки у кўп яшаган) тарзида қўлланилиб айни бир вазиятда икки хил мавҳум от “фаришта” ва “шайтон” қўлланилиб келмоқда. Инглиз тилидаги мавҳум отлар саналмайдиган деб таърифланиб, кўплик қўшимчасини олмайди деб келтирилади. Бироқ, мавҳум отлар конкретлашганда кўплик қўшимчасини олади деб белгиланган. Масалан, “Knowledge is power” ўзбек тилидаги “Билми кучдир” мақолига мос. Ёки ўзбек тилида “Ақллари борми?” –лар кесатиш маъносида келаётган бўласа, “Тушларимга кириб чиқди” –лар маъно кучайтириш таъкидлашга хизмат қилмоқда. Инглиз тилида эса мавҳум отларга –лар қўшимчасини ифодаловси –s ва – es кўшиш хато хисобланади. Умуман олганда ўзбек ва инглиз тилларида мавҳум отларнинг лингвокультурологик тадқиқи жараёнида айни бир хил вазиятларда мавҳум отларнинг қўлланилиши, уларнинг лексис-семантик жиҳатдан муносабатини икки миллатнинг олам ва одам, одам ва одам тарзида кўриб чиқишини мақсад қилдик. Мавҳум отларни лингвокультурологик таҳлили ғар икки миллатнинг маданий қиёфасини қайтадан кашф этишга, нутқ одоби бўйича билимларни ўстиришга, ёш авлоднинг бағрикенгликда тарбия топишида ҳамда таржима назариясида ўзига хос амалий аҳамият касб этади деб хисоблаймиз. Албатта, тилларнинг ўзиро лингвокултурологик тадқиқлари амалга оширганлигини тан оламиз, бироқ қиёсланаётган тилларда тадқиқ қилинадиган масалалар торрок тил бирликлари мисолида қилинса ишларнинг янада қиммати оширилишига эришиш мумкин деб хисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Abdurahmonov G‘. O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. Toshkent: O‘zbekiston Faylasuflari Milliy Jamiyati nashriyoti. 2008. – Б. 75.
2. Setti A., Caramelli N. Different Domains in Abstract Concept. 2005. [Onlain]. Available: <http://www.cogsci.rpi.edu/CSJarchive/Proceedings/2005/dogs/p1997.pdf>
3. Абдураҳмонова Н. Морфологик таҳлилнинг машина таржимасида берилиши. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журнал. 2017.№ 2.
4. Виноградов В.В. Об основном словарном фонде и его словообразующей роли в истории языка//Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – С.47- 68.
5. Данияров Б. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик талқини. Дисс ...ф.ф.д. Самарқанд. 2020. – Б. 41.
6. Махмуд Кошгарий феъл лексемани лугавий бирлик сифатида ўтган замон шаклида беради.
7. Мухамедов С. Ўзбек тилининг алфавитли-частотали лугати (Газета текстлари асосида). -Тошкент: «Фан» нашриёти, 1982, 26- б.
8. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент; Ўзбекистон, 2002. – Б. 115.
9. Хабибуллина Э.Х. Сопоставительная характеристика абстрактных имен существительных множественного числа во французском и русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1989. – 25 с.
10. Ҳакимова М. Ўзбек тилида абстракт номлар семантикаси. Дисс...ф.ф.д. Тошкент 2019. – Б. 20.
11. Abdurahmonov G‘. O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. Toshkent: O‘zbekiston Faylasuflari Milliy Jamiyati nashriyoti. 2008. – Б. 75.
12. Золотарёва Т.А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие на употребление артикля: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – С. 15.
13. Крюкова И. Особенности словообразовательной семантики абстрактных существительных действия и способы ее выражения в современном английском языке // Семантика языковых единиц разных уровней. – Ростов на Дону, 1987. – С. 108-115.
14. Назарова Б. Развитие парадигматических отношений в словообразовательной категории отадъективных – nomina abstracta // Предложение и слово. – Саратов, 1999. – С. 151-152.
15. Частотный словарь русского языка / Под ред Л.Н.Засориной. – М.: «Русский язык», 1977. – 936 с. ,с.6
16. Шаумян С. Абстракция в современной лингвистике // Вопросы языкоznание. 2002, №1. – С. 34-57.

**TAHLILIIY O‘QISH – TIL VA ADABIYOTNI QO‘SHIB O‘QITISH USULI**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.048>

Jakbarova M.,

Samarqand davlat universiteti magistranti

Annotatsiya: maqolada til va adabiyot fanlarini qo‘shib o‘qitish asosi bo‘lgan tahliliy o‘qish usuli haqida fikr yuritiladi. Unda matn tanlash va tanlangan matnning lisoniy, poetik tahlili amalga oshiriladi. Mazkur yondashuv uzlucksiz ta’limning qaysidir bosqichida amalga oshirilsa, albatta, ta’lim oluvchining mutqiy kompetentligi yuqori bo‘ladi. Tahliliy o‘qish milliy til imkoniyatlarini yaxshi anglaydigan o‘quvchi, talaba va tadqiqotchi tayyorlashga zamin bo‘la oladi.

Kalit so‘zlar: tahlil, matn tahlili, tahliliy o‘qish, lisoniy tahlil, mutqiy kompetensiya, tadqiqotchilik, bilim, ko‘nikma va malaka

АНАЛИТИЧЕСКОЕ ЧТЕНИЕ-МЕТОД ОБУЧЕНИЯ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Джакбарова М.,

Магистрант Самаркандского государственного университета

Аннотация: В статье рассматривается метод аналитического чтения, который является основой дополнительного обучения языку и литературе. В нем осуществляется подбор текста и лингвистический, поэтический анализ выделенного текста. Если такой подход будет реализован на каком-то этапе непрерывного образования, то, безусловно, речевая компетентность обучающегося будет высокой. Аналитическое чтение может стать основой для подготовки читателя, студента и исследователя, хорошо понимающего возможности национального языка.

Ключевые слова: анализ, анализ текста, аналитическое чтение, лингвистический анализ, речевая компетентность, исследовательская деятельность, знания, навыки и квалификация

ANALYTICAL READING IS A METHOD OF TEACHING WITH THE ADDITION OF LANGUAGE AND LITERATURE

Jakbarova M.,

Master’s student of Samarkand State University

Abstract: The article discusses the method of analytical reading, which is the basis of additional language and literature teaching. It provides text selection and linguistic, poetic analysis of the selected text. If such an approach is implemented at some stage of continuing education, then, of course, the student’s speech competence will be high. Analytical reading can become the basis for the preparation of a reader, student and researcher who understands the possibilities of the national language well.

Keywords: analysis, text analysis, analytical reading, linguistic analysis, speech competence, research activity, knowledge, skills and qualifications

Kirish. Keyngi yillarda filolog kadrlar xususan, o‘zbek tili va adabiyoti, bo‘yicha o‘qituvchi va tadqiqotchilarni tayyorlash, zarur kasbiy komprtensiya ega qilish muayyan darajada o‘zini oqlamayapti. Shu ma’noda, yurtboshimizning “har birimiz davlat tiliga bo‘lgan e’tiborni mustaqillikka bo‘lgan e’tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni ona Vatanga ehtirom va sadoqat deb bilishimiz, shunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantirishimiz kerak”, degan fikrlari ona tili, davlat tili ta’limi uchun ham dasturul almaldir.

Bu turli omillarga bog‘liq ekanligini anglagan holda, shuni aytish mumkinki, oliy ta’lim tizimining filologiya, pedadogika ta’lim muassasalarining o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishlarini bitirib chiqayotgan mutaxassislar yetarli filologik bilim va malakaga ega bo‘la olmayapti. Ular

talabalikka qabul qilingach, muayyan kafedralarga biriktiriladi va buning natijasida adabiyot yo'nalishini tanlagan tilni, tilshunoslik kafedrasini tanlagan adabiyotni yaxshi o'zlashtirmaydi. Shuning uchun ayrim o'qituvchilarining til bo'yicha malakasi tekshirilganda biz adabiyot kafedrasida o'qiganmiz, degan javobni beradi, aksincha adabiyotdan savol berilsa, ba'zan men tilni yaxshi bilaman, degan iqrorlarga guvoh bo'lish mumkin.

Filologiya fakultetlarida o'zbek tili va adabiyoti fani o'qituvchisini tayyorlash mantiqan noto'g'ri, bizningcha. Yoki dasturlarni qayta ko'rib chiqish lozim. Odatda universitetlarning filologiya fakultetlariga bir yilada taxminan yuz va undan ortiq talaba qabul qilinadi, ularga 80-90 foiz tilshunoslik, adabiyotshunoslik nazariyasiga doir fanlar mutaxassislik fani sifatida o'qitiladi, ammo bitiruvchi bu ma'lumotlarni maktab ta'limga borib kimga o'qitadi, yoki gazeta jurnal, turli ijtimoiy sohlalarning qaysi qismida qo'llaydi? Masalan, Boduen de Kurtine, Ferdinand de Sossyurning ilmiy-nazariy qarashlari, turkiy xalqlar adabiyoti, qadimgi turkiy til, dealektologiya kabi chuqurlashtirilgan kurslarga doir mavzular filolog olim tayyorlashga ko'proq foyda beradi hamda bo'lajak tadqiqotchilarining har biri bilishi shart va zarur, ammo bo'lajak ona tili va adabiyot o'qituvchisiga zamonaviy o'qitish metodikasi, nutqiy ko'nikmalarni rivojlantiruvchi, kasbiy bilim va ko'nikmalarni oshiruvchi fanlar kerak.

Ta'lim tizimidagi, xususan, oliv ta'limda mutaxassis tayyorlash bilan bog'liq muammolarning yechimi bilan uzoq yillar davomida shug'illanib kelayotgan tilshunos olim – filologiya fanlari doktori, professor Ibodulla Mirzayev sohada sifatlari mutaxassis tayyorlash istiqbollarini matn ustida ishslash – “Tahliliy o'qish” mashg'ulotlarida ko'radi.

Mavzuga doir adabiyotlar tahlili (Literature review). Olim ko'p yillik ilmiy kuzatuvlari, tajribalariga tayanib til va adabiyotni ajratib o'qitish ilmg'a ham, jumladan, ta'limga ham kutilgan samarani bermasligini ta'kidlaydi. O'z tadqiqotlarida uzlusiz ta'lim tizimida o'tkazgan tajribasnov ishlari natijalariga tayanib,.til va adabiyotni qo'shib o'qitish – shaxs tarbiyasi uchun ham, filolog tayyorlashda ham, maktab ta'limida ham samarali natijani beradi, deb hisoblaydi I. Mirzayev Rossiya (Sankt-Peterburg), Fransiya davlatlarida malaka oshirgan, Janubiy Koreya, Germaniya tajribalarini, shu jumladan o'zbek mumtoz ta'limini chuqur o'rgangan holda o'qitishning mazkur milliy metodikasini ishlab chiqib, amaliyatda qo'llab kelmoqda.

Samarqand davlat universitetida uzoq yillardan davomida “Matn tahlili”, “Tahliliy o'qish” mashg'ulotlari o'qitib kelinadi. O'zbekistonda lingvopoetikaga doir tadqiqotlarni boshlab bergen olim terminologiya, nutq madaniyati, o'zbek tili o'qitish metodikasi kabi muhim sohalarini rivojlantirishga ham yangicha yondashib, univetsitet miqyosida ko'plab fanlarni yangidan tashkil qildi.

I.Mirzayevning mazkur innovstion yondashuvi 2020-yil Samarqand shahrida o'tkazilgan Respublika ta'lim markazi, universitet va malaka oshirish institutlari ishtirotida “Filologik ta'limda innovatsion yondashuv” mavzusida respublika ilmiy-amaliy anjumani doirasida ommalashtirildi. Nufuzli anjumanda pedagogika fanlari doktorlari Qozoqboy Yo'ldoshev, Qunduz Husanboyeva, Valijon Qodirov, filologiya fanlari doktorlari Jo'liboy Eltazarov, Murodqosim Abdiyev Dilbar o'rino boyeva va boshqa tadqiqotchilar, amaliyotchi o'qituvchilar ishtirot etib, mazkur o'qitish metodikasining ta'lim uchun ahamiyatli ekanligini e'tirof qilishdi. Jumladan, Surxondaryo, Samarqand va Jizzax viloyatlarining umumta'lim mакtablarida malakali o'qituvchilar ishtirotida tashkil qilingan tajriba-sinov darslari muvaffaqiyatli bo'lgani ta'kidlandi. Amaliyotchilar tomonidan aytilgan ayrim takliflar asosida o'tgan bir yil davomida mazkur o'qitish metodikasi takomillashtirildi.

Tahliliy o'qish fanining mohiyati shundayki, OTM larning filologiya fakultetlarida talabalar bir mashg'ulot davomida ham til ham adabiyotni o'rganish imkoniyatiga ega bo'lishadi. Albatta, bu – matn asosida amalga oshiriladi. Tahlil uchun duch kelgan matnni tanlab bo'lmaydi. O'zbek tafakkuri uchun juda zarur bo'lgan, ma'rifiy badiiy, tarixiy shuningdek, ilmiy matnlari olinadi. Masalan, Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asarida qo'llangan notanish so'zlar ustida ishslash mumkin. Jumladan, asarda “jonib” so'zi qo'llanilgan bo'lib u janub emas, aynan tomon ma'nosini bildirishi matn tahlilidan anglashiladi. Mashg'ulot mana shunday turli sohalarni qamragan asarlar matni ustida ishslash bilan o'tadi. Bunday mashg'ulotni o'tagan filologiya yo'nalishi talabasi kelajakda iqtidorli tadqiqotchi ham, mohir o'qituvchi ham bo'la oladi.

Tilda omonim bo‘lgan hodisalar adabiyotda – tajnis, antonimlar –tazod, aniqlovchilar – epitet, o‘zakdosh so‘zlar – ishtiqaq, uyadosh so‘zlar – tanosib deyilsa, ularni matnda ajratib bo‘lmaydi-ku, bu albatta, birga o‘rganishni taqozo qiladi.

Oliy ta’lim tizimida tayyorlanayotgan mutaxassis, har qanday matnni tahliliy o‘qiy olish malakasiga ega bo‘lishi kerak. Mazkur ko‘nikmani egallagan maktab o‘quvchilari kelgusida barcha kasblarga layoqatli bo‘ladi. Matnni tahliliy o‘qish barcha soha amaliyotlari uchun birdek zarur, masalan, noshir, moharrir, jurnalist, ilmiy kotib, shuningdek, turli sohalar bo‘yicha iqtisodchi, fizik, olim, yoki siyosatchi, tanqidchi, tergovchi hatto zamonaviy kasblardan bo‘lgan, dasturchi, bloger kabi mutaxassisliklarda ham samarali faoliyat ko‘rsata oladi. Ona tili ta’limida bunday yondashuv mavjud emas. Shuning uchun o‘quvchilarda, talabalarda matnni o‘qib tushunish ko‘nikmasi to‘la rivojlanmay qolmoqda.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). O‘zbekiston xalqaro baholash tadqiqotlarida ishtirok etishi rejalashtirilgan bir paytda “Tahliliy o‘qish” mashg‘ulotlarini ta’limning muayyan bosqichlariga (yuqori sinflar, oliy ta’lim, magistraturaning ayrim sohalariga) joriy qilish lozim. Zero, xalqaro PISA baholash dasturida ham matnni tahlil qilish ko‘nikmasiga katta e’tibor beriladi. Tasavvur hosil qilish uchun ayrim namunalar keltirish mumkin. Buni umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinflarida ham matnlarni soddalashtirgan holda qo’llash mumkin. “Tahliliy o‘qish” mashg‘ulotlari quyidagi mazmunda olib boriladi:

З йилда бир маротаба ўтказилиб, ҳар бир даврийликда биттадан ўйналишга устуворлик берилади ҳамда битта инновацион ўйналиш киритилади. 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган тадқиқотда инновацион ўйналиш сифатида ўкувчиларнинг креатив фикрлаш компетенциялари ҳам баҳоланади. Унда ўкувчилар мактабда эгаллаган билимларини қанчалик эслаб қолганликлари эмас, балки олган билимларини реал ҳаётий вазиятларда кўллай олишлари, ижодий ва мантикий фикрлаш кўнникмалари баҳоланади.

PIRLS инглиз тилидаги Progress in international reading and literacy study сўзларидан олинган бўлиб, Ўкувчиларнинг ўкиб тушуниш даражасини баҳолашга мўлжалланган

халқаро тадқиқот дастуридир. Мазкур дастур IEA томонидан ҳар беш йилда бир маротаба амалга оширилиб, унда PISAдан фарқли равища бошланғич таълимдаги 4-синф ўқувчиларининг бадиий тажриба орттириш, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш кўнималари баҳоланади. Ушбу халқаро дастур боланинг мустақил инсон сифатида ривожланишида катта аҳамият касб этиб, бошланғич таълимда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш кўнималарини халқаро миқёсда баҳолайди. PIRLS дастурида асосий эътибор 4-синф ўқувчиларига қаратилади, бунинг боиси одатда, ушбу ривожланиш даврида ўқувчилар ўқиш кўнимасини ҳосил қилган бўлиб, энди бу кўнимадан бошқа фанларни ўрганишда фойдаланаётган бўлади.

TIMSS инглиз тилидаги Trends in International Mathematics and Science Study сўзларидан олинган бўлиб, умумий ўрта таълимдаги математика ва табиий фанлардан таълим сифатини баҳолашга мўлжалланган халқаро тадқиқот дастуридир. TIMSS ҳам IEA томонидан жорий этиладиган PIRLS билан ҳамнафас келадиган дастур бўлиб, унда 4-, 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар бўйича билимлари ва саводхонликлари ҳар тўрт йилда бир маротаба халқаро даражада баҳоланади. Шунингдек, 2015 йилга қадар битирувчи синф ўқувчилари ҳам тадқиқотларда иштирок этган. Ушбу дастур ўқувчиларнинг асосан фундаментал билимларини ва мантиқий фикрлашини аниклашга қаратилади.

Математика кундаклик ҳаётда, мухандислик, архитектура, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, бизнес, тиббиёт, экология ва аэрокосмик саноат каби фаолиятнинг кўплаб соҳаларида зарур ҳисобланади. Математика иқтисод ва молия, ҳамда ҳисоблаш технологиялари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқишида ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Замонавий ўзгариб бораётган дунёда, ўқувчиларнинг янги кўнималарни ўзлаштириш ва муаммоларни хал қилиш қобилияtlари биринчи даражади аҳамият касб этади. Математика ва табиий фанларни баҳоловчи тизим сифатида TIMSS мониторинг учун қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Кўпинча STEM сифатида танилган табиий фанлар, технология, мухандислик ва математика ўқув дастурининг таянч соҳалари ҳисобланади. Шуниси аёнки, бугун кўргина ишчи ўринлари математика ва табиий фанларнинг базавий тушунчаларга эга бўлишни талааб этаётган бўлса, бу ҳолат кейинчалик янада долзарб аҳамият касб этади.

TALIS билим ёки компетенцияни баҳолайдиган эмас, балки таълим муассасасидаги бошқарув мухитини ўрганадиган дастурдир. Унда ўқитувчilar ва мактаб директорлари ўргасида сўровномалар ўтказиши орқали таълим соҳасида олиб борилётган сиёсатнинг самарадорлиги ҳақида киёсий ва таҳлилий маълумотлар олиш имконияти вужудга келади.

Санаб ўтилган дастурларнинг баҳолаш қамрови доираси ва тадқиқот йўналишлари ҳақидаги маълумотлар жадвалда келдирилган (1-жадвал).

Номи	Бошланган йил	Даврийлиги (ҳар неча йил)	Тадқиқот																		
			Саводхонликни баҳолаш йўналишлари				Сўровнома йўналишлари														
			Математик	Табиий-илмий	Ўқиши	Инновацион йўналиш ¹	Маҳмумони креатив хал	Муаммони биргаликда хал	Глобал компетенциялар	Креатив фикрлаш	Рақами дўйёна ўрганиш	Ўқитувчиларнинг билими	Ўқувчи	Ўқувчи (бар соатлик)	Ўқитувчи	Мактаб	Оға-она	Маннунлик	Таълимдаги карьера	Молиявий саводхонник	АКДдан хабардорлик
PIRLS	2001	5																			
TIMSS	1995	4																			
PISA	2000	3																			
TALIS	2008	5																			
Халқаро дастур доирасида мажбурий тадқиқот йўналиши																					
Математик, табиий-илмий ва ўқиши саводхонлигини баҳолаш йўналишига кўшимча равища битта инновацион йўналиш киритилади.																					
Ихтиёрий равища ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот йўналиши																					
*манба: ушбу жадвал халқаро баҳолаш дастурларининг расмий сайтиларидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан шилад чиқилган.																					

1-жадвал. Халқаро баҳолаш дастурларининг тадқиқот йўналишлари

Ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолашга қаратилган халқаро тадқиқотларнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчиларнинг эришган ютуқларини ўрганишда барча ўқувчилардан эмас, балки ушбу қатламнинг вакиллари сифатида танлаб олинган ўқувчилардан тест ўтказиш орқали баҳоланади.

Салоҳиятни ривожлантириш ва тажриба орттириши. Ўзбекистон Республикаси халқаро тадқиқотларда иштирок этиш учун расман киришганидан кейин хорижий мамлакатлар, Австралия, АҚШ, Россия, Германия давлатларидан 7 нафар халқаро эксперталар жалб қилинди, 30 нафар мутахассисларнинг хорижий мамлакатларда малакаси оширилди тажрибали фан мутахассислари қаторидан халқаро тадқиқотлар бўйича 260 нафар ўқитувчилар тренерлар сифатида тайёрланди ҳамда Республиканинг 14 та худудларидағи семинарлар ташкил этилди.

Ўқувчиларни халқаро тадқиқотларга тайёрлашга мўлжалланган жами 35 номдаги, шу жумладан, 2021 йилда 15 номдаги ўқув-услубий материаллар, халқаро тадқиқотларнинг намунавий топширикларидан иборат 8 та номдаги машқ дафтарлари, даврий Ахборотноманинг 3 та сони, 4 номдаги баҳолаш қамров доиралари, таянч мактаблари учун 1 та тренинглар ўқув дастури ишлаб чиқилиб, мактаблар жамоалари эътиборига етказилди. Хусусан, 4 номдаги методик қўлланмалар 40 000 нусхада чоп этилиб, барча умумтаълим муассасаларига етказиб берилди.

Таълим инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзтелерадиокомпанияси билан ҳамкорликда халқаро тадқиқотларнинг тегишли йўналишлари бўйича 130 номдаги видеомахсулотлар тайёрланиб, телеканаллар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали кенг жамоатчиликка ҳавола этилди (2-жадвал).

2-жадвал. Халқаро тадқиқотларга оид ишлаб чиқилган видеомахсулотлар

№	Видеомахсулот тури	Сони
1	Видеодарс	65
2	Махсус кўрсатув ва видеороликлар	14
3	Ахборот берувчи видеолар	26
4	Семинар, вебинарларнинг видеоёзувлари	25
Жами		130

Манба: Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Миллий таълим тизимиға янги лойиҳалар, дастурлар, таълим сифатини баҳолаш ва ривожлантиришга ёндашувлар кириб келар экан, ушбу ислоҳотларнинг муваффақиятли бўлишида тизим иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш мухим аҳамиятга эга. 10,0 мингдан ортиқ мактабларни қамраб олган умумий-ўрта таълим тизимида фаолият юритаётган маъмурий бошқарув ходимлари, педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, янги лойиҳаларнинг мазмуни, моҳияти ва ҳамияти ҳакида уларга етказиб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни инобаттга олган ҳолда, Таълим инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг тегишли қарори асосида Республиканинг барча худудларидағи 202 та туман (шаҳар)ларни қамраб оладиган 348 та таянч мактаблари белгиланиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқнома тасдиқланди.

Таянч мактаблар умумий ўрта таълим муассасаларини халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтириш бўйича асосий методик базага эга бўлган, доимий ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар, давра сұхбатларини ташкил этиш, илғор хорижий тажрибаларни оммалаштириш ишларини амалга оширадиган муассасалар ҳисобланishi белгилаб қўйилди. Ушбу мақсадлар йўлида ўзига яқин ҳудудлардаги 9586 та мактаблар Таянч мактабларига бириктирилиб, бунда ҳар бир таянч мактаби учун ўртача 27,5 та мактаблар тўғри келди (3-жавдал).



3-жадвал. Халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган таянч мактаблар ва уларнинг қамров доираси.

T/p	Худудлар номи	Туман (шахар) сони	Таянч мактаблар сони	Бириктирилган мактаблар сони	Бир таянч мактабга бириктирилган ўртacha мактаблар сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16	26	698	26,8
2	Андижон вилояти	16	28	736	26,3
3	Бухоро вилояти	13	23	510	22,2
4	Жиззах вилояти	13	20	525	26,3
5	Қашқадарё вилояти	15	29	1115	38,4
6	Навоий вилояти	10	16	344	21,5
7	Наманган вилояти	12	24	681	28,4
8	Самарқанд вилояти	16	32	1215	38,0
9	Сурхондарё вилояти	15	27	894	33,1
10	Сирдарё вилояти	11	15	296	19,7
11	Тошкент вилояти	22	36	853	23,7
12	Фарғона вилояти	19	36	906	25,2
13	Хоразм вилояти	13	22	514	23,4
14	Тошкент шаҳри	11	14	299	21,4
Жами:	14	202	348	9586	27,5

Манба: Таълим сифатини назорат қилиши давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган таянч мактаблар фаолиятини ташкил этиши ҳақида” қарори (2020 йил 8-май, 17/23-қў-сон) асосида тайёрланди.

Таянч мактабларида тажрибали педагоглар қаторидан ўқиши, математик, табиий-илмий саводхонлик, бошланғич таълимда ўқиши саводхонлигини ривожлантириш бўйича тренер-ўқитувчилар фаолияти йўлга кўйилди ҳамда уларнинг базасида минглаб семинарлар ташкил этилди.

Давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамасдан, ўқитиши ва баҳолаш методлари, шунингдек дарслклар ва бошқа ўқув материаллари асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўнималари ҳамда бошқа малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда (концепциядан).

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан таълим вазирликлари ва ҳудудий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда, ўқувчиларнинг компетенциялари, билимларини амалиётда қўллай олиш, матнни ўқиб тушуниш кўнималарини баҳолашга қаратилган жами 12 та тадқиқотлар ўтказилган (4-жадвал).

Шу ўринда, PISA тадқиқотининг биргина устувор йўналишини келтириб ўтадиган бўлсак, унга кўра ўқувчиларнинг креатив фикрлашини баҳолаш кўзда тутилган. Ушбу устувор йўналиш XXI аср кўнимаси сифатида эътироф этилганини инобатга олсак, таълим тизимининг истикболдаги ривожи ўқувчиларда ушбу кўнималарнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ бўлиши табиий. Халқаро баҳолаш дастурлари тамойиллари асосида Ўқувчиларнинг фанлар бўйича саводхонлигини баҳолаш мақсадида, Республикадаги 191 та мактабларда тажриба синовлар ўтказилиб, 4873 нафар ўқувчиларнинг саводхонлиги баҳоланганди эди. Унинг натижаларига кўра, ўқувчиларда олган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш, мантикий фикрлаш, масалаларни ностандарт йўллар орқали ечимини топиш, шунингдек, берилган топшириклар юзасидан очик саволларга ўз

фикрларини мустақил ёзма баён қилиш кўнгилмалари етишмаслиги маълум бўлди.

4-жадвал. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллӣй маркази томонидан 2019 – 2021 йиллар давомида ўтказилган тадқиқотлар хақида

№	Номланиши	ТАДҚИҚОТЛАР										Қамрови						
		Ўтказилинган муддати	2019 йил 8-19 апрель	2019 йил 13 октябрь	2019 йил 25-28 ноябрь	2019 йил 2020 йил 10-16 декабрь	2020 йил 17-18 ноябрь	Коғоз	Коғоз	Коғоз	Коғоз	Синф ўқувчилар	Туман (шаҳар)	Мактаблар	Ўқувчилар	Ўқитувчи	Директор	Оғ-она
1	PISA талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш I-Миллӣй тадқиқот											9	187	191	4873	-	-	-
2	Инсон капитали индекси учун Миллӣй тадқиқот тажриба-синов											5	7	9	286	-	-	-
3	Инсон капитали индекси учун Миллӣй тадқиқот											5	112	150	3922	-	-	-
4	PISA талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш II-Миллӣй тадқиқот тажриба-синови											9	9	10	277	-	10	-
5	PISA талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш II-Миллӣй тадқиқот											9	119	150	3444	-	150	-
6	REDS - таълимдаги узилишларга жавоблар тадқиқоти											8	105	150	2919	2575	150	-
7	PIRLS – Бошлангич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастур тажриба-синови											5	11	28	1417	54	28	1417
8	PIRLS - Бошлангич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастур асосий тадқиқоти											4	107	180	5847	221	180	5847
9	PISA – Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш халқаро дастури тажриба-синови											5	1	28	1417	54	28	1417
10	Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш тадқиқотининг тажриба-синови	2021 йил 12-13 ноябрь	2021 йил 22-23 октябрь	2021 йил 9-11 марта	2021 йил 19-23 октябрь	2021 йил 5-14 апрель	2021 йил 22-23 ноябрь	Коғоз	Коғоз	Онлайн	Коғоз	9	119	150	3444	-	150	-
11	Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш тадқиқоти доирасида эквивалентликни аниклаш тадқиқоти	2021 йил 23 ноябрь	2021 йил 12-13 ноябрь	2021 йил 22-23 ноябрь	2021 йил 5-14 апрель	2021 йил 19-23 октября	2021 йил 22-23 ноябрь	Коғоз	Коғоз	Оффлайн	Коғоз	4	107	180	5847	221	180	5847
12	Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш тадқиқотининг асосий синов жараёни	2021 йил 15-18 декабрь						5 ва 7-синифлар	5 ва 7-синифлар	(15 ёш)	5 ва 7-синифлар	-*	9	507	59	-	83	-
													9	83	4574	-	83	-
													150	264	-	-	-	-
													150	7365	300	-	-	-

Манба: Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллӣй маркази хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Миллӣй баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолашга оид ўтказилган тадқиқотларга назар ташлайдиган бўлсақ, умумий ўрта таълимнинг аксарият босқичлари ушбу тадқиқотлар билан қамраб олингандигини кўришимиз мумкин. Масалан PIRLS дастури доирасида бошланғич синф ўқувчилари,



Инсон капитали индекси учун ўтказилган миллий тадқиқот, PISA талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича миллий тадқиқот ва бошқалари таянч ўрта таълим босқичида тахсил олаётган ўқувчиларни баҳолашда муҳим ўрин тутган.

Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкilotлар билан ҳамкорликда бутун дунёни тарзага келтирган COVID-19 пандемиясининг таълим жараёнини ўрганишга қаратилган 2 та кенг камровли, шу жумладан IEA ва UNESCO ташкilotлари билан ҳамкорликда REDS халқаро тадқиқоти ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Таълимдаги йўқотишларни баҳолаш” тадқиқотлари ташкил этилди.

Ўтказилган халқаро тадқиқотлар доирасида умумий ўрта таълим тизимила жорий этилган таълим жараёнларининг сифатини халқаро дастурлари асосида ўлчаш билан бир каторда, миллий даражадаги тадқиқотларни ташкил этиш бўйича 50 дан ортиқ йўрикнома ва хужжатлар ишлаб чиқилди, 500 дан ортиқ мутахассисларнинг салоҳияти ривожлантирилди, бир сўз билан айтганда Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолашга қаратилган Миллий тизимни такомиллаштириш бўйича йирик қадамлар қўйилди.

Мазкур мақола, Миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўлида яратилган институционал асосларни таҳлил қилишга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, ўтказилган тадқиқот натижаларини бошқа мақолалар доирасида атрофлича ёритиб берилади.

Хулоса ва таклифлар.

Мақола доирасида таҳлил қилинган маълумотлар асосида шундай хулосаларга келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини баҳолаш тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, халқаро баҳолаш дастурлари эса ушбу тизимини такомиллаштиришда асосий омиллардан бўлиб хизмат қиласди.

Халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик кўриш, уни Ўзбекистон умумтаълим муассасаларида жорий этиш бўйича меъёрий-хукуқий, ташкилий ва методик асослар яратилган. Ушбу дастурларнинг аҳамиятини тарғиб қилиш ва янги ғояларни тажрибадан ўтказиш учун таянч мактаблар тизими яратилган. Тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ташкил этишни кўллаб-қувватлаш бўйича зарурий молиявий ва инсон ресурслари мавжуд.

Ўқувчиларнинг саводхонлиги, мантиқий ва ижодий фикрлаш кўнималари ва компетенцияларини баҳолаш бўйича кўплаб халқаро дастурлари тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон умумтаълим муассасаларида жорий этилган.

Халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлиллари ўқувчиларда XXI аср кўнимма ва компетенцияларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун эса, аввалам бор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, инновацион ўқитиш усулларини жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қатор ишларни амалга оширишнинг долзарблиги намоён бўлмоқда.

Лекин ушбу тадқиқотларнинг тамойилларини чуқурроқ ўрганиш ва таълим тизимида сингдириш бўйича кўплаб меъёрий-хукуқий хужжатлар қабул қилиниши лозим.

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари таълимдаги ютуқларини халқаро тадқиқотлар ҳамда миллий тадқиқотлар асосида баҳолаш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

юртимиздаги таълим тизимининг ютуқ ва камчиликлари юзасидан ўз вақтида ахборот олиш;

таълим тизимида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва дастурларнинг таъсирини таҳлил қилиш имконияти яратилади;

таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсда мамлакатнинг нуфузини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

ўқувчиларнинг билими, салоҳияти ва саводхонлик даражаларининг қай даражада шаклланганлигини билиш ҳамда халқаро миқёсда, хорижий мамлакатлардаги тенгдошлари

билин тақослаш;

таълим муассасаларидағи жорий этилган ўқитиш усулларини бошқа мамлакатлардаги усуллардан фарқли жиҳатлари ҳакида тасаввурга эга бўлиш;

ўқувчиларнинг саводхонликни ривожлантиришга оид дарслар мактабларда қандай ташкил этилганлиги ҳакида маълумот олиш;

ота-оналар томонидан ўқувчиларнинг билими ва саводхонлигини яхшилашда кўшилаётган хиссалари салмоғини билиш;

ўқувчиларни фанлараро уйғунлик асосида баҳолаш, дунё бўйича умумий ва ҳар бир мамлакат кесимида таълим жараёнларини чукур тахлил қилиш;

таълим сифати ва самарадорлигига янгича қараш, замонавий, компетенциявий ёндошувлар, яъни ўқувчиларнинг олган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш, ижодий ва мантиқий фикрлаш кўнкимларини баҳолаш ва ривожлантириш ёндашувини олиб кириш;

шунингдек тизимда туб ислоҳотлар ва бурилишларга сабаб бўладиган стратегик қарорлар қабул қилиш учун зарурий маълумотларни олиш имкониятлари яратилади.

Ушбу ислоҳотлар орқали ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этишга йўналтирилади.

Шундай экан, миллий таълим тизимида фарқли бўлганлиги сабабли мазкур тадқиқотларга тайёргарлик кўриш, шу орқали таълим сифатини оширишга эришиш учун умумтаълим муассасалари жамоаларидан юксак масъулият, ўқувчилардан етарлича билим ва кўнкимларга эга бўлишлик, шунингдек ўқитувчилар замонавий инновацион ўқитиш усулларини ўзлаштириши лозим бўлади.

Ўқувчиларнинг мантиқий, ижодий фикрлаш компетенцияларини баҳолаш ва ривожлантиришда халқаро дастурлар тажрибалари асосида яратилган миллий баҳолаш тизими муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчиларнинг малакасини оширишда уларда ўқувчиларнинг математик, табиий-илмий ва ўқиши саводхонлиги ҳамда креатив фикрлаш, муаммоларни биргаликда ечиш каби компетенцияларини ривожлантиришга оид замонавий ўқитиш усулларидан фойдалана олиш кўнкимларини шакллантиришга эътибор қаратиш тавсия этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конуни. ЎРҚ-637-сон, 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли фармони. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари онлайн миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарқатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва ракамли иктисадиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон фармони. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари онлайн миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8-декабрдаги 997-сонли карори. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари онлайн миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим бўйича Глобал ҳамкорлик гранти — бегараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда «Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 30 декабрдаги 371-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқаро тараққиёт уюшмаси, таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти ҳамда натижаларга асосланган ёндашуввлар учун глобал ҳамкорлик ташкилоти иштирокидаги «болаларни эрта ёшдан ривожлантириши такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 декабрдаги 789-сон қарори. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари онлайн миллий базаси.
8. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган таянч мактаблар фаолиятини ташкил этиш ҳакида” қарори. 2020 йил 8-май, 17/23-кк-сон.
9. “Халқаро PIRLS 2021 дастурининг асосий тадқиқотларини ўтказиш учун танланган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолашни юкори савиядга ташкил этиш тўғрисида” Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 майдаги 15*-сон ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 19/к-сон қарори.
10. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлигининг “Инсон капитали индекси – 2019 рейтингида Ўзбекистон Республикасининг тўлақонли аъзо сифатида эътироф этилишини таъминлаш максадида



умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказиладиган тадқиқотнинг тажриба-синов жараёнини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 6 ноябрдаги 228-сон бўйруги.

11. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлигининг “Инсон капитали индекси – 2019 рейтингига” Ўзбекистон Республикасининг тўлаконли аъзо сифатида этилишини таъминлаш учун маълумот тақдим этиш максадида умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказиладиган тадқиқотнинг асосий синов жараёнини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 18 ноябрдаги 235-сон бўйруги.

12. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлигининг “PISA дастури талаблари асосида “Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича Миллий тадқиқот ўтказиш” тўғрисида” 2020 йил 30 ноябрдаги 180-сон бўйруги.

13. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекциясининг “PIRLS 2021 тадқиқоти доирасида тажриба-синов жараёнини юкори савияда ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 8 октябрдаги 146-сон бўйруги;

14. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекциясининг “PISA-2022 дастури тажриба-синов жараёнини халқаро талаблар асосида ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги 62-сон бўйруги.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Ўқувчилар билимининг Давлат таълим стандартларига мослиги даражасини анилашнинг амалдаги мониторинг механизмини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 17 сентябрдаги 213-сонли бўйруги.

16. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлигининг “REDS халқаро тадқиқотини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 11 январдаги 4-сон бўйруги; Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекциясининг 2021 йил 4 мартағи 01-143 ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 4 мартағи 02-02-3-698-сонли кўшма хати;

17. Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекциясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 03-311-сонли хати.

18. Винсент Грини, Томас Келлаген. Оценка национальных достижений на национальном уровне. Книга 1. Международный банк реконструкции и развития/Всемирны банк, 2008, 2011. Москва, Логос – 2011.

19. Пру Андерсен, Джордж Морган. Разработка тестов и анкет для национальной оценки учебных достижений. Книга 2. Международный банк реконструкции и развития/Всемирны банк, 2008, 2011. Москва, Логос – 2011.

20. Винсент Грини, Томас Келлаген. Проведение национальной оценки учебных достижений. Книга 3. Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк, 2008, 2011. Москва, Логос – 2014.

21. Шляйхер Андреас. Образование мирового уровня. Как вкстроить школьную систему XXI века? / Андреас Шляйхер; [пер. с англ. И.С.Денисенко, И.Ю.Облачно]; предисловие С.С.Кравцова. – Москва: Издательство «Национальное образование», 2019. – 336 с – (Антология образования). ISBN 978-96-64-300002 (англ.), ISBN 978-5-4454-1248-9 (рус.).

22. PIRLS 2021 Assessment frameworks. Ina V.S.Mullis and Michael O.Martin, Editors. Copyright © 2019 International Association for the Evaluation of Educational Achievement (IEA).

23. TIMSS 2019 Assessment framework. Ina V.S.Mullis and Michael O.Martin, Editors. International association for evaluation of educational achievement (IEA).

24. TIMSS 2023 Assessment frameworks. Mathematics. Ray Philpot, Mary Lindquist, Ina V.S.Mullis, Charlotte E.A.Aldrich.

25. Исмаилов А., Даминов Х., Каримов Н., Тогаева Г., Каримбердиев К., Қосимова З. Ўқувчиларни халқаро тадқиқотларга тайёрлашга мўлжалланган Ахборотнома-2. Умумий ўрта таълим муассасаларининг аниқ, табиий ва филология фанлари ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, 7-11 синф, академик лицей ва касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари учун мўлжалланган тест топшириклари тўплами (Ахборотнома 2-сон). “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга оширилган миллий марказининг матбаа бўлими”.

Тошкент, 2020 йил;

26. Исмаилов А., Даминов Х., Каримов Н., Ахмедов Х., Тогаева Г., Қосимова З. Ўқувчиларни халқаро тадқиқотларга тайёрлашга мўлжалланган Ахборотнома-1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг аниқ, табиий ва филология фанлари ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, 7-11 синф, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган тест топшириклари тўплами (Ахборотнома 1-сон). “Ўқитувчи” Нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2020 йил;

27. Исмаилов А.А., Норбоева Д.А., Манапова Д., Уралова М. “Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш” Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун методик кўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2019 йил;

28. Исмаилов А.А., Каримов Н.А., Хайдаров Б.К., Исмаилов Ш.Н. “Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг математик саводхонлигини баҳолаш” Математика фани ўқитувчилари, методистлари ва соҳа мутахассислари учун методик кўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2019 йил

29. Исмаилов А.А., Тогаева Г.О., Акбарова С., Аскарова Д. “Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг табиий фанлар бўйича саводхонлигини баҳолаш”. Табиий йўналишдаги фан ўқитувчилари, методистлари ва соҳа мутахассислари учун методик кўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2019 йил

30. Исмаилов А.А., Норбоева Д.А., Кучарова К., Қосимова З.А., Аминова Н. “Халқаро тадқиқотларда бошлангич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш”. Бошлангич синф ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун методик кўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2019 йил.

31. Исмаилов А.А., Ахмедов Х.П. Бошлангич таълим сифатини оширишда халқаро PIRLS дастурининг аҳамияти. “PIRLS халқаро баҳолаш дастури: назария ва татбиқ этиши истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий масофавий конференция материаллари, Тошкент, 2020 йил 13 марта, 131-137 б.

ЁШЛАРНИНГ КЕЛАЖАҚДА МУНОСИБ КАСБ ТАНЛАШЛАРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎРНИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.044>

Мамадалиев Абдукамол,

Халқ таълими вазирлиги Таълим ва ишлаб чиқарши интеграцияси бўлими бои
мутахассиси

Инсизликни олдини олиш, умумтаълим мактаб битирувчиларининг бандлигини таъминлашмасаласимуҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ, ҳозирда Ўзбекистонда мактаб битирувчилари меҳнат бозорига касб ва малакасиз кириб бормоқда. Ҳолатни янада аниқроқ тасаввур этиши мақсадида 9-синф ўқувчилари ўртасида ўқувчиларнинг келажакда қандай касб эгаси бўлишини аниқлашга қаратилган сўровнома олиниб, 2021 йилда мактабларнинг 11-синфини тамомлаган ўқувчиларнинг бандлиги ҳолати бўйича мониторинг ўтказилди. Шунингдек, касб-хунарга ўргатиш бўйича дунёда етакчи бўлган Германия давлати тажрибаси ўрганилди. Ўтказилган сўровнома ва мониторинг натижалари умумтаълим мактаб битирувчиларини ҳаётга тайёрлашда касб-хунарга ўқитиши муҳимлигини кўрсатди. Олинган натижалар келгусида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсизликни камайтириши ҳамда мактаб ўқувчиларини ҳаётга тайёрлашга хизмат қиласади.

Калим сўзлар: Таълим сифати, аҳоли бандлиги, касб-хунар, сўровнома, умумтаълим мактаби, таълим индекси.

РОЛЬ СРЕДНИХ ШКОЛ В БУДУЩЕМ ВЫБОРЕ ПОДХОДЯЩИХ ПРОФЕССИЙ ДЛЯ МОЛОДЕЖИ

Мамадалиев Абдукамол,

главный специалист Департамента образования и производственной интеграции
Министерства народного образования

Одной из важнейших задач предотвращения безработицы является обеспечение трудоустройства выпускников средних школ. Однако в настоящее время выпускники средних школ в Узбекистане выходят на рынок труда без профессии и квалификации. Для того, чтобы получить более чёткое представление о ситуации, был проведен опрос среди 9-классников, чтобы определить, какая профессия будет у учащихся в будущем, а также проведен мониторинг о статусе занятости 11-классников в 2021 году. Также было изучено исследование Германии, являющейся мировым лидером в сфере профессионального образования. Результаты опроса и мониторинга показали важность профессионального образования в подготовке выпускников общеобразовательных школ к жизни. Результаты послужат обеспечению занятости в будущем, сокращению безработицы и подготовке школьников к жизни.

Ключевые слова. Качество образования, занятость, профессия, опрос, средняя школа, индекс образования.

THE ROLE OF SECONDARY SCHOOLS IN THE FUTURE SELECTION OF SUITABLE PROFESSIONS FOR YOUNG PEOPLE

Mamadaliev Abdukamol,

chief Specialist of the Department of Education and Industrial Integration of the Ministry
of Public Education

One of the most important tasks of preventing unemployment is to ensure the employment of secondary school graduates. However, currently secondary school graduates in Uzbekistan enter the labor market without profession and qualifications. In order to get a clearer picture of the situation, a survey was conducted among 9th graders to determine what profession students



will have in the future, and monitoring was carried out on the employment status of 11th graders in 2021. The study of Germany, which is the world leader in the field of vocational education, was also studied. The results of the survey and monitoring showed the importance of vocational education in preparing general education school graduates for life. The results will serve to secure future employment, reduce unemployment and prepare schoolchildren for life.

Key words: quality of education, employment, vocation, survey, secondary school, education index.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 60 фоиздан ортикрок . Юртимизда аҳоли сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. 2021 йилда аҳолимиз 35 млн.га (2021 йил 1 июль холатига 34,860,200 нафар) етди. Доимий аҳоли сонинг 31.1 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58,0 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, 10,9 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ташкил этмоқда . Бирлашган миллиатлар ташкилотининг 2020 йилда ўтказган тадқикот натижаларига кўра Ўзбекистон таълим индекси бўйича дунёнинг 189 та мамлакатлари орасида 71-ўринни эгалламоқда. Кўшни далатлар орасида Тожикистон (96-ўрин), Туркманистон (111-ўрин), Афғонистон (170-ўрин) давлатларидан юқори ўринга эга бўлсада, Қирғизистон (70-ўрин), Қозогистон (35-ўрин) давлатларидан бир мунча ортда эканлигини кўрсатмоқда .

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиши борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ти қонуннинг янги тахрири қабул қилинди, Мактабгача таълим тизими мустақил тизим сифатида шакллантирилиб, тубдан ислоҳ қилинди. Халқ таълими тизимида ўқитувчилар обрўсини кўтариш, таълим сифатини янада яхшилаш, умумтаълим мактабларининг модий-техник ҳолатини яхшилаш, ўқитувчилар сифат таркибини яхшилаш, таълим сифатини аниқлаш бўйича янги тизим яратилди. Аввалги ўрта-махсус таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, янги профессионал таълим тизими жорий этилди. Олий таълим тизимида бир қанча енгилликлар яратилиб, кириш имтиҳонлари шаффоғлиги оширилди. Олий таълим муассасалари мустақиллиги янада кенгайтирилди. Барча таълим босқичлари учун хусусий таълим муассасаларини ташкил этишга кенг йўл очилди.

Дунё амалиётини чукур таҳлил қилган ҳолда таълим бериш шакллари ҳам ўзгартирилди. Жумладан, сиртқи, кечки таълим шакллари билан биргалиқда масофавий ва дуал таълим шакллари жорий этилди.

Натижада, олий таълим билан камраб олиш даражаси 2015 йилда 58 мингни ташкил этган бўлса 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 3 баробарга ошиб, 165 мингга етди .

Таълим сифатини назорат қилиш, Ўзбекистонни халқаро таълим рейтингларида иштирокини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги 515-сонли қарори билан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди . Бугунги кунда марказ республикада таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, таълим ҳужжатларини легаллаштириш, таълим сифатини назорат қилиш, халқро рейтингларда Ўзбекистонни иштирокини таъминлаш масаларида фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, янгиланган профессионал таълим муассасаларида 400 минг ўқувчи 1400 дан ортиқ касб, мутахассисликлар бўйича таълим олмоқда.

Ўзбекистонда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқкан ҳолда ишсизликни камайтириш, фуқароларни ишга жойлашишида дуч келиши мумкин бўлган бюрократик тўсиқларни олдини олиш, инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги

тизими жорий этишучун шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорига асосан “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори” янги тарҳирда ишлаб чиқилди. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича тегишли малака даражасига эришиш йўлларининг мослашувчанлиги ва хилма-хиллигини таъминловчи Малака даражаларига эришиш схемасига асосан миллый малака рамкаси яратилди.

Бугунги кунда меҳнатга лайқатли аҳолининг 66 фоизи иш билан банд бўлса, қолган 34 фоиз аҳолининг бандлигини ҳал этиш энг муҳим вазифалардан биридир. Фуқароларни бандлигини таъминлаш уларга меҳнат бозорида муносиб ишларни таклиф этишда ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш муассасалари алоҳи ўринга эга. Ёшларни ўз қизиқишилари ва қобилиятларига мос равишда касб танлашларига кўмаклашиш, уларни келажакда яхши мутахассис бўлишини таъминлайди.

Умумтаълим мактабларининг 1 минг 200 нафар 9-синф ўқувчилари ўртасида келажакда қайси касб эгаси бўлиши тўғрисида сўровнома ўтказилганда, 52,7 фоиз ўқувчи тўрта (ўқитувчи, шифокор, тадбиркор, ҳарбий) касбни танлаган. (1-расм)

Сўровнома натижалари ўқувчиларга бугунги кунда меҳнат бозорида мавжуд бўлган касблар тўғрисида янада кўпроқ маълумотлар бериб бориш, уларнинг бу йўналишдаги билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти борлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-11-синф ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021-йил 30 декабрдаги 792-сонли қарорига мувофи умумтаълим мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш тизими жорий этиш белгиланган.

Халқ таълими тизимида ўқувчиларни қизиқишиш ва қобилиятларини аниқлаш бўйича profnavigator.uz платформаси ишлаб чиқилган. Платформада 5-11-синф ўқувчиларини мантиқий фикрлаш, қизиқишилари ва касбга бўлган мойиллигини аниқлаб берувчи тестлар, мотивацион видеороликлар, касблар хакида маълумот берувчи инфографик материаллар, психолог маслаҳатлари мавжуд. Интернет тармоғида инглиз тилида ва рус тилида инсонларни қизиқишилари ва касбга бўлган мойиллигини аниқлашга каратилган бир қанча контентларни топиш мумкин. Аммо, ўзбек тилида бу турдаги веб-порталлар кам.

Ҳар йили умумтаълим мактабларини 400 миннгдан ортиқ ўқувчилар тамомлайди. Бу кўрсаткич олий таълим ва пофессионал таълим муассасаларининг умумий қамровига нисбатан ўртача 100 минг нафарга кўп. Ўз навбатида ўқишига жалб этилмаган битирувчилар меҳнат бозорига малакасиз, касбсиз кириб боради. 2021 йилда умумтаълим мактаб битирувчиларининг бандлик ҳолати ўрганилганда 2022 йил январь ойи ҳолатига 437 минг битирувчидан 162 минг нафари (37%) таълимни давом эттираётган бўлса, 191 минг нафарининг (44%) бандлиги, 82 минг нафарининг (19%) ишсизлиги аниқланган (2-расм).

Бу борада халқро тажрибани кўриб чиқадиган бўлсак, ўқувчиларни эрта ёшдан қизиқишиларини аниқлаш ва уларни касб-хунарга йўналтириш борасида Германия Федератив Республикаси дунёда еткачи мамлакатлардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим индекси бўйича 2020 йилда эълон қилинган рейтингига кўра Германия Федератив Республикаси 1-ўринни эгаллаган.

2021 йил октябрь ойида 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаси (1-расм)



Германияда олий маълумотли аҳоли олий маълумотсизларга қараганда кўпроқ даромад топишади. Аммо, Германияда касб-хунарга қизиқиши жуда юқори, мисол учун 2016 йил маълумотларига кўра аҳолининг 250000 деярли ярми (47%) касб-хунар таълимини олган эди.

Германия Федератив Республикаси 16 та мустақил 200000 Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим 150000 муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари 100000 мавжуд. Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) хукуматининг конпетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, олий ўқув юртларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

Германия Конституциясига мувофиқ, мактаб таълими давлат назоратида. Мамлакатда ўн олтига федерал ер мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири ўзининг таълим тўғрисидаги қонунига эга. Шу сабабли федерал ерларда мактаб таълимида айrim фарқлар бор.

Германияда таълим тизими бошлангич, ўрта, юқори мактабдан иборат бўлган классик уч босқичдан иборат. Ҳар бир босқич мактаблари давлат ва кам сонили хусусий мактаблардан иборатдир. Германияда давлат барча фуқароларга бепул бошлангич ва ўрта таълим олишини кафолатлади. Шунингдек, ўқпина давлат олий таълим муассасаларида ўқиш бепул амалга оширилади.

Бошлигич таълимдан сўнг ўқувчилар имтиҳон асосида 4 турдаги мактабларга бўлинади. Ўзлаштириш даражаси юқори бўлган келажакда ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттирадиган ўқувчилар Гимназиларга (Gymnasium), ўзлаштириш даражаси ўртача бўлган келажакда касб-хунар ўрганишга мойил ўқувчилар Асосий (Hauptschule), Реал (Realschule), Бирлашган (Gesamtschule) мактабларга боради.

Ўқувчилар Гимназияларда 5-синфдан 13-синфгacha 9 йил, қолган мактабларда 5-синфдан 10-синфгacha 6 йил таълим олишади. Гимназияни муваффақиятли тамомлаганлар олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз қабул қилинади. Қолган мактабларни тугуллагандан сўнг ўқишни касб-хунар мактабларида давом эттиришади.


Касбий мутахассисликни ўзлаштириш жараёни Дуал тизим - қўш тизим деб аталади. Бу талабанинг бир вақтнинг ўзида икки жойда ўқиётгани билан боғлиқ. Ўқиш вақтининг таҳминан тўртдан уч қисмини у ўқишга қабул қиласидиган корхонада ўтказади. Шундай қилиб, ўқув дастури деярли бутунлай амалиётдан иборат бўлиб, касбнинг ривожланиши реал шароитларда амалга оширилади. Шу билан бирга, корхона талаба билан таълим шартномасини имзолайди, унда дастурнинг шартлари, мақсадлари ва асосий модуллари кўрсатилган.

Талаба ҳафтада бир ёки икки кун касб-хунар мактабида ўқийди. У эрда у иш учун зарур бўлган назарий билимларни олади.

Германияда касбий таълим олиш учун 1 йилдан 4 йилгача вақт кетади. Давомийлиги ўзлаштирилаётган мутахассисликнинг мураккаблигига ва маълум бир дастур шартларига боғлиқ. Талабанинг малакаси ортиб боргани сари унинг иш жойида бажарадиган оператсиялари ҳам қийинлашиб боради. Қийинчилик даражасига мутаносиб равища стипендия ҳам ҳар йили ўсиб боради, бу охирги йилда ёш мутахассис даромадининг тўртдан уч қисмини ташкил қилиши мумкин. Грант олишнинг асосий шарти касб-хунар мактаби дарсларида катнашиш ва материални муваффақиятли ўзлаштиришдир.

Немис касб-хунар таълими тизимида жами 400 дан ортиқ касбларни танлаш мумкин. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда сотувчи, офис ходими (мутахассислиги «офис бошқаруви»), автомеханик ва электромонтёр энг кўп талаб қилинадиган касблардир. Кексаларга ғамхўрлик қилиш, темир йўл ва бошқалар билан боғлиқ касблар маҳаллий

2021 йилда умумтаълим мактаблари бўлган ўқувчиларининг
бандлиги кўрсаткичи (2-расм)



талабалар учун камроқ обрўга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон олиб борилаётган ислоҳотларга мутаносиб равишда ўқувчиларнинг қизиқишиларини аниқлаш ва уларни касб ҳунарга йўналтириш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунда, биринчидан, ўқувчиларни қизиқишиларини аниқлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини жумладан, Германия тажрибасини чуқур ўрганганд ҳолда 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни қизиқиши ва қобилиятларига қараб йўналтириш;

иккинчидан, барча фанлар чуқурлаштирилиб ўтиладиган ихтисослашган умумтаълим муассасаларининг ўқишига қабулини бир хилда 7-синфдан этиб белгилаш;

учинчидан, ўқувчиларни қизиқиши ва қобилиятларини аниқлаш бўйича мавжуд тизимни янги замонавий методлар ёрдамида такомиллаштириш ва уни онлайн тарзда барча ўқувчилар фойдаланиши учун кулаг шаклга келтириш зарур.

Шунингдек, ишсизликни олдини олиш, ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашни самарали ташкил этиш мақсадида қуидагиларни амалга ошириш тавсия этилади: биринчидан, таълимда изчиликни таъминлаш, бошқарувда ягона тизим яратиш, бино ва иншоотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида барча касб-хунар мактабларини халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш;

иккинчидан, касб-хунар мактабларида ўтиладиган касбларни қайта кўриб чиқш, замонавий касбларни ўргатишга мослаштириш;

учинчидан, барча касб-хунар мактабларини худуддаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, агротехнологик корхоналарига биринчириш, корхоналарга ишчиларни факат мазкур муассаса битирувчилари орасидан олиш тизимини яратиш;

тўртинчидан, касб-хунар мактабларига йириқ, катта маблағ талаб этадиган жихозларни харид қилишни чеклаш, ўқувчиларни асосан корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташларига шароит яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янгиланаётган жамиятда ўшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. 2019 йил 20 ноябрь.
2. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 6-сон, 2017 й.,
 3. <https://wenr.wes.org>
 4. <https://lex.uz>
 5. www.stat.uz
 6. <https://gtmarket.ru>
 7. <https://study.by>
 8. www.allterra.ru



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ТҮГАРАКЛАРИДА ШУГУЛЛАНУВЧИ 2 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.043>

Абдуллаев Мехридин Жунайдуллоевич,

*Бухоро давлат университетининг Педагогика институти Жисмоний маданият
назарияси ва услубиёти кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD), профессор*

Аннотация: Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг енгил атлетика бўйича тўгарак машгулотларида шуғулланувчи 2 синф ўқувчиларниң тезкорлик, чақонлик, куч, чидамлилик, эгилувчанлик каби жисмоний сифатларини қай даражада ривожслини бораётганлигини аниqlашга доир олинган тест натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: Жисмоний сифатлар, жисмоний тайёргарлик, жисмоний тарбия, тезкорлик, чақонлик, куч, чидамкорлик, эгилувчанлик, таёргарлик тизими.

ОБЩИЕ ФИЗИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ УЧАЩИХСЯ 2-КЛАССОВ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ ЛЁГКОЙ АТЛЕТИКОЙ В КРУЖКАХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ

Абдуллаев Мехридин Джунайдуллоевич,

*заведующий кафедрой теории и методики физической культуры Педагогического
института Бухарского государственного университета, Д.ф.п.н. (PhD), профессор.*

Аннотация: В данной статье представлены итоги тестов, полученных на определение таких эмоциональных качеств учащихся 2-классов общеобразовательных школ, занимающихся лёгкой атлетикой как быстрота, ловкость, сила, выносливость, пластичность.

Ключевые слова: физические качества, физическая подготовка, быстрота, ловкость, сила, выносливость, гибкость, система подготовки.

INDICATIONS OF PARTICIPANTS OF GENERAL PHYSICAL TRAINING FOR 2ND GRADE ATHLETIC CLUBS OF SECONDARY SCHOOLS

Abdullayev Mukhriddin Junaydulloyevich,

*the Head of Department of Theory and Methods of Physical culture in the Bukhara State
University of Pedagogical Institute (PhD) professor.*

Annotation: This article examines test results the development of physical qualities, such as, agility, strength, endurance, flexibility of 2nd grade pupils in secondary school's athletic clubs.

Keywords: Physical qualities, physical training, agility, strength, endurance, flexibility, system of physical training.

Долзарблиги. Бизга маълумки ҳозирги даврда ривожланиб бораётган давлатларнинг ортиб бориши ва янги технологияларнинг кириб келиши ёшлар учун кенг имкониятлар калити бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида соғлом рақобатдошлини ортиб боришига сабаб бўлади. Ривожланган давларлар таълим тизимига назара ташласак янги технологиялар, илмий услубий қўлланмалар, энг замонавий инновацион қурилмалардан фойдаланган ҳолда, илмий билиб ҳамда жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини такомиллаштириш борасида кенг амалиётларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янги фундаментал илмий-амалий исботланган воситалар ёрдамида шакиллантириш ҳамда такомиллаштириб бориш ишларини олиб амалга ошириш лозим. Юртбошимиз яратиб берган имкониятрлар ва шарт шароитлардан фойдаланиб таълим сифатини ошириш, жисмоний тарбия ва спортга бўлган талабни янада тарғиб этиб, ёшларимизни жисмонан бақувват, ақлан етук килиб тарбиялаш энг асосий мақсадларимиздан бири десак муболаға

бўлмайди. Ер юзида энг ривожланган давлатлар қаторида бўлишимиз, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришишимиз учун ҳозирдан умум таълим мактабларида таҳсил олаётган ёшларнинг жисмоний сифатларини такомиллаштириш, спортга бўлган қизиқишиларни кўллаб-қувварлаш ҳамда уларни тўғри йўналтириш чора тадбирларини такомиллаштириб боришимиз аҳамиятлидир. Жисмоний тарбия жартайёларида ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини аниқлаш мақсадида кўплаб олимларимиз ўз текширув ишларини олиб боришган. Масалан: Т.С.Усманходжаев 1995, В.К.Балсевич 1995, В.А.Богданова 2001, А.Н.Абдиев 2004; Н.Н.Азизов 2007 ва бошқа профессор олимларни мисол қилиб келтиришимиз мумкун.

Шнингдек бир қатор тадқиқот ишларида 2 синф ўқувчилари орасида ёш хусусиятлари таҳлили А.А.Гужаловский, В.И.Лях, А.Г.Сухарев, В.П.Губа, О.В.Гончарова ва бошқа мутахасис олимларнинг ишлари орқали ўрганилди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига қарамай умум таълим мактабларида таҳсил олиб келаётга ўқувчиларнинг жисмоний сифатларida юқори lab боришнинг сустлиги аниқланди. Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик жараёнларини қай даражада такомиллашиб бораётгани ва улардаги интелектуал қобилиятларини шакиллантириш орқали жисмоний сифат кўрсаткичларини яхшилаш муаммоси амалиётга тадбиқ этилди.

Тадқиқотнинг мақсади: умум таълим мактаблари енгил атлетика тўгаракларида шуғулланувчи 2 синф ўғил болаларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳо бериш.

Тадқиқотнинг вазифаси: тадқиқот мақсадидан келиб чикиб ўз олдимизга қуидаги вазифаларни белгилаб олдик.

- Мавзуга доир адабиётлар таҳлилини қилиш, ҳамда мавзуга доир муаммоларни ўрганилганлик даражаларини аниқлаш;
- енгил атлетика бўйича тўгарак машғулотларида шуғулланувчи 2 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражаларини аниқлаш;
- Ўтказилган тадқиқотлар натижаси асосида аниқланган муаммолар юзасидан керакли хулоса ва тавфияларни ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг обекти: 2 синф ўғил болалари билан олиб бориладиган енгил атлетика бўйича тўгарак машғулотлари.

Тадқиқотнинг предмети: енгил атлетика бўйича тўгарак машғулотларида шуғулланувчи 2 синф ўқувчиларининг умумий жисмоний тайёргарлик даражаларини аниқлаш ва шакилланиб бориш ритмини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари: Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, математик статистик таҳлил, пулсиметрия.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тадқиқотларда Бухоро вилояти Бухоро шахар халқ таълим бўлимига қарашли 35-сонили ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 31-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 29-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 8-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 11-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 1-сонли умумий ўрта таълим мактабларида енгил атлетика бўйича тўгарак машғулотларида шуғулланувчи 2 синф ўқувчилари иштирок этишди.

Цель информатизации состоит в глобальной интенсификации интеллектуальной деятельности за счет использования новых информационных технологий. Выделяют



следующие типы компьютерных средств используемых в обучении на основании их функционального назначения:

1. Презентации активно используются и для представления ученических проектов. Презентации [3,73]-это электронные диафильмы, которые могут включать в себя анимацию, аудио- и видеофрагменты, элементы интерактивности. Применение презентаций расширяет диапазон условий для креативной деятельности учащихся и психологического роста личности, развивая самостоятельность и повышая самооценку.

2. Электронные энциклопедии – являются аналогами обычных справочно-информационных изданий – энциклопедий, словарей, справочников и т.д. Для создания таких энциклопедий используются гипертекстовые системы и языки гипертекстовой разметки, например, HTML.

3. Программы-тренажеры выполняют функции дидактических материалов и могут отслеживать ход решения и сообщать об ошибках.

4. Системы виртуального эксперимента – это программные комплексы, позволяющие обучаемому проводить эксперименты в «виртуальной лаборатории». Главное их преимущество – они позволяют обучаемому проводить такие эксперименты, которые в реальности были бы невозможны по соображениям безопасности, временными характеристикам и т.п. Главный недостаток подобных программ – естественная ограниченность заложенной в них модели, за пределы которой обучаемый выйти не может в рамках своего виртуального эксперимента.

5. Программные системы контроля знаний, к которым относятся опросники и тесты. Главное их достоинство – быстрая удобная, беспристрастная и автоматизированная обработка полученных результатов. Главный недостаток – негибкая система ответов, не позволяющая испытуемому проявить свои творческие способности.

6. Электронные учебники и учебные курсы – объединяют в единый комплекс все или несколько вышеописанных типов. Например, обучаемому сначала предлагается просмотреть обучающий курс (презентация), затем приставить виртуальный эксперимент на основе знаний, полученных при просмотре обучающего курса (система виртуального эксперимента). Часто на этом этапе учащемуся доступен также электронный справочник/энциклопедия по изучаемому курсу, и в завершение он должен ответить на набор вопросов и/или решить несколько задач (программные системы контроля знаний).

7. Обучающие игры и развивающие программы – это интерактивные программы с игровым сценарием. Выполняя разнообразные задания в процессе игры, дети развивают тонкие двигательные навыки, пространственное воображение, память и, возможно, получают дополнительные навыки, например, обучаются работать на клавиатуре.

В образовательном процессе компьютер может быть как объектом изучения, так и средством обучения, воспитания, развития и диагностики усвоения содержания обучения, т.е. возможны два направления использования компьютерных технологий в процессе обучения [4,39] В образовательном процессе важно одновременное использование всех этих направлений. Существование и взаимодействие всех их одновременно не только в образовательном, но и в воспитательном процессе приводит к желаемому результату, который ставится обществом перед школой.

В результате использования информационных технологий наблюдается динамика качества знаний учащихся, повышение мотивации учебной деятельности.

Для развития коммуникативной компетенции необходимо продумывать взаимодействие студентов в группе, поэтому важно при использовании ИКТ планировать групповые задания. Благодаря обсуждению и проектированию образовательного процесса его участники по мере накопления опыта обсуждений приобретают многие полезные умения и свойства: выделять и излагать свою позицию и воспринимать чужую;

подчиняться общим правилам и вырабатывать на этой основе способы саморегуляции и адекватной самооценки и др.

Информационно - коммуникационные технологии в учебном процессе играют важную роль, для того чтобы повысить познавательную мотивацию учащихся [1,765] информационно - коммуникационные технологии обязательно должны использоваться. Широкое внедрение педагогических технологий в учебный процесс требует от учителя выступать в качестве главного организатора или консультанта в этом процессе. Это требует от ученика более независимого мышления, творческого подхода и силы воли в усвоении учебных материалов.

Литература:

- 1.Абдувахобова Д. Внешний мир человека и взаимопонимание. Молодой учёный.762-769.2014.
- 2.Абдувахобова Д., Эргашев У. Формирование умений и навыков в учебной работе. Молодой учёный.762-769.2014.
- 3.Баранов М.Т. и др. Методика преподавания русского языка в школе: учебник для студ. Высш. пед. учеб. заведений / Под ред. М.Т. Баранова. – М.: Издательский центр «Академия», 2000
- 4.Жук, О.Л., Сиренко С.Н. Педагогика. Практикум на основе компетентностного подхода: учеб. пособие; под общей ред. О.Л. Жук.- Минск.: РИВШ, 2007.
5. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М., 1989.



ФАЗОВИЙ - ВИЗУАЛ ЗД ОБРАЗЛАРНИ ЎҚИТИШ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ЧИЗМАЧИЛИК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.039>

Ёдгоров Нодир Джалолович,

*Бухоро давлат университети, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси профессори, п.ф.н.*

Аннотация. Бўлажак чизмачилик ўқитувчисининг касбий кўнилмалари унинг интегратив сифати бўлиб, эгаллаган билими ва компонентциялари асосида деталлар, конструкциялар чизмасини фазовий - визуал образлари билан ишларини амалга оширишига амалий тайёр гарлигини характерлайди.

Олийтавлимуассаларида бўлажак чизмачилик ўқитувчисининг касбий кўнилмаларини шакллантириши жараёнинида уларни фазовий визуал 3D образлар каби сифат компонентлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, муҳандислик графикаси тизимнинг таркибий элементлари ҳисобланади. «Фазовий – визуал 3D образ» тушунчасининг моҳиятини аниқлашида фазовий тасаввурларнинг ривожланиши кўрсаткичларини баҳолаш муҳим рол ўйнайди. Фазовий тасаввурларни ривожлантиришининг бундай кўрсаткичларини аниқлайди: барқарорлик, кенглик, мослашувланлик, чуқурлик, тўлиқлик, геометрик образ тасвирларининг динамик ҳолати, мақсадга мувофиқлиги, шунингдек муаммоларни ҳал қилишида фазовий тасаввурлар билан ишлаши турлари. Бу кўрсаткичларнинг уйғунлиги, бизнингча, талабаларда фазовий образларнинг шаклланишини энг тўлиқ ва хилмажил характерлайди. Бўлажак чизмачилик ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёrlаши даражасини тавсифловчи фазовий-визуал 3D образли тасаввур компетенциясини касбий кўнилмаларнинг зарурий қисми сифатида ажратиб кўрсатишимиизга имкон берди.

МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ЧЕРЧЕНИЯ ПОСРЕДСТВОМ ОБУЧЕНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННО - ВИЗУАЛЬНЫМ 3D ОБРАЗАМИ

Ядгоров Нодир Джалолович,

*Бухарский государственный университет, профессор кафедры изобразительного
искусства и инженерной графики, кандидат педагогических наук.*

Аннотация. Профессиональные навыки будущего учителя черчения - это его интегративные качества, которые характеризуют его практическую подготовку к выполнению своей работы с пространственно - визуальными образами деталей, конструкций на основе его знаний и компенсаций.

В процессе формирования профессиональных навыков будущего учителя черчения в высших учебных заведениях их качественные компоненты, такие как пространственно-визуальные 3D образы, взаимосвязаны друг с другом, а инженерная графика является структурными элементами системы. Важную роль играет оценка показателей развития пространственного воображения при определении сущности понятия «пространственно-визуальное 3D образы». Он определяет такие показатели развития пространственного воображения: стабильность, широта, гибкость, глубина, полнота, динамическое состояние геометрических образов, целесообразность, а также виды работы с пространственным воображением при решении задач. Совокупность этих показателей, на наш взгляд, характеризует формирование пространственных образов у учащихся как наиболее полное и разнообразное. Исследование позволило нам выделить пространственно-визуальную 3D образную компетенцию, которая характеризует уровень подготовки учителей к профессиональной деятельности, как необходимую часть профессиональных навыков.

METHODS OF FORMATION OF PROFESSIONAL SKILLS OF FUTURE DRAWING TEACHERS THROUGH TEACHING SPATIALLY - VISUAL 3D IMAGES

Yadgarov Nodir Jalalovich,

Bukhara State University, professor of the department of fine arts and engineering graphics, PH.D.

Annotation. The professional skills of a future drawing teacher are his integrative qualities that characterize his practical preparation for performing his work with spatial - visual images of details, structures based on his knowledge and compensation.

In the process of forming the professional skills of a future drawing teacher in higher educational institutions, their qualitative components, such as spatial-visual 3D images, are interconnected with each other, and engineering graphics are the structural elements of the system. An important role is played by the assessment of indicators of the development of spatial imagination in determining the essence of the concept of «spatial-visual 3D images». It determines the following indicators of the development of spatial imagination: stability, width, flexibility, depth, completeness, dynamic state of geometric images, expediency, as well as types of work with spatial imagination in solving problems. The totality of these indicators, in our opinion, characterizes the formation of spatial images in students as the most complete and diverse. The research allowed us to identify the spatial-visual 3D figurative competence, which characterizes the level of preparation of teachers for professional activity, as a necessary part of professional skills.

Шахснинг ақлий фаолияти ва унинг хусусияти ҳақидаги изланишлар қадим замонларга бориб тақалади. Якин ва Ўрта Шарқда яшаб ижод этган ўрта асрлик мутафаккирлар ижодида илмий билишнинг тур, тамойил, тузилиш, мезонлари инсон ақлий ривожи ва камоли билан боғлиқлигига жиддий эътибор берилган, .

Ал-Хоразмий ҳиссиёт орқали билишни «мантикий мулоҳазалар» воситасида билишдан аниқ фарқлаган: ҳиссиёт «майда» хусусият, «мантикийси» эса моҳиятни ўрганади ва улар ўзаро алоқада кечади деб хисоблаган .

Берунийнинг илмий меросида табиатни ўрганиш ва билишнинг илмий методига катта ўрин ажратилган. Жумладан, Беруний “Китоб ат-тафхим” асарида жисмга қуидагича таъриф беради: «Жисм,-деб ёзди Беруний,-шундан иборатки, у сезиш орқали аниқланади ва у ўз-ўзича мавжуддир. Жисмнинг чегараси-сирт, сиртнинг четлари -чизиклар, чизиқнинг охири нуктадир» .

Асарнинг стереометрияга доир бўлимида куб, призма, цилиндр, конус, шар, шар бўлаклари, сферик шакллар, уларнинг сиртлари ва ҳажмларини аниқлаш қоидалари берилган. Шунингдек, бу бобда конус кесимларидан иборат иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг ҳосил қилиниши, яъни конусни турли вазиятдаги текисликлар билан кесганда кесимда айланга, эллипс, гипербола, парабола ва тўғри чизиқ ҳосил бўлиши ҳақида маълумотлар бор.

Хозирги кунда ҳам талабаларда ақлий фаолиятини ривожлантириш педагогик муваммолардан бири бўлиб, унинг мақбул ечими ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Хозирги кунда ҳам талабаларда ақлий фаолиятини ривожлантириш педагогик муваммолардан бири бўлиб, унинг мақбул ечими талабаларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Чизмачилик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг график ва ақлий фаолиятини ўрганишда замонавий дидактика, таълим психологияси ютукларидан фойдаланади. Талаба график ахборотни ўзлаштириш жараёнида улар таҳлилий-синтетик фаолият, шунингдек қиёслаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва аниқлаштириш каби фикрий операциялар мухим рол ўйнайди.

Муҳандислик графикаси таълимининг дастлабки босқичларидаёқ талабада мавҳумлаштириш қобилияти намоён бўлади. Мазкур қобилият график амалларни бажаришда ривожланади, мавҳумлаштириш шакли ҳам такомиллашади - ҳиссий



күргазмалиикдан фикрийликка ўтилади, у ўз навбатида тушунчага айланади.

Таълим жараёнида мавхумлаштириш икки шаклда: ҳиссий күргазмали воситалар (компьютердаги анимациялар, реал предметлар, расмлар, чизмалар ва бошқалар) ва сўзли - мавхум шаклда (оғзаки таҳлил, тушунтириш, маҳсус топшириқларни ҳал этиш) амалга оширилади.

Таълим жараёнида фазовий тафаккур ва унинг таркибий қисмларини ривожлантириш муаммоси кўплаб олимлар ва методистлар А.Д. Ботвинников, А.Б. Василевский, Г.Д. Глейзер, В.А. Гусев, Н.С. Подходова, А.Я. Цукарь, З.Р. Федосеева, И.С. Якиманская томонидан ўрганилган. Юқорида қайд этилган методист олимлар тадқиқотида чизмачиликни ўқитиш жараёнида дуч келадиган кийинчиликлар сабабини факатгина битта муаммо, яъни етарли даражада ривожланмаган фазовий тасаввур кўрсатилган. Мазкур муаммо ечими сифатида фазовий жисмлар тасвири ва конструктив элементларни талаб қиласиган вазифалар шаклида назарий маълумот беришни таклиф қиласидар.

Фазовий тасаввурларни шакллантириш жараёни ўрганилаётган объектларнинг фазовий образларини ёки схематик конфигурацияларини ақлан қуриш ва объектлар устида бажарилиши лозим бўлган хаёлий операцияларни бажариш қобилияти билан тавсифланади.

Демак, чизмачилик фанини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган фазовий тасаввурлар остида у ҳақидаги тасаввур орқали келган маълумотларни қайта ишлаш (таҳлил қилиш натижасида ҳосил бўлган геометрик объектнинг умумлашган фазовий-визуал 3D образини тушунамиз.

Шу муносабат билан биз учта асосий гурухга ажратиш мумкин бўлган визуализациясининг энг кўп ишлатиладиган турларини кўриб чиқамиз.

- табиий моддий моделлар (реал предметлар, механизмлар, геометрик жисмлар ва бошқалар.), уларнинг перспектив тасвирлари (фотосуратлар, бадиий репродукциялар) ҳам бу ерда киритилиши мумкин);

- турли шакл ва мазмунда фарқ қилувчи анъанавий график тасвирлар (чизмалар, бўлимлар, бўлимлар, эскизлар ва бошқалар.);

- рамзий моделлар (графиклар, географик хариталар, топографик режалар, диаграммалар, кимёвий формулалар ва тенгламалар, математик белгилар).

Чизмачилик фанини фазовий образлар орқали ўзлаштириш ўз навбатида бўлажак чизмачилик ўқитувчисида фазовий образлар билан ишлаш қобилиятини фаоллаштириш орқали касбий кўникмекдарини шакллантиришга олиб келади.

Фазовий образлар деганда – фазовий элемент ва улардан ташкил топган объектларни яхлит образли тасаввур қилиш тушунилади.

Фазовий образлар билан ишлаш, бошлангич образларни тўғри йўналишда фаоллаштириш, уларни қайта қуриш, шаклан ўзгартириш, транформациялаш ва шу асосда янги образлар яратишга қаратилган ақлий фаолият тушунилади ва образларни график узатишнинг асосий воситаси чизма хисобланади.

Шунинг учун фазовий объектларни текислика тасвирлаш усулларини билиш, фазовий образларни идрок қилиш ва улар устида ақлий амалларни бажариш орқали янги образлар яратиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирилади. Фазовий образларни шакллантиришда моделлаштириш фазовий тафаккур компоненти сифатида хизмат қиласи. У кўйидагилардан иборат:

1. Моделни яратиш жараёни мантикий ва ҳиссий, абстракт ва аниқ, умумий ва хусусий, күргазмали ва мавхум элементларни бирлаштиради. Ўкув предметини мантиқ соҳадан предмет соҳасига олиб боради ва аксинча, экспериментал текшириш, ўлчаш ва ҳисоблашга имкон берувчи маълумотларни беради. Бу ўкув предмети ва ҳаёт ўртасидаги алоқадорлик амалга оширилади.

2. Моделни яратиш геометрик шакл ва уни моддий жиҳатдан акс этиш усуллари, жумладан, ҳисоб-китоблар, қуриш, яхлитлигича ишлаб чиқиш ва ҳ.клар ҳақидаги назарий ва амалий билимларни умумлаштиришнинг энг юкори шаклидир.

3. Яратилган модел ҳакида мулоҳаза юритиш – бўлажак чизмачилик ўқитувчисида

когнитив қизиқиши уйғотади. когнитив қизиқиши жараёни факат фигураннинг алоҳида деталларини ва ҳатто фигураннинг ўзи ҳакида мулоҳаза юритиш эмас, балки унинг яратилиш ғоялари ва усуллари ҳакида мушоҳада юритишидир.

4. Модел - тасаввур маҳсулотининг аслига мувофиқлигини текшириш воситасидир.

5.Моделларни ишлаб чиқиш ўқув фаолиятининг деярли барча турларини синтезлайди.

Демак, моделлаштириш деганда атроф оламдаги объектларнинг реал ва мукаммал моделларини яратиш бўйича ҳар қандай ҳаракатларни тушунамиз. Геометрик тушунчалар (нуқта, тўғри чизик, текислик ва б.лар) абстракт бўлиб, моделлаштириши жараёнида уларнинг реал образини кўриш имконяти бўлади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, моделлаштириш образли (абстракт-мантикий) тафаккурни ривожлантириш воситаси сифатида кўлланилади.

Муҳандислик графикаси ўқув предметлари нукталар тўпламидан иборат бўлган уч ўлчовли Евклид фазосида ўрганилади. Шу сабабли, фазовий образларнинг виртуал маконини моделлаштиришда 3D технологиядан фойдаланилади. Мазкур виртуал макон моделида объектларни транформация қилиш орқали уларнинг фазовий-визуал 3D образларини визуаллаштириш амалга оширилади. Биз назарда тутган визуализация бу-фазовий визуализациядир. Фазовий визуализация абстракт маълумот ва ходисаларни транформация қилиш орқали объектни кўриб идрок этишга кўмаклашади.

Фазовий-визуал 3D образларни яратиш З босқичдан иборат: моделлаштириш, визуализация, фазовий-визуал 3D образлар.

Визуализация - нима ва у қандай ишлайди? Визуализация - бу ходисани визуал идрок етиш ва таҳлил қилиш учун қулай бўлган шаклда мавхум маълумотларни тақдим этиш усулидир. Ушбу атама кўп қиррали бўлиб, унинг моҳияти фаолият соҳасига асосланган. Ушбу усулнинг мақсади маълумотни муваффақиятли ассимиляция қилишдир. Маълумот узоқ мулоҳазани талаб қиласидан мавхум ходисадан келиб чиқиши керак ва бу жараён натижасида кўринмас кўринадиганга айланади.

Маълумотларни визуаллаштириш тушунчаси. Визуализация абстракт (мавхум) маълумот ва ходисаларни, объектни визуал идрок етиш учун қулай бўладиган тарзда транформация (ўзгартириш) га ёрдам беради.

Ушбу атама статистика, анимация ва интерактив визуализация каби барча маълумотларни визуаллаштириш усулларига таалукли эмас. Интерактив визуализация ва анимация ўртасидаги фарқдан ташқари, маҳсус дастурлар ёрдамида қўлланиладиган илмий визуализация яхши натижа беради. Чунки ахборотни визуализация қилиш таълимда алоҳида ўрин тутади.

Тадқиқот объект мавхум ёки кўринмас нарсалар, масалан, молекулалар бўлса, бу усул жуда қулай бўлади. Маҳсус илмий ускуналарсиз уларни инсон кўзи билан кўриш мумкин эмас. Бундай объектларни визуализация қилиш моҳиятга ўрганишга ва келажакда объект билан боғлиқ бўлган янада мураккаб мантикий занжирларни яратишга ёрдам беради.

Илм-фанда қўллаш усули. Бугунги кунда визуализация илм-фанда, технологик ишлаб чиқариш жараёнида, тибиётда ва ҳаётнинг бошқа қўплаб соҳаларида фаол қўлланилади. Мазкур усул компьютер графикаси соҳасида ҳам муҳим ўринни эгаллаши билан бир қаторда компьютер дунёсининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, визуализация анимацияни ривожлантиришда ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Рақамли анимация, масалан, телевизорлар орқали об-ҳаво прогнозини трансляция қилиш вақтида метеорологик ахборотларни узатишда қўлланилади. Телеканалларда сиз илмий томондан визуализациянинг қўплаб мисолларини, масалан, йўллар ёки турли жиҳозларни анимация шаклига алмаштирилган ҳолатини кўришингиз мумкин.

Таълим соҳасида анимацион видеороликларга талаб жуда катта, чунки мазкур усулда барча керакли маълумотларни талабаларга осонликча етказш имкони мавжуд.

Мақсадаг эришиш воситаси сифатида. Визуализация – мақсадинга эришишнинг энг муҳим воситаси ҳамdir. Бу ақлий тасвирларни визуаллаштириш ёки акс эттириш орқали мотивацияни яхшилашга қаратилган аффирмация билан бир хилда ёрдам беради. Бу усул 70-йиллар охиридан 80-йиллар бошларида турли соҳаларда қўлланила бошланди.

Ижод учун восита. Визуализация аввало бизнинг асосий мақсадларимиздан ҳосил бўлган ақлий образларни шакллантиришга, тасаввурини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, орзуларни рўёбга чиқарувчи ижодкорлик учун енг кимматли воситадир

Қандай ишлайди?

Визуализация физиология даражасида ўз таъсирини кўрсатади. Нейрон боғланишлар асаб тизимининг реал воқеалар каби стимуляциясига ёрдам беради. Бундай сигналлар мушак тизими функциясига таъсир килувчи нейронларнинг тебранишига олиб келади.

Буни спорт ўйинларида кузатиш мумкин, чунки муваффақиятли натижага эришиш учун ўйин қоидаларини аниқ тушуниш ва келгуси фаолиятга мос равишда мослашиш мухимдир. Тасаввур ҳам бошқа ҳар қандай ақлий фаолият каби доимий машкларга муҳтож.

Визуализация қачон ишлатилади?


Визуаллаштириш ишнинг ижобий натижаларини кузатиш жараёнида ўз мақсадларингизга еришишга ёрдам беради. Аксарият муваффақиятли одамлар аввало тасаввурларида муваффақият йўлини ўйлашади, тасаввур қилишади ва шундан сўнгина уни амалга оширишга шошилишади. Бу ўзига хос ҳаракатлар режасини шакллантиришга ёрдам беради ва яқинлашиб келаётган бўлажак тадбирнинг «машқи» ҳисобланади. Ҳар қандай мақсад, нима бўлишидан қатъий назар (ортиқча вазнни йўқотиши, карерангизни яхшилаш ва бошқалар) олдиндан режалаштиришга муҳтож.

Кўриш = ишониш. Мақсадга эришишдан олдин визуализация ёрдамида унга еришиш ўйлини куриш керак. Ушбу усул келажакда ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингизни лойихалаштиришга ва керакли натижага эришишга имкон беради, шунинг учун бу усул муваффақиятли одамлар орасида жуда машҳурдир.

Усулнинг муваффақияти. Тадқиқотлар шуни кўрсатди, ушбу машғулот давомида инсон мияси суратга олинганда миядаги нейронлар орқали узатиладиган мухим маълумотлар, кундаклик ҳаёт воқеликка ўхшаш тарзда ўзгартиради. Хатти -ҳаракатлар кетма-кетлигини вужудга келтириш учун мия нейрон асаб йўлларини ҳосил қиласди. Ушбу жараённи ўз-ўзини дастурлаш деб ҳам аташ мумкин.

Ақл ва тана: алоқа. Визуализация фикрлаш ва тасаввур жараёнини такомиллаштиришга ёрдам беради. Шуни ёдда тутиш керакки, фикрлар ҳакиқатга бевосита таъсир қиласди. Ҳаёт сифатини яхшилаш, келажакдаги ҳаракатларингизни лойихалаштириш учун инсон миясининг ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш мухимдир.

Чизмачилик фанини ўрганиш жараёнида фазовий-визуал 3D образнинг шаклланиши ҳар қандай таркибий элементларидан бошланиб, ҳар қандай йўналишда ҳаракатланиши мумкин. Бироқ, онтогенез конунларига кўра, унинг ривожланиши куйидаги моделга амал қиласди: Реал объект – образ – геометрик жисм (1– расм).



1 – расм. Реал объектнинг фазовий-визуал 3D образини ҳосил қилиш схемаси.

Мазкур ёндашув ўқув фанларини мукаммал ўзлаштиришда имкон яратади: - ўқув фанлардан билимларни ўзлаштириш учун зарур бўлган фазовий тафаккурини шакллантириш, - ўқув фанларини визуал, куляй ва қизиқарли ўрганиш, - фанлар ҳакидаги билимларни тизимлаштириш, - таълим методларининг вариативлиги ва самарадорлигини ошириш.

Юқорида баён этилган таҳлил, хулоса ва фикрлардан келиб чиқиб “Фазовий – визуал

3D образ” тушунчасига қўйидагича таъриф берилди – бу виртуал макон моделида реал обьект, абстракт маълумот ва ҳодисаларни транформация қилиш орқали уларни визуал кўриб идрок этиш, обьект хақида обьектив маълумот олиш, уларда мужассам бўлган ахборотни англаш демақдир.

Гояларни шакллантиришни ўз ичига олган ҳар қандай билиш босқичидаги биринчи қадам - идрок қилишдир. Масалан, чизма, диаграмма, модел, ва ҳоказоларни кузатиб мушоҳада юритишидир. Уни самарали қилиш учун нафакат визуал тасвирларга қараш ёки кузатиш, балки уларда мужассам бўлган ахборотни англаш, яъни визуал ахборотни таҳлил қилиш керак.

Визуал ахборотни таҳлил қилиш маълум бир визуал тасвирга (модел, расм, расм, диаграмма ва ҳк) жойлаштирилган ахборотнинг умумий тузилишини яратиш ва унинг элементларини ажратиб кўрсатиш билан бошланади.

Визуал усулда берилган ўкув материаллар аниқ элементларга бўлинади. Масалан, фазовий ёки текис геометрик конфигурацияларни тасвирлашда, баъзи ҳолларда муаян фигуруларнинг ўзи таркибий элементга таълуқли (баландликлар, бурчаклар, ён томонлар, тепалар ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Фазовий - визуал 3D образларга таяниб иш кўриш ва шу асосда турли ўкув ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш инсон ақлий фаолиятининг мухим хусусиятидир. Талабаларнинг фазовий - визуал 3D образларни шакллантириш ва у билан боғлиқ бўлган малакани ошириш график фаолиятнинг энг мухим таркибий қисмидир.

Бўлажак чизмачилик ўқитувчиларини касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнида фазовий - визуал 3D образлардан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти катта бўлиб, у ҳозирги замон ишлаб чиқариши учун энг зарур бўлган ўкув ва малакаларни тарбиялашдан иборатдир.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.Ёдгоров Ж.Ё. Чизма геометрия. Олий ўкув юртлари учун дарслик. Тошкент. «Турон-Иқбол», -2007- 232 б.
- 2.Ёдгоров Ж.Ё., Ёдгоров Ж.Н. Чизма геометрия. Курс бўйича мустақил иш учун график топшириклар ва уларни бажаришга доир методик кўрсатмалар. БухДУ.«Зиё-Ризограф», -2008- 82 б.
- 3.В.Каримова. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2002. - 200 б.
- 4.Зиёмуҳаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.:ТИБ-КИТОБ,2009.-183 б.



**ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ ВА УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.038>

Арслонов Қаҳрамон Половович,

Бухоро Давлат Университети, Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти
кафедраси профессори

Музрафова Феруза Бахридиновна,
Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти
кафедраси катта ўқитувчиси, н.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация: ушбу мақолада таянч ва фанга доир компетенциявий ёндашувнинг таълим тизимини замонавийлашувига таъсири, меъёрий-хукуқий асослари, миллий ва умуммаданий компетенцияларниң ривожланши шарт-шароитлари ва ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти, таълим тизимида шахсий, миллий ва умуммаданий қадрияларниң миллий ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришдаги ўрни кўрсатилган.

Калит сўзлар: компетенция, қадрият, миллий ва умуммаданий компетенция, PISA, PIRLS, TIMSS, Аксеология, мустақил таълим, педагогик инновация.

Аннотация: В данной статье показано влияние компетентностного подхода на модернизацию системы образования, нормативно-правовая база, условия развития национальных и межкультурных компетенций и их значение в воспитании подрастающего поколения, роль личных, национальных а также межкультурных ценностей в развитии национальных и межкультурных компетенций.

Ключевые слова: компетентность, ценность, национальная и общекультурная компетентность, PISA, PIRLS, TIMSS, Аксеология, самостоятельное обучение, педагогические инновации.

Annotation: This article shows the impact of the competency-based approach on the modernization of the education system, the legal framework, the conditions for the development of national and intercultural competencies and their importance in the upbringing of the younger generation, the role of personal, national and intercultural values in the development of national and intercultural competencies.

Keywords: competence, value, national and general cultural competence, PISA, PIRLS, TIMSS, Axeology, independent learning, pedagogical innovations.

Кириш. Республикаизда комил инсонни тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Баркамол шахсни тарбиялашда шахсий, миллий ва умуммаданий қадриялар руҳида амалга оширилаётган тадбирлар катта аҳамиятга эга. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг бешинчи йўналиши “Хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланиши миллий ва умуммаданий қадрияларниң сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда қанчалик муҳимлигини кўрсатиб беради. 2021 йил 13 сентябрдаги Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съездida Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” [2] номли китоби тақдим этилиб, унда Янги Ўзбекистон ва Учинчи ренессансни куриш бўйича истиқболли стратегик режалари ёритилган. Яъни, Янги Ўзбекистон орзуси ва уни амалга оширишининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва омиллари асосида стратегик ёндашув, “Давлат инсон учун” тамойили – демократик ислоҳотлар мезони ва уларни амалга ошириш механизмлари, миллий иқтисодиётни ривожлантириш босқичлари, адолатли ижтимоий сиёsat юргизиш тамойиллари, баркамол инсон тарбиясига қаратилган маънавий тараққиёт, Ўзбекистон

тараққиёти йўлида мамлакат хавфсизлиги ва оқилона ташқи сиёsat юргизиш асослари, давлатимизнинг глобал ва умумбашарий муаммолар ва уларни ҳал этиш режалари ёритилган. Биз биламизки ҳар бир соҳада “Локомотив” сифатида шу соҳа бўйича чукур билим ва тажрибага эга, ҳалол, меҳнатсевар, жонкуяр, ақлан ва жисмонан соғлом кадрлар хизмат қиласди. Демак, Янги Ўзбекистон ва Учинчи ренессансни қуриш остонасида турган эканмиз, юкоридаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун таълим тизимиға жиддий эътибор қаратиб, меҳнат бозорига компетентли кадрларни етказиб беришимиз лозим. Айниқса, “Янги Ўзбекистон Стратегияси”нинг “Маънавий тарққиёт” деб номланган бўлимида Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлар шарҳи. Илмий адабиётларни таҳлил этадиган бўлсак ““Қадрият” сўзининг маъноси, қадриятларни ўрганадиган таълим соҳаси, шахсий, миллий ва умуммаданий қадриятларнинг асл моҳияти нимада ва уларнинг таълим тизимидағи ўрни қанақа?” – деган савол туғилади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарорида компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари кўрсатилган. Яъни ўрта умумтаълим мактабларида таянч ва фанга доир компетенцияларнинг интеграциясини таъминлаган ҳолда таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишга ургу берилган. Таянч компетенцияларнинг бири – “Миллий ва умуммаданий компетенция — ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниши, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал килиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.” Давлатнинг индустрӣаллашганилигига қараб меҳнат бозори таълим мазмунни ва дастурига нисбаттан талабни кўяди, “буюртмачи” бўлади. Бугунги кунда “Миллий ва умуммаданий компетенция”ларни ривожлантиришга асосланган узлуксиз таълим тизимини, айниқса умумий ўрта таълимни ташкил этишига эътибор қаратилмаса, етишиб чиқаётган кадрлар меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олмайди ва ватанининг саноатини етакчи давлатлар қаторига кўтара олмайди. Чунки ушбу компетенция инсоннинг ватанинига садоқатлилигини, таълим орқали олган билим, кўникма ва малакаларини ҳаётда вижданан, ҳалол, ватанининг равнақи йўлида кўллашини, маданияти ва соғлом турмуш тарзига риоя этишини, қайси миллаттга мансублигидан қатъий назар инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлишини белгилаб қўяди.

Жумладан, ёш авлодни миллий ва умуммаданий руҳда тарбиялаш давр талаби эканлиги, ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишини ҳамда компетенциявий ёндашув таълим тизимидағи кўплаб муаммоларни ечишга қаратилган дидактик тамойил сифатида бир қатор олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Шунинг учун, бутунжаҳон таълим тизимини ислоҳ қилишда асосий эътибор ўқувчиларнинг нафақат дунёвий билимлар билан қуроллантириш, балки уларда фанга доир ва таянч компетенцияларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, миллий ва умуммаданий компетенциялар ҳар бир миллатнинг ҳамда миллатлараро қадриятларга бориб тақалади.

Қадриятларни ўрганадиган фан “Аксеология”[3] деб номланиб, “Қадрият” - эса воқееликдаги муйайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий ахлоқий, маданий маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар Қадрият ҳисобланади. Ижтимоий фанларнинг қайси соҳасида Қадриятга доир тадқикот олиб борилган бўлса, бу тушунчага шу жиҳатдан таъриф беришга интилишган [8].

Компетенция – лотинча сўздан олинган бўлиб, эришаман, мувофиқман, мос келаман, маъноларини англатади ҳамда мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти [9]. Миллий ва умуммаданий компетенция эса, миллий ва умуммаданий қадриятларни кундалик ҳаётимизда, таълим соҳасида, оилада, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўллай олишимиз тушунилади.

Қадриятларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, қадриятлар шахсий, миллий ва умуммаданий қадриятларга ажратилади:

-Шахсий қадрият – инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, одоби, гўзаллиги,



умр маъноси билан боғлиқ қадрият;

-Миллий қадрият – муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одат ва анъаналарининг ўтмиш ва келажаги билан боғлиқ қадрият (урф-одат, анъана, миллий байрамлар, адолат, виждон, бурч, ор-номус, ватанпарварлик, устоз-шогирд анъаналари, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, болажонлик, катталарга хурмат);

-Умумисоний қадрият – олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонлари, конуниятларни ўзаро алоқадорликда ифодалайдиган қадриятлар (гуманизм, инсонпарварлик, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, диний озодлик, халқлараро дўстлик, ҳамкорлик).

Тадқиқот методологияси. Ҳаёт учун муҳим бўлган билим ва қўникмаларни ривожлантириш, ўқувчининг келгуси ҳаётида зарур бўладиган билимлар, қўникмаларни шакллантириш мактаблар олдида турган асосий вазифадир. Ушбу вазифалар тўлақонли амалга оширилиши, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланганини кўрсатади. Ушбу мақсадда, жаҳон таълим сифати ва даражасини аниқлаб берувчи “PISA”[4] (Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), “PIRLS”[5] (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), “TIMSS”[6] (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби қатор халқаро дастурлар амалга оширилиб, улар дунёнинг етакчи давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилмоқда. Ушбу дастурларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни ташкил этишдан мақсад дунё болаларининг таълим стандартлари бўйича нафақат билим, қўникма, малакалари тадқиқ этилмоқда, балки ўқувчиларнинг ушбу билимларни кундалик ҳаётда қўллай олиши, улар замирида ижодий ёндашиб маълум бир муаммоларни ҳал этиши, мустақил фикрлаб мақбул қарор қабул қилиши, ўз устида ишлаши, ҳамкорлик қила олиши, илм-фан ютукларидан оқилона фойдалана олиш каби таянч компетенцияларга эгаликлари ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда. Айниқса ўшларнинг ўзаро мактаб, маҳалла, таълим муассасалариаро, халқаро миқиёсда ҳамкорлик қила олиши, ҳамкорликка киришувчиларнинг ўзаро қадриятларини тушунган ҳолда келишиши ва билимларни ўзаро алмасиши самаралироқ кечади.

Машҳур файласуф Сенека (Seneca)нинг (Lucius Annaeus Seneca, <http://www.seneca-deler-juengere.de/>) «Мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқиш керак» деб айтган эди. Унинг бу тоғаси таълим берувчилар олдига бир қатор вазифаларни қўйди. Булар:

- болаларни дунёвий билимлар билан куроллантириш;
- ҳаётда керак ва муҳим бўладиган билим ва қўникмаларни ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг келгуси ҳаётида (оилада, жамиятда, меҳнат бозорида) зарур бўладиган билимлар ва қўникмаларни шакллантириш.

Халқаро ва миллий таълим стандартлари мазмуни компетенциявий ёндашувга асослаб қайта ишлаб чиқилиши, таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Таълим иштирокчилари, яъни ўқитувчилар, таълим олувчилар, таълим муассасаси маъмурияти, ота-оналар таълим муассасаси мутахassisларини тайёрлайдиган олий таълим тизими олдида “Педагогик инновацион фаолият” ни қўллашни талаб этади. Педагогик инновацион фаолият деганда олдиндан олинган билимларни кундалик ҳаётда самарали, мақсадли фойдалана олиши, янгича шароитда ишлашни ўрганиши тушунилади. Муаммолар ҳам шундан иборатки, таълим мутахassisларини тайёрлайдиган олий таълим муассасаси ўқитувчиларида инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича билим, қўникма, малака ва касбий компетенцияларнинг паст даражаси мутахassisлар томонидан эътироф этилмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Таянч ва фанга доир компетенцияларни мактабда ўтиладиган фанлар орқали самарали ривожлантириб бўлмайди. Ушбу компетенцияларни ривожлантиришга мактабдан ташқари ва уйда мустақил ташкил этиладиган таълим тўлиқ шарт-шароитларни яратиб бера олади. Ҳаттоқи, PISA халқаро баҳолаш дастурида таянч компетенциялардан ташқари, мустақил ташкил этиладиган таълим бўйича тузилган саволлар учрайди. “Ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантиришда ўрганилаётган билимларни англаб этиши, ўзлари учун мос ўқув стратегияси ва усуллари

танлаб олиши ва ўйлаш жараёни мустақил бошқариладиган таълим дейилади, бунда ўқувчиларнинг билим ва кўнималарини максадли, фаол ва мустақил эгаллаши ва қўллаши тушунилади.”- деб PISA халқаро баҳолаш дастури Низомида мустақил ташкил этиладиган таълимга таъриф берилган. [7] Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, уйда, мустақил тарзда таълим олиб келаётган ўқувчиларнинг дунёқарashi кенг, интеллектуал ривожланган, таянч ва фанга доир компетенцияларни амалий жиҳатдан ўзлаштириб юкори натижага эришмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимидағи мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ўқувчиларга мактабдан ташқари йўналишда ўз билим ва кўнималарини оширишлари таъкидланган бўлиб, “замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали ўқувчиларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материаллардан фойдаланиши, робототехника, меҳатроника, мухандислик ва компьютернинг дастурли таъминоти йўналишларидаги тўғаракларда, таълим туризмида, болалар технопаркларида мавжуд курсларда иштирок этиши, китоб мутолааси” учун яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиши ва бошқалар белгилаб қўйилган [1]. Ўқувчининг турли саёҳатлар, таълим стажеровкалари, халқаро кўргазма ва спорт мусобақалари, миллий байрамлар, очик кечалар, савол-жавоб кечалари даврида турли миллат вакиллари билан барча эътироф этган меъёрларни қўллаган холда сухбатлаша олиши ва миллий ва умуммаданий, шунингдек коммуникатив компетенцияларини ривожланишига хизмат килади.

Бундан кўриниб турибдики, таълим мазмуни компетенциявий ёндашувга асосланиб танланиши керак. Зоро, таянч компетенциялар мактабда олган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётда самарали қўллашга имкон беради ва замин яратади. Айнисса, миллий ва умуммаданий компетенциялар оиласида, жамиятда, меҳнат бозарида инсонларнинг бир-бирини тушуниши, ҳамкорликда самарали фаолият кўрсатишига имкон беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқтаълими тизимидағи мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4467-сонли Қарори. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2019 й., 07/19/4467/3825-сон.
2. Ш.М.Мирзиёев «Янги Ўзбекистон Стратегияси» Тошкент-2021й.
3. Қиём Назаров. Қадриятлар фалсафаси. Илмий услубий комплекс. Тошкент-2004
4. Programme for International Student Assessment.
5. Progress in International Reading Literacy Study.
6. Trends in International Mathematics and Science Study.
7. Bildungsmonitoring Schweiz: Für das Leben gerüstet? Die Grundkompetenzen der Jugendlichen-Nationaler Bericht der Erhebung // PISA 2000. – p.14.
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qadriyat-uz/>
9. <https://fayllar.org/kompetenciya-mavjud-bilim-knikma-va-malakalarni-kundalik-faoli.html>

html



БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ МАДАНИЯТНИ ТУТГАН ЎРНИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.037>

Усманова Феруза Сайдахмедовна,
Самарқанд давлат университети докторант

Аннотация: бўлажак ўқитувчиларни профессионал фаолиятга тайёрлаш, мураккаб ва гетерохрон жараён бўлиб, таълим тизими уларни сифатли билим, кўникма, малака, компетенциялар билан қураллантиргани лозим. Ана шундай сифатлар қаторига бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маданиятини ҳам киритши мумкин. Касбий маданият – зарурый феномен сифатида, талабаларда касбий фаолият билан шугулланиши давригача шакллантирилган бўлиши сифтили таълим гарови ҳисобланади. Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни тарбиялашда касбий маданиятнинг тутган ўрни, маданият ва касбий маҳорат тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлиги таҳлил этилади.

Калим сўзлар: бўлажак ўқитувчилар, маданият, касбий маданият, касбий маҳорат

РОЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Усманова Феруза Сайдахмедовна,
Докторант Самаркандинского Государственного Университета

Аннотация: подготовка будущих учителей к профессиональной деятельности сложный и гетерохронный процесс, система образования должна вооружить их качественными знаниями, умениями, компетенциями. К таким качествам относятся и профессиональная культура будущих учителей. Профессиональная культура - как важный феномен, должно формироваться до рабочей деятельности. В данной статье анализируется роль профессиональной культуры в подготовке будущих учителей, взаимосвязь понятий культуры и профессиональное мастерство.

Ключевые слова: будущие учителя, культура, профессиональная культура, профессиональные качества.

THE ROLE OF PROFESSIONAL CULTURE IN PREPARING FUTURE TEACHERS FOR PROFESSIONAL ACTIVITIES

Usmanova Feruza Saidakhmedovna,
Doctoral student of Samarkand State University

Abstract: the preparation of future teachers for professional activities is a complex and heterochronous process, the education system should equip them with high-quality knowledge, skills, and competencies. These qualities include the professional culture of future teachers. Professional culture - as an important phenomenon, should be formed before working activity. This article analyzes the role of professional culture in the training of future teachers, the relationship between the concepts of culture and professional excellence.

Key words: future teachers, culture, professional culture, professional qualities.

Кириш. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди; иккинчидан, маданият ва санъат ташкилотларининг «дўйстлар клублари» фаолиятини

йўлга кўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мутлақо янгича самарали тизим яратилди;

учинчидан, музейлар реновация дастури қабул қилинди, ўзбек халқининг кўхна ва бетакор санъати намунаси бўлган «Хоразм лазгиси» ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди;

тўртингчидан, маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш бўйича миллий мактаб, шунингдек, халқ чолғулари, миллий рақс, мақом йўналишларида республика кўрик-танловлари қайта тикланди;

бешинчидан, мамлакатимизда муентазам равищда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро баҳшичилик санъати фестивали, «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали, «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор санъати фестивали ҳамда «Ракс сеҳри» халқаро фестивали ташкил этилиб, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини ҳамда маданий мулокотни янада ривожлантириш бўйича самарали тизим йўлга кўйилди [1]. Ушбу хатти-харакатлар замирида эса маданиятли авлодни тарбиялаш эҳтиёжи ётади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўқитувчиларини профессионал фаолиятга тайёрлаш, уларда зарурӣ касбий сифатлар ва кўнікмаларни шакллантириш масалалари Республикаимиз олимларидан Э.Зеер, В.Сериков, X.Абдукаримов, Н.Алимов, Н.Муслимов, Ш.Шарипов, Я.Хайдаров, О.Хайдарова, Н.Сайдахмедовлар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий етуклигини таъминлашнинг самарали технологиялари моҳияти Н.Н.Азизхўжаева, Н.М.Боритко, С.С.Булатов, М.Г.Давлетшин, Э.Рўзиев, Н.К.Сергеев, Ў.Қ.Толипов, Ф.Р.Юзликаев, Н.М.Эгамбердиеваларнинг изланишларида ўз ифодасини топган. МДҲ давлатларининг бир гурӯҳ олимлари томонидан ҳам ушбу масала ўрганиб чиқилган. Масалан: ўқитувчиларнинг профессионал компетентлиги масаласи (А.Л. Бусигина, А.А. Воротникова, Е.С. Врублевская, О.Н. Загора, А.В.Ефанов, Ю.В. Койнова, Н.В. Матяш, С.В. Мелешина, Г.С. Сухобская, Н.В. Харитонова, В.И. Юдин); профессионал-педагогик компетентлиги масаласи (Н.Н. Лобanova); психологияк-педагогик компетентлик масаласи (Н.В. Остапчук) атрофлича талқин этилган.

Тадқиқот методологияси. Ривожланган давлатларда компетенциявий ёндашув асосида талабалар шахсий, касбий, маънавий-ахлоқий ва маданий компетенцияларини таркиб тоғтиришнинг универсал моделларини ишлаб чиқиш устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, АҚШ (“Америка – 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси”), Япония (“Идеяяпонийигит-қизинингфазилатлари”), Буюк Британия (Тарбиядоктринаси), Франция (“Таълим вазирлиги кўрсатмалари”) каби хорижий давлатлар тажрибаси компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг маданиятини ривожлантириш лозимлигини кўрсатади. «Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам» [2] Негаки, ҳар қандай даврнинг хусусият ва даражаси ўша давр маданияти ривожи билан ўлчанади.

Маданият — жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.

Маданият — бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айни пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг ийиндиси маданиятда гавдаланади.

«Маданият» атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларда ранг-баранг маъноларда ифодаланган. «Маданият» ва «Культура» атамалари мутахассислар фикрига кўра айни



маънони англатиб, лотинча «ишлов бериш», «парвариш қилиш» маъносини англатган. Маданият тушунчаси ўқитувчи касбий маҳоратининг ажралмас қисми хисобланади.

Хозирги замон педагогик ва психологик фанларида “педагогик маҳорат” тушунчасига турлича изоҳ берилган. Жумладан, педагогик энциклопедияда таъриф қуидагида изоҳланган: ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳдил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиши услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис [3]. Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи.
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби.
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши.
4. Ўқув-тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Ушбу таърифлардан ҳам англашиладики, ўқитувчи касбий маданияти унинг касбий маҳоратининг асосий ташкилий қисмларидандир. Ушбу масъулиятли вазифалар ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқитувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъоди, эътиқоди, маданияти ва амалий кўнкимларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчиларнинг касбий қобилиятини ривожлантириш, кўнким ва малакаларини ошириб бориш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, зарур шарт-шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий-методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчиларнинг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим.

Тадқиқотчи А.И.Шчербаков фикрига кўра, педагогик фаолият – бу ўқитувчи олдига жиддий талаблар кўядиган мураккаб психологик актdir. Педагогик фаолият ўқитувчини чуқур ва пухта билимга, педагогик қобилиятга, мустаҳкам характерга, юксак маданиятга эга бўлишини тақозо қиласди [4]. А.И.Шчербаков ўқитувчи шахси 6 та касбий-таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди: 1) юксак савиядаги билим ва маданият; 2) йўналишнинг аниқ ифодаланганлиги; 3) юксак ахлоқий ҳисларнинг мавжудлиги; 4) юқори даражада юзага келувчи фаоллик ва барқарор мустақиллик; 5) қатъий ва силлиқ характер; 6) педагогик қобилиятлар.

Таҳдил ва натижалар муҳокамаси.

Бўлажак қитувчининг касбий етуклиги яхлит тизим сифатида бир қанча таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштиради. И.П.Подласыйнинг касбий салоҳиятнинг тузилишига доир таснифидан келиб чиқиб, биз педагогик таълимдаги маданият ва педагогик қобилиятларни комплекс ривожлантиришнинг замонавий йўналишларига мувофик келувчи қуидаги муҳим тузилишли таркибий қисмларни ажратиб кўрсатишмиз мумкин [5]:

- педагогик маданият;
- педагогик ижодкорлик;
- педагогик ақл-идрок;
- касбий чуқур билимга эгалик;
- индивидуал фаолият услуги;
- ижодий ташаббуснинг ривожланиши;
- индивидуал фаолият;
- инсонпарварликка йўналтирилганлик;
- ижтимоий фаоллик.

Касбий маданиятга яхлит ҳодиса сифатида қараш, уни ташкил этиувчиларнинг роли ва аҳамиятини пасайтираслик ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларни комплекс ривожлантиришда методологик асос бўлиб хизмат қиласди.

Касбий маданиятни педагогик фаолиятни ижодий ўзлаштириш усули сифатида қараш лозим. Касбий-педагогик маданият – бу қадриятларнинг, педагогик фаолият усулларининг

ва ўқитувчи касбий хулқ-атворининг динамик тизими. Мазкур тизимнинг таркибий қисмлари сифатида кўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) педагогик позиция ва шахс сифатлари;
- б) касбий билимлар ва педагогик фикрлаш маданияти;
- в) касбий малакалар ва педагогик фаолиятнинг ижодийлиги;
- г) шахсни ўз-ўзини бошқара билиши ва педагогнинг касбий хулқ-атвори.

Касбий маданият даражаси унинг таркибий қисмлари – педагогик нуктаи назар, касбий билимлар ва педагогик фикрлаш, касбий малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, шахсни ўз-ўзини бошқара билиши ва педагогнинг касбий хулқ-атворининг шаклланганлик даражаси билан ўлчанади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий маданияти кўйидаги касбий аҳамиятли шахс сифатларининг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) шахсга йўналганлик: эътиқод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик туйғусининг мавжудлиги;
- 2) касбий-ахлоқий сифатлар: инсонпарварлик, жамоавийлик, адолат, меҳрибонлик, ҳақиқатпарварлик, самимийлик, талабчанлик, болаларга нисбатан меҳр ва ҳурмат, олийжаноблилик, холислик;
- 3) педагогик меҳнатга муносабат: виждонлилик, жавобгарлик туйғуси, фидокорлик, берилиб ишлай олиш ва ўз педагогик фаолиятидан қониқиши ҳисси, уни ҳайтининг мазмунига айлантира олиш;
- 4) қизиқишлиар ва маънавий эҳтиёжлар: билишга оид фаоллик, тафаккурнинг кенглиги ва теранлиги, эстетик маданият, қизиқишиларнинг ва маънавий эҳтиёжларнинг кўпкірралилиги, ёқтирган ижодий ишнинг мавжуд бўлиши, ташқи қўриниш ва нутқ маданияти.

Хуоса. Педагогик нуктаи назарида бўлажак ўқитувчининг шахси, ижтимоий йўналиши тавсифи, фуқаролик хулқ-атвори ва фаолияти намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчининг ижтимоий нуктаи назари умумтаълим мактаби чоғларидаёқ, қарашлар, қадриятлар тизими тарзида шаклланиб, ривожланиб боради. Уларнинг асосида касбий тайёргарлик жараёнида педагоглик касбига, педагогик фаолиятнинг максад ва воситаларига нисбатан қадриятли муносабат таркиб топади. Педагогик фаолиятга нисбатан қадриятли муносабат, кенг маънода ўқитувчи шахсининг негизини ташкил этувчи йўналганликни ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2018 й., <https://lex.uz/docs/4829149>
2. Буйло Б. И. Н. Бердяев: национализм и культура //Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. – 2003. – №. S5. – С. 6-14.
3. Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: Современное слово, 2005. – 720 с.
- 4 Шчербаков А.И. “Формирование личности учителя в процессе его профессиональной подготовки”. 1969. – 266 с.
5. Подласый В.П. Педагогика. Учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – 540 с.



ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ФАНЛАРНИНГ АКСИОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.036>

Курбаниязова Замира Калбаевна,

Педагогика фанлари номзоди, доцент. Нукус давлат педагогика институти,
Ўзбекистон

Аннотация. Маъолада “аксиология”, “қадрият” ва “қадриялар тизими” тушиунчаларига аниқлик киритилган. Олий таълим муассасалари барча таълим йўналишиларида ўқитиладиган педагогик-психологик фанларни қадриятга йўналтириб ўқитиш масалалари таҳлил этилган. Педагогик аксиология нуқтаи назаридан педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитиш даражаларининг тавсифи ишлаб чиқилган. Педагогик-психологик фанларни ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиши алгоритми яратилган бўлиб, ушибу алгоритм асосида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг мазмуни баён этилган. Мазкур фанларнинг имкониятини рўёбга чиқарилишинг йўналишилари аниқлаштирилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий-педагогик компетентлик, “аксиология”, “қадрият”, “қадриялар тизими”, педагогик-психологик фанлар, миллий қадриялар, умуминсоний қадриялар, жасамиятнинг маънавий маданияти, шахснинг маънавий дунёси, ҳамкорлик фаолият, алгоритм.

АКСИОЛОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК

Курбаниязова Замира Калбаевна,

Кандидат педагогических наук, доцент.

Нукусский государственный педагогический институт,
Узбекистан

Аннотация. В статье уточняются понятия «аксиология», «ценность» и «система ценностей». Анализируются вопросы ценностно-ориентированного обучения педагогическим и психологическим дисциплинам, преподаваемых в вузах всех направлений образования. С точки зрения педагогической аксиологии разработано описание уровней обогащения содержания педагогико-психологических наук. В процессе преподавания педагогических и психологических наук был разработан алгоритм организации совместной деятельности преподавателей и студентов, организованной на основе этого алгоритма так же описано содержание экспериментальной работы. Определены направления реализации потенциала этих дисциплин.

Ключевые слова: социально-педагогическая компетентность, «аксиология», «ценность», «система ценностей», педагогико-психологические науки, национальные ценности, общечеловеческие ценности, духовная культура общества, духовный мир личности, совместная деятельность, алгоритм.

AXIOLOGICAL POSSIBILITIES OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL SCIENCES

Kurbaniyazova Zamira Kalbaevna,

Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor.

Nukus State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Summary. The article clarifies the concepts of «axiology», «custom» and «the system of custom». The issues of value-based teaching of pedagogical and psychological disciplines taught in higher education institutions in all areas of education are analyzed. From the point of view of pedagogical axiology the description of levels of enrichment of the content of pedagogical-

psychological sciences is developed. In the process of teaching pedagogical and psychological sciences, an algorithm for the organization of joint activities of professors and students was developed, which describes the content of experimental work organized on the basis of this algorithm. The directions of realization of potential of these disciplines are defined

Key words: socio-pedagogical competence, “axiology”, “value”, “system of values”, pedagogical and psychological sciences, national values, universal values, spiritual culture of society, moral qualities of a person, cooperation, algorithm.

Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб ва чукурлашиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутун жаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилиниң алоҳида эътиборни талаб қилаётгани ҳақидаги фикри ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг ушбу анжумандаги “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”, деган хulosаси эса БМТга аъзо барча мамлакатлар вакилларининг диққатини ўзига каратгани бежиз эмас [1].

Ана шу заруриятдан келиб чиқкан ҳолда дастлаб “аксиология”, “қадрият” ва “қадриятлар тизими” тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириш максадга мувофиқдир.

Аксиология – қадриятлар ҳақидаги фан бўлиб, олам ва инсонга қадриятли муносабатни таркиб топтириш йўлларини ўрганади.

Педагогика фанида қадриятларни таълимий-тарбиявий имкониятларини тадқиқ этувчи алоҳида фан соҳаси – педагогик аксиология мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда мазкур йўналишда алоҳида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

“Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат”да, “Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обўрга, эътиборга, хурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”, - деган таъриф берилган [3].

“Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”, - деб талқин этилган [4].

“Тарбия” энциклопедиясида “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча”, - деб таъриф берилган [9;].

Республикамизда педагогик аксиология фанидан ўқув қўлланма ёзишни бошлаб берган олим Б.Х.Ходжаев педагогик нуқтаи назардан қадрият тушунчасининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини аниқлаштирган:

“Қадрият тушунчасининг келиб чиқиши шуни кўрсатади, унда уч асосий белги бирлашади: нарса ва ҳодисаларни баҳолашга доир инсоннинг амалий ҳамда эмоционал муносабатини таърифлаш; инсоннинг психолигик тавсифини аниқловчи ахлоқий категорияларни тавсиф этиш; инсонлар орасидаги муносабатларни характерловчи ижтимоий ҳодисаларни таърифлаш. “Қадрият” тушунчасининг ривожи шартли равишда қадриятларнинг турли кўриниш(иктисодий, психологик, ахлоқий, эстетик, билишга оид, ижтимоий)ларини ажратиб кўрсатиш, инсон табиати, унинг билишга интилиш механизмларини англаб этиш, билиш фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлашга имкон беради” [10].

Фалсафий ва педагогик-психологик адабиётлар таҳлили “қадрият” тушунчасини талқин этишда хилма-хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Фалсафий нуқтаи назардан қадрият – инсон томонидан баҳоланадиган кенг оммалашган субъектив образ



ёки тасаввурлар сифатида идрок этилса; социологик ёндашувда қадрият инсон ҳаётини фаолиятини ташкил этувчи ижтимоий мөйөрлар, унинг хулқ-атвори билан мустаҳкам алоқадорликда талкин этилади; психология мазкур тушунчани шахснинг қизиқишилари, эҳтиёжлари билан боғлиқликда ифода этади. Педагогикада қадрият тушунчаси инсоннинг ҳар томонлама уйғун ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал ҳаётини тажрибаси, дунё ҳақидаги билимлари асосида юзага келувчи оламга шахсий муносабатини акс эттиради.

Миллий ва хорижий тажриба таҳлили “қадриятлар тизими” масаласи фалсафий нуктаи назардан аникрок ёритиб берилганигини кўрсатди. Файласуф олим К.Назаров таъкидлаганидек, жамият тараққиётининг муайян даврида унинг ижтимоий тузилиши мутаносибликка эга бўлади ва унинг бу даврига қадриятларнинг ҳам нисбатан барқарор ва ўзаро мутаносиб умумий тизимлари мос келади. Бу барқарорлик ва мутаносиблик қадрият тизимлари ўртасидаги муносабатларга ҳам хос бўлганидан, бир даврда мавжуд бўлган қадрият тизимларидан бошқа даврларда мавжуд бўлган қадриятлар тизимини ажратиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни ўрганиш мумкин [5].

Ш.Тайланова ўзининг “Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини шакллантириш (“Педагогика тарихи” фани мисолида)” деб номланган тадқикот ишида “Қадриятлар тизими асрлар давомида шаклланган табиат, жамият ва маданиятда акс этган воқеликка онгли муносабат натижасида юзага келувчи қарашлар йигиндисидир”, - деб таъкидлаб ўтган [8; 3Б]. Мазкур таърифдаги “қарашлар йигиндиси” тушунчаси, эҳтимол “Педагогика тарихи” фанини ўқитиши билан боғлиқликда тўғри аниқлаштирилган бўлиши мумкин, бироқ қадриятлар тизими қадрият шакллари мажмуини ўзида ифода этиши айни ҳақиқатdir.

И.П.Подласый қадриятларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатган: транспондентал (диний моҳият нуктаи назаридан қандайдир мутлақликка эга), ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гурухий, умуминсоний, қасбий, миллий ва ҳ.к.) ва антропоцентрик (индивидуал) [6].

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини кўйидаги гурухларга ажратган:
ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, баҳт, фаровонлик), универсал (ҳаётини витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахсларро муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётини витал) қадриятларга деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб брувчи қадриятлар эса муракқаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётини мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади [2].

П.А.Сорокин қадриятлар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган:
– идеационал қадриятлар тизими. Мазкур тизимга доир қадриятлар ва идеаллар ўзгаришсиз ва доимий, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб этиш жараённида юзага келадиган тўсикларни енгиб ўтиш орқали инсонда ҳиссий қониқиши юзага келади;
– ҳиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ кўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқликда амал қиласди;
– идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва ҳиссий қадриятларнинг умумлаштириш асосида таркиб топади [7].

“Қадриятлар тизими” муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошқалар), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир. Қадриятлар тизими маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзоларининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари, қизиқишилари, уларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради.

Замонавий жамиятда қадриятлар тизимини қайта англаш содир бўлмоқда. Шу билан боғлиқликда асосий аксиологик категория сифатида қадриятлар таснифи ҳақидаги масала кўндаланг кўйилмоқда. Ушбу масала аксиологиянинг муаммоли саволларидан бирини

ўзида ак эттиради. Ана шу сабабли тадқиқотнинг асословчи босқичида мазкур муаммони ҳал этишга доир асосий ёндашувлар таҳлилига ҳам эътибор қаратилди.

Қадриятларни шакллантириш жараёни таҳлили шуни тасдиқлайдики, қадриятлар тизими ўзида социумнинг маънавий фаолияти натижалари сифатида қараладиган маълум маданий муҳитни ифода этувчи ижтимоий онгни акс эттиради.

Хар бир инсон учун жамиятнинг маънавий маданияти ва инсоннинг маънавий дунёси, ижтимоий ва индивидуал турмуш тарзи ўргасидаги алоқадор бўғин сифатида хизмат қилувчи шахсий қадриятлар иерархиясига эга. Шу билан бирга, жамият ва маълум маданий муҳитни тавсиф этувчи қадриятлар тизими бутун жамият томонидан амалга ошириладиган маънавий фаолиятнинг натижасини ўзида акс эттиради. Жамиятда узлуксиз ва бир-бирига параллел равишда иккита жараён содир бўлади: янги қадриятларни яратиш ҳамда маданий меросни бир авлоддан бошқасига узатиб бориш.

Педагогик таълимни ривожлантиришнинг замонавий босқичида таълим олувчи шахсига йўналганлик, инсонни жамиятда олий қадрият сифатида эътироф этиш ижтимоий соҳанинг энг муҳим ва кенг кўламли йўналишларидан биридир. Таълимни инсонпарварлаштириш ғояси педагогикада аксиологик ёндашувнинг кенг татбиқ этилиши натижасидир.

Юқорида кўриб чиқилган умумий аксиологиянинг категориал аппарати педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги, унинг ижтимоий роли ва шахсни ривожлантиришдаги имкониятларини аниқлаштиришга хизмат қиладиган педагогик аксиологияга эътибор қаратишга имкон беради. Б.Х.Ходжаев таъкидлаб ўтганидек, педагогик аксиология таълими қадриятлар (уларнинг табиат ва алоқадорлиги) ҳақидаги фан сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

мазмун-моҳият билан алоқадор (таълим мазмуни ва ташкилий жиҳатларини бирлаштирганлиги сабабли, интеллектуал ташаббусни рағбатлантиради) – фикрий жараён, объектни актуаллаштириш, аниқ далил ва исботларни белгилаш, ахборотни танқидий мушоҳада этиш, маъно-мазмунини тушуниш, шахсий фикрнинг ўсиши;

баҳоловчи – педагогик жараён иштирокчиларида борлиқ ва маънавий ходисаларни адекват баҳолашни ривожлантиришни акс этиради;

йўналтириш функцияси – “қадриятлар иерархияси”нинг маълум параметрлари асосида шахсий, касбий тавсифнинг муҳим қоидаларини аниқлаш имкониятлари билан боғлиқ;

меъёрий (норматив) – педагог ва тарбиячининг аксиосферасининг таркибий қисмлари, ўзида қадрият тарзини акс эттирувчи уларнинг ўзаро муносабатлари тизимини “қонунийлаштиради”;

бошқарувга доир – инсонпарвар мазмунга эга миллий ва умуминсоний қадриятлар оқимидағи тизим субъектлари, таълим тизими ривожланишини йўналтиради, таълим соҳасидаги ўзаро зарурий ҳаракатни ҳосил қиласи; назорат – маданий-тарихийлик контекстидаги қадриятнинг ривожи, шахсда қадриятга йўналганликни шакллантириш имконини беради [10].

Олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларида ўқитиладиган педагогик-психологик фанларни юқорида санаб ўтилган компонентлар бирлигини кўзда тутувчи тизим сифатида муайян даражалар тавсифида самарали татбиқ этиш мумкин. Ушбу даражаларни биз кўйидаги жадвалда акс эттиришни маъкул кўрдик (1-жадвал).

1-жадвал

Педагогик аксиология нұқтаи назаридан педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитиш даражалари тавсифи

№	Мазмунни бойитиш даражалари		Педагогик аксиология элементлари (тәжілмій кадрияттар тизими)	Маънавий-информацион компетентлік (етакчи күрсаткыч)
	Горизонтал (ұрганилаётган соха құламини көңгайтириш)	Вертикал (ўкув-билиш фаолигини ошириш)		
1.	Умумқасбій ва интеграллашған курсларға кириш: умумий педагогика, умумий психология, тарбия, тарбиявый ишлар методикасы, ижтимоий педагогика, ижтимоий психология.	Ұкув материалларини бойитиш; ижтимоий-педагогик жиһатдан бойитилғанлық; ұкув-билиш фаолияттінің маңсус ишлаб чыкылған алгоритм бүйінча амалда ошириш; ұкув материалларини тәнделшіштік баҳолаш; ұкув материалларини реал вазияттар билан бойитиш; гояларни баҳолашда танқидийлик ва үз нұқтаи назарига содиқлик	Етакчи кадрияттар (билим, мулокот ва билиш фаолияттың доир кадрияттар).	Танишув-тахлилий, кадриятта йұналтирилған
2.	Мини курсларға кириш: “Касбий үз-үзиниң аңгаш”, “Ижтимоий-педагогик иш технологиясы”, “Ижтимоий-педагогик фаолият диагностикасасы ва коррекциясы”, “Кәттә киши ва бола” диадасыда ишлеш қосылғынан шашқарыш”, “Гендер педагогика”	Маънавий-ахлоқий мұаммолосынан чукур ўрганиш ва таҳлил этиш	Рагбатлантирувчы кадрияттар (натижаларга әрішиш учун зарур шарт-шароитни яратып учун). Күллаб-куватловчы кадрияттар (билиш сипаттаниң оширишга йұналтирилған – ўрганилаёттан нараса ва ходисаларни чукур түшүниш)	Кадриятта йұналтирилған, рефлексив-фаолиятта доир
3.	Изланышында тәдқиқтап шығарылған: мұстақил ўрганиш; мәърузалар тайёрлаш; тәдқиқтап ишларини химоя килиш	Ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чыкышта жағдайда ошириш; мұстакиллікнинг юқори даражасы; мұстакил тәжілм олишшының етакчи үйринге әгалігі		Рефлексив-фаолиятта доир
4.	Ижтимоий-психологик мұхитта мұваффакиятта әрішиштегі даир вазияттарни яратыш	Мұхитда ахборот алмашинувины яхшилаш; вактни түргі таксимлаш; восита ва материаллардан самаралы фойдаланып; үқитишиннің түрли шақылардан фойдаланып		Танишув-тахлилий

Шуны алохіда қайд этиб үтиш лозимки, қадрияттар тизимининг педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитиштің қар бир даражасы билан үйғунлиги таъминланғанда ҳамда мұстакил тәжілм ва касбий үз-үзиниң тақомиллаштырылған интилиш билан боғлиқлиқтеда талабаларға қадрияттарға доир билимларни таркиб топтириш, аксиологик мұносабат ва хүлк-авторни шақыллантириш, бир сүз билан айтгандан шахс ривожининг жараён билан боғлиқ жиһатини үзіда акс эттиради.

Педагогик-психологик фанлар мазмуни билан ишлешнің дастлабки босқичида уларнинг аксиологик имконияттарынан рүёбга чиқарып нұқтаи назаридан ва юқорида санаб үтилған функцияларни ҳисобға олиб, ўрганилаёттан материалнинг ижтимоий-педагогик қадрияттар билан боғлиқ жиһатларына тизимли равишида өткізу көрсетілген. Бұ эса, шунингдек, талабаларға ўрганилаёттан материалнинг ижтимоий-педагогик мөхияттінің аңгай олиши ҳамда маънавий-ахлоқий билимларнинг шахсий-касбий ахамият касб этишига ёрдам беруучи аниқ саволлар устида

ишлаш заруратини юзага келтириди. Педагогик-психологик фанларнинг турли бўлим (модул) ва мавзуларини маъруза, семинар, амалий машғулотлар жараёнида ўрганиш учун қўлланиладиган универсал саволлар ишлаб чиқилди:

1.Мазкур мавзуни (модул) ўрганиш жараёнида Сиз томонингиздан эгалланган билимлар қандай таълимий ва билишга доир аҳамиятга эга?

2.Мазкур мавзуларни (модул, ўқув саволлари) ўрганингиздан кейин Сизда ижтимоий-педагогик фаолиятга хақидаги қандай тасаввурлар пайдо бўлди?

3.Ўрганилган мавзу асосида олимларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятга доир фикрларини тушунтириб беринг.

4.Куйидаги фикрларнинг ижтимоий-педагогик фаолият билан қандай алоқадорлиги мавжуд: “Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулқа ҳам одат туфайли эришилади”.

5.Мавзуни ўзлаштириш жараёнида Сиз ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғилик қандай жараёнлар хақида фикр юритдингиз?

6.Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-авторини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиласадими?

7.Сизнинг фикрингизча, педагог умуминсоний қадриятларни улуғлаши ва ўзининг педагогик фаолиятида “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё соадат – ё фалокат масаласидур” ҳикматли сўзига амал қилиши керакми?

8.Мазкур мавзу мазмуни касбий ёки бирор бир фаолиятнинг инсонпарвар, қадриятли муносабатни шакллантиришга таъсир кўрсатадими?

9. Сизнинг фикрингизча, умуминсоний қадриятлар билан ўзаро уйғун бўлиш учун қандай шахсий эҳтиёжлар (ижтимоий, маънавий) ҳам мавжуд бўлиши зарур?

10. Мазкур мавзулар мазмуни оламга ва инсониятга нисбатан қандай муносабатларни пайдо қиласди? а) ижтимоий (ижтимоий ҳаёт мазмунини излаб топишга интилиш); б) интеграл (бошқаларга қадриятли муносабатда бўлиш, яхшилик қилишга интилиш); в) социумга йўналганлик (маълум бир гурухга мансубликни ифода этади).

11. Ўрганилган мавзулар мазмуни Сизга ўқувчилар олдидаги педагогик бурчни англаш имконини берадими?

12.Бўлажак педагог сифатида Сиз ўзингизни қайси гурухга мансуб деб ҳисоблайсиз?
а) инсонпарвар (инсон фаровонлигига хизмат қилиш, маънавий-ижодий қадриятларга эгалик); б) гурухий фаолиятга йўналган (гурухнинг эҳтиёжлари, қизиқишиларини қондиришга интилиш);
в) эгоцентрист (фақат ўзини ўйлаш, ўзи ҳақида қайғуриш).

13.Сизнинг фикрингизча, фақат ўзи ҳақида ўйлаш, ўзи тўғрисидагина қайғуришни эгоцентризм деб ҳисбламаслиқ мумкинми?

14.Мазкур мавзунинг қандай мазмун билан алоқадор компонентлари олий қадриятлар – Инсонпарварлик, Муруватни Саховатни англаш имконини беради?

15.Мазкур мавзуларни ўрганиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотлар Сизга ўз хулқ-авторингизни бошқариш, умумаҳамиятга эга қадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими?

Мазкур саволлардан ўрганилаётган мавзуга мос равища фойдаланилди. “Педагогик маҳорат” модулининг “Педагогик низолар” мавзусини ўрганиш жараёнида улардан иккитаси танлаб олинди: 1. Бўлажак педагог сифатида Сиз ўзингизни қайси гурухга мансуб деб ҳисоблайсиз? а) инсонпарвар (инсон фаровонлигига хизмат қилиш, ижтимоий-педагогик қадриятларга эгалик); б) социумга йўналган (гурухнинг эҳтиёжлари, қизиқишиларини қондиришга интилиш); в) эгоцентрист (фақат ўзини ўйлаш, ўзи ҳақида қайғуриш). 2. Мазкур мавзуларни ўзлаштириш жараёнида ўзлаштирилган ахборотлар Сизга ўз хулқ-авторингизни бошқариш, ижтимоий-педагогик қадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими? Бироқ семинар машғулотлари жараёнида бир нечта саволлар муҳокамасига эътибор қаратилди.

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг “Тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш йўллари” мавзуси бўйича машғулотларида куйидаги саволлардан



фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

1. Мавзуни ўзлаштириш жараёнида Сиз қандай ижтимоий-педагогик қадриятлар хақида фиқр юритдингиз?
2. Ўрганилган мавзулар мазмуни Сизга ўқувчилар олдидаги педагогик бурчни англаш имконини берадими?
3. Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-атворини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиласидими?

Профессор-ўқитувчиларнинг фикрича, биз томонимиздан таклиф этилган универсал саволлардан барча педагогик-психологик фанларни ўрганишда, шу жумладан “Умумий психология” фанининг “Идрок”, “Хотира”, “Тафаккур” каби мураккаб мавзуларини ҳам ўзлаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Жумладан, мазкур мавзуларни ўрганиш жараёнида кўйидаги саволларни муҳокама қилиш таклиф қилинди:

1. Мазкур мавзуларни (модул, ўқув саволлари) ўрганганингиздан кейин Сизда инсон ҳақидағи қандай тасаввурлар пайдо бўлди?

2. Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-атворини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиласидими?

3. Мазкур мавзуларни ўзлаштириш жараёнида ўзлаштирилган ахборотлар Сизга ўз хулқ-атворингизни бошқариш, умумаҳамиятга эга қадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими?

Шундан сўнг, педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини маҳсус алгоритм асосида амалга ошириш бўйича фаолиятни ташкил этиш режалаштирилди, у мазкур фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг педагогик механизмини ўзида акс эттириди (2-жадвал).

2-жадвал

Педагогик-психологик фанларни ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш алгоритми

Фаолият мазмуни	Алгоритмик қадамлар кетма- кетлиги	Маънавий- информацион компетентлик
1. Бирор-бир мавзу устида ишлаганды билиш предмети мөхиятни тушуниб олинг, ижтимоий-педагогик қадриятлар нуткан назаридан унинг ўзига ҳосилларини ажратинг	Репрезентатив	Танишув-тахлилий
2. Мазкур мавзу мазмунинда акс этган ижтимоий меъёллар ва инсонпарвар қадриятларни аниқланг	Эвристик	Қадриятли йўналтирилган
3. Умумқабул килинган меъёллар, ўрнатилган консалт, ички инон-ихтиёрга асосланган холда у ёки бу ўрганилаётган ходиса, хатти-ҳаракат ва хулқ-атвортага баҳо беринг.	Баҳоловчи	Қадриягта йўналтирилган
4. Мавзу мазмунинда акс этган ахборотнинг ижтимоий ёки қасбий нуткан назардан қанчалик аҳамиятли эканлигини аниқланг, ўзингизга ҳаммаслак топинг.	Рефлексив	Рефлексив-фаолиятга доир
5. Ижтимоий-педагогик жиҳатга эга муаммо пайдо бўлса, уни ҳал этиш, шахсий ва қасбий қадриятлар асосида максадга эришиш йўлни топинг.	Прогностик	Рефлексив-фаолиятга доир

Педагогик-психологик фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда ушбу алгоритмдан доимий равиша фойдаланиш ижтимоий-маданий ва таълимий, ижтимоий ва шахсий қадриятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни юзага чиқариш имконини берди. Бу алгоритм барча семинар ва амалий машғулотларда қўлланилди ҳамда талабаларга муайян фаннинг биринчи машғулотларида эслатма сифатида таклиф этилди ва дафтарга жадвал кўринишида қайд этиб кўйилди. Бу орқали эса, алгоритмнинг барча босқичи (репрезентатив, эвристик, баҳоловчи, рефлексив, прогностик) турли материал билан ишлаш жараёнида бутун машғулот давомида кетма-кетлиқда амалга оширилди.

Биз томонимиздан таклиф этилган алгоритм машғулотларда диалог, полилог вазиятларни ташкил этишга имкон берди. Талабалар алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётган мавзуларнинг мазмуни, унинг маънавий асослар билан бойитилганлиги

устида фикр юритиши. Айрим мавзулар бўйича мазкур алгоритм билан мустақил ишлашнинг турли варианtlари таклиф этилди. Масалан, “Ижтимоий педагогика” фанида боланинг социумда ривожланиши билан боғлиқликда у ёки бу социумга хос кизиқиш ва қадриятларни гурухлаштириш таклиф этилди.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида қўйидаги хуносаларга келинди:

1. Педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида уларнинг аксиологик имкониятларини рўёбга чиқаришуниверсал педагогикусул ва воситалардан фойдаланишни талаб этади.

2. Мазкур фанларнинг имкониятини рўёбга чиқаришнинг уч йўналиши аниклаштирилди:

Биринчи: педагогик-психологик фанларнинг аксиологик мазмунини кенгайтириш. Уларнинг аксиологик жиҳатларини аниқлаш учун қўйидаги тамойиллар белгилаб олинди: умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги, замонавий шароитда ижтимоий-педагогик билимларнинг аҳамияти, феноменологик редукция (онгнинг табиий установкалардан холи бўлиши), эйдетик редукция (далиллардан шахсий англанган моҳиятга ўтиш), қадриятта йўналганлик. Педагогик-психологик фанлар мазмунини икки даражали (вертикал ва горизонтал) бойитиш методикаси ўрганилаётган соҳани кенгайтириш, материал ва унинг маънавият билан боғлиқ мазмунини чукурлаштиришни талаб этди;

иккинчи йўналиш педагогик-психологик фанлар мазмунида акс этган ижтимоий-педагогик фаолиятга доир ахборотлар устида ишлашга доир талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш билан боғлиқ тарзда амалга оширилди. Бунинг учун исталган мавзуни ўзлаштириш, ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талаба томонидан ўрганилаётган материалнинг маънавият билан алоқадор мазмунини англаш имконини берувчи универсал саволлар ишлаб чиқилди. Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ишни ташкил этиш алгоритми талабаларнинг эътиборини ижтимоий-маданий ва таълимий, ижтимоий ва шахсий қадриятларнинг ўзаро алоқадорлигига жалб этишга тўлиқ имкон берди;

учинчи йўналиш маҳсус ишлаб чиқилган алгоритм асосида педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятини рўёбга чиқариш бўйича профессор-ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутки // Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь.
2. Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.609-610.
3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугати. (А.Жалолов ва К.Хонназоров умумий таҳририда). – Т.: Шарқ, 1998. — Б.279.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбая ижодий уйи, 2010. – Б.707.
5. Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). – Т.: Академия, 2011. – Б.256.
6. Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – С. 83.
7. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. – М. : Политиздат, 1992. – С. 488-494.
8. Тайланова Ш. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини шакллантириш (“Педагогика тарихи” фани мисолида): педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2012. – 23 б. –Б.3.
9. Тарбия энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б.509.
10. Ходжаев Б. Педагогик аксиология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.



**«BROM» MAVZUSIDAGI DARS MASHG’ULOTIDA MAHALLIY
XOMASHYOLARGA DOIR DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.035>

Ажиеева Мухаббат Бахтыбаевна,

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, педагогика фанлари
номзоди, доцент*

*Айтмуратова Дилфузда Кутлымуратовна, Жилемуратова Азима Ибраши қызы ,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти магистрантлари*

Ажиеева Бекзода Азатовна,

Абу Али Ибн Сино номидаги соламатлик техникуми талабаси

Ushbu maqolada didaktik material taqdim etilgan va mahalliy xomashyodan foydalangan holda «Brom» mavzusida dars o’tkazish metodikasi ishlab chiqilgan. Ushbu metodik ishlantma maktablarda, o’rtga va oly o’quv yurtlarida kimyo darslarini o’tkazish uchun tavsiya etiladi.

Talabalarni tabiatda bromni topish xususiyatlari, uni olish usullari, fizikaviy va kimyoviy xossalalarini o’rganish hamda xalq xo’jaligida qo’llanilishi bilan tanishtirish.

Таянч сузлар: Галоген, дидактика, кимё, фтор, хлор, бром

**ДИДАКТИЧЕСКИЙ МАТЕРИАЛ ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ ЗАНЯТИЯ ПО ТЕМЕ
«БРОМ» С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ**

Ажиеева Мухаббат Бахтыбаевна,

*доцент Нукусского государственного педагогического института имени Ажинияза,
кандидат педагогических наук*

*Айтмуратова Дилфузда Кутлымуратовна, Жилемуратова Азима Ибраши қызы,
магистранты Нукусского государственного педагогического института имени*

Ажинияза

*Ажиеева Бекзода Азатовна,
студентка медицинского техникума имени Абу Али Ибн Сино*

В данной статье дан дидактический материал и разработана методика проведения занятия по теме «Бром» с использованием местных сырьевых ресурсов. Данная методическая разработка рекомендуется для проведения уроков по химии в школах, средних и высших учебных заведениях.

Ознакомление учащихся с особенностями нахождения брома в природе, способами его получения, изучение его физических и химических свойств, а также применение в народном хозяйстве.

Ключевые слова: Галогены, дидактика, химия, фтор, хлор, бром

DIDACTIC MATERIAL FOR CONDUCTING A LESSON ON THE TOPIC «BROMINE» USING LOCAL RAW MATERIALS

Ajieva Muhabbat Baxtibaeva,
Associate Professor of the Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz,
Candidate of Pedagogical Sciences

Aytmuratova Dilfuza Qutlimuratovna, Jiemuratova Azima Ibrash qizi,
undergraduates of the Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Ajieva Bekzoda Azatovna,
Student of the Medical College named after Abu Ali Ibn Sino

This article provides didactic material and developed a methodology for conducting a lesson on the topic «Bromine» using local raw materials. This methodological development is recommended for conducting chemistry lessons in schools, secondary and higher educational institutions.

To familiarize students with the features of finding bromine in nature, how to obtain it, the study of its physical and chemical properties, as well as its application in the national economy.

Base settings: Halogen, didactics, chemistry, fluorine, chlorine, brom

Данное занятие лучше всего начинать с напоминания учащимся что, Узбекистан располагает важнейшими видами природных сырьевых ресурсов галогенов. Успешно разрабатываются технологии химической переработки с целью применения этих продуктов в развитии народного хозяйства. Что кроме галогенов фтора, хлора в республике имеются, богатые запасы бромных соединений [5, б. 62].

Эти природные ресурсы широко применяются в промышленности. До принятия независимости республики Узбекистан бром привозили из России, добывая его из морских вод. Только с 1990-х годов в стране начались геологоразведочные работы по выявлению и промышленному освоению новых йодо-бромных месторождений, в результате которых на территории Узбекистана были найдены уникальные запасы йодо-бромного сырья для химической промышленности.

На основе этих данных была разработана методика проведения занятия по теме «Бром» с использованием местных сырьевых ресурсов.

Образовательная цель, которой является: ознакомление учащихся с особенностями нахождения брома в природе, способами его получения, изучение его физических и химических свойств, а также применение в народном хозяйстве.

Воспитательной целью данного занятия является: расширение научного мировоззрения учащихся об элементе бром, знакомство с учеными-химиками Узбекистана и беседа об их достижениях. Экологическое, экономическое воспитание при изучении темы «Бром» [1, б. 126].

Развивающая цель данного занятия заключается: в развитии знаний о галогенах, навыками работы с учебниками и дополнительным материалом по интернету.

Необходимое оборудование: природные образцы брома, показ слайдов об использование брома в народном хозяйстве и упрощенная схема получения брома из подземных вод, портреты ученых-химиков Узбекистана и их труды.

Форма занятий: технология традиционного обучения с использованием ИКТ.

Ход занятия:

- 1.организационный момент
- 2.ознакомление учащихся с темой, целью и ходом занятия
- 3.сообщение преподавателя по новой теме

План занятия:

1. Нахождение брома в природе.
- 2.Способы его извлечения из природных соединений и применение в



народном хозяйстве.

3. Физические и химические свойства брома.

Занятие начинаем с напоминанием учащимся, что Узбекистан имеет уникальные запасы йodo-бромного сырья для химической промышленности, например, в Ферганской долине в буровых водах, протекающих в нефтяных скважинах. По данным специалистов лаборатории «Галогенов» института общей и неорганической химии при академии наук республики Узбекистана йодо-бромное сырье отличается высоким содержанием йода и брома, который не один год занимается исследованием природных ресурсов йода и брома в сотрудничестве с учеными института инженерии и геологии [6, б. 56]. Они же разработали технологию получения брома из подземных вод гидротермальных вод. По данным анализа исследований было доказано, что брома извлекая из гидротермальных вод, можно получить 30-40мл. на литр раствора. Исходным сырьем для получения брома во многих странах служат рассолы различного происхождения, содержащего бром от 65 г/м3 в морской воде, до 3-4 г/м3 и выше в щелоках калийного производства. Бром в рассолах находится в виде бром-иона. он может быть извлечен в виде трудно растворимых солей серебра и свинца. Однако, эти способы вследствие больших потерь осадителя, уходящего с отработанной водой практического применения не получил.

Известно много способов извлечения брома из рассолов после предварительного окисления бром-иона до элементарного брома.

Существующие способы извлечения элементарного брома из рассола можно разделить на следующие группы:

- 1.отгонка с водяным паром
- 2.выдуванием воздухом или инертным газом
- 3.экстракция растворителем
- 4.осаждение в виде трудно растворимых солей
- 5.адсорбция [4, б. 80].

Наиболее распространены способы отгонки и выдувание брома воздухом.

Следует сказать учащимся, что воздушный способ извлечения брома из рассолов впервые применен в США в конце XIX века. При получении брома этим способом использовались такие рассолы, из которых добыча поваренной соли была целесообразной. При применении воздушного способа можно использовать рассолы с низким содержанием брома, не подвергая их концентрированию, и не затрачивая, пара на подогрев.

В России работы по применению воздушного способа получения брома из рассолов начались с 1931 года (при участии П.И.Каминского) [2, б. 16].

В Узбекистане также получают бром по воздушному способу.

Процесс получения брома по воздушному способу состоит из следующих стадий:


- 1.нейтрализация рассола и его подкисление
- 2.хлорирование рассола для получения элементарного брома
- 3.отгонка элементарного брома воздухом
- 4.очистка брома воздушной смеси от хлора
- 5.улавливание брома из бромно-воздушной смеси
- 6.обезвреживание отработанного рассола [3, б. 65]

Иногда стадии подкисления и очистка брома воздушной смеси от хлора можно исключить. Подкисление не применяется, если рассол имеет небольшую щелочность, например, при использовании щелоков калийного производства, некоторых подземных вод и рапы некоторых озер, а также при использовании кислых отработанных вод йодного производства. Бромно-воздушную смесь не требуется очищать от хлора, если в смеси содержание хлора не больше, чем это допускается техническими условиями на конечный продукт, или же когда присутствие хлора не вредит дальнейшей переработке полупродуктов. Свободные галоиды удаляют из отработанных рассолов для их обезвреживания только в тех случаях, когда эти рассолы поступают в дальнейшую переработку.

Для поглощения брома из бромно-воздушной смеси применяют различные поглотители. В результате поглощения получают полупродукты, содержащие от 15%

до 40% брома, которые перерабатывают в жидкий бром или бромистые соединения. Контроль процесса получения брома по воздушному способу может быть полностью и частично автоматизирован.

В качестве дополнительного материала можно продемонстрировать упрощенную технологическую схему получения брома из йодо-бромной воды, чтобы дать учащимся общее понятие о главных производственных стадиях процесса:



Физические и химические свойства брома можно описать в следующем виде: Бром был открыт Ж.Баларом в 1826 году. Элемент назван так за свой запах (греч. «бромос» - зловонный). Бром - бурая жидкость с тяжелым ядовитымиарами, $p = 3,14 \text{ г/м}^3$, температура плавления -7СО , температура кипения $+587\text{СО}$.

Бром получают окисление ионов брома сильными окислителями:



В свободном состоянии бром сильный окислитель. Его водный раствор «бромная вода» (содержащий 3,58% брома) обычно используется в качестве слабого окислителя.

Бром реагирует с:

- 1.металлами $2\text{Al} + \text{Br}_2 = 2\text{AlBr}_3$
- 2.с неметаллами $\text{H}_2 + \text{Br}_2 = 2\text{HBr}$
- 3.с водой и щелочами $\text{Br}_2 + \text{H}_2\text{O} = \text{HBr} + \text{HBrO}$
4. с сильными восстановителями $\text{Br}_2 + 2\text{HJ} = \text{J}_2 + 2\text{HBr}$

Применение брома в народном хозяйстве можно показать по следующей схеме:





Заканчивая сообщения о местных сырьевых ресурсах и способах их получения и применения на занятиях, подчеркиваем, что для изучения материала почти не требуется дополнительного времени, если:

- 1.умело сочетать изложение основного учебного и дополнительного материалов
- 2.эффективно вести показ наглядных пособий и слайдов
- 3.рационально и четко использовать учебные часы по химии.

Использованная литература

- 1.Аскаров И. ва бошк. Кимё. – Т.: «Шарқ», 2017. – 324 б.
- 2.Буторин А.О., Фатахов Е.Н. Минерально-сырьевые ресурсы. Научно-технический прогресс и развитие производительных сил. – Т.: Фан, 2000. – 136 с.
- 3.Тошпўлатов Ю., Раҳматуллаев Н., Ажиева М.Б. «Фтор, хлор ва унинг бирикмалари» мавзусида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини ёритиши//Педагогик таълим. – Тошкент. 2003. №4. – Б. 64-70.
- 4.Тошпўлатов Ю., Раҳматуллаев Н., Ажиева М.Б. К вопросу о совершенствовании процесса преподавания темы «Галогены» на примерах их использования// «Вестник» Каракалпакского отд. АНРУз. – Нукус. 2003. №6. – Б. 78-84.
- 5.Тошпўлатов Ю., Раҳматуллаев Н., Ажиева М.Б. Анорганик киме курсида «Йод ва унинг бирикмалари» мавзусини ўқитиш ҳақида//Педагогик таълим. – Тошкент. 2003. №6. – Б. 62-68.
- 6.Тошпўлатов Ю., Раҳматуллаев Н., Ажиева М.Б. Галогенларни мавзусини ўқитиша информацион технологиялардан фойдаланиш//Педагогик таълим. – Тошкент. 2004. №6. – Б. 55-60.

USING DIFFERENT INTERACTIVE METHODS IN TEACHING MATHEMATICS

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.034>

Raupova Mohinur Khaydar kizi,
Chirchik State Pedagogical Institute, Lecturer at the Department
of Algebra and Mathematical Analysis

Annotation. The article discusses the possibilities and advantages of using interactive methods in mathematics lessons. Moreover, there is given several methods where we can use computer in contemporaneity schools. The essence of some interactive methods used in mathematics lessons and ways of using them are described.

Keywords: training, interactive, method, Cluster method, «Smart» method, Charkhpalak method, «intellectual attack» method, polyphony, dialogue, mental activity, meaning creation, freedom of choice, reflection, creative tasks.

Аннотация. В статье рассматриваются возможности и преимущества использования интерактивных методов на уроках математики. Кроме того, дается несколько методов, где мы можем использовать компьютер в современных школах. Описана сущность некоторых интерактивных методов, используемых на уроках математики, и способы их использования.

Ключевые слова: обучение, интерактивный, метод, Кластерный метод, метод «Умный», метод «Чархпалақ», метод «интеллектуальной атаки», многоголосье, диалог, мыследеятельность, смыслотворчество, свобода выбора, рефлексия, творческие задачи.

Annotasiya. Maqolada matematika darslarida interaktiv usullardan foydalanish imkoniyatlari va afzalliklari ko'rib chiqiladi. Bundan tashqari, zamonaviy maktablarda kompyuterdan foydalanib matematika darslarini qiziqarli, oson va tez yetkazib berish uchun qanday foydalanish usullarini ham yoritib berilgan. Matematika darslarida ishlataladigan ba'zi interaktiv usullarning mohiyati va ulardan foydalanish usullari tavsiflanadi.

Kalit so'zlar: ta'lif, interaktiv, uslub, Klaster metodi, «aqlli» metodi, «Charxpalak» metodi, «intellektual hujum» metodi, ko'p ovozli, muloqot, fikrlash faoliyati, ma'no-mazmun, tanlov erkinligi, aks ettirish, ijodiy vazifalar.

Interactive method («inter» is mutual, «act» is to act) means to interact, to be in a conversation mode, a dialogue with someone or something. Interactive methods and techniques are focused on the wide interaction of students not only with the teacher and with each other, but also with a computer, interactive whiteboard and other interactive tools.

The term «interactive methods» is associated, as a rule, with two groups of interrelated methods: the first group is training based on communication with a computer and through a computer, and the second group is non-computer - specially organized educational interaction between students.

The use of interactive technologies in the process of teaching mathematics allows you to overcome the difficulties that arise in the learning process. Learning by «turning to oneself» is the path of individual development, since such a path becomes the basis for an independent true existence.

The use of interactive learning lies in the fact that the teacher organizes the cognitive and educational activities of the student in such a way that the student, relying on his potential and already acquired knowledge, independently resolves certain situations, problems in the process of interaction «student - information», «student - situation», «student - knowledge», «student - problems», «student - student», «student - group», etc. [1].

The main functions of interactive learning: cognitive - educational and correctional - developing. Focusing on one of them, or reducing the specific weight of one or the other, leads to the devaluation of this method and causes disappointment among teachers, as it does not give the expected result. It is important that the enthusiasm for the form without observing the didactic conditions for the implementation of the method also does not give results.

Depending on the coverage of students, interactive learning technologies are divided into the following forms of organization of activities:

- in pairs (the work of the student in a pair with the student, teacher, etc.);
- frontal (the teacher teaches a group of students or the whole class at the same time);
- group or cooperative (all students actively teach each other);
- individual (independent work of students).

When using each of the listed forms of education, didactic conditions have their own characteristics, depending on the goal. For example, the group form of organizing interactive learning should be preceded by individual interactive preparatory tasks, and work in a group should be the obligatory presence of a common goal. The product of individual labor is used in the work of the group to make adjustments, meaningful additions, clarifications, formulate a common opinion, conclusions, etc.

Interactive activity in the classroom involves the organization and development of dialogue communication, which leads to mutual understanding, interaction, to the joint solution of common, but significant tasks for each participant. Interactive methods exclude the dominance of either one speaker or one opinion over another. During interactive learning, students learn to think critically, solve complex problems based on the analysis of circumstances and relevant information, weigh alternative opinions, make thoughtful decisions, participate in discussions, communicate with other people. To do this, individual, pair and group work is organized in the lessons, research projects, role-playing games are used, work is underway with documents and various sources of information, and creative work is used. The place of the teacher in interactive lessons is reduced to the direction of students' activities to achieve the goals of the lesson.

Interactive teaching methods require compliance with the following rules: criticism of the put forward ideas and intermediate critical assessments of statements are prohibited; judgments about the unsolvability of the problem are not allowed; the more proposals put forward, the greater the likelihood of a new and valuable idea; during the «brainstorming» the improvement and development of the proposed ideas is welcomed; when solving an intractable problem, it is divided into its component parts; the presence of roles; friendly, creative atmosphere; active interaction of all participants in the game; imitation of a real process in the game with the help of a model; distribution of roles between the participants of the game, their interaction with each other; differences in interests among the participants in the game and the emergence of conflict situations; the presence of a common game goal of all participants, against which private conflicts and contradictions develop; taking into account the probabilistic nature of the results of activities, due to the incompleteness of information and the impossibility of foreseeing all the consequences of decisions made; implementation of a «chain of decisions», each of which depends on the previous one, as well as on the decisions made by other participants in the game; using a flexible time scale; application of a system for evaluating the performance of each participant and game teams, as well as an incentive system [2].

Interactive learning tools are the means by which a dialogue occurs, that is, an active exchange of messages between the participants in the educational process or between the user and the information system in real time.

Interactive teaching aids include: printed textbooks and printed manuals by the type of intellectual tutorial; multimedia textbooks; multimedia educational programs; a computer; interactive whiteboards (panels, tablets); mediavisor; means of telecommunication, including e-mail, teleconferences, local and regional communication networks, data exchange networks; electronic libraries.

Поскольку ювелирное искусство считается одной из древних традиций, охватывающих национальные художественно-эстетические, этические идеалы, это искусство имеет свои особенности в развитии профессиональных образовательных навыков. Художественно-эстетическое воспитание в области традиционного прикладного искусства. Ученые сформулировали термин традиция в стиле принципиально динамичного и саморазвивающегося явления. В народном прикладном искусстве традиция возникает как неотъемлемая часть морально-духовных взглядов, технических

приемов исполнения и художественного проявления. В традиционном практическом профессиональном образовании отражены редкие, уникальные аспекты духовной жизни, социально-материальные реалии, духовно-нравственные и эстетические принципы, основы национального менталитета (мировоззрения). Развитие художественного творчества в области прикладного искусства стало фактором развития искусства, науки, экономики и даже педагогики. М.Ю. Спирина отметила, что профессиональная подготовка мастеров традиционного прикладного искусства в современной системе образования является многогранным и уникальным процессом и является явлением, охватывающим прямую неразрывную связь науки, практики и теории в учреждениях профессионального образования». В художественных образах произведений народного прикладного искусства отражены представления нации о существовании мира и жизни. В этих произведениях выражается отличная логика, ритмичность формы, художественная идея и художественное решение. Мастера народного прикладного искусства стараются создать в своих произведениях, демонстрируя свою значимость в максимально возможной степени. Исследование развития художественного творчества в области прикладного искусства показало высокую сложность прикладного искусства. В настоящее время определены многие его методы: гносеологическое (теория восприятия сущности по-особому), аксиологическое (оценка сущности по-особому), агитационное (продвижение политических, философских, морально-духовных и других социальных идей), гедонистическое (духовный подъем, пробуждение миротворчества), суггестивное (поглощение определенных мыслей и идей), просветительское (выполнение задачи конкретной «книги жизни»), эвристическое (развитие творческих способностей людей), культовое (развитие творческого потенциала людей). активация и развитие), коммуникативный (специфическое средство связи при общении между людьми, выполнять отдельную языковую функцию) и т. д.

Понятие(термин) “творчество” позволяет определить сущность теоретического мышления по содержанию. Именно теоретическое мышление является не только связующим звеном между практической деятельностью человека и формированием психики человека, но и творческим процессом. С.Шербаков пишет, что продукт психического эксперимента в теоретическом мышлении-это творчество, и он находит свое подтверждение первым из двух действующих ниже законов изобразительной деятельности. Это законы: формирование представлений о сказуемом и формирование представлений о образе сказуемого. Можно считать, что именно теоретическое мышление относится к художественной педагогике. Творчество можно разделить на два вида: научное творчество, художественное творчество.

Творческая среда оказывает положительное влияние на активизацию профессионального и личностного развития учащихся через общение педагогов и учащихся. Процесс развития человека порождает формирование потребности в общении с другими в деятельности и общении. Гуманистическое личностно-ориентированное воспитание-это процесс педагогического управления, представляющий собой процесс культурной идентичности, профессиональной адаптации, творческого самовыражения обучающегося, включающий в себя процесс проникновения в жизнь, культуру общества, развития всех его способностей и возможностей. Говоря о профессиональной адаптации, необходимо отметить, что в этом процессе одновременно соблюдаются как педагогические, так и производственные права. Также задача учебно-познавательной деятельности заключается в обеспечении эффективной профессиональной подготовки обучающегося и его общего развития. Р. И. Валеев. С.В Немове доказано, что: «в целом процесс формирования личности будет состоять из пяти этапов:

- 1.Общие положения Формирование и развитие трудовых навыков-это возникновение склонности к физическому труду.
2. Ориентация на профессию-формирование и формирование профессиональных целей под влиянием выбора профессии.
3. Профессиональное образование, подготовка к выбранному виду деятельности-



осознание профессиональной самостоятельности.

4. Введение в профессиональную деятельность- занятие профессией.

5. Полное проявление личности в самостоятельной профессиональной деятельности.

Для того, чтобы в самостоятельной деятельности человек мог в полной мере проявить себя, у человека должен быть интерес к своей деятельности, потребность. Интерес к общепсихологическим исследованиям выражается в том, что” одно из направлений деятельности человека, концентрация внимания на определенном явлении, интерес к чему-то, ценность, осознание значимости». А. А. Сухомлинский К постановлению правительства Маркова отметила, что интерес “может быть широким, переменным, результативным, значимым, ориентированным на когнитивное восприятие, а на более высоком уровне-обновляющим, изменяющимся”. Р. И. Валеев Р.С. Немова “особый, эмоциональная мотивация-это состояние усвоения знаний, которое осуществляется через индивидуальную научно – исследовательскую деятельность”. Высокий уровень развития такой деятельности - “научное и художественно-творческое исследование». Третий закон о материальном исполнении выражается следующим образом: ручной труд - творческая идея в теоретическом мышлении преобразует материальное изящное изобразительное искусство. Творческие способности развиваются в деятельности с творческим содержанием. Однако, поскольку любая деятельность требует определенного уровня квалификации и навыков, процесс развития творческих способностей также предполагает постоянное овладение навыками и навыками. Психологи по проблемам формирования Л.А.Кандыбович, Н.В.Кузмина, К.К.Платонов и др.) и педагоги Ю.К постановлению правительства Ю.К.Бабанский, И.Я.Лернер, В.И.Орлов, В.А.Сластенин и др.), которые были рассмотрены во многих исследованиях. В результате проведенных исследований выяснилось, что единого целостного подхода к понятию” навык « не существует ни у психологов, ни у педагогов. Мы приводим некоторые определения исследователей – «навыки-это набор знаний и навыков, которые обеспечивают определенную деятельность, действие в определенных условиях». К постановлению правительства Ф. И. О.Тализина – навык-это способность человека эффективно осуществлять определенную деятельность в новых условиях, опираясь на существующие знания Р.С.Немов. В.И.Орлов изложил социально-историческую сущность понятия” навыка “в виде” системы целенаправленных действий, которые были связаны с социальной практикой и в то же историческое время осуществлялись в социальном воображении людей с помощью определенных средств, при определенных условиях, с определенной скоростью». Освоение такой системы действий будущими специалистами является необходимым фактором для их эффективного внедрения в профессиональную деятельность.

В заключение можно сказать, что народное прикладное искусство-это не мир красивых и нужных сказок, а мир уникальных идей, которые своим значением не подчиняются понятию времени. Он также передает существо, которое имеет ценность для человека, в круг других ценностей – в круг ценностей, которые являются фундаментальными для человека, которые создаются, бережливы и развиваются в сфере культуры. Народное искусство показывает творческому и зрителю целостный гуманистический образ Вселенной, ее художественно-художественную модель. Народное художественное ремесло основная задача создателей состоит в том, чтобы приобщить эстетику, то есть красоту, художественность, элегантность к одежде и бытовому образу людей, их сознанию и тем самым приобщить и таким образом воплотить в жизнь эстетические взгляды, отраженные в народных художественных промыслах, в этику, правила, нормы морали, духовный мир нашего общества, в нашу культуру.

Список литературы:

1. И.Б Камолов. К вопросу о психолого-педагогических условиях профессиональной подготовки мастера-ювелира при изучении основ композиции.- Молодой ученый, 2015 ст 780-783.
2. И.Я. Лернер Дидактические основы методов обучения. - М.: Педагогика, 1991.
3. В.Ф. Максимович Художественное образование в традиционном декоративно-прикладном искусстве. История художественного образования в России. 2003.

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДИДАКТИК ВОСИТАЛАР ВА РУХИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.030>

Пазилова Меруерт Ермекбаевна,

Нукус давлат педагогика институти Педагогика кафедраси доценти, педагогика
фанлари номзоди

Аннотация: Мазкур мақолада Олий таълим муассасаларида машгулотларнинг талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришига хизмат қиласиган ўқув машгулотларига алоҳида ўрни. Бундай машгулотлар ҳар бир талабанинг ўқув-билиши фаолиятини амалга оширишида фоллип кўрсатилиши, ўқув меҳнати натижалари учун масъулиятни ҳис қилиши, эгаллаган билимларнинг шахс мавқенини оширишига хизмат қилишини англаб етишини таъминлаши масалалари ёритиб берилади.

Калим сўзлар: ECTS кредит-модуль тизими, таълим юкламаси, -таълим натижса сифати, академик кредит, мазмунли блок, маъруза, мунозара, муҳокама, ҳикоя, сұхбат, талабаларнинг шахсий тажрибалари, ҳаёттй вазиятлар билан боғлиқ сұхбат.

**THE IMPORTANCE OF DIDACTIC TOOLS AND MENTAL SELF-ESTEEM IN
THE DEVELOPMENT OF STUDENT'S LEARNING AND COGNITION ACTIVITIES**

Pazilova Meruert Ermekbaevna,

Associate professor of the Department of Pedagogy of Nukus State Pedagogical Institute,
candidate of Pedagogical Sciences

Annotation: This article Oliva effectively serves the geomellaring of the political science student of dalyselogo (cape)-bilish fayloranragana (myseliganayavand). Bundai was engaged in every bir demanding shkiv-bilish activity of Olga oshirishdaelik rezaktersi, onkiv hard workers uchun responsibility for a sense of zeal, egallaganogo billimlaming of a human being, oshkirishga serves kirilishini anglazishini provide chilari faritib beriladi.

Keywords: ECTS credit-module system, educational overload, -educational result quality, academic credit, meaningful block, lecture, discussion, story, conversation, student personal experiences, conversation related to life situations.

**ЗНАЧЕНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ПСИХИЧЕСКИХ
ОСОБЕННОСТЕЙ В РАЗВИТИИ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ**

Пазилова Меруэт Эрмекбаевна,

Доцент кафедры педагогики Нукусского государственного педагогического
института, кандидат педагогических наук

Annotation: In this article, a special place is given to educational activities in higher educational institutions, which serve the development of educational and cognitive activities of students. Such classes highlight the issues of ensuring that each student is active in the implementation of educational and cognitive activities, feels responsible for the results of educational work, and realizes that the acquired knowledge serves to improve the status of the individual.

Keywords: credit-modular system ECTS, educational load, quality of learning outcomes, academic credit, content block, lecture, discussion, story, conversation, conversation related to the personal experience of students, life situations.

Дунёнинг қўплаб мамлакатларида педагогик таълимотларни ўрганиш, унинг шахс ақлий камолотидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб бериш, талабаларни интеллектуал ривожлантиришда педагогик меросдан унумли фойдаланишнинг назарий-фундаментал асосларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар амалга



оширилмоқда. Шу билан бир қаторда аждодларимиз томонидан яратилган педагогик мероснинг шахс билиш фаолиятларини ривожлантиришдаги имкониятлари, талабаларни интеллектуал ривожлантиришдаги ўрни, уларнинг билишга қизиқишлари, эҳтиёжлари, мотивларини ривожлантириш имконини бера олиши нұқтаи назаридан, мазкур ёндашувларни таълим жараёнига тадбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқикотлар кўлами кенгайишига олиб келмоқда. Ёш авлоднинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар, кўлланилган методлар, усул ва воситалардан самарали фойдаланиш, мутафаккирларнинг қарашларига янги давр нұқтаи назаридан ёндашиш мухим педагогик аҳамиятга эга. Бунда талаба шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мухим педагогик омил ҳисобланади.

Талабаларнинг мутафаккирлар қарашлари ёрдамида ўкув-билиш фаолиятини ривожлантириш педагогика олдида турган мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ривожлантириш муаммоси ўзининг назарий талқинига эга. Бунинг учун талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини алломаларнинг қарашлари воситасида фаоллаштиришнинг педагогик тизими ва стратегияларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ривожлантириш муайян педагогик шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Бунинг натижасида талабалар мустақил билим олиш ва ўз-ўзларини ривожлантириш даражасига кўтариладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” [1] кўра мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизини 2030 йилга қадар босқичма-босқич кредит-модуль тизимиға ўтиш режалаштирилган. Мазкур концепцияга эришишнинг устивор йўналишларининг асосийлари: профессионал таълимнинг узлуксизлиги, сифат кўрсаткичини таъминлаш, инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, барчани бирдек сифатли таълимни қамраб олишидан иборатdir.

Олий таълим тизимида мустақил таълим билим олиш воситаси, илмни ўрганиш ва тадқиқ этиши шакли сифатида қаралади. Кредит-модуль тизимида мустақил таълимнинг ташкил этишда унга ажратилган таълим соатларнинг аҳамияти жуда мухим. Шуни айтиб ўтиш жоизки кредитлар шунчаки ракамлар бўлиб қолмайди. Талаба учун ҳар бир кредит маълум муғдордаги ўкув юклама шунингдек, таълимнинг ўрганилиш натижаларига эришганлигини кўришимиз мумкин.

ECTS кредит-модуль тизими таркибий қисмини:

- таълим юкламаси
- таълим натижа сифатида иккита эканлигини кўришимиз мумкин. Мана шу икки қисм академик кредитни ташкил этади.

Талабаларнинг вактини унумли фойдалана олишлари учун кредит-модуль тизими катта аҳамият қасб этади. Шунингдек, мустақил таълим ишнинг тури, ҳажми, оғирлик даражасигага қараб аниқ вақт лимитини белгилаш ва таълим юкламасининг туғри таҳсиланишига катта ёрдам беради.

Педагогик амалиётда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг муйаян воситалари ва технологиялари мавжуд. Улар талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Бундай воситалар ва технологиялар сирасига таълимнинг турли-туман шакллари, воситалари ва методларидан иборат бўлиб, мазкур воситалар ва методлар таълим жараёнида муваффақиятли уйғунлаштирилади. Натижада талабаларнинг фаоллиги ва мустақилларининг ортиши таъминланади. Жумладан, Т.И.Шамова талабаларнинг ўкув-билиш фаоллигини шакллантиришга йўналтирилган қўйидаги талабларни кўрсатган:

- мазмунли блок талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ривожлантириш орқали уларда фикрий фаолликни ривожлантиришда асосий ўрин эгаллаши;
- фаоллаштириш воситалари билимлар ва фаолият усусларини жадал ўзлаштириш имконини бериши;
- талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини фаоллаштирувчи восита билимларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида-алоҳида танланиши кабилар [2;34].

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ўқув фанлари бўйича ўқув материаларини танлашда ўқув материаллари ва асосий тушунчавий аппарат орасидаги алоқадорликни таъминлаш талаб қилинади. Билимлар ва ўқув ахборотларини тизимлаштиришда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласиган маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ўқув материаллари сирасига алломалар томонидан яратилган илмий-оммабоп ва бадиий асарлардан олинган намуналар, тарихий-хронологик характердаги матнлар, ҳикматлар, мақолларни киритиш мумкин.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда дидактик воситалар билан бир қаторда уларнинг руҳий ўзига хосликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг хиссий барқарорлиги таъминлаш учун қуидаги дидактик шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: маърузалар, мунозаралар, муҳокамалар, ҳикоялар, сухбатлар, талабаларнинг шахсий тажрибалари ва ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ сухбатлар, ўрганилаётган материаллар билан боғлиқ ҳолда талабаларнинг хиссий кечинмаларини намоён қилувчи вазиятлар шулар жумласидандир.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириувчи воситалар ёрдамида уларнинг билиш қизиқишиларини ривожлантириш мумкин. Бунда алломалар меросидан олинган мантикий фикрлаш, хозиржавоблика ундовчи дидактик воситалар муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аудиториядаги педагогик жараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Билим, кўнинма, малакалар ва аналитик-таҳлилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий тажрибадан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш кўнинмасини ривожлантириш орқали ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мумкин. Бунда ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида талабалар турли ўқув предметлари билан боғлиқ фаолият усулларини ҳам эгаллашлари зарур. Ўқув предметлари билан боғлиқ ҳолда фаолият усулларини қўллаш қуидагиларни ўз ичига олади: таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, оммалаштириш, топшириқларни ечиш алгоритмларини қўллаш, ташхис қўйиш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Таълим натижасида талабалар билимларни қўллаш алгоритмлари, топшириқларни ечиш жараёнида улардан фойдаланиш лаёкатига эга бўлишлари лозим. Талабаларда бундай фаолиятни шакллантириш натижасида мустақил ишлаш, топшириқларни бажариш учун сарфланадиган вактни қисқартириш, ўқув материалларини ўзлаштириш учун сарфлагандагина кучни тежаш имконини беради.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида ўқитишининг турли шакллари ва методларини қўллаш имконияти мавжуд. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун таълимнинг фаол шакллари, воситалари ва методларини қўллаш талаб қилинади. Бундай методлар сирасига аждодларимиз томонидан қўлланилган мантикий фикрлашга ундовчи усулларни қўрсатиш мумкин. Бунда ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири талабаларда фаолликни вужудга келтирувчи вазиятларни ташкил этишдан иборат. Ўқитишининг фаол методлари ёрдамида талабаларда фаолият тажрибаси ҳосил қилинади. Бундай методлар сирасига диалог методини кириши мумкин. Мазкур методни қўллаш натижасида ўқитувчи билан талабалар ҳамда талабалар билан талабалар орасида ўзаро муносабат тажрибаси ҳосил бўлади, мулокот қўнинмалари ва нутқ жадал ривожланади, қўйилган вазифаларни гурух бўлиб ечиш имкониятлари кенгаяди.

Бугунги кунга келиб олий таълим муассасаларида аждодларимиз томонидан қўлланилган муаммоли ўқитиш, вазиятларни лойиҳалаш, ўйин, тадқиқотларни амалга ошириш, баҳс-мунозара, сухбат, таҳлил-мутолаа каби методларни қўллаш ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласиди. Ушбу методлар талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириб, уларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтиради. Шунга кўра, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда инновацион методлар билан бир қаторда асрлар синовидан ўтган методлар ҳам бўлажак педагогларни тайёрлаш сифати ва самараадорлигини таъминлашга хизмат қиласиди.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини қандай ривожлантириш, бунда қайси



воситалар ва методларни қўллаш, ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, бу соҳадаги назарий ёндашувларнинг йўналишларини аниқлаш ҳақида фикр юритилмоқда.

Олий таълим муассасаларида машғулотларнинг талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласидан ўқув машғулотларига алоҳида ўрин ажратилади. Бундай машғулотлар ҳар бир талабанинг ўқув-билиш фаолиятини амалга оширишда фаоллик кўрсатиши, ўқув меҳнати натижалари учун масъулиятни хис қилиши, эгаллаган билимларнинг шахс мавқеини оширишга хизмат қилишини англаб етишини таъминлайди. Бундай топширикларни ўқитишнинг фаол шаклларини қўллаш технологияси ёрдамида муваффақиятли ечиш мумкин.

Талабаларни фаоллаштирувчи таълим жараёнини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад самарали воситалар, методлар ва технологиялар ёрдамида ўқув топширикларини муваффақиятли ечиш мумкин. Бу соҳада узоқ асрлар мобайнида катта тажриба тўпланган:

- бундай методлар ёрдамида нафақат билиш қизиқишлигини ривожлантириш, балки талабанинг тизимли фикрлаш имкониятларини ривожлантириш орқали бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш;

- жамоа бўлиб фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатишига ўргатиш, ўзаро муносабат ва муроҷотга киришишга оид ижтимоий кўнкималарни шакллантириш, индивидуал ва ҳамкорликда қарорлар кабул қилиш, масъулиятлиликни тарбиялаш, жамоа ва жамиятдаги ижтимоий қадриятларга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш кабилар.

Ўқитиш тизимли таълим олишнинг энг ишончли ва самарали йўлидир. Таълим жараёнида педагог томонидан талабаларнинг билиш ҳаракатлари бошқарилади. Ўқув-билиш жараёнида талабаларнинг билим, кўнким, малакаларни тўлақонли ўзлаштиришлари педагог томонидан бошқарилади. Билиш ҳаракатлари ҳиссий идрок, назарий тафаккур ва амалий фаолиятнинг бирлигидир. Ушбу ҳаракат инсон фаолиятининг барча босқичлари ҳамда жамият аъзолари билан ўзаро муносабат жараёнида вужудга келади. Шунингдек, ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш ҳаракатлари шаклланади ва фаоллашади.

Ўқув-билиш жараёни талабаларнинг фаол ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ. Бундай ҳаракатлар бир ўқув топширигини ечиш ва иккинчисига ўтиш жараёнида вужудга келади. Бу эса талабаларни билиш сари ҳаракатланишларини таъминлайди. Жумладан, билмаслиқдан билиш сари, тўлиқ бўлмаган билимлардан нисбатан тўлиқ ва аниқ билимларни эгаллаш сари.

Ўқув жараёни билим, кўнким ва малакаларни талабаларга шунчаки узатишдан иборат эмас, ушбу жараён иккиёклама ҳарактерга эга бўлиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ўқитиш ва ўрганишнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади. Талабаларнинг ўқиши, ўрганиши ва профессор ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатлари уларнинг фаоллиги орқали аниқланади.

Фаоллик талабанинг ўқув фани, ўқув материаллари ва ўз фаолиятига бўлган муносабатини ифодалайди. Фаоллик қуидидаги таркибий қисмлардан иборатdir:

- ўқув топширикларини бажаришга тайёрлик;
- мустақил фаолият кўрсатишига интилиш;
- топширикларни бажаришга онгли ёндашиш;
- ўқиши ва ўрганишнинг тизимли ҳаракет касб этиши;
- ўзининг шахсий даражасини кўра олишга интилиш кабилар.

Фаоллик билан бевосита алоқадор бўлган холатлардан яна бири талабаларнинг ўқув мотивациясидир. Бу муайян обьект ва фаолият воситалари билан алоқадор бўлган мустақилликдир. Талабалар бундай мустақил фаолиятни профессор ўқитувчиларнинг кўмагисиз ўзлари амалга оширадилар. Билиш фаоллиги ва мустақиллик бир-бири билан ўзаро алоқадор ҳодисалар хисобланади. Улар: кўпроқ фаол ва кўпроқ мустақил; етарлича билиш фаоллигига эга бўлмаган талабалар бошқаларга тобе бўлиб, уларда мустақиллик тўлиқ намоён бўлмайди.

Талабаларнинг фаолликларини бошқариш фаоллаштириш сифатида талқин этилади. Фаоллаштириш талабаларни мунтазам қўзгатиш, рухлантириш ва билимларни



фаол эгаллашга ундашни англатади. Бу жараёнда улардаги сусткашлик, тўхтаб қолиш, билим олишни истамаслик каби ҳолатлар бартараф этилиб, ақлий фаолият кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилади.

Фаоллаштиришнинг асосий мақсади талабаларни фаолликка ундаш, уларни мақсадга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятини бажаришга рағбатлантириш ва ушбу ҳаракатларни мунтазам фаоллаштиришдан иборат. Ушбу мақсадда олий педагогик таълим жараёнида алломалар меросидан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлат

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони. <https://lex.uz>

2. Шамова, Т. И. Активизация учения школьников / - М.: Знание, 1979. - 96 с. - (Новое в жизни, науке, технике. Серия «Педагогика и психология»). - ББК 74.202



**ЭТНОПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ОИЛАДА СОҒЛОМ МАҲНАВИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.029>

Давронова Дилдора Saidovna,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
“Педагогика ва психология” кафедраси в/б доценти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Мазкур мақолада этнопедагогик технологиялар асосида оиласа соглом маънавий муҳитни барқарорлаштириши имкониятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада, оиласа соглом маънавий муҳитни барқарорлаштириши имкониятларини, тарбиялаш мезонлари ва методлари ҳақидаги тадқиқотчи амалий тажрибаларига асосланган фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: оила, маънавий тарбия, миллий тарбия, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар, этнопедагогик технологиилар, ижтимоий муҳит, шахслараро муносабат, ибрат, намуна, хулқ-одоб, фикрлаши малакалари, ажододларимиз яратган мерос, педагогик компетентлилик-билим, кўнкма, малака.

**НА ОСНОВЕ ЭТНОПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ
ВОЗМОЖНОСТИ ПОДДЕРЖАНИЯ ЗДОРОВОЙ ДУХОВНОЙ ОБСТАНОВКИ В
СЕМЬЕ**

Давронова Дилдора Saidovna,
Узбекский государственный университет мировых языков
и.о. доцента кафедры «Педагогика и психология», доктор философии в области
педагогики (PhD)

В данной статье научно и теоретически анализируются возможности стабилизации здоровой духовной среды в семье на основе этнопедагогических технологий. В статье также представлены основанные на практическом опыте исследователя представления о возможностях, критериях и методах воспитания для стабилизации здоровой духовной среды в семье.

Ключевые слова: семья, духовное воспитание, национальное воспитание, духовное наследие, культурное богатство, древние исторические памятники, этнопедагогические технологии, социальная среда, межличностные отношения, пример, пример, поведение, мыслительные способности, наследие, созданное нашими предками, педагогическая компетентность-знание, умение, квалификация.

**BASED ON ETHNO-PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES OPPORTUNITIES FOR
MAINTAINING A HEALTHY SPIRITUAL ENVIRONMENT IN THE FAMILY**

Davronova Dildora Saidovna,
Uzbek State University of World Languages
and about. Associate Professor of the Department of Pedagogy and Psychology, Doctor of
Philosophy in Pedagogy (PhD)

This article scientifically and theoretically analyzes the possibility of stabilizing a healthy spiritual environment in the family based on ethnopedagogical technologies. The article also presents ideas based on the practical experience of the researcher about the possibilities, criteria and methods of education for stabilizing a healthy spiritual environment in the family.

Keywords: family, spiritual education, national education, spiritual heritage, cultural wealth, ancient historical monuments, ethno-pedagogical technologies, social environment, interpersonal relations, example, example, behavior; mental abilities, heritage created by our ancestors, pedagogical competence-knowledge, skill, qualification.

Жаҳонда дунё болаларининг маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликлар асосида оиласада узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш юзасидан оила илмий тадқиқотлари институтлари (Германия), Кембриж университети Оила илмий тадқиқот маркази (Буюк Британия), Лидс университети (Буюк Британия); Лондон университети қошидаги Оила ва болаларни ижтимоий масалаларни ўрганиш институти (Буюк Британия), Оиласий масалаларини ўрганиш институти Европа тармоғлари (Ресеау Еурореен дес Институтес де ла Фамилле (РЕДИФ); илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишига алоҳида диққат қаратилмоқда. Олинган натижалар эса компетенциявий ёндашув асосида оиласада миллий тарбияни ташкил этиш мазмуни, педагогик шарт-шароитларини ривожлантириб бориши, бу борада оила, таълим муассасалари ҳамкорлик самараодорлигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Биламизки, оила ўз сиёсати, иқтисоди, ижтимоий-маънавий конун-коидаси мавжуд бўлган кичик ватан ҳисобланади. Унда ушбу конун-коидаларни яратувчи ва уларга амал қилувчи турли ёшдаги оила аъзолари яшайди. Худди жамиятда бўлганидек унда ҳам ўзининг сардори, шунингдек, уни айтганларини бажарадиган, йўл-йўрикларини тинглайдиган аъзолари бўлади. Инсон учун туғилиб ўсган ва яшаётган оиласи-кичик ватандир. Ўзининг туғилиб ўсган хонадонига, худудига, ота-онасига, оила аъзоларига, қариндош-уругларига, авлод-аждодларига, урф-одатларига, анъаналарига меҳр-муҳаббат, садоқат, хурмат, уларни авайлаб асраш, ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш, шаънига дод тушурмаслик оиласада ташкил этилган миллий тарбиянинг дебочасидир. Шунинг учун миллий тарбияни ташкил этиш омиллари ва мезонларини такомиллаштириш муҳим педагогик аҳамият саналади.

Тажриба ва кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, тарбиявий мажбуриятни таъминлашда ота-оналар кўпроқ муаммога дуч келмоқда. Яъни, пули кўп, бироқ болани қандай тарбиялаш керак, деган саволларга жавоблари - кам. Уларда педагогик компетентлилик-билим, кўникма, малака, хоҳиш етишмаётгани сезилмоқда. [3;]

Демак бугунги кунда ота-оналар кўпроқ оиласада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш имкониятларини, тарбиялаш мезонлари ва методлари хақида уйлашлари лозим. Янгиланаётган Ўзбекистонда баркамол фарзанд тарбиясининг негизи сифатида оила (ота-она), мактаб (педагог), маҳалла (кўни-кўшни, нуронйлар, маҳала фаоллари), ижтимоий муҳит (тengқурлари, атрофидаги инсонлар) ўз мавқенини саклаб қолаверади. Биламизки мезон бир нарсани бошқасидан ажратадиган кўрсатмаларни ёки тамоилларни ўрнатишга имкон берадиган нарса (карор қабул қилиш ва ҳукм чиқариш учун инсоннинг ақл-идрок факултети. Шу маънода, маънавий тарбия мезони шахс сифатида сингдирилган қадриятлар ва принципларга кўра, жамиятда тӯғри ёки ахлоқий жиҳатдан тӯғри деб ҳисобланиши мумкин бўлган нормаларни белгилайдиган нарса бўлар эди. [3;]

Шундан келиб чиқиб, қўйидаги мезонлар асосида оиласада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш мумкин:

- муайян тизимли, узлуксиз тарбиявий, дастурий таъсир орқали;
- идеал, намуна тимсолида ўз-ўзини тарбиялаш, такомиллаштириш;
- ижтимоий муҳитдаги шахслараро муносабатда таҳлил қилиш, ибрат олиш воситалари ёрдами билан хулқ-одоб, фикрлаш малакаларини эгаллаш;
- аждодларимиз яратган бадиий, фалсафий, санъат асарларини ўзлаштириш орқали янги хислатларни ўзлаштириш кабилар.

Ш.Ю. Шакирова ўзининг интернет мақоласида “Оила мустаҳкам, тинч ва ҳалол бўлса, жамият ҳам мустаҳкам ва фаровон бўлади. Оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси асрлар



давомида аждодларимизнинг билим ва тажрибалари, маданий қадриятлари асосида, шунингдек, замондошларимизнинг эришган ва эришаётган ютуклари негизида барпо бўлиб, такомиллашиб бормоқда” [11;]. Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши, тарбия методларини пухта ўзлаштирумоги лозим, чунки фарзанд таълим-тарбиясига тикилган сармоя - энг яхши ишончли сармоядир.[3;].

Юқоридаги фикрларга таяниб айтишимиз мумкинки, инсоният фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, оиласда бериладиган тарбия ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Инсон ва таълим-тарбия ажralmas ҳодиса. Зеро, биологик одамни инсон мақомини олишида айнан таълим-тарбия асосий ўринни эгаллайди. Унинг натижаси ҳам моддий, ҳам маънавий бойлик яратишнинг заминидир, яъни бу аввало ижтимоий ҳодиса. [7;].

Демак, оиласда соғлом маънавий мухитни барқарорлаштириш жараёни ҳам ижтимоий ҳодиса сирасида киради. Бу жараённи самарали кечиши ва пировард натижасини кафолати таълим тарбияяга, муайян педагогик шарт-шароит, тарбия мезонлари, омиллари, мазмун ва услублар асосида амалга оширилади.

Педагогик адабиётлар таҳлилига кўра, фарзанд тарбиясидаги энг таъсирчан метод бу- ўргатиш ва ўrnak намуна методидир. Бу методнинг моҳияти Президентимиз айтган қўйидаги педагогик хикматда яққол кўриниб турибди: “Миллий тарбия асосида, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳаксеварликка ўргатиш керак бўлади...” [9;].


Демак, оиласда фарзанд тарбиясига эътиборсизлик ички таҳдидини мазмун моҳияти, унинг инсон, ҳалқ, миллат учун аянчли оқибатлари тўғрисида ахоли орасида кенг кўламдаги мақсадли ва манзилли профилактика тадбирларни олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “.....Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир мухим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин” [1;]– деган фикрлари этнопедагогик технологиялар асосида оиласда миллий тарбияни ташкил этишининг самарали йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Ҳақиқатдан ҳам аждодлар шажараси, биз улуғ зотларнинг авлоди эканлигимиз, ўзбек оиласидаги миллий удумлар, анъаналар, қадриятлар, Шарқ алломаларининг, ҳалқ маънавий меросидан бизгача этиб келган бола тарбияси борасидаги ўтилари оиласда соғлом маънавий мухитни барқарорлаштиришда этнопедагогик асос бўлиб хизмат килади. Алоҳида эътироф этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда миллий қадриятларимиз тикланиб, исломий ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Шу юксак маънавий қадриятларимизни ёшларимиз онгига сингдиришда оила маънавий хазина мактаби бўлиб хизмат қилиши мухим ижтимоий аҳамият касб этади.

Шунинг учун, оиласда соғлом маънавий мухитни барқарорлаштириш юзасидан ота оналар билим ва амалий қўнималарга эга бўлишлари билан бир қаторда этнопедагогик технологиялар асосида тарбиявий фаолиятга инсонпарварлик ёндашуви асосида фаолият юритишлари ўта мухимдир.

Қўйидаги жадвалда биз тарбия жараёни муайян кетмакетлиқда амалга ошириш режалаштирилганда қўйидаларга эътибор бериши лозимлигини акс эттиридик:



Оилада тарбия жараёнини режалаштириш технологияси

Оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, болаларни маънавий-ахлоқий фазиллатларини шакллантириш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу маънода, миллий ва диний қадриялар нафақат халқимизнинг тарихий-маънавий мероси балки, баркамол шахсни тарбиялаш ва шакллантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Халқимизнинг тарихий-маънавий мероси ёрдамида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Фақат бу имкониятлардан ота-оналаримиз амалий, ижтимоий-ҳаётӣ фаолиятда коммуникатив ва креатив имкониятлар даражасида фойдалана олсалар. Умуман бу фикрни қўйидаги объектив ва субъектив сабабларга кўра изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, оилада тарбия жараёни мазмун, моҳият, йўналишига кўра ва қўлланиш даражаси бўйича ижтимоий нуктаи назардан “тор” доирада ташкил этилаяпти []. (Айрим ота-оналаримизнинг ўзлари халқимизнинг тарихий-маънавий мероси намуналаридан хабардор эмас. Ушбу вазият оилада миллий меросимиз намуналари орқали болаларни маънавий комилликка даражасига етказиш учун камлик қиласди).

Иккинчидан, оилада чекланган маънода одатда шахс тузилмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-ахлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий) мавзулар юзасидан маълумотлар пала партиши асосланмаган етказилади. Ваҳоланки психология илмидан бизга маълумки “информацион” таълим жараёни инсонда идрок қилиш ва хотирасида сақлаш процесси кўриш сезгилари орқали



амалга оширилса узок муддатли ва эфектив натижалар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи. [7:].

Учинчидан, глобаллашув жараёнида ахборот олишнинг тезлашуви, шунингдек, интернет орқали узатиладиган турли янгиликларни ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш масалаларини оила маъсулларининг назаридан четда қолаётгани, шунингдек аксарият оилаларда “Вайфай” ўрнатилгани боис, ота-оналаримиз ўзлари ҳам “интернет кулига” айланиб бораётгани ачинарли ҳол. Ваҳоланки, болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда “садда” дан, “мураккаб”га мўлжаллаб интернет ва ОАВ фойдаланиш маданияти ўргатилади. Бироқ илмий таҳлилларимиз жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, “оилада болаларни адабиёт, санъат ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларда эстетик дид ва касбий этика, ахборот таҳлили маданиятини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига даҳлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш масалаларини қамраб олган мавзулардан бир сўз билан айтганда миллий тарбия замирида “урф-одат” ва “қадрият” ларни болалар онгига сингдириш, “замонавий муносабатлар негизида миллий муносабатларни” таркиб топтириш юзасидан бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Шундан келиб чиқиб биз тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида оилада соғлом маънавий мухитни барқарорлаштиришда этнопедагогик асос бўлиб хизмат қиласидан манбаларни функционаллиги, самарадорлиги ва ўзига хослиги масалаларини ўрганиб чиқдик.

Этнопедагогик технологиялар асосида оилада соғлом маънавий мухитни барқарорлаштириш жараёнида, ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, расм-русларни маросимлари шунчалик теран тарихий илдизга эгаки, улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида пайдо бўлиб, шакланиб, сайқал топганча ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ меъёрларини мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачигидай авайлаб асрashi, тараққий эттириши, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказмоғи лозим.

Келинг, шу ўринда халқимизга хос бўлган қадриятларни келтириб ўтамиш: 1.Миллий, ўзига хос байрамларимиз: «Наврӯз», «Мехржон», «Қовун сайли», «Лола сайли» ва ҳ.к.;

2. Қадимий диний қадриятлар ҳисобланмиш «Арафа куни», «Рамазон ҳайити», «Курбон ҳайити»;

3.Ўзбеклар қадимдан тўй турларига бой халқ: суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиха тўйи, аскар тўйи, уй тўйи, мучал тўйи ва ҳ.к.;

4.Миллий ўйинларимиз: «Кўп-кари», «Кимўзди», «Варрак учирин», «Беш бармоқ», «Оқ теракми кўйк терак», «Чавгон» ва ҳ.к.

Айтиш ўринлики, технологик ривожланиши болалар ижодий тафаккурининг ривожланишида етарли таъсир кўрсатмоқда. Бироқ миллий ўйинларнинг мазмун моҳиятини болалар қалбан идрок қилишлари учун ота-онадан ва оиладаги кекса авлод вакилларидан катта меҳнат ва фидойилик талаб қилинади. Бугунги кун боласини кечаги “эртаклар” билан алдаб ёки ишонтириб бўлмайди.

Х.Ибраимов илмий изланишларида ўқитишининг учта мухим ижтимоий функцияси – таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни кўрсатиб ўтади. Айтиш ўринлики, бугунги кунда оилада фарзанд тарбиясига қаратилаётган эътибор, болаларга техноген ривожланиш сезиларли даражада таъсир кўрсатаётгани, миллий, ўзига хос байрамлар, қадимий диний қадриятлар, миллий ўйинларнинг бола ҳаётида тутган ўрнини, тўй маросимларининг мазмун моҳиятини ўрганмасдан, оилада миллий тарбия жараёнида бериладиган билим, кўнукма-малака, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларни таҳлил қилиш амри-маҳолдир.

Этнопедагогик асос бўлиб хизмат қиласидан кейинги манба авлодларимиз томонидан бизгача этиб келган, тарихий асарлар бўлиб, унда миллатимизнинг бой ўтмиши ўз аксини топган. Масалан: Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобида “..Ота-

она фарзандини тарбиясига масъул бўлиб, бунда болани етарли микдорда тўғри овқатланишига, кийинишига, ётиб-туришига ва уни жисмонан бақувват ҳолда вояга етиши учун имконият яратиб беришга эътибор қаратиш лозим”лигига алоҳида ургу бериб ўтади. “....Агар жисм тозалик ила зийннатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устини кўйиб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устига кир чиқадур” деган дона ўйтлари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. [2;].

Оила қувончини элга манзур қилиш кўп жиҳатдан фарзандларимизга ўргатган одоб-ахлоқ ва хулк-атворда ўз аксини топади. Ҳақиқатдан ҳам жамиятимиздаги узвий, таълим-тарбиянинг негизи, илдизида ана шулар таркиб топган “...болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узок давом этадиган бурчларирид”. [2;].

Шу сабабдан, ёш ота-оналар катталар тажрибасига сүянган холда фарзандтарбиясида халқымиз яратған, олтин меросимиз бўлган урф-одат, расм-русм, анъаналарни асос қилиб олишган педагогик тизимни йўлга кўйиш зарур. Бизнинг фикримизча, миллӣ одоб-ахлоқ қоидаларини оиласда, маҳаллада, узлуксиз таълим жараёнида “Ёрилтош”, “Тохир ва Зухра”, “Уч оғайни ботирлар”, “Ур тўкмоқ”, “Зумрад ва Қиммат” эртакларини таништириш жарайонида одблилилк, ақллилилк, ботирлик, мардлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатларнинг нақадар кераклигини таҳлил ва талкин қилиб бориши, уларни ахлоқий баркамолликка даъват этади.

Хулоса қилиб айтганда, ойлада соғлом маънавий мухитни барқарорлаштиришда ўзбек оиласининг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари алоҳида ўзига хосликда намоён бўлади. Табиийки, қайси ойлада бобо-буви, ота-она маънавий бой, юксак ахлокли, эътиқодли ва маданиятли бўлса, ўша ойлада камол топаётган фарзандлар юрт корига ярайди. Оила аъзоларининг турмуш тажрибаси, маданий савияси қанчалик бой бўлса, тарбиявий жараён шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун фарзандлар келажакда қандай инсонлар бўлиб вояга етишлари оила ва оилавий мухитга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажагимизнинг тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

2.Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2006. - 304 б.

3.М.Куронов. Миллий тарбия. Республика маънавият ва маърифат кенгаси. Миллий гоя ва мағкура илмий-амалий маркази.- Т.: “Маънавият”, 2007

4.Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. - 232 б

5.Эркаев А. Оммавий маданият ва маънавий тарбия. – Т.: Маънавият, 2015. – 30 б

6.Толипов Ф. Урф-одатлар – тарбия воситаси Халқ таълими ж.-Т., 2004 № 6 29-33 б.

7.Фозиев Э. Психология (Ёш даврлар психологияси). Т.: Ўқитувчи, 1994. - 224 б

8.М.А.Абдуллаева. Оиласда мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш. П.ф.н. илмий дарражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент.,2009

9. <http://marifat-ziyo.uz/articles/oilatarbiya> Ҳазрат Жабборов – Республика Маънавият ва маърифат маркази, Миллий ғоя ва мағкура тадқиқотларини ташкил қилиш бўлим бошлиғи, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

10..<https://www.google.com/search?q=%D0%BC%D0%B5%D0%BD%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D0%BC%D0%BD%D0%BD%D0%BC%D0%BD&oq=%D0%BC%D0%BD%D0%BD%D0%BC%D0%BD&aqs=chrome.1.69i57j0i512j46i175i199i512j0i512l4j46i175i199i512j0i512l2.11801j0j4&sourceid=chrome&ie=UTF-8>

11.<http://muzaffar.uz/saboqlar/3530-oilaviy-qadriyatlар-jamiyat-ustahkamligi-asosi.html> Шохида Юсуповна Шакирова - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув-услубий кенгаш котиби, доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).



**ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
ФАЦИЛИТАТОР ВА ТҮҮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА
АМАЛГА ОШИРИШ УСЛУБЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.028>

Зияева Махбуба Фазлидиновна,

*Жizzakh polytechnic institute Faculty of Architecture and Civil Engineering
Department of Uzbek language and literature
Senior Lecturer*

Мазкур мақолада талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришида фасилитатор ва түүторлик фаолиятини ташкил қилиши ва амалга ошириши услублари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада Олий таълим тизимида талабаларда ижтимоий фаоллик, ўз-ўзини бошқарши кўнкимлари, муомала ва ахлоқ маданияти, юқори интизомга эга демократик жамият фуқаросини тарбиялаш масалаларига ургу бериб ўтилган.

Калит сўзлар: ижтимоий фаоллик, талаба, фасилитатор, түүтор, фаолият, ижтимоийлаштириши, воситалари, объектив эҳтиёж, модерация, супервизия, методик таъминот, узлуксиз таълим, инновацион жараён, таълим, тарбия, ижтимоий муҳим.

**МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ И ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ФАСИЛИТАТОРСКОЙ
И ТРЮТЕРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ
СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ**

Зияева Максбуба Фазлидиновна,

*Jizzakh Polytechnic Institute, Faculty of Architecture and Civil Engineering
Department of Uzbek language and literature
Senior Lecturer*

В данной статье дается научно-теоретическое обоснование методов организации и осуществления фасилитаторской и тьюторской деятельности по повышению социальной активности студентов. В статье также акцентируются вопросы социальной активности, навыков самоуправления, культуры поведения и этики у студентов в системе высшего образования, воспитания гражданина высокодисциплинированного демократического общества.

Ключевые слова: социальная активность, студент, фасилитатор, тьютор, активность, средство социализации, объективная потребность, модерация, надзор, методическая поддержка, непрерывное образование, инновационный процесс, образование, воспитание, социальная среда.

**METHODS OF ORGANIZING AND IMPLEMENTING FACILITATION AND
TRUTERS ACTIVITIES TO IMPROVE SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS**

Ziyaeva Maksbuba Fazlidinovna,

*Jizzakh Polytechnic Institute, Faculty of Architecture and Civil Engineering
Department of Uzbek language and literature
Senior Lecturer*

This article provides a scientific and theoretical substantiation of methods for organizing and implementing facilitator and tutor activities to increase the social activity of students. The article also focuses on the issues of social activity, self-management skills, culture of behavior and ethics among students in the higher education system, education of a citizen of a highly disciplined democratic society.

Key words: social activity, student, facilitator, tutor, activity, means of socialization, objective need, moderation, supervision, methodological support, continuous education, innovation process, education, upbringing, social environment.

Педагогик адабиётлар таҳлилига кўра ижтимоий фаоллик шахс фаолиятининг муҳим томонларидан биридир. У шахснинг жамият ва жамоа ишларидағи иштирокидан намоён бўлади, маълум даражада сиёсий ва ахлоқий ўзликни англашга асосланади. Инсоннинг ижтимоий мослашуви унинг билишга бўлган объектив эҳтиёжи жараёнида пайдо бўлади. [2;]

Ижтимоий фаолликни тарбиялаш – бу нафақат жамоат ишларида иштирок этиши даражасининг ошиши, балки ёшларнинг ахлоқий йўналганинги аниқловчи мотивларнинг шаклланиши ҳамdir. Талабалар жамоаси ва унинг ҳар бир аъзосида жамият ва замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий муносабат–тажриба тўплашни шакллантириш фаолликнинг асосий педагогик-психологик шарт-шароитлари ҳисобланади.

Хўш ижтимоий фаоллик нима? Неонологик ёндашув асосида талабалар ижтимоий фаоллигини шакллантириш тамойиллари нималардан иборат?

Талабалар ижтимоий фаоллигини шакллантириш — фаоллик ва ташаббусни, ҳамкорлик, бирлик воситаларини ривожлантиришни назарда тутса, ижтимоийлашув жараёни ёш авлодни миллий ва ижтимоий-маданий қадриятлар орқали умуминсоний маънавий қадриятларга, инсон хуқукларини таъминлашга кўникишлари маъносини беради. Бу концепция бой тарихий, маданий, маънавий, педагогик, ижтимоий анъаналар билан биргаликда, таълим соҳаси ривожида пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. [1;]

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Олий таълим тизимида талабаларда ижтимоий фаоллик, ўз-ўзини бошқариш кўникмалари, муомала ва ахлоқ маданияти, юқори интизомга эга демократик жамият фуқаросини тарбиялаш;

— ижтимоий фаол шахсни жамият ишлаб чиқаришнинг асосий шарти сифатида шакллантириш, ҳар бир фуқарони ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳаларида иштирок этиши;

— шахсни ижтимоийлаштириш воситалари сифатида демократиялаштириш, инсонпарварлик тамойилларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда биз ижтимоий фаоллик деганда талабаларнинг чет тилларини, компьютер технологиялари, ИТ –дастурларини ўрганиб ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлиши масалаларига алоҳида урғу бериб ўтмоқчимиз.

Сир эмаски, чет тилларини ўрганишга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Биламизки, жаҳонга юз тутган илғор давлатлар меҳнат бозорининг асосий талаби – чет тилида бемалол мулоқот қила оладиган, компьютер технологияларидан хабардор ва инновацион ғояларга бой ҳамда ўз услугуга эга кадрлардир.

Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш асосий максади – талабаларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳалардаги ижтимоий фаоллигини ошириш, илмий назарий жиҳатдан таълим тарбия жараёнидаги талабалар иштирокини тубдан ислоҳ қилиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жаҳон тажрибаси ахборот -коммуникация технологиялари ва Интернетнинг таълим соҳасига кенг кириб келиши таълим хизматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очмоқда

Энди, мавзумиз моҳиятини ёритишга хизмат қиласидиган модерация, супервизия, фасилитация, тьюторлик ўзи нима? саволига тўхталиб ўтамиз. Биз илмий изланишларимиз давомида мазкур тушунчанинг қисқача мазмунини келтириб ўтишни лозим топдик.

—модерация педагогларнинг ички салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтириладиган фаолиятдир. Модерация негизида эркин мулоқот муҳитини ташкил қилиш, ўзаро фикр алмашиб, ходимнинг ички салоҳияти эвазига керакли ечимларга олиб келувчи мулоҳазалар юритишига кўмаклашувчи маҳсус технологиялардан фойдаланилади [54; 35-б.].

—супервизия педагогларнинг иш жараёнида доимий ҳамкорлиқда бўлган, уларнинг касбий ҳаракатлари ва хулқларини тушунадиган, таҳлил қиласидиган, англай оладиган тажрибали, маҳсус тайёргарликдан ўтган ҳамкасларидан тизимли равишда мунтазам маслаҳатлар олиб туришларига асосланади. Шу билан бирга супервизорлик кўмаклашувчи



ва кузатувчи техника сифатида педагогнинг касбий фаолиятини ўзлаштириш ҳамда касбий такомиллашиш йўналишини лойиҳалаштириш жараённида шаклланадиган тажрибасига ҳам таянади.

—тьюторликка талабаларнинг иқтидори, қобилияти ва қизиқишлиариға қараб ўқиш фаолиятини индивидуаллаштириш, индивидуал таълим йўналишини белгилаш ва уни амалга оширишга кўмаклашиш, бу жараёнда ўқитишига доир ҳамда ижтимоий шароитлар яратиш сифатида қаралади.

—фасилитация педагог фаолиятининг ҳамкасби фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирини ифодалайди. Унинг асосида талабалар шахсига ҳурмат ҳамда таълим мазмунини мустақил танлаш хуқуки ва эркинлиги ётади. [3;4;]

Манбаларга таяниб фацилитатор тушунчасини кенгроқ таҳлил қилиб ўтадиган бўлсак, бу тушунча классик психолог Карл Роджерс томонидан фанга киритилган. Инглизча сўз “facilitate” – “енгиллатмоқ, ҳамкорлик қилмоқ” деган маъноларни англатади. Демак, ўқитувчининг асосий вазифаси енгиллатиши ва шу билан бир вақтда ўкув-билув фаолиятини стимуллаштириш, яъни гуруҳда зарур интеллектуал ва ҳиссий муҳитни, психологик қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш бўлиб ҳисобланади.

1. Фацилитацияда терапевтик ва психологик кўрсатмалар орқали иш олиб бориш (Г.Т. Баретт);

2. Фацилитацияда талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш орқали иш олиб бориш (Ф. Эмер);

3. Фацилитациядаталабалар орасида ўзаро ижобий шахсий муносабатларни шакллантириш орқали иш олиб бориш (Р. Шмак);

4. Фацилитацияда синегретик (янгича альтернатив) ва акмеологик (психофизиологик) ёндошувлар орқали иш олиб бориш (Р.С. Динмухаметов);

5. Фацилитацияда психологик, интегратив ва индивидуаль иш олиб бориш (И.В. Жижина); [8;]

Хуоса қилишимиз мумкинки, ўқитувчи фацилитатор ва тьютор – талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш жараёнининг асосий субъекти. Фацилитация ўқитувчидан ўз устида турли йўналишдаги ишларни талаб қиласиган мураккаб педагогик жараёндир. Бу хусусдаги қўргина тадқиқотларга назар ташланганда асосан қўйидаги йўналишлардаги ишларни кузатиш мумкин бўлади:

Қандай услугб бўлишидан қатъий назар ўқишини фацилитациялаш

К. Роджерс фикрича “бу бизнинг яшашни ўрганишимиз ва талабаларни унга ўргатишдан иборатдир”. XX аср ва ундан олдинги даврларда керакли билимларни “талабаларга етказиш” таълимда асосий мақсадлардан бири бўлган бўлса, хозирги даврда бу ўз ўрнини керакли билимларни “талабалар ўзлари излаб топиб олишига” бўшатиб бергандир. Бу айникса репетиторлик таълимида яққол кўзга ташланади. [5;]

Хозирги фацилитистик талаблар жуда мураккаб ва турли - тумандир. Шу сабабли хозирда талабалар ижтимоий фаоллигини оширишда ўқитувчи тушунчасини фацилитист тушунчasi билан параллель ва ҳатто унинг ўрнида ишлатишига бўлган интилишлар кўзга ташланади. Унда ўқитувчидан қўйидагилар талаб қилинади:

-талабалар билан самимий ва ҳаққоний инсоний муносабатларни ўрнатиши;

-талабалар билан муносабатда “юкорида турувчи бошлик” муносабатидан воз кечиш;

-талабаларнинг ички имкониятларига ишониш, уларни очик тасдиқлаш ва рағбатлантириш;

-талабани у ўйлаганидек тушунишга ҳаракат қилиш ва унинг ички дунёсига кира олиш;

-талаба шахсига тегиб кетадиган баҳо беришдан сақланиш.

Фацилитация ўзига хос бир жараёндир. Унинг ўзига хослиги шундаки фацилитация маълум бир даражада психотерапевтика ишларига ўхшаб кетади. Чунки бунда талаба ўзининг ичидаги бор имкониятларини эркин намоён қиласи. Шу сабабли ҳам аксарият ҳолларда бу соҳада талабалар билан ишлашда аниқ мақсадга йўналтирилган психотерапевтик амалиётлардан кенг кўлланилади. Бунда асосан қўйидагилар

бажарилишига эътибор қилинади:

- талабани бор борича қандай бўлса шундай қабул қилиш;
- талабани ҳар томонлама тушунишга ҳаракат қилиш;
- талабадаги ички интилишлар ва унга яраша бўлган имкониятларни аниқлаб олиш;
- талаба имкониятларини маълум бир даражада амалга ошишига кўмаклашиш;
- талабадаги иккиланиш, кўркиш, ҳайикиш ва бегонасираш каби ҳислар таъсирини минимал даражага олиб келиш;
- талабага очик холисона муносабатда бўлиш;
- талабанинг шахс сифатида ўзини тўлақонли хис этишига имкон яратиш.

Фацилитик кўнімалар аста–секинлик билан шаклланиб боради. Унда дастлаб оддий ўқитувчи муносабатлари кўзга ташланса, кейинчалик фаол ўқитувчи ва сўнгги босқичида ижодкор ўқитувчи кўнімалари шаклланиши кузатилади. Уни эса қўйидаги асосларда кўриш мумкин бўлади:

- ўз касбини юксак даражада қадрлаш ва уни энг ноёб шахсий қадрият сифатида кўриш;
- касбий фаолияти давомида ўз устида тинимсиз изланиш олиб бориши;
- касб талабларига мос келадиган ижобий жиҳатларни ривожлантириб бориши;
- талabalар билан ҳамкорликнинг турли қизиқарли вариантларини ишлаб чиқиши;
- фацилитацияни таълим жараёнининг ажойиб бир феномени эканлигини англаб этиши.

Талabalар билан фацилитив тарзда ижтимоий фаоллигини оширишда қўйидагиларни назардан қочирмаслик керак бўлади:

- талabalар умумий психологиясининг ўзига хослигини англаб этиши (талabalарнинг хатти – ҳаракатлари, қилаётган ишлари, интилишлари, гаплари ва қизиқишлигига катта одамлар каби эмас, балки талabalар сингари қараш ва.х.к.з.);
- талabalар индивидуал психологиясининг ўзига хослигини англаб этиши (талабанинг катта – кичиклиги, темпераменти, характеристи, хотираси, ишлаш кўнімаси, нерв – сезгисининг ўзига хослиги, соғломлик даражаси ва.х.к.з.);
- талабани курсаб турган ижтимоий мухитнинг таъсиirlарини илғай олиш (оила мухити, университет мухити, маҳалла мухити, жамият мухити);
- ёш талабанинг имкониятларини кўра олиш (жисмоний, ақлий, ахлоқий, эстетик имкониятлари);
- талабанинг ўз тенгкурлари орасидаги статусини аниқлаш (лидер, ёрдамчи, ижрочи кўл ёки ажратиб қўйилган бегона);
- талабанинг катталар орасидаги статуси (эркатой, дастёр ишчи, шумлик обьекти, ўз гапини ўтказувчи тиран ва.х.к.з.);
- талabalarda бировларга нисбатан муносабатларда бўлган салбий жиҳатларни кўра билиш ва уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш (кўркув, ишончсизлик, фазаб, нафрат, сохталиқ, бепарволик, бегонасираш қайсарлик, гапга қулоқ солмаслик, ишёқмаслик, нарсапарастлик, исрофгарлик ва.х.к.з.);

Талabalар билан фацилитив усууда ишлашда юқорида келтирилган асослар билан бир каторда уларнинг ўқиши жараёнидаги хусусиятларига ҳам эътибор бериш талаб этилади:

- талабанинг дикқатининг ўзига хослиги (дикқатнинг барқарорлиги ёки беқарорлиги);
- талабанинг тафаккури қандайлиги (сезгирилиги, идрок даражаси, вақтни ҳис эта олиши);
- талабадаги ижодий жиҳатлар (тасаввурининг образлилиги, фантазияси ёрқинлиги, орзуларининг оригиналлиги, истакларининг реаллиги);
- талаба хотирасининг ўзига хослиги (хотиранинг кучлилиги ёки кучсизлиги, феноменал хотира);



—талабанинг мустақил ишлаш имкониятлари (ишни тушуниши, фахми, қўнимли – сабрли бўлиши, ишни ҳалол покиза қилиши, ишни охиригача етказа олиши).

Талабанинг руҳий ҳолати унинг ўқитувчига нисбатан очилиши даражасини белгилаб беради. Унда эса қўйидагиларни кузатиш мумкин бўлади:

—талабанинг мулоқотга кириша олиши билан боғлиқ жихатлар (ийманиш, уятсираш, ишонномаслик, бегонасираш ваҳ.к.з.);

—талабадаги юмор хисси даражаси билан боғлиқ жихатлар (хушчакчақлиги ёки жиддийлиги, самимийлиги ёки масхарабозлиги, эркинлиги ёки қисилганлиги ва.х.к.з.);

—талабанинг ҳиссий ҳолати билан боғлиқ жихатлар (кайфияти, гап охангি, аффект ҳолатлари ва талабадаги стресслар);

—талабанинг ишонч ҳисси билан боғлиқ жихатлар (талабанинг ўзига, ота – онасига, ўқитувчисига, ўртоқларига ва ҳатто бегона кишиларга бўлган ишончи);

—талабанинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик жихатлари (гурӯҳ талабаларини ўюшибора олиши ва ўзига эргаштира олиши);

—талабадаги ироди жихатлари (дадиллик, тўсиқлардан ҳайиқмаслик, ўзини қўлга ола билишлиги);

— талабадаги интизом жихатлари (талабанинг интизом даражаси – паст, ўртacha ёки юқори даражадаги интизоми).

Фацилитив усуулда ишлашда ўқитувчи даставвал очиқ чехрали, сузи ёқимли, самимий, меҳрибон ва ишонч қозонадиган намунали бўлиши талаб этилади. Бу сифатлариз ўқитувчининг ушбу йўналишдаги барча ҳаракатлари зое кетади.

Таълим қўйидагича ташкил этилади: ўқитувчи гурӯҳ жамоаси ёки алоҳида талаба олдида турган мақсад ва вазифаларни шакллантиришга ёрдам беради, кейин эса талабаларни муаммони ечишга стимуллаштирадиган эркин ва тазииксиз мухитни яратади. Бу ўринда ўқитувчи қўйидагиларга амал қилиши керак бўлади:

- самимий бўлиш, ўз фикр ва ҳиссиётларини очиқ ифодалай олиш;
- талабаларга нисбатан, уларнинг имкониятлари ва кобилиятларига нисбатан тўла ишончни намойиш этиш;

- эмпатия кўрсатиш, яъни ҳар бир талабанинг ҳиссиётлари ва кечинмаларини тушуниш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълимнинг фацилитаторлик услубида талабалар университетни жуда камдан-кам қолдирадилар, ўз-ўзини позитив баҳолай олади, таълимда прогрессив ривожланишга эришадилар, уларда предметлар билан боғлиқ муаммолар кам бўлади, уларда тафаккур ва ижодий фаоллик юқори даражада ривожланган бўлади. (Бу ҳақида Карл Роджерс ва Джейром Фейербергларнинг “Ўқиши эркинлиги” номли асарида атрофлича маълумот олиш мумкин.)

Кейинги тушунча – “тыютор”, инглиз тилидан таржима қилганда “устоз, тарбиячи, репититор” деган маънони билдиради. Замонавий педагогикада тыютор – бу ўқитувчи-маслаҳатчи, координатор демакдир. Унинг мақсади – талабанинг, унга қулаг бўлган тартибда, дарс давомида, билим ва малакаларни максимал даражада мустақил ўрганишига асосланган таълим мухитини яратиш. Шу билан бирга ўқитувчи талабаларга ўқув материалидан, интернетдан, ўзларининг амалий тажрибаларидан самарали фойдаланишлари учун ёрдам беради. Шу тариқа билимлар талабаларнинг фаоллиги, уларнинг фаолияти ва амалиёти орқали эгалланади. Тьюторнинг координацияловчи иши муаммони қўйиш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, уни амалга ошириш учун ҳаракат дастурини тайёрлаш, иш натижаларини таҳлил қилишга қаратилади. Тьютор мустақил иш жараённида талабаларга маслаҳат беради, уларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бир қаторда у шундай самарали ижодий мухитни яратадики, унда талабанинг ҳар қандай фикри ва ғоясини танқид қилиш, ўз нуктаи назари ва тадқиқот стратегиясини ўтказишига йўл қўйилмайди. Тьютор эшига олади ва талаба фикрларидаги мухим ўринларни ажратиб кўрсата олади. Ўқитувчи талабаларни маълумотли аҳборотлар, йўналтирувчи саволлар, маслаҳатлар билан йўналтирадики, бунда унинг ташкилотчилик роли таълимий ролидан устунлик қиласи.

Тьютор томонидан координациялаштирилган ўқув-билув фаолияти талабаларда қўйидаги сифатларни шакллантиришга ёрдам беради: ташаббускорлик, очиқлик, кузатувчанлик, ижодий ва интеллектуал фаоллик, ностандарт қарор қабул қиласи

қобилияти, танқидий тафаккур, катталарнинг тажрибасини қадрлаш ва диққат билан муносабатда бўлиш, оптимизм, толерантлик.

Эътибор берган бўлсангиз, тьюторнинг бажарадиган иши фацилитаторники билан ўхшаш. Фақат бир жиҳати билан фарқ қиласди: фацилитаторликда ижобий, стимуллаштирувчи ўкув жараёни мухитини яратишга ургу берилади, тьюторликда эса ташкилий-координацияловчи ҳолатларга эътибор каратилади. Ўқитувчининг юкорида айтибўтилганроллариталабада кўркув уйғотмайди, унинг қадр-қимматини пасайтирумайди, аксинча, унда эркинлик ва масъулиятлиликни тарбиялайди, юкори даражада онглилик, жасурлик каби фазилатларни шакллантирадики, бу бизнинг жамиятимизда жуда мухим саналади.

Демак, талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш жараёнининг методик таъминоти узлуксиз таълим тизимида юқори поғонани ифода этиб, инновацион жараён сифатида жамиятнинг педагог ходимлар касбий компетентлилигига кўядиган талаблари ва уларнинг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш, мотивларини чукурлаштириш, индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш, касбий фаолиятларига қулай шароитлар пайдо қилишни назарда тутади. Шунингдек, фацилитаторлик ва тьюторлик фаолиятларини йўлга кўйиш, муайян вазиятларда педагогларнинг шахсий тажрибалари асосида мақбул қарорларни мустақил қабул килиш, рефлексив қобилиятларини ривожлантириш, ижобий ўзаро таъсир учун мақбул мухит яратиш, пировард натижада таълим сифати ва самарадорлигига еришишни таъминлайди.

Олий таълимда талабалар ижтимоий-гуманитар фанларни (фалсафа, маданиятшунослик асослари, тарих, иқтисодий география, демократик жамият қуриш асослари, ҳуқуқ асослари, чет тиллари ва жаҳон адабиёти, диншунослик, тил ва адабиёт ва бошқалар) ўрганиш орқали ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларини тўғри англаб етсалар, тасвирий санъат, мусиқа каби фанлари эса маънавий-ахлоқий ва эстетик дид ва қарашларнинг таркиб топишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Олий таълим тизимида педагогик неология асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришда:

1) ижтимоий-сиёсий қарашларда яхлит бир тизим сифатида етакчи тушунчаларини ажратиб олиш;

2) ўкув фанларида ижтимоий фаоллик мазмуни қай даражада эканлигини аниқлаб бериш (ўкув предметлари ва ёш хусусиятлари жиҳатидан);

3) олий таълим тизимида ўрганиладиган гуманитар фанлар орқали ижтимоий фаолликнинг умумназарий асослари, дунёнинг моддийлиги ва ўзгариб туриши, жамият ва табиатнинг ривожланиши қонуниятлари ҳақида ижтимоий маданий маънавий тараққиётининг умумий қонунлари, уларни ҳаракатта келтирувчи кучлар, инсоннинг маданий-тарихий жараёнда ҳамда ижтимоий фаоллик соҳасида тутган ўрни ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишлари мухим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Куронов М.Қ., Курбониёзова З.Қ. Ижтимоий педагогика. – Т.: 2003. – 48 б

2.Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. - 232 б

3.Мусурманова О. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. / ўзбек, рус, инглиз тилларида / Т.: “TURON - IQBOL”, 2019. 844

4.Мусурмонова О. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили; монография / Т.: “Yoshlar nashriyot uyi”, 2020. 184

5.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси (Дорилфунун талабалари учун қўлланма) -Т.: Ўқитувчи, 1990.-184 б

6.Қаҳҳоров С. Ўқувчилар фаолиятини даврий бошқариш //Ж. Педагогик маҳорат. 2003. 2-сон. –Б. 23–27.

7.Эгамбердиева Н.М Маданий–инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти. (педагогика олий таълим муассасалари мисолида) Пед.ф.д-ри дисс Т.: 2010 -24 б

8.<https://www.google.com/search>



ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАРБИЯЛАШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.027>

Оқбўтаев Жамишид Йўлдошевич,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология”
кафедраси ўқитувчиси

Мазкур мақолада ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашда дидактик ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, таълимни ахборотлаштириши шароитида “ўқувчилар жамоасининг ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларнинг мавжудлиги” педагогик жараёнда ўзини-ўзи тарбиялаши тушунчаси мазмун моҳиятини очишига ёрдам берувчи, ўзига хос тушунча ва педагогик категориялар тизимини акс эттирувчи педагогик шарт- шароитлар, шакл, метод ва воситаларини тўгри танлашга боғлиқ эканлиги тўгрисида тадқиқотчи тажрибаларига асосланган фикрлари баён этилган

Калит сўзлар: умумий ўрта таълим тизими, дидактика, ижтимоий муҳит, ўқувчилар жамоаси, ўсмир ёшидаги ўқувчи, ўзини-ўзи тарбиялаш, дидактик ўйинлар, тарбиявий аҳамияти, педагогик таъсир воситалари.

ВОСПИТАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР В САМООБРАЗОВАНИИ ШКОЛЬНИКОВ ПОДРОСТКОВ

Акбутаев Джамишид Юлдашевич,

Преподаватель кафедры педагогики и психологии Узбекского государственного
университета мировых языков

В данной статье научно и теоретически освещается воспитательное значение дидактических игр в самовоспитании подростков. Также в статье рассматривается понятие самообразования в педагогическом процессе в условиях информатизации образования на основе опыта исследователя.

Ключевые слова: система общего среднего образования, дидактика, социальная среда, студенческое сообщество, школьник-подросток, самовоспитание, дидактические игры, воспитательная значимость, средства педагогического воздействия.

EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF DIDACTIC GAMES IN SELF- EDUCATION OF SCHOOLCHILDREN AND TEENAGERS

Akbutaev Jamshid Yuldashevich,

Lecturer at the Department of Pedagogy and Psychology, Uzbek State University of World Languages

This article scientifically and theoretically highlights the educational value of didactic games in the self-education of adolescents. The article also discusses the concept of self-education in the pedagogical process in terms of informatization of education based on the experience of the researcher.

Keywords: system of general secondary education, didactics, social environment, student community, teenage student, self-education, didactic games, educational significance, means of pedagogical influence.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнининг назарий негизлари таълим-тарбия жараёнига бориб тақалади, таълим-тарбия жараёни эса ўзининг мустаҳкам илмий-назарий пойdevорига асосланади.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ҳатти-харакатлари, ахлоқи ва қарашларини тизимлаштириш учун педагогик таъсир воситалари билан бир қаторда, уларнинг жамоавий ижодий фаол ташаббуслари, ўқувчилар жамоасининг ижтимоий аҳамиятга эга

мақсадларнинг мавжудлиги муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида “ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашда ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларнинг мавжудлиги” педагогик жараёнда ўзини-ўзи тарбиялаш тушунчаси мазмун мөҳиятини очишга ёрдам берувчи, ўзига хос тушунча ва педагогик категориялар тизимини акс эттирувчи педагогик шарт-шароитлар, шакл, метод ва воситаларини тўғри танлашга боғлиқдир. Ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш мезонлари, шакллари ва воситалари тажриба- синов ишлари давомида аниқлаштирилди.



1.1-расм. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш мезонлари

Мавжуд детерминация (сабабий боғланишларни аниқлаш) асосида ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини ривожлантириш босқичлари ва шаклларини таҳлил қилиш учун, бу жараённинг педагогик хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўз фаолиятини назорат қилишга ундовчи шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ майлларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо мазкур майллар ўзининг мазмуни, шакли, йўналиши жиҳатидан ҳар хил бўлиб, англанган ва англанмаган бўлиши мумкин. [2;]

Иzlанишларимиз натижаларининг кўрсатишича, ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ўқувчиларда турли хил сабаблар ва ҳолатлар таъсирида ҳосил бўлади. Бу сабаблар ўзини ахлоқий такомиллаштириш, ўз тенгқурлари доирасида эътибор қозониш, катталар орасида ўз мустақиллигини кўрсатиш, воқеа-ҳодисаларни билишга қизиқиш, касб эгаллаш эҳтиёжи, спорт мусобақасида голиб чиқиш истаги, бошқалардан ажralib туриш, хаёлини қамраб олган нарсага интилиш, яқин ёки ҳурмат қиласиган кишилар эътиборини қозониш ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш майллари баъзан салбий ва ижобий ҳам бўлиши ҳам мумкин. Ўқувчиларда шаклланган нотўғри тасаввурлар, ғароз мақсадлар, ҳар қандай йўл билан бошқалардан устун бўлишга интилиш салбий майлларнинг асосини ташкил этади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, ривожланаётган ўқувчи шахсини турли фаолиятга ундовчи истаклар айни бир вактда амал қиласи. Бунда ўқувчига кучли таъсир қилувчи истак унинг фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Умуман ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаши учун ўқувчилар жамоасидаги ўрни албатта, жамоа билан қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгиларнинг ўйғунлиги бўлиши шарт. Масалан, ўқувчилар жамоаси учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўқувчи, спорт, маълум тўғаракларга таълим олиш истаги ва ҳоказо).

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини дастлабки даврларида тарбиявий жараёнлар билан боғлиқ икки хил таъсирни ажратиш мумкин:

1. Ўқувчиларни ўзгартириш, ривожлантириш имкониятига эга бўлган ташки



ижтимоий таъсирлар;

2. Уларни узлуксиз ривожлантирадиган ички педагогик таъсирлар.

Бу таъсирлар ўзида мухим кўрсаткичларни мужассамлаштириб, педагогик ишнинг муваффақияти учун етарли тайёргарлик ва уларни ҳисобга олишни тақозо қиласди. Улар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, куйидагича табақалаштирилади.

-ўқитувчининг ўсмири ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш жараёнига раҳбарлик қилиши;

- ўқувчилар жамоасининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олиши;

- ўқувчиларнинг ўқув ва ҳаётй фаолияти билан боғлиқ бўлган жамоани бошқариш усулларининг танланганлиги.

Юқоридагиларнинг хар бири ўсмири ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини учун мухим педагогик аҳамиятга эга. Ўқитувчининг креатив потенциалининг ривожланганлиги, уларни билиши ва амалий фаолиятига тадбиқ этиши уларнинг касбий маҳоратига боғлиқдир.

-ўқувчиларнинг билимдонлиги, ўзини англаши ва ўзини билиш даражаси;

-ўқувчиларнинг ўз ички дунёсини ўзгаришига нисбатан интилишининг мавжудлиги;

- ҳар бир жамоа аъзосининг ахлоқий идеалга эгалиги;

- ўқувчилар жамоасининг иродавий сифатларининг тарбияланганлиги билан асосланади. [4;]

Психологик адабиётлар таҳлилига кўра ўсмирик йиллари – ота-оналар учун ҳам, болалар учун ҳам мураккаб давр. Бу ёшда фарзандлар ўз фикрини энг тўғри деб ҳисоблашади. Отa-оналар ҳам кичкinctой деб ҳисоблаб юрган боласининг энди ўз фикрини, ўз қарашларини аён қилишларини қабул қилишлари қийин бўлади. Айниқса, фақат боласининг ғамида яшайдиган оналарда бу жараён қийин кечади.

Бунда улар ўзларини худди энди боласига кераксиз бўлиб қолгандай ҳис қилишлари мумкин. Болалар ҳам ўзларини ақлан катта бўлгандай ҳис қилишса-да, моддий ва жисмоний жиҳатдан ота-онага тобе бўлиб қолаверади. Барча тушунмовчиликлар шундан келиб чиқади. [3;]

Юқоридаги психологик мулоҳазаларга таяниб ўсмирик даврида ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнида мотивлар ҳосил қилишда дидактик ўйинларнинг ўрни бекиёсdir. Ўйинсиз том маънодаги ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Дидактик ўйинлар ўсмири ёшидаги болаларда маълум сифатларни шакллантиришда катталар – ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар томонидан кўпланиладиган усул. Ўйин воситасида ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш жараёни қулайлашади, жамоадошлари билан илиқ психологик муносабатда бўлишга ўрганади, шунингдек, уларда муомала маданияти шаклланади.

Ўйин воситасида боланинг шахси шаклланади, унда келгусида ўқув ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва инсонлар билан муносабатга киришишга оид руҳий хусусиятлар шаклланади. Ўйин орқали ўсмири ёшидаги ўқувчиларнинг дунёқарashi ўзгаради, миллий ва умуминсоний қадриятлари такомиллашиб боради.

Ўқувчиларнинг ўйин фаолияти жуда кўп соҳа олимлари – файласуфлар, социологлар, биологлар, санъатшунослар, этнографлар, айниқса, педагоглар ва психологларни қизиқтиради. Педагогик адабиётларда ўсмири ёшидаги ўқувчиларни психикасининг ривожланишида, маданий ҳордик олишида ўйин ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб қаралади. Фақат ўйиндагина болада шахснинг ҳамма томонлари бирлиқда ва ўзаро таъсирда шаклланади. Ўйингина бола психикасида ривожланишининг юқорироқ босқичига ўтиш учун мухим замин яратади.

Дидактик ўйинлар эса ўрганилаётган воқеа ва ҳодисаларнинг имитацион модели яратилиши соҳасидаги мухим фаолиятдир. Дидактик ўйинлар орқали ўсмири ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш имкониятлари шундан иборатки, ўйиннинг бошқа фаолият турларидан мухим фарки, унинг предмети инсон фаолияти эканлигидир. Дидактик ўйинларда фаолиятнинг асосий тури асосий тури ҳамкорликдаги ўқув фаолиятидир.

Дидактик ўйинларнинг бошқа фаолият турларидан фарқланадиган мухим белгилари унинг таркибий катъийлигидир. К.М.Азизова интернет мақоласида дидактик ўйинларнинг

таркибий компонентлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтган: 1. Ўйин мантиғи. 2. Ўйиннинг ҳаракати. 3. Ўйин қоидаси. Ўйин мантиғи асосан унинг сарлавхаси акс этади. Ўйин ҳаракати жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, ўқувчиларнинг ўз қобилиятини намоён қилиш, ўйин мақсадига эришиш учун ўз билими, кўникма ва малакаларини кўллашга имконият яратилади. [8;]

Ҳақиқатдан ҳам дидактик ўйинларда маълум бир натижага эришилади. Биз кўзлаган мақсад дидактик ўйинлар орқали ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш, ўз ҳатти ҳаракатларини оқилона баҳолай олишга эришишдан иборат бўлиб, тадқиқотларимиз жараёнида дидактик ўйин технологиялари амалга ошириладиган ўйинларни такомиллаштиришга эришдик. Дидактик ўйинларни асосан фанлар кесимида дарс мавзуларига боғлаб ўтказишга ҳаракат қилдик. Мавзу моҳиятидан келиб чиқиб ролли ва ишбилармон ўйинлардан фойдаландик. Кўйида биз мазкур ўйинлардан намуна келтирамиз. Тадқиқот жараёнида ўйин қоидаларига амал қилган ҳолда “ўйин тартибини” ўзгаришиш имконини яратдик.

Ишчанлик ўйини дарси — дарс мавзуси бўйича масалаларни ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали янги билимларни ўзлаштириш машқи. Ролли ўйин дарси — дарс мавзуси бўйича масалаларни ўрганишда ўқувчиларга олдиндан маълум ролларни тақсимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкамлаш дарси.

Театрлаштирилган дарс — дарс мавзуси билан боғлиқ сахна кўринишлари ташкил этиш орқали дарс мавзуси бўйича чуқур, аниқ маълумотлар бериш дарси.

Компьютер дарси — тегишли ўкув фани бўйича дарс мавзусига доир компьютер материаллари (мультимедиа, виртуал ўкув курси ва шу кабилар) асосида ўтиладиган дарс.

Ким ошди савдоси дарси — ўкув фани айрим бўлимлари бўйича билимларни ҳар бир ўкувчи қанчалик кўп билишини намойиш этиш дарси.

Интеграл (интеграциялашган) дарс — бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай бўлган мавзулар бўйича ташкил қилинган дарс бўлиб, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишларини орттириб, таълим жараёнидаги фаолликларини таъминлайди. [1;5;8;]

Тажриба ва кузатишларимизга таяниб айтишимиз мумкинки, бундай дарслар ўқувчиларга фанлараро боғлиқликни ўргатиш орқали уларда ўз дунёкарашини кенгайтириш, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш билан бир қаторда, жамоада ўзини тутиш тартиб қоидалари, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар. Айни вақтда таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёнли фаолият ташкил этилганлиги боис таҳсил оловчилар тасвирий вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф-мухитга бўлган муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Таҳсил оловчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлигини таъминлаш, таҳсил оловчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологияк хусусиятлар ҳар таҳсил оловчига шахсий имкониятларини намойиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қиласи.

Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланисини таъминлаб қолмай, таҳсил оловчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди. [8;]

Педагог ва психолог олимлар - Д.Н.Узнадзе, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.А.Шмаков, Г.К.Селевко, П.Я.Гальперин, И.Оллоёров, А.А.Вербицкий ва бошқалар ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари борасида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Айни вақтда биз бу борада зарур назарий ва амалий маълумотларга эгамиз.


Ўйинларни ташкил этиш мақсадлари қуидагилардир:

- таълимий (дидактик) мақсад;
- тарбиявий мақсад;
- фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад;
- ижтимоий мақсад.

С.Каллаганинг таъкидлашича, ролли ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир катор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуидагилардир:

- жамоа аъзолари ўртасида самимий мухитни қарор топтириш;
- ўйин жараёнида катъий талаблар қўйилишини инкор этиш;
- ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда, хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;
- синфда кулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовқин даражасини назорат қилиш, таҳсил олувчиларни чалгитувчи харакатларни содир этмаслик);
- синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида таҳсил олувчиларнинг ўйин фаоллигига таъсир қиласмаслик.

Г.К.Селевконинг фикрича, ўйин психопедагогик жараён саналиб, у қуидаги тузилмага эга бўлади: [5;]



Хуоса қилиб айтганда, ўсмир ёшидаги ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашда дидактик ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, ўйинда маълум бир дидактик мақсад қўйилади ва бу мақсадга эришиш ўқувчиларда маънавий ва ақлий қоникиш ҳиссини шакллантиради. Дидактик ўйинлар ўқитувчи учун ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ёки ўзлаштирилган билимларни амалиётта қўллаши қўрсаткичи ҳисобланади. Дидактик ўйинларнинг барча таркибий компонентлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан бирортасининг бўлмаслиги мумкин эмас. Боланинг тенгдошлари билан биргаликдаги ўйинлари уни тенгдошлари билан яқинлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Махмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалаш. Тошкент, А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси., - 2002. – Б.79.
- 2.Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технологиялар. - Т.: «Абу Али Ибн Сино», 2001.
- 3.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси (Дорилфунун талabalari учун кўлланма) -Т.: Ўқитувчи, 1990.-184 б
- 4.Pedagogika (Pedagogika nazariyasi va tarixi) Oliy o'quv yurtlari uchun darslk. J.Yasanbaeva va b. O'zR Oliy va o'rta – maxsus ta'lim vazirligi. – Toshkent "Noshir" 2011. 456 b.
- 5.Методологик аспект. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гурухи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.
- 6.Torrance E. P. The nature of creativity as manifest in the testing. // R.Sternberg, T.Tardif (eds.)/ The nature of creativity. Cambridge: Cambr. Press, 1988. –P.43–75.
- 7.Шарипов Ш.С.Дидактик воситалар мажмуаси. Тошкент 2009. www.pedagog.uz
- 8.file:///C:/Users/99891/Downloads/talim-samaradorligini-oshirishda-didaktik-yinlarning-uvchi-shahsingh-shakllanishidagi-rni



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИЛАРИДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ИШЛАРНИ БОШҚАРИЩА АХБОРОТ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.026>

Пулатов Джавдат Абдужабборович,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, “Педагогика ва психология”
кафедраси в/б доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мазкур мақолада олий таълим муассасасиларида маҷнавий-маҶрифий ишларни бошқаришида ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириши имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, олий таълим муассасасиларида амал қилинаётган модернизациялаштирилган маҶнавий-маҶрифий дастурларининг самарадорлиги, глобаллашув даврида педагогик, ахборот коммуникатив технологияларнинг, айниқса, Интернет глобал тармоғининг кириб келиши талабаларни ижтимоийлаштириши омили сифатида маҶнавий-ахлоқий компетентликни ривожлантириши технологиясини ривожлантириши, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини кўллаб-қувватлаши муҳимлиги алоҳида эътироф этиб ўтилган.

Калим сўзлар: олий таълим муассасасилари, маҶнавий-маҶрифий, ахборот мониторинг тизими, модернизация, глобаллашув даври, педагогик, ахборот коммуникатив технологиялар, Интернет глобал тармоғи, маҶнавий-ахлоқий компетентлик, ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, инновацион ва технологик гоялар.

ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ИНФОРМАЦИОННОГО МОНИТОРИНГА В УПРАВЛЕНИИ ДУХОВНО- ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Пулатов Джавдат Абдужабборович,

Узбекский государственный университет мировых языков и.о. доцента кафедры
«Педагогика и психология», доктор философии в области педагогики (PhD)

В данной статье описаны научно-теоретические возможности совершенствования системы информационного мониторинга в управлении духовно-просветительской работой в высших учебных заведениях. Также в статье рассматривается эффективность модернизированных духовно-образовательных программ в высшей школе, внедрение педагогических, информационных и коммуникационных технологий в эпоху глобализации, особенно Интернета, развитие технологий развития духовно-нравственной компетентности студентов, поддержки их общественная активность и инициатива.

Ключевые слова: высшие учебные заведения, духовно-образовательная, информационно-мониторинговая система, модернизация, эпоха глобализации, педагогика, информационно-коммуникационные технологии, глобальный Интернет, духовно-нравственная компетентность, социальная активность, инициатива, инновационные и технологические идеи.

OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE SYSTEM OF INFORMATION MONITORING IN THE MANAGEMENT OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL ACTIVITIES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Pulatov Javdat Abdujabborovich,

Uzbek State University of World Languages and about. Associate Professor of the
Department of Pedagogy and Psychology, Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)

This article describes the scientific and theoretical possibilities for improving the system of information monitoring in the management of spiritual and educational work in higher educational institutions. The article also discusses the effectiveness of modernized spiritual and educational programs in higher education, the introduction of pedagogical, information and communication technologies in the era of globalization, especially the Internet, the development of technologies for the development of spiritual and moral competence of students, supporting



their social activity and initiative.

Keywords: higher educational institutions, spiritual and educational, information and monitoring system, modernization, the era of globalization, pedagogy, information and communication technologies, global Internet, spiritual and moral competence, social activity, initiative, innovative and technological ideas

Жаңонда ҳар бир мамлакат миллий, умумбашарий бадиий қыматлари бирлигидан иборат маълум халқ, жамият, тарихий даврга хос маънавий-маърифий талабларга жавоб берадиган инфратузилмасини ривожлантириш, жамият тараккиёти учун хизмат қилишга тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Республикамизда олий таълим муассасаларида инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларини ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг такомиллаштирилган дастурый-методик таъминоти яратилди. Натижада талабаларни таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урфодатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқилди ва таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлиги таъминланди.

Замоннинг ушбу талабларига жавобан Олий таълим тизимини 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланганлиги [3], “Таълим тўғрисидаги Қонун”[2]нинг янги лойиҳаси каби муҳим меъёрий ҳужжатларда шакллантирилган олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга эришишда янги ўкув дастурлари, технологиялари, методикалари, дидактик шаклларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб қиласди.

Шу нуқтаи назардан қарагандо, олий таълим муассасасиларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш, талабаларни ижтимоийлаштириш омили сифатида маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантириш технологиясини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-куватлашга йўналтирилган мультимедиа воситаларини яратиш зарурати кўзга ташланмоқда.

Биз, олий таълим муассасасиларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш мазмун моҳиятини теран англаб этиш мақсадида “мониторинг” тушунчасига изоҳ бериб ўтишни лозим топдик.

Педагогик-психологик адабиётлар ва илмий изланишларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, “Мониторинг” тушунчасининг бир қатор изоҳлари мавжуд. Жумладан, “Педагогика” энциклопедиясида келтирилишича, мониторинг monitor+ инглизча - ҳаракат номи қўшимчаси: кузатиш, назорат килиш маъноларини англатади. Уни қуйидагича талқин килиши мумкин: [10]

1. Бирон-бир жараённи у кутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида доимий кузатиб бориш.

2. Муайян вокеликни бошқариш, назорат килиш орқали унинг натижаларини умумлаштирувчи жараён.

“Мониторинг” атамаси илк маратоба 1972 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Столғольм” конференциясини ташкил этиш арафасида “назорат” атамасига муқобил сифатида ишлатила бошланган. Мониторингнинг яхлит тизим сифатидаги элементлари Р.Манн, В.Федеров, К.Бурдин тадқикотларида таърифлаб берилган. Шунингдек, мониторинг - маълум бир табиий, ижтимоий ва бошқа объектларнинг ўзгариш ҳолатини тизимли кузатиш, баҳолаш асосида кейинги ҳолатини прогноз килиш деб ҳам изоҳланган.

А.Курбанов ижтимоий бошқарув назариясида мониторинг бошқарув циклидаги ғоят муҳим, нисбатан мустақил тушунчалардан бири эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича “амалга оширилган бошқарув, ташкилий-методик ва педагогик фаолият мониторинг доирасида аникланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади” [8].

Демак, глобаллашув даврида педагогик, ахборот коммуникатив технологияларнинг, айника, Интернет глобал тармоғининг кириб келиши педагог кадрлардан факат ўз фанини чуқур билиғина қўймасдан, балки таълим-тарбия жараёнларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимидан самарали фойдалана олишни ҳам талаб қўлмоқда. Бугунги ислоҳотлар фидоий педагогдан интернет тармоғида ишлаш, ахборотларни олиш, уларни тахлил қилиш ва саралаш, масофадан ўқитиши технологияларни, замонавий инновацион технологияларини билиши ва уларни амалиётда қўллаш малака ва кўнкимларига эга бўлиши, шунингдек, таълим-тарбиянинг натижаларини объектив баҳолаш ҳамда мониторингини олиб бориш кўнкимларига эга бўлишни ҳам талаб этмоқда. [6]

Айни пайтда жаҳонда олий таълим тизимида талабаларни таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг диагностик ҳамда мониторинг тизимини такомиллаштириш; талабаларни таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияларини такомиллаштириш; уларда жаҳон ва миллий китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. [7]

Бизнинг назаримизда, Олий таълим муассасасиларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясини илмий-назарий жиҳатдан ёндашувини такомиллаштириш ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса биз:

- талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар режасини тузишга;
- тарбиявий жараёнда асосий мазмуний (тадбир мавзусидан келиб чиққан холда, талабаларни максадли йуналтириш) компонентларга мувофиқ фаолият аниқ йўналишларини белгилашга;
- диагностик асос яратишга;
- талабаларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини, индивидуал типологик хусусиятлари (характер, темперамент, кобилият) жамоанинг маҳорат даражаси ва шаклланганлигини инобатга олиш ва физиологик, психологик ва дидактик нуқтаи назардан ёндашишга;
- тадбирларни ўтказиш муддати, шакллари ва иштирокчиларни аниқ белгилашга;
- тарбиявий тадбирларнинг қулайлиги, ҳаётйлиги ва аниқлигига алоҳида эътибор қаратишимиш лозим.

Фикримизча, Олий таълим муассасасиларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш жараёнида ишлатиладиган педагогик техника усул ва услублар компетенцияга эмас, балки амалий билимларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши, шунингдек педагогик диагностика кўнкимма ва малакаларнинг амалиётдаги татбиқига алоҳида эътибор қаратиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий ишларни бошқариш ҳақида фикр юритганда уйғониш даври ва ўрта асрлар миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мағкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган ғоявий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди [5]

Мазкур муаммо, аввало, педагогика фанининг тадқиқот предмети бўлиб, қуйидаги тушунчалар концептуал илмий талқинни талаб этади:

- таълим жараёнида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда



уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;

- таълим жараённида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг объекти, предмети, воситалари, самарали шакл ва методлари;
- таълим жараённида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий –назарий асослари;
- таълим жараённида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлиги;
- талабалар билан ҳамкорликда маънавий - маърифий ишларни ташкил этишнинг самарали мазмуни ва яхлит механизми;
- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг дидактик асослари;
- таълим жараённида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда фанлараро алоқа, ўзаро таъсир ва бошқалар.

Айтиш жоизки, Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш бевосита назарий ва илмий билимларини таълим-тарбия жараённига татбиқ эта олишлари билан белгиланади. Талабалар маънавий-маърифий фаолиятини шакллантиришда табиявий жараённи лойиҳалаш босқичидаги мониторинг қилиш тизими мезони ҳам ўз ичига камраб олади. Унинг асосий вазифаси эса талабалар назарий ўзлаштирган билимларни мужассамлаштирилган амалдаги фаолият жараёнларини назорат қилиш ва ростлаш нуқтаи назаридан баҳолаш хисобланади. [6]

Бу мезон қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- фаолият кўрсаткичи бирлиги (ўқитувчи объект)ни танлаши;
- амалда бажариладиган ҳаракатларни этalon (идеал модул) билан қиёслаш;
- тарбиявий тадбирларнинг самарадорлик кўрсатакичини танлаш усули;
- кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси кўрсаткичи.

Шунингдек, маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш жараённида олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш босқичини мониторинг қилиш мезонларини қуйидагича туркумлаштиридик:

Сифат кўрсаткичлари:

- тарбиявий вазифалари ва уларни ривожлантириш мазмунини акс эттиришнинг бир бутунлиги;
- маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш мазмунида фан, техника ва ишлаб чиқариш замонавий тараққиёт даражасининг акс эттирилиши;
- эмпирик ва назарий, образли ва тушунчали, конкрет ва абстракт ҳолатларнинг гносеологик жиҳатдан тўғри нисбатда олиниши.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш самарадорлик кўрсатакичини аниқлаш ва унинг сифат жиҳатидан таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Шу билан биргаликда, миқдор кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш тадқиқ этилаётган жараён моҳиятини акс эттиримаса-да, педагогик фаолиятни яхшилашга ёрдам беради.

Айтиш ўринлики, ўқитувчи меҳнати ва педагогик фаолияти кенг камровлидир. У ўқитишнинг учта муҳим ижтимоий функцияси – таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш[6] билан боғлиқ вазифаларни бажаришга масъул. Бироқ Олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган маънавий тадбирлар ўқитувчининг амалий педагогик фаолияти билан етарли даражада боғланмаган. Умуман бу фикрни қуйидаги объектив ва субъектив сабабларга кўра изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича маънавий-маърифий ишлар режасида киритилган маънавий-маърифий ишлар, спорт клублари, илмий, ижодий тўгараклар, маданий тадбирлар киритилган мавзулар аксариятининг мазмуни қисқа ва саноқли мавзулар билан чегараланганд. Ушбу вазият ўқитувчининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш учун талабалар чукурроқ билим беришга камлик қиласи ва мавзуга оид умумий билимлар билан чегараланилади.

Иккинчидан, Олий таълим муассасаларида чекланган маънода одатда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш иқтисодий масалалар танглигига бориб тақалади. Ваҳоланки психология илмидан бизга маълумки инсонда идрок қилиш жараёни ва хотирасида сақлаш процесси кўриш сезгилари орқали амалга оширилса узок муддатли ва эфектив натижалар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Учинчидан, ўкувдастурларида “талабаларни адабиёт, санъат ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларда эстетик дид ва касбий этика, ахборот таҳлили маданиятини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик хиссини қарор топтириш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва барча олий таълим муассасаларида мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш”[4] юзасидан бир катор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Бизнингча, тарбиявий жараёнларнинг сифатини қуйидаги қўрсаткичлар ёрдамида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

- ҳаракатчанлик;
 - изчилик ва мунтазамлилик;
 - индивидуал-шахсий ва инсоний йўналганлик;
 - ташкилий шаклларни такомиллаштириш ва мослаштириш;
 - олий таълим муассасасидаги маънавий - маърифий ишлар моддий- техник асосининг тўлиқлиги; жумладан: тадбирларнинг мужассамлашган режаси, эслатмалар, кодекслар, хулқ-автор коидалари, ижодий танловларнинг Низомлари мавжудлиги;
 - маънавий-маърифий ишларни бошқаришни такомиллаштирилганлиги;
 - маънавий - маърифий ишларнинг режалаштирилганлиги;
 - маънавий-маърифий ишларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш механизмининг мавжудлиги;
 - маънавий - маърифий ишларнинг бориши ва мароми таҳдил қилиниши;
 - олий таълим муассасасидаги тарбиявий ишларнинг изчилиги ва мунтазамлилиги;
 - олий таълим муассасасида талабалар шахсини тарбиялашнинг барча турларига эътибор қаратилганлиги, чунончи, маънавий, аҳлоқий, жисмоний, эстетик, мафкуравий ва х.к.
 - талабаларга таълим-тарбиявий таъсир қўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш тажрибасининг мавжудлиги;
 - талабаларга якка ва умумий тарбиявий таъсир қўрсатиш шаклларидан фойдаланилиши;
 - маънавий - маърифий иш шаклларининг турли-туманлиги, жамиятнинг замонавий талабларига, миллий менталитет ва миллий гоя тамойиллари, талабаларнинг эҳтиёжларига мослиги кабилар.
- Маънавий - маърифий тадбирларнинг сифатини таъминлашда тарбия мазмуни биринчи даражали моҳият касб этади. Унинг қўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:
- олий таълим муассасаларида амал қилинаётган модернизациялаштирилган маънавий-маърифий дастурларининг самарадорлиги;
 - ташкилий-педагогик шарт - шароитлар ва педагогик технологияларнинг қулайлиги,



уларнинг педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш мезонлари бўйича ҳисоблаш услубиёти талабларига мувофиқдиги;

- академ гурух мураббийсига қўйилган талаблардан хабардорлиги ҳамда гурух талabalарининг университет ички тартиб қоидаларга амал қилишларини назорат қилиши;
- мураббий иш режаси мазмуни ва ундаги бандларнинг бажарилиши ҳолати;
- мураббийлик фаолиятига оид хужжатларнинг юритилиши;
- мураббийлик фаолиятидаги ташкилий ишларнинг бажарилиши;
- академ гурух талabalарнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш фаолияти;
- мураббийнинг ТТЖ ва оталиққа олинган таълим муассасасидаги фаолияти;
- мураббийлик гуруҳидаги талabalарнинг университет, талabalari ўртасидаги танловларда, республика миқёсидаги талabalарининг олимпиадалардаги иштироки; талabalар ота-оналари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари;
- университет миқёсида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлардаги фаолияти;
- маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолияти.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот мониторинг тизимини такомиллаштириш—таълим тарбия мақсадлари ва эришилган натижаларнинг ўзаро мувофиқлигини ҳамда уларга таъсир этган омилларни аниқлаш, тарбиявий жараёнларни коррекциялаш ва кейинги ҳолатини башоратлаш имконини берувчи педагогик жараён ҳисобланади.

Демак, маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот тизимини такомиллаштириш мониторинги олий таълим хизматлари сифати, ўкув-тарбия тизимининг моддий-методик таъминоти, бошқарувнинг хукуқий-меъёрий, стратегик, технологик, ташкилий жиҳатлари ҳолати, уларни такомиллаштириш бўйича изчил, мақбул маълумотлар билан таъминлайдиган педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Юқорида баён этилган илмий-назарий манбалар таҳдилларидан маънавий-маърифий ишларни бошқаришда ахборот тизимини мониторинг килиш тизимини такомиллаштириш мазмунини таҳлил қилиш ҳамда компетентлилик асосида маънавий-маърифий ишларни бошқариш жараёнини ташкил этиш учун креатив педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш зарурятини замонавий таълим тенденциялари сифатида қайд этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни» // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24-сентябр
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони// “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847 Фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. www.lex.uz
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2019 й. “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти №4059-сонли Қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz)
- 5.Азимова Н.Э. Бўлажак касб таълими ўқитувчини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси. Монография. – Т.: 2009. – 156 б.
- 6.Бегматов А. Глобаллашув, миллий маънавият ва ахборот тизимлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси жорий

архиви, 2006.

7. Жамолдинова О., Нарбаева Т. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ижтимоий лойиҳаларнинг аҳамияти. Ёшлар маънавияти ва соғлом турмуш тарзи. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Зиё, 2012. - Б.107-109.

Жўраев Н. Маънавият – инсон қалбининг сарчашмаси. - Тошкент: Маънавият, 2015. – 30 б.

8. Курбанов А.С., Мониторинг концепции инновационного развития образовательного процесса / А.С. Курбанов, А.Ф. Костенко // Инновации в Образовании. - 2007. - №40. - С. 121-129.

9. Кулакова Н.И. Мониторинг как средство повышения качества I образования в современной школе : диссертация ... кандидата педагогических Наук : 13.00.01 /Кулакова Наталья Ивановна; [Место защиты: Юж.-Ур. гос. гра-т].- Челябинск, 2008.- 188 с.

10. Краткий словарь иностранных слов. (Под редакцией И.В.Лёхина и проф. Ф.Н.Петрова. 5-переработанное и дополненное издание. Государственное издательство иностранных и национальных словарей. –М.: 1950г. -456с. стр.174

11. Кулемин Н.А., Квалиметрический мониторинг управления качеством образования: концепция, технология, модель. Ижевск. 2000.

12. Барanova B.B. Мониторинг. Управление качеством образования Стандарты и качество. - 2002. - № 9. качества образовательного процесса Образование в современной школе. - 2008. - №4. - С.3-8.



**TA'LIM ISLOHATLARIGA DAXLDORLIK TUYG'USI KELAJAKKA
ISHONCH OMILI SIFADIDA**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.025>

Shobduraximova Umriniso Toxirovna

Andijon davlat universiteti

Pedagogika fakuteti Umumiy pedagogika kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolda bugungi kundagi O'zbekiston hayotining barcha sohalari chuqur islohotlar, insonnning ma'naviy olamining yuksalishi va daxldorlik xissi fuqarolik jamiyatini qurish vazifalarini amalga oshirish usullari keng bayon qilingan.

Kalit so'zlar: daxldorlik, daxldorlik xissi, ijtimoiy makon, ijtimoiy faollik, ijtimoiy tarmoqlar; negativ munosabat, texnologiya, innovatsion tuzilmalar, ilg'or ta'lism texnologiyalari, raqamlı texnologiyalar va ta'lism platformalarini. fazilat. subyektiv fikrlar.

**ЧУВСТВО ПРИЧАСТНОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ РЕФОРМЫ КАК
ФАКТОР УВЕРЕННОСТИ В БУДУЩЕМ**

Шобдурасимова Умринисо Токсировна

Андижанский государственный университет

преподаватель кафедры общей педагогики педагогического факультета

Аннотация: В данной статье подробно описаны пути реализации задач глубоких реформ во всех сферах жизни современного Узбекистана, подъем духовного мира человека и построение чувства сопричастности гражданскому обществу.

Ключевые слова: актуальность, чувство принадлежности, социальное пространство, социальная активность, социальные сети, негативные установки, технологии, инновационные структуры, передовые технологии обучения, цифровые технологии и обучающие платформы. добродетель. субъективные мысли.

**A SENSE OF INVOLVEMENT IN EDUCATION REFORM AS A FACTOR OF
CONFIDENCE IN THE FUTURE**

Shobduraximova Umriniso Toxirovna

Andijan State University

Teacher of the Department of General Pedagogy, Faculty of Pedagogy

Abstract: This article describes in detail the ways of carrying out the tasks of deep reforms in all spheres of life in Uzbekistan today, the rise of the spiritual world of man and the building of a sense of belonging civil society.

Keywords: relevance, sense of belonging, social space, social activism, social networks, negative attitudes, technology, innovative structures, advanced learning technologies, digital technologies and learning platforms, virtue, subjective thoughts.

Jahonda tobora rivojlanib borayotgan globallashuv jarayonlari jamiyatni rivojlantirish, o'sib kelayotgan avlodda islohatlarga daxldorlikni shakllantirish ularni ijtimoiy faolikka, turli taxididlarga nisbatan doimo ogoh bo'lish, asl qadriyatlar asosida shaxs ma'naviyatini va dunyoqarashini shakllantirishni pedagogik va psixologik taxlil qilib ilmiy asoslash dolzarb maslagi aylandi.

Xalqaro tashkilotlar jumladan, ta'limga oid ko'plab tegishli shartnomalarning, jumladan, Umumjahon Inson huquqlari deklaratsiyasi, Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya, "Barcha

uchun ta'limgo'si "Butunjahon deklaratsiyasi", Butunjahon bolalar sammiti, Atrof-muhit va rivojlanish bo'yicha konferentsiya, Jahon Inson huquqlari bo'yicha konferentsiya, Maxsus ehtiyojlar bo'yicha ta'limgo'si "Butunjahon konferentsiyasi": kirish va sifat, Aholi soni va rivojlanish bo'yicha xalqaro konferentsiya, Ijtimoiy rivojlanish bo'yicha Butunjahon sammiti, Ayollar bo'yicha IV Jahon konferentsiyasi, "Hamma uchun ta'limgo'si" bo'yicha Xalqaro konsultativ forumning o'n yillik o'rtadagi yig'ilishi, Kattalar ta'limi bo'yicha xalqaro konferentsiya va bolalar mehnati bo'yicha xalqaro konferentsiya. Shanxay xamkorlik tashkiloti, BMT Xavfsizlik kengashi, dunyoning yetakchi ilmiy-tadqiqot xamda ta'limgo'si muassasalarida olib borilayotgan tadqiqotlarga daxldorlik, ogoxlik xushyorlikni oshirish massalari yetakchi o'rinni egallaydi. Ushbu masala o'nlab xalqaro tadqiqot markazlari va dunyoning yirik ilmiy – tadqiqot institutlari tomonidan muntazam izlanishlar olib borilmoqada. Bu esa o'sib kelayotgan yosh avlodni jamiyatdagi voqeya xodislarga itimoiy faol munosabatda bo'lish ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha istiqboli yo'nalishlarni amalga oshrishga bevosita bog'liqidir.

Bugungi glaballashuv jarayonida yoshlarni o'z mamlakatida bo'layotgan ta'limgo'si tizimidagi o'zgarishlar va isloxfatlarga nisbatan daxldorlik, tashabuskorlik sifatlarini shakllantirish, xamda yoshlardagi loyqadlik, beparvolik, befarqlik illatlarini oldini olish. Turli taxdidlaraga nisbatan doimo ogox bo'lish. Yoshlarni ma'naviy ongini va dunyoqarash shakllantirishni pedagogik psixologik taxsil qilib ilmiy asoslash dolzarb vazifaga aylandi. Bugungi kunda jamiyat taraqqiyoti va ravnaqi uchun har bir sohada ijtimoiy faol, tashabbuskor kadrlarni tarbiyalab voyaga yetkazib jamiyatga chiqarishga talab yanada oshmoqda. Zero yurtboshimiz Sh. Mirziyoyev takidlaganidek "Ta'limgo'si –tarbiya- bu bizning kelajagimiz, xayot-mamot masalasi. shu bois, bu sohadagi isloxfatlarni kechiktirishga xaqqimiz yo'q.

Bugun yangi O'zbekiston hayotining barcha sohalari chuqur islohotlar maydoniga aylangan. Bu jarayonda ijtimoiy sohaning asosi hisoblangan ta'limgo'si tizimidagi o'zgarishlar haqida to'lqinlanib so'zlamaslikning iloji yo'q. Mamlakatimizda so'nggi yillarda ta'limgo'si tizimining barcha bosqichlarini zamonaviy talablar asosida tashkil etish bo'yicha amaliy ishlar hal qiluvchi bosqichga kirdi. Insonning ma'naviy olamining yuksalishi va daxldorlik xissi fuqarolik jamiyatni qurish vazifalarini amalga oshirish bilan uzviy bog'liq. Fuqarolarning davlat va jamiyat boshqaruvida ishtiroki ularning ichki dunyosi va irodasini baquvvat, imon-e'tiqodini butun qilishda yorqin namoyon bo'ladi. Insonning jamiyat hayotiga munosabati, qonunlarni hurmat qilishi, adolat tamoyillariga amal qilishi, insonni qadrlashi, ularning huquq va erkinliklarini oliv qadriyat deb bilishi, halol va pok yashashi ularning yuksak ma'naviy dunyosi va daxldorlik hissining amaliy ifodasi ekanligini hisobga olish lozim. Fuqarolik jamiyatni qurilishi shu ma'noda insonning yuksak ma'naviy hamda daxldorlik hissi fazilatlari bilan uzviy bog'liq ekanligini ko'rish mumkin. Fuqarolik jamiyat – ijtimoiy makondir. U fuqarolarning davlat va jamiyat munosabatlarida aniq namoyon bo'ladi. Bugun jamiyatimiz hayotida yuz berayotgan o'zgarishlar va tub islohotlar jarayoni fuqarolik jamiyatni institutlari deya ta'riflanadigan nodavlat notijorat tashkilotlari, jamoat birlashmalaridan ham ijtimoiy faollilikni talab etmoqda. Xo'sh, ijtimoiy faollilik o'zi nima?

Ijtimoiy faollik deganda kishi qaysi kasbning egasi bo'lishidan, qanday lavozimda ishslashidan qat'iy nazar, uning jamiyat rivojiga hissa qo'shishga, zamondan ortda qolmaslikka bo'lgan harakatini tushunish mumkin. Mana shu jarayonda u o'zini shaxs va fuqaro sifatida namoyon qiladi.

Ba'zan, "ijtimoiy tarmoqlar ijtimoiy faollikni kuchaytirib yubordi", degan mazmundagi fikrlarni ham eshitamiz. Lekin ijtimoiy faollik bilan ijtimoiy tarmoqlardagi faollik o'rtasida katta farq bor. Ijtimoiy tarmoqlardan turib o'zining subyektiv fikrlarini ularшиб, kechayotgan voqeahodisalarga faqat va faqat negativ munosabat bildirib o'tirish, bu hali ijtimoiy faollik degani emas. Har qanday ijtimoiy hodisaga nimadir sabab bo'ladi, nimadir turtki beradi. Ijtimoiy faollik ham o'z-o'zidan sodir bo'ladigan jarayon emas.



O'ylaymanki, mustaqil mamlakatimizni rivojlangan davlatlar qatorida ko'rish har bir o'zbekistonlikning orzusi. Lekin bu orzu kecha yoki bugun paydo bo'lgani yo'q. Yurtdoshlarimiz qalbidagi ana shu istakning yanada ortib, yangi O'zbekistonni barpo etishga bo'lgan ishtiyoqning kuchayishiga, aytib o'tganimiz – ijtimoiy faollikning ortishiga, shubhasiz, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev boshlab bergen shiddatli demokratik islohotlar turtki berdi.

Bugun O'zbekiston milliy tiklanishdan milliy yuksalish tomon qadam tashladi. Masmum-mohiyatiga ko'ra, insonlarni hayotdan rozi qilishga, taraqqiyot va farovonlikka qaratilgan islohotlarning samarali amalga oshishini kim istamaydi? Kim bunday jarayondan chetda qolishni istaydi? O'ylaymanki, hech kim. Islohotlarga, o'zgarishlarga daxldorlik hissi shaxsni ijtimoiy faol bo'lishga undaydi.

Mana, o'tgan vaqt ichida davlat idoralari faoliyatining ochiqligi, samaradorligi, jamiyat oldidagi hisobdorligi va boshqa ko'plab yo'nalishlarda erishilayotgan ijobiy ko'rsatkichlar, hatto xorijda ham e'tirof etilmoqda.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek: "Farzandlarimiz maktabdan qanchalik bilimli bo'lib chiqsa, yuqori texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot tarmoqlari shuncha tez rivojlanadi, ko'plab ijtimoiy muammolarni echish imkonи tug'iladi. Shunday ekan, Yangi O'zbekiston ostonasi maktabdan boshlanadi desam, o'ylaymanki, butun xalqimiz bu fikrni qo'llab-quvvatlaydi".

Ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy qismini, albatta, oliv ta'lim tizimidagi islohotlar tashkil etadi. Xususan, O'zbekiston Respublikasida oliv ta'limni tizimi isloq qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliv ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida davlatimiz rahbarining 2019 yil 8 oktyabrdagi farmoni bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi oliv ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Kontseptsiysi sohadagi yangi islohotlar uchun debocha vazifasini bajarib bermoqda. Ushbu hujjatga intellektual taraqqiyotni jadallashtirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish hamda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash maqsadida fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish singari vazifalar asos qilib olindi. Kontseptsiya mazmuni mamlakatimiz oliv ta'lim tizimini isloq qilishning ustuvor yo'nalishlarini aks ettiradi. Unda oliv o'quv yurtlarida qamrov darajasini kengaytirish hamda ta'lim sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta'lim platformalarini joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, innovatsion tuzilmalarni shakllantirish, ilmiy tadqiqotlar natijalarini tijoratlashtirish, xalqaro e'tirofga erishish hamda boshqa ko'plab aniq yo'nalishlar belgilab berilgan. Bularning barchasi ta'lim jarayonini yangi sifat bosqichiga ko'tarish uchun xizmat qiladi.

Yoshlarda ta'lim islohatlariga daxldorlik fazilatini rivojlantirishda quydagilarni quydagilarni amalga oshirishni tavsiya etamiz.

- ta'lim tizimidagi islohatlaraga daxldorlik shakllantirishga, bilimlarini takomillashtirishga amalyotda qo'llashga yo'naltirilgan pedagogik texnologiya usulida oolib berish.

- daxldorlik sifatlarini shakillanishiga salbiy ta'sir etadigan loyqaydlik, befarqlik illatlarini oldini olishga qaratilgan profilaktik metodikani joriy qilish

- yoshlarda yurtimizda olib borilayotagan ta'lim tizimidagi o'zgarish va yangilanishlarga nisbatan daxldorlik va tashbuskorlik fazilatini shakllantirishga qaratilgan pedagogik mexanizmlarni joriy qilish.

Xulosa o'rniда shuni aytish mumkinki ertangi kun egalari bo'limish yoshlarimizda ta'lim isloxatlariga daxldorlik xissini shakllantira olsakgina, yoshlarimizda loyqaydlik, beparvolik illatlarini oldini olishga xarakat qilgan bo'lamic. Bir so'z bilan aytganda ta'lim sohasidagi islohotlarning maqsadi - mamlakatda ta'lim sifatini oshirish. Ta'lim islohoti, ta'lim va ta'lim siyosatida asosiy so'zlar bo'lgan ijtimoiy ishlab chiqarish va davlat tomonidan tartibga

solist masalalarini o’z ichiga oladi. Ushbu islohotlar har doim mamlakatlarning siyosiy kun tartibida bo’lib, xalqaro organizmlarni o’z ichiga oladi, chunki ta’lim ijtimoiy taraqqiyot uchun rivojlanish vositasi xisoblanadi. Ta’lim sohasidagi bugungi kamchiliklarning bartaraf etilishi, xalqaro me’yor va qoidalarning tezroq qabul qilinishi hamda jahon standartlariga asoslangan milliy ta’lim klassifikatsiyasi standarti va milliy kasblar klassifikatsiyasi standarti yaratilishi yangi O’zbekistonning xalqaro ta’lim hamjamiyatiga integratsiyalashuviga va malakali kadrlar tayyorlash sifatini oshirishga olib keladi.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. Sh.M.Mirziyoyev “Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birligida barpo etamiz”, Toshkent “O’zbekiston”-2016.
2. Sh.M.Mirziyoyev “Buyuk kelajagimizdi mard va oliy janob xalqimiz bilan birga duramiz”, Toshkent “O’zbekiston”-2017.
3. Sh.M.Mirziyoyev “Taqnidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bolishi kerak”, Toshkent-2017.
4. O’zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda yanada rivojlantiruvchi Harakatlar Strategiyasi 2017-y 7-fevral
5. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga murojatnomasi 2020-y.
6. Baer, M. va Frese, M. (2000). Tashabbus va psixologik xavfsizlik, jarayon innovatsiyasi va qat’iy ishslash.
7. Bandura, A. (1977). O’z-o’zini samaradorligi: nazoratni amalga oshirish. Nyu-York
8. Bandura, A. (1986). Fikr va harakatning ijtimoiy asoslari. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall.
9. Bandura, A. (1997). O’z-o’zini samaradorligi: nazoratni amalga oshirish. Nyu-York: Friman.
10. Beytmen, T. S. va Krant, J. M. (1993). Tashkiliy xulq-atvorning faol komponenti. Tashkiliy xatti-harakatlar jurnali, 14, 103–118.



“ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР” НИМА ВА У БИЗГА НЕГА КЕРАК?

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.024>

Мухлисов Содикжон Saidjonovich,

Ўқув – услугий бошқарма бошлиги ўринбосари, Бухоро давлат университети,

Аннотация. Мақолада бугунги кунда бутун дунёда экологик софлик ва экологияни муҳофаза қилиши, атроф-муҳит соғлигини тиклашга йўналтирилган технологиялардан бири бўлган “яшил технологиялар” ва улардан фойдаланиши маданиятини шакллантиришини мактабдан боилаш ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, мақолада яшил технологияларга бўлган эҳтиёж, уларнинг қўлланиши соҳалари хусусида ҳам фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: экология, яшил технологиялар, LED ёритгичлар, умумий ўрта таълим мактаблари.

WHAT ARE GREEN TECHNOLOGIES AND WHY DO WE NEED THEM?

Sodikjon Saidjonovich Mukhlisov,

Deputy Head of the Educational and Methodological Department of the Bukhara State University

Abstract. The article discusses the need to begin the formation of «green technologies» and their use in secondary schools, which today is one of the technologies aimed at protecting environmental cleanliness and ecology, restoring environmental cleanliness around the world. The article also discusses the need for green technologies and their areas of application.

Keywords: ecology, green technologies, LED lighting, secondary schools.

ЧТО ТАКОЕ ЗЕЛЕНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ЗАЧЕМ ОНИ НАМ НУЖНЫ?

Мухлисов Содикжон Saidjonovich,

Заместитель заведующего учебно-методическим отделом Бухарского государственного университета

Аннотация. В статье рассматривается необходимость начать формирование культуры «зеленых технологий» и их использования в общеобразовательных школах, что на сегодняшний день является одной из технологий, направленных на защиту экологической чистоты и экологии, восстановление экологической чистоты во всем мире. Также в статье рассматривается необходимость зеленых технологий и области их применения.

Ключевые слова: экология, зеленые технологии, светодиодное освещение, общеобразовательные школы.

Кириш. Жаҳон миқёсида мактаб ўқувчилари учун жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборотресурсларидан кенг фойдаланиш, яшил технологияларни кенг қўллаш, ўқувчиларда яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDG – Sustainable Development Goals) да барқарор энергия манбалари, табиатни асрар, фойдали технологияларни жорий этиш долзарб вазифа сифатида белгиланган [1]. Бунда инновацион технологиилар қаторидан ўрин олган яшил технологияларни ўзлаштиришнинг педагогик, психологик ва методик хусусиятларини ўрганиш билан бирга рақамли технологиялардан фойдаланиш масалалари етакчилик қилмоқда. Атроф-муҳитни тоза сақлаган ҳолда жамият ва инсониятни ривожлантириш воситаси сифатида яшил технологиялар ўқувчиларини ҳаётга тайёрлаш таълимни самарали ташкил қилиш учун ўқувчиларни яшил технологиялар самарали жорий этила бошлаган ҳаётга адаптацияси ҳамда мактаб ҳаётидан бевосита ишлаб чиқариш жараёнига ўтиш ва бу жараёнда зарурый маҳсус ва метакомпетенцияларни

эгаллаши бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига киради. Бу эса, замонавий яшил технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда келгусида ҳолда ўқувчини реал ҳаётда мавжуд бўлган яшил ва смарт технологиялари билан ишлашга қизиқиш, Барқарор Ривожланиш Мақсадларига мувофиқ ҳолда шахсий мақсадларини аниқ белгилаш, қўйилган вазифаларни бажариш орқали дарс ва ҳаёт ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш вазифасини белгилаб бермоқда.

Материаллар ва методлар. Таълим тизимида яшил технологиялар, уларнинг дунё тараққиётидаги ўрни, соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг касбий билимларини ошириш муаммолари бўйича ҳамдўстлик ва хориж мамлакатларида бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган. М.П.Чубик [2], Я. Хосни [3], Б.Нонес ва Д. Беннетт [4, 5], С.Дувинг [6] лар яшил технологиялар ва уларни қўллаш маданиятини шакллантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Аммо Ўзбекистонда яшил технологиялар, жумладан, мазкур технологияларни самарали қўллаш юзасидан педагогик нуқтаи назардан умумтаълим мактаблари информатика фанида яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш борасида тадқиқот олиб борилмаган.

Таҳлил ва муҳокама. Дунёда яшил технологияларнинг шахс ижтимоий-психологик, коммуникатив, технологик ривожланишига таъсирини, ўқувчиларнинг чукур билим олишини таъминлаш, яшил технологияларни ижтимоий, педагогик ва психологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, яшил технологияларга асосланган инновацион-креатив фаолиятнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқишига доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларга “Яшил технологиялар Консоциуми”, “Ахборот – барча учун!” ЮНЕСКО конференциялари, “Глобал Тинчлик Саммит”ларида эътибор қаратилган. Таълим муассасаларида яшилни таълим ва технология интеграцияси асосида ривожлантириш фаолиятини йўлга қўйиш, билимларни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали информатика бўйича билимларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизими, таълимда инновацион, педагогик технологиялар ва новациялар соҳаларида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқди. Мазкур жараён ўқувчиларнинг яшил технологияларга адаптацияси ва билими даражасини ошириш, яшил технологияларнинг булатли хизматлардан фойдаланиш, самарали энергия манбаларидан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини излаб топиш, экологияни асраш, чиқиндиларни қайта ишлаш, экологияга заарсиз хомашёлардан фойдаланиш шаклида яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятини ривожлантирувчи таълим ва ҳаётни ўзаро уйғунлаштиришга доир тадқиқот олиб бориш зарурати мавжудлигини кўрсатди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда: “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш” каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятининг педагогик-психологик имкониятлари ҳолатини таҳлил этиш, хорижий тажрибалар асосида яшил технологиядан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш, яшил технологияларнинг таълимга интеграцияси орқали педагогик имкониятларини кенгайтириш технологиясини такомиллаштиришни тақозо қиласди.

Яшил технологиялар номидаги «яшил» сўзда кўриниб турганидек, барқарорлик учун жавобгар технологияларни назарда тутади. Яшил технологиялар жуда кенг турдаги технологияларни қамраб олади ва асосан яшил энергия - атроф-муҳитга қисқа ва узок муддатли таъсирларни хисобга оладиган барқарор инновацияларга қаратилган.

Яшил технологияга оддий мисоли сифатида LED (светодиод) ёритгичларни кўрсатиши мумкин. Бу турдаги ёритгичлар орқали Аккор лампалардан қочиб, энергиядан фойдаланиш самарадорликни сезиларли даражада ошириш мумкин. LED ёритгичлар анъанавий аккор лампаларга қараганда анча кам энергия сарфлайди. Бундан ташқари, LED ёритгичлар фақатгина визуал воситалар бўлмай, бошқа соҳаларда ҳам жуда муҳимдир. Масалан,



хозирда вертикал дәхқончиликда бу турдаги ёритгичлар самарага қўлланилмоқда киритилди ва ҳатто безгакка қарши курашда ҳам ишлатилмоқда. Смарт LED ёритгичлар смарт-шаҳарлар қуришда, смарт-үйларни қуришда кулай фойдаланилади.

Яна бир мисол оқава сувларни тозалаш. Бу соҳада технологик ишланмалар кам, аммо мавжудлари ҳам жуда муҳим. Бу турдаги асосий ишланмаларга мембраналарни фильтрлаш, микробиал ёнилғи хужайралари, нанотехнология, сув-ботқоқ эрлари каби биологик ва табиий тозалаш тизимларини ишлаб чиқиши кабилар киради. Бу жараёнларнинг барчаси сувни ичишга яроқли ҳолга келтириш ёки денгиз ва дарёларга ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг сезиларли даражада камайтириш учун ишлатилади.

Саноат чиқиндиларини йўқ қилиш. Чиқиндиларни йўқ қилиш ишларини бошқариш бўйича мутахассисларнинг фикрича, фабрикаларда ҳавони ифлослантирувчи моддаларни бошқариш иссиқхона (парник) эфектини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Метан ва карбонат ангидрид атроф-муҳит учун зарарли моддалар ҳисобланади. Кимё, нефть-кимё, фармацевтика, автомобилсозлик каби саноат корхоналари атроф-муҳитга жиддий зарар етказмаслик учун улардан чиқиндиларини мақбул усуlda йўқ қилиш лозим.

Аммо хозирча мазкур самараги технологияларни тўғри қўллаш маданияти оксамоқда ҳамда умумий ўрта таълимдан бошлаб бу масалани ижобий ҳал этиш кун тартибида турибди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактаблари информатика дарсларида яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятини ривожлантиришга асосланган:

- педагогик-психологик фаолият ва жараённинг моҳиятини ёритувчи таянч тушунчаларга таъриф бериш асосида педагогика назарияси бойитиш;
- инсоннинг шаклланиши ҳамда ижтимоийлашувига таъсир қилувчи омиллар (ирсият, атроф-муҳит, тарбия, фаолият) га яшил технологияларнинг сингдирилиши;
- пандемия шароитида ўкувчиларнинг таълимга нисбатан мотивациясини шакллантириш ҳамда мактаб ва ҳаёт ўртасида юзага келувчи номутаносиблик, ресурслардан тўғри фойдалана олмаслик, экологияни асраш билан боғлиқ муаммолар, чиқиндиларни қайта ишлашдаги камчиликлар, булути хизматлардан тўғри фойдаланишдаги муаммолар кабиларни бартараф этишда яшил технологиялардан фойдаланиш маданиятига доир илмий-технologик таъминот яратилиб, методик ишланмалар тайёрланиши максадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. SDG – Sustainable Development Goals, Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development, <https://sdgs.un.org/goals>.
2. Чубик М. П. Введение в экологию человека: учебное пособие. – Томск: Изд-во ТПУ, 2006. – 147 с.
3. Зеленые технологии: что мы о них знаем? / Я. Хосни [и др.] // Инновации. - 2009. - № 3. - С. 3-9.
4. Nunes, B., & Bennett, D. (2009). Green technologies in the automotive industry. In H. Sherif (Ed.), Management of green technology (pp. 7-8). Industry Committee of the International Association for Management of Technology.
5. Nunes B, Emrouznejad A, Bennett D and Pretorius L (2018) «Towards Sustainable Technologies and Innovation», Proceedings of 27th Annual Conference of the International Association for Management of Technology, Aston Business School / IAMOT, Birmingham, UK. <https://www2.aston.ac.uk/aston-business-school/iamot2018/proceedings>
6. Дувинг, С. «Зеленые» технологии - новые возможности [Электронный ресурс] / С. Дувинг // ЮНИДО в России. - № 40. - Режим доступа: http://www.unido-russia.ru/archive/num10/art10_16/

ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИГА ФОЯ ТАНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.023>

*Сапарниязов Сансызбай Кадирниязович,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали
ассистенти*

Аннотация. Мақолада тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оммавий спорт тадбирларини ташкиллаштиришида аҳамиятли бўлган гояларни танлаш хусусида сўз юритилган. Шунингдек, талабаларни жисмоний тайёргарлигини оширишида оммавий спорт тадбирларининг ўрни алоҳида таъкидланган. Мақолада ташкил этилиши мумкин бўлган тадбирлар учун гоялар муҳакама қилинган.

Калим сўзлар: оммавий спорт тадбирлари, гоя, ташкилий тадбир, режиссер.

THE IMPORTANCE OF CHOOSING AN IDEA FOR PUBLIC SPORTS EVENTS

*Saparniyazov Sansyzbay Kadirniyazovich,
Assistant of the Nukus branch of the Uzbek State University of Physical Culture and
Sports*

Abstract. The article discusses the choice of ideas that are important in the organization of mass sports events of educational significance. The role of mass sports events in improving the physical fitness of students was also emphasized. The article discusses the ideas of events that can be organized.

Keywords: mass sports events, idea, organizational event, director.

ВАЖНОСТЬ ВЫБОРА ИДЕИ ДЛЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ СПОРТИВНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

*Сапарниязов Сансызбай Кадирниязович,
Ассистент Нукусского филиала Узбекского государственного университета
физической культуры и спорта*

Аннотация. В статье рассматривается выбор идей, важных при организации массовых спортивных мероприятий воспитательного значения. Также была подчеркнута роль массовых спортивных мероприятий в повышении физической подготовленности студентов. В статье рассматриваются идеи мероприятий, которые можно организовать.

Ключевые слова: спортивно-массовые мероприятия, идея, организационное мероприятие, режиссер.

Кириш. Исталган тадбирни ташкил этиш тадбир ғоясини аниқлашдан бошланади. Спорт ва оммавий тадбирларда бош гояни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Фоя аниқлангандан кейингина қўшимча деталларга ойлинлик киритилади, тадбир сценарийси ёзилади. Фоя — инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва оламларни мақсад сари етаклайлиган фикр. Унда оламни билиш ва амалий ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади. Фалсафа тарихида фоя турли маъноларда қўлланган. Форобий «фозил жамият», Навоий «адолатли жамият» гояларини илгари сурғанлар. XVII-XVIII асрларда фоя тушунчаси билиш назарияси билан боғлаб изоҳланган. Шу асосда гояларнинг келиб чиқиши, билишнинг турли даражалари шакллари билан алокаси, умуман билиш жараённида тутган ўрни масалалари таҳлил қилинган. Янги даврда Кант Фояларни «акл тушунчалари» сифатида асослашга ҳаракат қилган. Фихте фикрича, фоя «мен» нинг мақсадидан иборат. Гегел фалсафасида фоя тараққиёт жараёнини



ўзида тўла гавдалантирадиган моҳият сифатида талқин этилган» [1].

Материаллар ва методлар. Мақолада ҳужжатлар билан ишлаш, илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сұхбат каби илмий тадқикот методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва муҳокама. Фоя - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч. Фоя – ният, режа маъноларини ҳам англатади. У маълум бир фикрнинг ҳиссият билан бўрттирилишидир. Бадиий образ – тўқима бўлиб, ижодкор томонидан яратилади. Бадиий тўқиманинг ўлчови ҳаётий ҳақиқатга мос келиш ё келмаслиги билан ўлчанади. Натижада бадиий тўқима ғоя билан бирлашиб бир мақсадга йўналган тушунчани келтириб чиқаради.

Тажриба натижалари ғояда умумлашади ва шу маънода билим шаклига айланади. ғоя нарса ва ҳодисаларнинг фақат мавжуд хусусиятларини эмас, балки уларнинг ривожланиш тенденцияларини, келажакдаги ҳолатларини ҳам ифода этади. Шу нуктаи назардан қараганда, ғоя амалиётга жорий қўйса бўладиган билимдан иборат. Демак, ғоя билиш ва амалий фаолият ўртасида фаол боғловчи ҳисобланади ва у барча янги нарсаларни яратишнинг асосидир.

Ғоялар ҳар доим ҳам фақат яхшиликка эзгуликка ҳамда юксакликка етаклайвермайди.

Ғоя ижобий ёки салбий рол ўйнаши мумкин.

Фанда эса ғоя мавжуд билимларни синтез қилиш, умумлаштириш ва қатъий тартибга солиши воситаси бўлиб хизмат қиласи. Бу, аввало, ҳар қандай тахминлар, тамойиллар ва тасаввурларни бирлаштириб, яхлит тизим ҳолига келтиради ва кашф этилаётган қонунлар, илмий назарияларнинг ўзагини ташкил этади.

Илмий адабиётларда «ғоя», «мағкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ Farb давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юонон тилидаги идеа сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва «тушунча» ёхуд «фикр» маъносини англатади.

Идеология (Идеа — ғоя, тушунча, логика — таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

- Ғояларнинг моҳият-мазмуни шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади.

«Инсон тафаккури воқеликни идрок этиши мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуктаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Тафаккурнинг маҳсулси сифатида ғоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм – фан, дин, фалсафа, санъат ва спорт, бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ – муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиши мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин.

- Илмий ғоялар;
- Фалсафий ғоялар;
- Диний ғоялар;
- Бадиий ғоялар;
- Ижтимоий – сиёсий ғоялар;
- Миллий ғоялар;
- Умуминсоний ғоялар ва ҳоказо» [2].

Хозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, фикри тиник, мағкураси ҳаётий бўлса – ўша ғалаба қозонади.

Ғояни яна янги фикр, қайсиdir йўналиш бўйича аввал бўлмаган ва бўлғанларидан ўзгача янги топилма десак ҳам бўлади. Ғоянинг воқеликка яъни, сиз ташкил этаётган ёки режиссёрлик қилаётган спорт тадбирига мос келиши муҳимдир.

Туман, шаҳар, вилоят ҳамда Республика миқиёсидаги катта ҳажмли оммавий спорт

тадбирлари, мусобақалар ва байрамлар орқали илгари сурилаётган ғояни режиссёр, тадбирнинг ҳар бир номерида, чиқиши парадларида, бошловчиларнинг сўзларида-шерларида, рассомлар ишида, фон мусиқаларию қўшикларда, рақсларда, дикорациялар, жонли фонларда, иштирокчилар чиқишиларида, рангли чирокларда, катта мониторларда ва ҳаттоқи сўнгги кульминацион нуқта пиротехника мушакбозликларида ҳам ўз аксини, кўринишими топган бўлиши керак.

Асосий мақсад томошабинларни сиз даъват қилаётган ғояга ишонтириш ва натижага эришиш. Яъни томошабин ақлига таяниб ўз хоҳиш иродаси орқали спорт билан шугулланиши, бадан тарбия қилиши ҳамда ўзи ва оиласи соғлиги ҳақида қайғуриши лозим. Ташкилотчилар тадбирнинг кетма-кетликдаги бадиий чиқишилари, театрлаштирилган томошалари, қўшиклару рақслари, кутилмаган ҳайратланарли воқеалари орқали ғояни тарғиб этиш, кишиларни шу ғоянинг тўғри, хаётий ва илғор эканлигига ишонтиришни ўз олдига мақсад қилиб олиш керак.

Хулоса. Оммавий спорт тадбирларининг ғоялари ҳам халкнинг шукроналик, тутувлик, меҳр оқибат, меҳнатсеварлик, самиймийлик, Ватанни севиш, саҳоватпешалик, санъатга ва спортга бўлган муҳаббат, китобга ҳамда илм олишга бўлган интилиш, келажакка бўлган умид ва ўз мақсадларини руёбга чиқарувчи кучни, ишончни ўзида ифода этади, жамият аъзоларини шу мақсад атрофида жипслаштиради. Буларга оммавий тарзда ўтказиладиган байрамлар, тадбирлар, спорт мусобақалари ва ўйинлари орқали самарали эришишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма). Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент, 2013.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 4-бет



НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧАЕМЫХ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СТРУКТУРАХ НОВОГО ТИПА

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.022>

Фазылова Зумрад Ахмадовна,

Навоийский государственный педагогический институт, Узбекистан

Аннотация: в данной статье автор предлагает организовать в образовательных средних и средних специальных учреждениях школы технического творчества, школы творческой личности для активизации познавательной деятельности учащихся. Также рассматривается вопрос о том, чтобы учебно-воспитательный процесс превратить в учебно-исследовательский. Для решения этой проблемы автор обращает внимание читателей к построению схемы целей, которое объединяет функционально-содержательный и функционально-структурный принцип системного подхода.

Ключевые слова: научно-практическая деятельность, эргономико-эвристической, энергетико-экономической, экологово-экономической, экологической, эвристической, ТРИЗ-педагогика, гипермедиа, одорофон

Annotatsiya: mazkur maqolada muallifo 'quvchilarning bilimfaolligini oshirish uchun o'rta va o'rta maxsus ta'lif muassasalarida texnik ijod maktablari, ijodiy shaxs maktablarini tashkil etishni taklif qiladi. Ta'lif jarayonini o'quv va ilmiy tadqiqot jarayoniga aylantirish masalasi ham ko'rib chiqilmoqda. Ushbu muammoni hal qilish uchun muallif tizimli yondashuvning funktsional-mazmun va funktsional-tarkibiy tamoyilini birlashtirgan maqsadlar sxemasini qurishga e'tibor qaratadi.

Kalit so'zlar: ilmiy va amaliy faoliyat, ergonomika va evristika, energetika va iqtisodiyot, ekologik va iqtisodiy, ekologik, evristik, TRIZ pedagogikasi, gipermedia, odorofon.

Аннотация: мазкур мақолада муаллиф ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириши учун техник ижод мактабларини, ўрта ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ижодий шахс мактабларини ташкил этишини тақлиф қиласди. Таълим-тарбия жараёнини ўқув-тадқиқот жараёнига айлантириши масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиши учун муаллиф тизим ёндашувилик функционал-мазмуни ва функционал-таркибий принципини бирлаштирган мақсадлар схемасини қуришига еътибор қаратади.

Калим сўзлар: илмий ва амалий фаолият, өргономико-евристик, енергетик-иқтисодий, экологик-иқтисодий, экологик, евристик, ТРИЗ-педагогика, гипермедиа, одорофон

Annotation: in this article, the author proposes to organize schools of technical creativity, schools of creative personality in educational secondary and secondary specialized institutions to enhance the cognitive activity of students. The question of how to turn the learning process into teaching and research is also being considered. To solve this problem, the author draws the attention of readers to the construction of a scheme of goals, which combines the functional-content and functional-structural principle of the system approach.

Key words: scientific and practical activities, ergonomics and heuristics, energy and economics, ecological and economic, environmental, heuristic, TRIZ pedagogy, hypermedia, odor phone.

В последние годы возникло много образовательных заведений нового типа: гимназий, специализированных школ, колледжей, лицеев, техникумов и др. При школах можно организовать школы технического творчества, школы творческой личности, малые Академии наук. Одним из эффективных способов активизации познавательной деятельности учащихся, а также непрерывного процесса формирования творческой личности будущего специалиста является научно-практическая деятельность (НПД) на различных этапах обучения.

Руководители НПД, осуществляющие организацию этой деятельности, испытывают различного рода затруднения, обусловленные нечетким осознанием концепций, принципов,

функций, целей, методов и структур, приемлемых для тех или иных образовательных структур. В связи с этим представляется целесообразным рассмотреть различные аспекты активизации НПД в упомянутых учебных заведениях. Для решения этой проблемы следует обратиться к построению дерева целей, которое объединяет функционально-содержательный и функционально-структурный принцип системного подхода.

Следует также при организации НПД стремится, чтобы учебно-воспитательный процесс превратился в учебно-исследовательский. При этом важно, чтобы учащиеся работали не над учебными заявками на изобретения, а над реальными изобретениями.

Дерево целей активизации НПД. Генеральной целью (Уровень 0) или концепцией является активизация НПД. Целями первого рангового уровня (уровень А) являются следующие: А1-А3 – принципы; А4 – функции; А6–методы; А7 – структуры. Ниже дается интерпретация целей уровня А, а также различных подцелей уровня В (второго рангового уровня).

Уровень А

А1 – Методологическая деятельность организаторов исследований.

А2 – Организационная деятельность.

А3 – Методическая деятельность.

А4 – Критерии оценки научно-практической деятельности.

А5 – Формы научно-практической деятельности.

А6 – Этапы НПД.

А7 – Методы обучения НПД.

А8 – Способы поддержания работоспособности.

А9 – Средства обучения НПД.

Уровень В

Подцель А1

А1В1 – Применение системного подхода к организации методологической деятельности педагога.

А1В2–Реализация функционально-содержательного принципа системного подхода (разработка дерева целей, включающего учебно-информационные блоки-модули).

А1В3 – Реализация функционально-структурного принципа системного подхода (построение для каждого принципа триады: функция (цель) – метод – структура).

А1В4–Использование концепции «бЭ» (энергетика, экология, экономика, эргономика, эвристика, этика).

А1В5 – Внедрение в учебный процесс новых отраслей педагогики, основанный на концепции «бЭ» (эргономико-эвристической, энергетико-экономической, эколого-экономической, экологической, эвристической-ТРИЗ-педагогики и др.) [1,38]

А1В6 – Разработка иерархии основных научных и технических терминов (принцип-метод-система-модуль-блок-узел-деталь).

Подцель А2

А2В1 – Введение в расписание занятий часов для проведения научно-практической деятельности.

А2В2 – Организация школ-семинаров, школ творческой личности.

А2В3 – Организация секций малой Академии наук, филиалов учебно-научно-производственных структур.

А2В4 – Организация и проведение факультативных занятий НПД.

А2В5–Создание в образовательных структурах кружков научно-технического творчества, рационализаторов, изобретателей и проектировщиков.

А2В6 – Организация школьных Олимпиад по актуальным проблемам науки и техники.

А2В7 – Определение уровней НПД для учащихся различных классов.

Подцель А3

А3В1 – Организация подготовки педагогов для проведения НПД.

А3В2 – Обучение преподавателей основам новых отраслей педагогики, в частности, ТРИЗ-педагогики.



A3B3 – Обучение преподавателей школ, гимназий и колледжей основам дидактики и технологий обучения.

A3B4 – Издание методических рекомендаций, учебных пособий и учебников в области НПД учащихся.

A3B5 – Использование передового опыта (зарубежных) образовательных структур, в которых эффективно проводится НПД обучаемых.

A3B6 – Организация консультаций известных ученых, профессоров вузов и руководителей научно-производственных учреждений.

Подцель A4

A4B1 – Оценка актуальности научно-практических исследований.

A4B2 – Оценка новизны и полезности исследований.

A4B3 – Постановка проблемы исследований [2].

A4B4 – Выдвижение идей решения проблемы, возникновение гипотез.

A4B5 – Формулирование гипотез, обоснование рабочих гипотез, выбор научной гипотезы.

A4B6 – Выбор функциональной и структурной схемы объекта исследований.

A4B7 – Формулировка и описание метода (способа) достижения идеального конечного результата.

A4B8 – Оценка результативности исследований.

A4B9 – Оценка практической значимости исследований.

A4B10 – Определение эффективности исследований.

Подцель A5

A5B1 – Диагностирующий контроль целенаправленного анализа способностей обучаемых.

A5B2 – Проведение психолого-педагогического эксперимента и исследовательской беседы с обучаемыми.

A5B3 – Формирование банка данных о молодежи, склонных к НПД.

A5B4 – Заключение договора-соглашения о совместной НПД между вузом (или физическим лицом) и средними образовательными заведениями.

A5B5 – Согласование с администрацией образовательной структуры прав и обязанностей научного руководителя.

A5B6 – Выбор учащимися проблем и тем научно-исследовательской работы, организация библиографического и патентного поиска аналогов и прототипов.

A5B7 – Составление учебной рабочей программы и тематического плана занятий.

A5B8 – Определение сроков конкурсной защиты научно-практических работ.

Подцель A6

A6B1 – Проведение проблемных лекций (уроков), лекций-дискуссий, лекций-экскурсий.

A6B2 – Проведение игровых практических занятий.

A6B3 – Проведение научных семинаров.

A6B4 – Проведение лабораторных работ по тематике НПД.

A6B5 – Использование эвристических методов обучения (ТРИЗ-педагогики): проведение мозгового штурма, синектических заседаний, использование метода фокальных объектов и др.

A6B6 – Применение поискового проектирования с использованием ИКТ.

Подцель A7

A7B1 – Разработка учебников и учебных пособий по проведения НПД.

A7B2 – Использование в учебном процессе специализированных тренажеров на базе компьютерных средств.

A7B3 – Использование мульти- и гипермедиа.

A7B4 – Использование в учебном процессе электронных учебных тетрадей по тематике НПД.

A7B5 – Применение компьютерных информационных технологий.



А7В6–Применение специального оборудования для управления психофизиологическим состоянием обучаемых (система смены освещения, цветомузыкальные установки, одорофон (система для передачи запахов на расстояние) и др.

А7В7 – Использование в учебном процессе компьютеризированных комплексных экранных пособий.

А7В8 – Использование текстовых и графических процессоров, систем управления базами данных, табличных процессоров.

Таким образом, для успешного проведения в образовательных структурах нового типа научно-практической деятельности необходимо реализовать приведенные в древе целей принципы, функции, методы и структуры. Особое внимание следует обратить на общедидактический уровень подготовленности научных руководителей НПД, а также на эффективность организации учебно-исследовательского характера деятельности обучаемых. Успешному обучению будут способствовать новые технологии, которые основываются на использовании таких отраслей педагогики как эргономико-эвристическая, энергетико-экономическая, эколого-экономическая, ТРИЗ-педагогика и др. [1, 53] Эмоциональное изложение материала, использование современных дидактических и технических средств обучения будет создавать предпосылки формирования знаний, умений и навыков, а также привития ориентированной основы будущей профессиональной деятельности.

Для поддержания работоспособности обучаемых целесообразно организовать рациональное чередование труда и отдыха, а также создавать атмосферу взаимного доверия, демократичности и «интеллектуальной» дружбы руководителя и обучающегося.

Литература

1. Маригидов В.К., Слабоданюк А.А. Эргономико-эвристический подход к вузовской педагогике. Учебное пособие для вузов. – Севастополь: 2008.- 171с.
2. Маригидов В.К., Слабоданюк А.А., Стамировски Е. Научные исследования в педагогике. Ж. «Специалист» -2009. С. 23-26.



**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАТБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МАЗМУНИ ВА
САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.021>

Эгамназаров Мурод Юсупович,
Жиззах давлат педагогика институти
мустақил изланувчиси

Аннотация: илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишида тажриба синов ишларини ташкил қилиши ва уни ўтказиш мухимдир. Тажриба-синов ишлари илмий-педагогик тадқиқотларнинг ажралмас қисми бўлиб, у соҳага оид ҳар қандай изланишилар натижаларининг ҳаққонийлиги, амалий аҳамияти ҳамда татбиқийлигини тасдиқлашнинг бош мезони ҳисобланади. Мазкур мақолада шахсга йўналтирилган таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиши бўйича ташкил этилган педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ёритилган.

Калим сўзлар: шахсга йўналтирилган таълим, педагогик эксперимент, меъзон, коммуникатив қобилиятларнинг ривожланганлик дараҷалари.

**СОДЕРЖАНИЕ И УРОВЕНЬ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
РАБОТЫ ПО ПРИМЕНЕНИЮ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

Эгамназаров Мурод Юсупович,
самостоятельный соискатель, Джиззакского государственного педагогического
института

Аннотация: при выполнении научно-исследовательской работы очень важно организовать и провести опытно-экспериментальную работу. Экспериментальная работа является составной частью научно-педагогического исследования, что является главным критерием подтверждения обоснованности, практической значимости и применимости результатов любого исследования в данной области. В данной статье описано содержание педагогических экспериментов по внедрению личностно-ориентированных образовательных технологий в образовательный процесс..

Ключевые слова: личностно-ориентированное образование, педагогический эксперимент, критерии, уровни развития коммуникативных способностей.

**CONTENT AND LEVEL OF EFFICIENCY OF EXPERIMENTAL WORK ON
THE APPLICATION OF PERSONALITY-ORIENTED TECHNOLOGIES**

Egamnazarov Murod Yusupovich,
the applicant Jizzakh State Pedagogical Institute

Abstract: when performing research work, it is very important to organize and conduct experimental work. Experimental work is an integral part of scientific and pedagogical research, which is the main criterion for confirming the validity, practical significance and applicability of the results of any research in this field. This article describes the content of pedagogical experiments on the introduction of personality-oriented educational technologies in the educational process.

Key words: personality-oriented education, pedagogical experiment, criteria, levels of development of communicative abilities.

Кириш. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди. Зоро Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “таълим-

Xatolarni tuzatish - bu o'yinchining murabbiy rahbarligi ostida o'z kamchiliklarini bartaraf etish uchun amalga oshirgan ishi. Murabbiyning maqsadi xatonini payqash va o'yinchiga uni qanday tuzatish kerakligini tushuntirishdir. Mashqlarni takrorlash to'g'ri ko'nikmalarini egallashga yordam beradi. Misol uchun, agar blokirovka qiluvchi o'yinchi doimo oldinga sakrab chiqsa, u devor yaqinida mashq qilish kerak, asta-sekin surish chizig'ini devorga o'tkazishi kerak. Sakrashni o'zlashtirish darslarning asosiy va tayyorgarlik qismlariga kiritilgan. Himoyachi

hujumga doim tayyor turishi kerak.

To'g'ri ushlab turilgan yiqilish o'yinchi tezda o'rnidan turishi mumkin bo'lgan qulay boshlang'ich pozitsiyasiga olib kelishi kerak. Eksperimental guruhda xatolarni tuzatishga etarli vaqt ajratildi. Ko'p xatolar odatda yosh voleybolchilar tomonidan qo'lllar harakati paytida sodir bo'ladi, bu erda barmoqlarning to'g'ri joylashishi muhimdir.

Keyingi xato - to'pga o'z vaqtida tegmaslik. Qo'lllar juda kech yoki juda erta, keyin to'pni juda egilgan qo'lllar bilan yoki tekis qo'lllar bilan uradi, bu erda to'pni qaytarish o'rniغا to'xtaydi. Kollektiv mashqlar paytida (jamoada, guruhda) individual xatolarni nazorat qilish usuli afzalroqdir. Ushbu xatolarni tuzatish individual ravishda amalga oshiriladi, mashg'ulotlar davomida murabbiy nazorati zarur. O'yinchi to'pga ko'nikish uchun imkon qadar tez-tez to'p bilan mashq qilishi kerak (devorga takroriy zarbalar va boshqalar).

G'alaba qozonish istagi bor raqibning qarshiligiga duch keladi, bu qarshilikni engib o'tish uchun o'yinchilar nafaqat texnikada ustunlikka erishishlari, balki raqibning rejalarini taxmin qilishlari, samaraliroq taktika qo'llashlari va ijobjiy natijaga erisha olishlari kerak. o'yinda. Jamoalar jiddiy o'yinlarga oldindan tayyorgarlik ko'rishadi, rejani tuzish va kerakli taktik harakatlarni, shu jumladan tegishli texnikani tayyorlash uchun raqibni o'rganadilar va kuzatadilar. O'yinchilar psixologik jihatdan ham tayyorlanishadi, umumiyligi mashg'ulotlar o'yinchilarga harakatlarni yanada qulayroq bajarish uchun individual ravishda qaror qabul qilishlariga yordam berish uchun o'tkaziladi. Biroq, o'yin taktikasi avvalroq boshlanadi: o'yinchilarni jamoaga tanlash paytida. Bu o'yinchilarning sifatlariga ko'ra mos o'yin uslubi tanlanadi va mashg'ulotlarning log-muddatli rejasi tuziladi.

Pedagogik eksperiment davomida o'g'il bolalarning texnik tayyorgarligi me'yorlarining bajarilishi natijalarini qayd etdi. Tajriba guruhi o'g'il bolalari nazorat guruhidagi o'g'il bolalarga qaraganda texnik tayyorgarlik me'yorlarini bajarishda nazorat qilishda yaxshi natijalarini ko'rsatdilar: aniqlik bo'yicha 3-chi zonadan 4-chi zonaga ikkinchi o'tish, 2-chi zonadan 4-chi zonaga ikkinchi o'tish (2-jadval, 1-rasm). Bu eksperimental metodologiyaning o'ziga xosligi bilan bog'liq. Unda texnikani o'zlashtirishga ko'proq vaqt ajratildi. Eksperimental guruh o'g'illari ularni juftlik, trio va turli murakkablikdagi kombinatsiyalarda o'zlashtirdilar.

Voleybol uchun jamoaviy musobaqa xarakteriga ega bo'lgan o'yin, taktika juda muhim. Taktikani o'rganish yangi boshlanuvchilarni o'rgatishning dastlabki bosqichlaridan boshlanadi, bu o'yin taktikasini mukammal o'zlashtirishning yagona yo'lidi. Har bir boshlang'ich mashg'ulot darslarida o'yin taktikasi bilan tanishadi.

Xulosa. Texnikalarni o'zlashtirish sifatiga integral yondashuv - bu istiqbolli (miqdoriy va sifat baholari birlashtirilgan kompleks indeks). O'yin faoliyati, bir tomonidan, voleybolchilarni tayyorlashda qo'llaniladigan vositalarni tasniflashda (jismoniy mashqlar) boshlang'ich nuqtasi bo'lsa, ikkinchi tomonidan, o'yin ko'nikmalarini shakllantirishning yakuniy bosqichi - mahoratga erishish va texnik-taktik usullardan samarali foydalanish. o'yindagi arsenal. O'qitish jarayonida biz o'qitish shakllarini muntazam ravishda almashtirdik. Ular turli yo'nalishlarga ega - texnikani o'rganish elementlari davomida va umuman. Barcha o'yinchilarni shunday tarbiyalash kerakki, kerak bo'lsa hujumchi va himoyachi bo'lishi mumkin. Shundan so'ng ularga zamona viy voleybol o'yinining yanada rivojlangan uslublarini o'zlashtirish osonroq bo'lardi. O'g'il bolalarning jamoaviy o'zaro harakati aniq taktik kombinatsiyalarda moslashtiriladi va o'rgatiladi, pedagogik tajriba davomida ular o'yin davomida himoya va hujumda o'zlarini yaxshi yo'naltirdilar. O'quv mashg'ulotlari davomida ular o'zlarining texnikasi, taktik mahorati va jamoa o'yinchilari bilan o'zaro munosabatlarini rivojlantirdilar.

Adabiyotlar

1. Ma'murov, B., & Xamrayev, I. (2021, March). PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL TRAINING OF UNIVERSITY TEACHERS IN THE CONTEXT OF EDUCATION OF ADULTS. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_aXmRXUAAAAJ&citation_for_view=_aXmRXUAAAAJ:mVmsd5A6BfQC
2. В И Кравчук, ББ Маъмурев, КК Кобилжонов. Воспитание и спорт. <http://213.230.96.51:8090/files/ebooks/Jismoniy%20tarbiya%20va%20sport/FIZICHESK%D0%90YA%20VOSPIT%D0%90NIE%20I%20SPORT.pdf>



ГИМНАСТИКА СПОРТ ТУРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.017>

Мирзаев Дишиод Хамидович,

Навоий Давлат Педагогика институти. Жисмоний маданият факультети. «Спорт турларини ўқитиши методикаси» кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада гимнастика спорт турининг қатор афзалликлари көлтирилган.

Калит сўзлар: гимнастика, спорт, соғломлаштириши, соғлом турмуши тарзи, жисмоний тарбия, аэроб.

Гимнастика анаэроб спорт туридир. Анаэроб «кислородсиз» деган маънени англатади. Гимнастикачилар аэроб (кислород билан) қобилиятининг ўртача даражасига эга. Бироқ, гимнастикачилар барча спортчилар орасида энг кучли ва энг мослашувчан ҳисобланади

Гимнастик чиқишлилар одатда 90 сониядан камроқ давом этади. Фаолиятнинг интенсивлик даражаси узоқ муддатли ишлаш учун жуда юқори, масалан, чидамлилик спортида кўринади.

Аксарият спорт турлари табиатда анаэробдир. Факат узоқ муддатли чидамлилик спортлари каби велосипед, сузиш ва югуриш асосан аэробиқдир. Гимнастика «циклик» спорт туридир. Демак, гинастикада бир хил ҳаракатлар қайта -қайта такрорланмайди. Циклик, узоқ муддатли чидамлилик спортининг қўплаб афзалликлари бор. Гимнастика машғулотларининг асосий афзалликларидан бири шундаки, у гимнастикачи танасининг турли хил стимулларга таъсир қиласди.

Аэробик машғулотларнинг устунлиги фитнеснинг қўплаб соҳалари учун, хусусан, вазн йўқотиш билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Гимнастикачилар барча Олимпия ўйинларининг энг кучлилари қаторига кирадиган спортчилар ҳисобланади. Гимнастикачилар «нисбий куч» деб аталадиган нарсада кучли. Уларнинг кучи тана вазнига нисбатан юқори бўлади.

«Мутлақ куч» - бу баъзан ифодаланган кучга нисбатан қўлланиладиган атама. Мисол учун, футбол лайнери ва отишмачилар катта мутлақ кучга эга, гимнастикачилар ва жанг санъаткорлари эса катта нисбий кучга эга. Мутлақ кучнинг асосий омилларидан бири бу жисмоний ўлчамдир. Катта одамлар мутлақ жиҳатдан кучли бўлишга мойил, кичикроқ одамлар эса камроқ кучли. Куч - гимнастиканинг асосий кутқарувчи хусусиятларидан бири. Гимнастикачилар юқори тана кучини бошқа қўплаб спорт турларига қараганда қўпроқ ривожлантирадилар.

Гимнастикачилар барча спортчилар орасида энг мослашувчан ҳисобланади. Гимнастика гимнастикачиларнинг қўнималарни бажариш учун маълум ўзига хос позитсияларни қабул қилиш зарурати туфайли мослашувчанликни таъкидлайди. Гимнастиканинг мослашувчанлик талаблари, эҳтимол, гимнастиканинг энг муҳим ва ўзига хос жиҳатлари бўлиб, гимнастикани бошқа спорт турларидан ажратишга хизмат қиласди.

Мослашувчанлик жароҳатни камайтиришга самарали ёрдам беради, спортчиларнинг оёқ-қўлларини шикастланадиган ҳаракат доирасига мажбурлашига йўл қўймайди. Агар гимнастикачи ҳаракатнинг ортишига таянса, мослашувчанликни ҳам ошириб юбориши мумкин.

Гимнастикачиларда мос позицияларда мослашувчанликни ривожлантиришга эътибор бериш керак, янги ҳаракат диапазонларини ишлаб чиқишида тегишли ва режалаштирилган прогрессиялардан фойдаланиш лозим.

Гимнастикачилар статик ва динамик мувозанатда жуда яхши. Гимнастикада аёллар учун мувозанат концепциясига бағишиланган бутун тадбир мавжуд - мувозанатдир. Эркаклар ҳам фавқулодда мувозанат қобилиятларини талаб қиласидиган ҳодисага эга.

Албатта, қўлда туриш, эҳтимол, энг тан олинган ягона мувозанат қобилиятидир. Эркаклар гимнастикасидаги қўзгалмас ҳалқалар гимнастикачидан доимий равишда ҳаракатланувчи ҳалқаларни ўз остида ушлаб туришини талаб қиласидиган мувозанатни саклаш

ходисасидир. Гимнастикачилар оёқлари ва қўлларида мувозанатни сақлашни ўрганадилар. Қизиги шундаки, гимнастикачилар мувозанатнинг бузилиши ёки мувозанатининг бузилишига нисбатан юқори толерантликни ривожлантирадилар. Гимнастикачилар тўсатдан номутаносибликларга гимнастика бўлмаганлар каби катта «қўрқинчли жавоб» билан муносабат билдиримайдилар. Бу, эҳтимол, шуни англатадики, гимнастикачилар ўз позицияларининг каттароқ бузилишларига тоқат қила оладилар, чунки улар бу позициялар билан кўпроқ таниш бўлиб, уларни бундай таҳдид деб хисобламайдилар

Гимнастикачилар ўзларига шикаст етказмасдан йиқилишини эрта ўрганадилар. Чунки гимнастика гиламчаларда бажарилади, гимнастикачи йиқилишини ва ёйиш учун думалашни ўрганади каттароқ майдон ва вақтга таъсир қилиш кучлари. Бунинг учун катта куч сарфланади. Гимнастикачиларни думалаб юришга эрта ўргатиш - қисман ўзига хос маҳорат ва қисман бошқа кўникмаларнинг зарурий шарти сифатида. Йиқилишини ўрганиш гимнастикачига жароҳатлардан қочишига ёрдам беради. Кузги машғулотлар ёрдам бериши мумкин кўпгина спорт турларида жароҳатларнинг олдини олиш. Гимнастикачилар ўзларини тўғрилаш ва жароҳатланмасдан йиқилиш учун жуда «мушук» қобилиятига эга бўладилар.

Гимнастикачилар энг кичик ва енгил атлетлар қаторига киради (33). Гимнастика бироз ўзига хосдир, чунки у энг кичик ва ракобатбардош имкониятларни тақдим этади. Кўпгина спорт турлари баланд бўйли ва / ёки катта спортчиларни афзал кўришга қаратилган. Кичкина спортчилар учун мўлжалланган спорт турлари одатда вазн тоифаларини ўз ичига олади, улар иштирок этиши мумкин бўлган кичик спортчилар сонини чеклайди (яъни, ҳар бир жамоага биттадан. Кичиклик - бу аслида гимнастикачилар учун яхшироқ ишлаш ва жароҳатлардан қочиши учун фойдалидир. Кичкина ва энгил бўлиш, аниқ носоғлом бўлган ҳаддан ташқари кўтарилиши мумкин. Овқатланишнинг бузилиши ва тана вазнини ҳар қандай ҳолатда ҳам камайтиришга интилиш муаммоси. Бироқ, гимнастика бу муаммодан холи эмас.

Овқатланиш бузилишида хулқ-атворга ҳисса қўшадиган омиллар мажмуаси мавжуд, аммо уларни З йўналишига бўлиш мумкин: (а) мойиллик, (б) имкон берувчи ва (с) кучайтирувчи. Предиспозиция қилувчи омиллар қуйидагилар бузилиши мумкин: ўзини паст баҳо, невротизм, нарсисизм, обсесиф/компульсив хулқ-атвор, депрессия ва асосан ташки назорат ўчоги. Бироқ, бу сабаблар мезонларига жавоб бермайди. Ҳаддан ташқари жисмоний машқлар ва спорт билан шугулланиш ушбу хатти-ҳаракатларнинг сабаби эмас, балки шахсиятнинг ушбу салбий хусусиятларини намоён қилиш учун омиллар бўлиши мумкин. Атлетиканинг умумий мұхитига ҳар куни таъсир қилиш мураббийлар, ота-оналар ва бошқалар салбий шахсий хусусиятларни сақлаб қолиш учун зарур бўлган мустаҳкамловчи омилларни таъминлаши мумкин.

Гимнастика спорт тури билан шугулланувчи ўқувчилар мактабда жуда яхши натижаларга эришадилар. Айниқса, спортчиларнинг интеллектуал қобилияти, илмий йўналишлари устундир.

Гимнастика бошқа спорт турлари билан биргаликда ишлашни ўрганиш имкониятини беради, спорт маҳорати, ҳалол ўйин, фидойилик ва бошқалар.

Гимнастикани бажариш жуда қийин бўлганлиги сабабли, кўпчилик спорт турлари билан солиштирганда ўрганиш вакти узоқдир. Асосий кўникмаларни эгаллаш учун зарур бўлган узоқ вакт сабр-тоқат, фидойилик, сабр-тоқат ва режалаштириш. Гимнастика спорт тури инсонга ҳар қандай мақсадга эришишда мухим бўлган сабрлиликка ўргатади.

“Гимнастикачи нафакат машғулотларга диққатини жамлаб, балки атрофида содир бўлаётган нарсаларни тўсиб қўйиши қобилиятига эга бўлибигина қолмай, қизим вақтни бошқариш бўйича қимматли кўникмаларни ҳам ўрганди, бу унинг барча машғулотларига ва мактабига татбиқ этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, гимнастика - бу ёшлар учун ажойиб спорт тури. Кўп одамлар гимнастикада ўсиб улғайиб, шифокор, хукуқшунос, ўқитувчи, ишбилармон, профессор, ҳамшира, олим ва бошқалар бўлишиди. Гимнастика ёшларга ўз қобилиятларини ўзига ва бошқаларга қарши синаб кўришнинг ажойиб усулини тақдим этади. Гимнастика



бошқа жойда топиш қийин бўлган жисмоний ривожланиш, характерни ривожлантириш ва таълим олиш учун имкониятлар яратиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мамуров Б.Б. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

2. Mamurov Bakhodir B. Forming skills of academic process design for future teachers and methods of determining its quality. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28408580>

3. Маъмурев Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамоиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltririlgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>

4. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>

**TALABALARDA INTELLEKTUAL KOMPETENTSIYASINI RIVOJLANTIRISH
PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.016>*Kurbanov Abror,**Jizzax politexnika instituti assistenti.*

Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi kunda talabalarning intellektual kompetensiyasini rivojlanirish muammosini hal qilishning psixologik-pedagogik yondashuvlari ko'rsatilgan bo'lib, talabalarning intellektual kompetensiyasini rivojlanirishda etibor qaratilishi zarur bo'lgan jihatlari keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: masofaviy ta'lif, intellektual faoliyat, kognetiv tuzilma, intellektual rivojlanish, metakognitiv ta'lif.

**THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' INTELLECTUAL COMPETENCE AS A
PEDAGOGICAL PROBLEM***Kurbanov Abror,**assistant of Jizzakh Polytechnic Institute.*

Annotation. This article presents the psychological and pedagogical approaches to solve the problem of developing students' intellectual competence of today, and outlines aspects that need to be addressed in the development of students' intellectual competence.

Keywords: distance learning, intellectual activity, cognitive structure, intellectual development, metacognitive education.

**РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ КАК
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА***Курбанов Аброр,**ассистент Джиззакского политехнического института.*

Аннотация. В данной статье представлены психолого-педагогические подходы к решению проблемы развития интеллектуальной компетентности учащихся на сегодняшний день, а также обозначены аспекты, которые необходимо решить в развитии интеллектуальной компетентности учащихся.

Ключевые слова: дистанционное обучение, интеллектуальная деятельность, когнитивная структура, интеллектуальное развитие, метакогнитивное образование.

Hozirgi vaqtida talabalarning intellektual kompetentsiyasini rivojlanirish muammosi bilan ko'plab pedagogik olimlar shug'ullanmoqda. Jumladan, V.V.Davydova,D.B.Elkoninning so'zlariga ko'ra rivojlaniruvchi ta'lif ijodiy shaxsni shakllantirishga qaratilgan ta'lif, bilimlarni to'liq o'zlashtirishni ta'minlaydi, ta'lif faoliyatini shakllantiradi va shu bilan aqliy rivojlanishga bevosita ta'sir qiladi [1]. I.I. Ilyosovning ta'kidlashicha,o'qituvchilik faoliyatni o'z-o'zini o'zgartirish, fanni o'z-o'zini rivojlanirish, uni ma'lum bilim, malaka, ko'nikmaga ega bo'lmagandan ularni o'zlashtirgan shaxsga aylantirishdir [2].

Ammo bilimlarni o'zlashtirish umumiylar avtomatik jarayon emas, u tizimli intellektual faoliyatga asoslangan murakkab kognitiv faoliyat bo'lib, ma'lum bir vaqtin talab qiladi. Tayyor bilimlarni uzatishga asoslangan an'anaviy ta'lif jamiyatning real ehtiyojlariga mos kelmaydi, shuning uchun bugungi kunda ta'lif yangicha innovatsion texnologiyalar joriy qilinmoqda.

Butun dunyoda sodir bo'lgan pandemiya sababli respublikamizda ham darslar onlayn, masofaviy ta'lif tarziga o'tkazildi. Bu esa o'z navbatida masofaviy ta'limga aloxida etibor qaratishimizni talab etmoqda. Xozir ham ko'plab ta'lif muassasalarida masofaviy o'qitish tizimi joriy etilgan. O'zbekiston Respublikasining yangi taxrirdagi ta'lif to'g'risidagi qonunining 16-moddasi ham masofaviy ta'limga qaratilgan. Unda takidlanishicha, "Masofaviy ta'lif o'quv rejali va o'quv dasturlariga muvofiq ta'lif oluvchilar tomonidan zarur bilim, malaka

va ko‘nikmalarni axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan hamda Internet jahon axborot tarmog‘idan foydalangan holda masofadan turib olishga qaratilgan.

Talabalarning intellektual kompetensiyalarini shakllantirishda masofaviy ta’lim tizimi alohida ahamiyat kasb etdi:

- darslarning platformalari (jizpi.moodle.uz, hemis.talaba.uz);
- mobil texnologiyalar (telegram, whatsapp, viber);
- zoom platformalari.

O‘quv faoliyatining samaradorligiga unda qo‘llaniladigan vositalar va usullar ta’sir qiladi. Ko‘pincha talabalarning intellektual kompetensiyalarini rivojlantirishda aqliy harakatlar shakllanmaganligi sababli material o‘zlashtirilmagan bo‘lib qoladi, shuning uchun talabaning ta’lim jarayoniga qo‘shilishi, o‘z harakatlari haqida reflektiv fikrlashni amalga oshirishi, uning asosiy sxemalari va tamoyillarini ajratib ko‘rsatishi va unga o‘tkazilishi juda muhim hisoblanadi.

P.Y.Galperinning fikriga ko‘ra, aqliy harakatlarning bosqichma-bosqich shakllanishi nazariyasi doirasida intellektual faoliyatning rivojlantiruvchi ta’siri shunday tushuntiradi: “Ta’lim jarayonida talabalarning tezkor fikrlash, obyektlarni tasavvurda aks ettira olish, kasbiy faoliyatga yo‘naltirish usullari orqali amalga oshirish kerakligini ta’kidlaydi”. Rivojlanayotgan ta’lim sharoitida intellektual faoliyat usullarini shakllantirish muhim o‘rin egallaydi. Buni qanday o‘rganish kerak, qanday yo‘llar bilan bilim olish mumkin degan savollarga javob berish uchun kognetiv faoliyatni ochib berishimiz zarur.

Kognitiv faoliyatni shakllantirish tashqi, obyektiv harakatdan ichki, aqliy harakatga o‘tishni maqsadli boshqarishni anglatadi. Kognitiv tuzilmalarning alohida ahamiyati umumlashtirilgan sxemalar (tuzilmalar) nafaqat amaliy va kognitiv tajribani sintez qilish, balki fikrlash quroli ham ekanligi bilan belgilanadi. Talaba muammoga duch kelganda va u uni hal qilmoqchi bo‘lsa, uning fikrlari tizimli tarzda harakatlanishi lozim. Bu esa o‘z navbatda qabul qilingan fikrlarning o‘lik bo‘lishni to‘xtatadi, u muayyan muammoni hal qilish strategiyasini tanlash imkonini beruvchi tizimga asoslanadi. Faqt bilimlarni ifodalashning tuzilgan tizimi umumiy qabul qilingan harakat usullaridan farqli ravishda ijodiy izlanish imkoniyatini berishi mumkin. Binobarin, o‘quv jarayonida talabaga nafaqat ma’lum hajmdagi bilimlarni uzatish, balki ichki tuzilmani belgilovchi o‘zaro bog’liq sxemalar tizimini ham shakllantirish zarur.

K.D.Ushinskiy “Aql – bilimlarning yaxshi tashkil etilgan tizimidir” deb yozgan edi. Binobarin, tizimlilik, modullik qanchalik ko‘p bo‘lsa, o‘quv materiali shunchalik yaxshi o‘zlashtiriladi [3].


Rivojlantiruvchi ta’limning eng muhim sifatlaridan biri uning ijodiy tabiatida bo‘lishidir. Rivojlanish bu ijodiy fikrlashni shakllantiradigan mashg‘ulot turi sanaladi. Uning asosiy ko‘rsatkichlar quyidagilardan iborat:

- fikrning o‘ziga xosligi (umumiy qabul qilingan, tipikdan farq qiladigan «nodir» g‘oyalarni ishlab chiqarish qobiliyati);
- g‘ayrioddii tafsilotlarga, qarama-qarshiliklarga, noaniqliklarga moyillik;
- bir fikrdan ikkinchisiga moslashuvchan va tez o‘tishga tayyorlik;
- idrok va fikrlashning stereotip usullari;
- allaqachon ma’lum bo‘lgan muammolarni hal qilish usullarini takomillashtirishga intilish;
- muayyan sharoitda aloqalarning paydo bo‘lish tezligi;
- muammoga «sezuvchanlik», uning g‘ayrioddii yechimi;
- obyektning yangi noodatiy vazifalarini topish qobiliyati;
- muammolar va qarama-qarshiliklarni tan olish, shuningdek, vaziyatning yetishmayotgan elementlari bo‘yicha farazlarni shakllantirish qobiliyati.

O‘quv jarayonini tashkil etish nuqtai nazaridan ta’lim bu maxsus tashkil etilgan, motivatsion kognitiv faoliyatni talab qiladigan murakkab va rivojlanuvchi tizimdir. Bu tizim talabalarda intellektual kompetensiyalarni rivojlantirish jarayonida, yangi vaziyatlarda to‘g‘ri qaror qabul qilish, muammoli mashqlarni ijodiy hal etish kabi holatlarni o‘z ichiga oladi. Shuningdek, muhandis elektriklarni kasbiy motivatsiyalarini oshirish, bu tizim muhim natijalarga erishishga yo‘naltirish, o‘z-o‘zini tarbiyalash va o‘zini o‘zi boshqarish faoliyatiga tayyorlashni nazaarda tutadi. Binobarin, har bir o‘quvchining o‘ziga kerakli bilimlarni qanday o‘zlashtirishi, o‘z-o‘zini

anglash yo‘lida ichki imkoniyatlarini yuzaga chiqarishi haqida ma’lumot olishi uchun sharoit yaratish zarur.

Shaxs pedagogikasi kontseptsiyasi muallifi O.S.Grebenyukning fikriga ko‘ra o‘qituvchining asosiy vazifasini talabaning shaxsiy va intellektual rivojlanishiga yordam va uning ishlab chiqarish bilan birgalikda takomillashtirishga qaratilgan bo‘lishi kerak [4].



Intellektual kompetentsiyaning rivojlanish darajasi aqliy faoliyatning qanday kognitiv vositalari va usullari mashg‘ulot mazmunini tashkil etishiga, ta’lim jarayonini tashkil etishning qanday usullari va shakllaridan foydalanilishiga bog‘liq. N.P. Goncharukning fikricha, intellektual rivojlantiruvchi ta’lim mazmuni nafaqat bilim va ularni rivojlantirish bo‘yicha faoliyat sifatida, balki talabaning kognitiv faoliyatining predmeti sifatida tuzilishi kerak. Buning uchun aqliy faoliyatning asosiy usullarini maqsadli ravishda tuzish, ajratib ko‘rsatish va tavsiflash kerak. Ta’lim mazmunini tanlash tamoyillari orasida biz o‘z tadqiqotimizda eng muhim tomonini oldik.

Kasbiy yo‘nalish tamoyili kasbiy kelajak konteksti nafaqat o‘quv materialini to‘g‘ri tanlash, balki tegishli ta’lim texnologiyalari va rivojlanish vazifalari bilan ham belgilanishi kerak. Ta’lim mazmunining metakognitiv asoslari tamoyiliga bo‘lgan ehtiyoj muayyan ilmiy sohalarda fan bilimlari va ko‘nikmalaridan tashqari, metakognitiv va metakognitiv texnika va strategiyalarga ehtiyoj borligi bilan bog‘liq. O‘quv fanlari bo‘yicha talabalar intellektual kompetensiyaning rivojlantirishning psixologik qonuniyatlarini hisobga olish tamoyiliga ko‘ra, nafaqat tegishli fanning tuzilishi va mazmuni, balki o‘quv fanini o‘zlashtirishning asosiy bosqichlari va qonuniyatlarini ham hisobga olish zarur [7-11].

O‘quv materialini umumlashtirish va tizimlashtirish usullaridan foydalanish tamoyilining zarurati o‘quv ma’lumotlarini optimallashtirish turli xil tamoyillaridan foydalanish zarurati bilan bog‘liq. Ta’limni optimallashtirish tamoyili shundan iboratki, rivojlantiruvchi ta’lim mazmunining tarkibiy asoslarini tanlash o‘quv materialini tizimli ravishda taqdim etishni emas, balki uni «asosiy elementlar» shaklida yo‘naltirishni nazarda tutadi. Asosiy elementlar eng muhim, fundamental tushunchalarni yoki o‘rganilayotgan material atrofida to‘plangan «asosiy ta’lim obyektlarini» ifodalaydi.

O‘qitish usullarining rivojlanish salohiyati ushbu usullari:

- bilim, ko‘nikmalarini o‘zlashtirish va talabalar intellektining kognitiv va metakognitiv tarkibiy qismlarini rivojlantirishning psixologik mexanizmlarini kiritish;
- aqliy faoliyatning turli usullarini boyitish;
- talabaning to‘liq huquqli faoliyat subyekti sifatida faol pozitsiyasini shakllantirishning ta’lim va kognitiv motivatsiyani kuchaytirishga qanchalik yordam berishiga bog‘liq bo‘ladi.

N.P.Goncharuk o‘z tadqiqot ishida intellektual kompetensiya rivojlanishni o‘qitish usullarini quyidagi guruhlarga ajratadi:

1. O‘quv va kognitiv faoliyatni rag‘batlantirish usullari.
2. Kognitiv ta’lim usullari.



3. Metakognitiv ta’lim usullari birlashtirilgan

O‘quv va kognitiv faoliyatni rag‘batlantirish usullari guruhiba quyidagi usullar:

- turli xil intellektual faoliyat turlariga qiziqishni rivojlantirish usullari;
- ta’lim faoliyatida kognitiv va metakognitiv strategiyalardan foydalanishni rag‘batlantirish usullari;
- kognitiv va metakognitiv faoliyatda muvaffaqiyat holatini yaratish usullari;
- kognitiv va metakognitiv jarayonlarni rag‘batlantiruvchi savollar usuli kiradi.

Metakognitiv o‘qitish usullari guruhiba maqsadni belgilash usullari, rejalashtirish usullari, o‘z-o‘zini hurmat qilish va o‘zini o‘zi nazorat qilish usullari, aks ettirishni rivojlantirish usullari kiradi. Metakognitiv ta’lim usullarini ishlab chiqish bo‘yicha pedagogik olimlar shuni ta’kidlaydiki, o‘quv jarayonida quyidagilar zarur:

- talabalarni mustaqil ishda metakognitiv strategiyalardan foydalanishga doimo undash;
- o‘quvchilarga metakognitiv strategiyalardan foydalanishni ko‘rsatish, ularning mohiyati va mazmunini tushuntirish, o‘quvchilar bilimining turli sohalarida strategiyalardan foydalanishni ko‘rsatish;
- uzuksiz ta’lim jarayonida, kelajakdagagi kasbiy faoliyatda muvaffaqiyatga erishish uchun turli metakognitiv strategiyalarning samaradorligini ta’kidlash;
- talabalarni metakognitiv qobiliyatlar tufayli ancha muvaffaqiyatlari o‘rganish mumkinligiga, u yoki bu metakognitiv strategiyani egallash intellektual rivojlanish darajasini oshirish usuli sifatida ko‘rib chiqilishi kerakligiga ishontirish.

Shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim mezonlariga muvofiq, o‘quv faoliyati subyektini shakllantirish vaziyatga bog‘liq bo‘lgan xatti-harakatlardan vaziyatga bog‘liq bo‘laman o‘zini o‘zi tashkil etishga izchil ko‘tarilishni anglatadi, uning asosiy mezoni - ta’lim jarayonining barcha holatlarida shaxsnинг shaxsiy (yaxlit, erkin) hayotiy namoyon bo‘lishiga bo‘lgan talab bilan belgilanadi. V.V.Serikov asarlaridagi pedagogik vaziyat talabani hayot yo‘nalishini o‘zgartiruvchi, undan yangi xulq-atvor modelini talab qiladigan yangi sharoitlarga qo‘yadigan, avvalo hozirgi holatni mulohaza yuritish, tushunish va qayta ko‘rib chiqishdan iborat maxsus pedagogik mexanizm sifatida belgilanadi [5].

A.B.Xutorskoy ta’kidlaganidek, o‘qitishning “vaziyatliliqi” tamoyilining mohiyati shundan iboratki, ta’lim jarayoni talabalarning o‘z taqdirini o‘zi belgilash va ularning yechimlarini izlash bilan bog‘liq vaziyatlarga asoslanadi. Uning maqsadi motivatsiyani keltirib chiqarish va faol kognitiv faoliyatni ta’minalashdir. Rivojlantiruvchi, muammoli o‘quv vazifalarini hal qilishda o‘zlashtirish natijasi o‘qituvchi tomonidan taqdim etilgan namunalarni ko‘paytirish emas, balki ularni mustaqil ravishda o‘zlashtirishdir [6].

A.B.Xutorskoyning fikricha, o‘rganilayotgan ta’lim yo‘nalishlari bo‘yicha talabaning ta’lim mahsulotlarini yaratish, ushbu sohalarning asosiy mazmunini o‘z natijalari bilan taqqoslash orqali o‘zlashtirish, ta’lim yo‘nalishlarining har birida individual ta’lim traektoriyasini qurish muhim ahamiyat kasb etadi. Vazifa u tomonidan qabul qilinganda, o‘zlashtirilsagina, uni hal qilishga undaydi [6].

V.Y.Laudis fikriga ko‘ra ta’lim faoliyati o‘z-o‘zidan emas, balki tizimni tashkil etuvchi o‘zgaruvchisi talabalarning o‘qituvchilar va o‘zaro ijtimoiy munosabatlari bo‘lgan ta’lim holatining tarkibiy qismi sifatida tahlil qilinishi kerak deb hisoblaydi. Bu o‘zaro ta’sirlarning xarakteri, o‘z navbatida, o‘qituvchi va talabalar o‘rtasidagi hamkorlik shakllariga bog‘liq.

D.I.Feldshteynning tadqiqotlarida ta’kidlanishicha, auditoriyalardagi darslarda o‘qituvchi muammoning yechimini izlash rasmini namoyish etadi va talabalar yechim izlashning faol ishtirokchisiga aylanadi, shundagina ular xatolarining sabablarini tushunadi va o‘z tajribasini boshqa o‘quvchilar tajribasi bilan solishtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Uning shaxsiy yo‘nalishi nuqtai nazaridan o‘rganishning jarayonida bilimlarni o‘zlashtirish va qo‘llash motivatsiyasining o‘zgarishida ifodalanadi [7].

Ammo, natijani oldindan aytib bo‘lmaydi: uning o‘z-o‘zini rivojlantirish kuchlari ta’lim jarayonidan qanday «chiqib ketishini» aniq taxmin qilish mumkin emas, garchi eng umumiy shaklda rivojlanayotgan ta’lim holatini taxmin qilish, kognitiv faoliyat vositalarini tanlash, talabaning mustaqil maqsad qo‘yishi va unga o‘z ongi va irodasi nazorati ostida erishish,

ta’lim jarayonining hammuallifi rolini amalga oshirish, irodaning namoyon bo‘lishini va o‘z kashfiyotining quvonchini his qilishni talab qiladigan to‘siq yoki muammo, o‘z-o‘zi ruhiy holatiga imtiyozli kirishni ta’minlaydigan va o‘z yutuqlarini o‘z-o‘zini baholash, oldingi qarashlarni tanqidiy qayta ko‘rib chiqish va yangi qadriyatlarni qabul qilish mumkin. Ular nafaqat o‘quv va kognitiv faoliyatning maqsad va vazifalarini belgilashga, o‘z ishlari uchun rejalar tuzishga, aqliy mehnatning samarali usullarini tanlashga, shuningdek loyihalashtirishga qodir bo‘lgan talabalarni kognitiv faoliyatning faol subyektlari sifatida shakllantirishni ta’minlashi kerak.

Umuman olganda talabalarda intellektual kompetentsiyasini rivojlantirish muammosi bugungi kunda pedagogik olimlarning oldida turgan dolzarb mavzulardan biridir. Bu masalani hal etishda yuqoridaqilarni umumlashtirgan holda quyidagilarga alohida e’tibor qaratish zarur:

- ta’limda ijodiy shaxsmi shakllantirish;
- o‘z-o‘zini rivojlantirish;
- ma’sofaviy ta’limdan foydalangan holda talabalarni individual ishlash ko‘nikmasini rivojlantirish;
- talabalarning tezkor fikrlash, obyektlarni tasavvurda aks ettira olish, kasbiy faoliyatga yo‘naltirish usullari;
- ijodiy tabiatida dars mashhg‘ulotlarini tashkil etish;
- allaqachon ma’lum bo‘lgan muammolarni hal qilish usullarini takomillashtirish;
- vaziyatning yetishmayotgan elementlari bo‘yicha farazlarni shakllantirish;
- aqliy faoliyatning asosiy usullarini maqsadli ravishda tuzish;
- o‘qituvchi va talabalar o‘rtasidagi hamkorlik;
- talabalarning o‘z taqdirini o‘zi belgilash va ularning yechimlarini izlash bilan bog‘liq vaziyatlarga.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. Фельдштейн Д.И. Психология взросления структурно-содержательные характеристики развития личности: Избранные труды/Д.И.Фельдштейн. МПСИ Флинта, -М.: 2004.-3 83c.
2. Гребенюк О.С. Формирование интереса к учебной и трудовой деятельности у учащихся средник и проф-тех. училищ / О.С. Гребенюк. - М., 1986.-48 с.
3. Ильясов И.И. Структура процесса учения / И.И. Ильясов. - М, 1995.-168 с.
4. Qurbonov A. Research and Analysis of Ferromagnetic Circuits of a Special Purpose Transformer //Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – С. 46-50.
5. Qurbonov A. Development of Magnetic Characteristics of Power Transformers // Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use Of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – С. 46-50.
6. Qurbonov A., Nazarov F., Qurbonova B. ИССЛЕДОВАНИЕ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ ТОКА В НАПРЯЖЕНИЕ //Физико-технологического образования. – 2021. – Т. 6. – №. 6.
7. Qurbonov A, Кўп функцияли токни кучланишга ўзгарткичларнинг ишончилилик кўрсаткичлари ва иш қобилияти эҳтимоллигини тадқиқ этиш //Физико-технологического образования. – 2021. – №. 2.
8. Сериков Г.Н. Вопросы взаимосвязи образования и самообразования студентов: тематический сб. науч. тр. / под ред. Г.Н. Серикова; ЮУрГУ. - Челябинск: изд-во ЮУрГУ, 2003. - Вып. 8. -С. 68-72.
9. Ушинский К.Д. Педагогические сочинения/К.Д.Ушинский. В 6 т. - М.: Педагогика, 1988. - 412с.
10. Хугорской А. В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения/А.В.Хугорской. - М: Изд-во МГУ, 2003. -416с
11. Зимняя И.А. Педагогическая психология / И.А. Зимняя. - М. : ЛОГОС, 1999.-384 с.



KREDIT-MODUL TIZIMIDA PEDAGOGLARNING FAOLIYAT TURLARI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.015>

Nosirova Dilnoza Toir qizi,

*Jizzah Davlat Pedagogika Instituti "Matematika o'qitish metodikasi" kafedrasiga
o'qituvchisi (ORCID 0000-0003-3488-8899)*

Kamolova Aziza Pardaboyevna,

*Jizzah Davlat Pedagogika Instituti "Matematika o'qitish metodikasi" kafedrasiga
o'qituvchisi (ORCID 0000-0002-2542-1421)*

Annotatsiya. Ushbu maqolada pedagogika oliy o'quv yurtlarida kredit-modul tizimida professor-o'qituvchilarning vazifalari va faoliyat turlari: lektor, tyutor, edvayzer va bulardan tashqari xorijiy oliy ta'limga muassasalarida faoliyat olib boradigan supervayzerlik, moderatorlik, fasilitatorlik kabi pedagoqlarning faoliyati va vazifalari ilmiy-metodik jihatdan asoslab berilgan.

Tayanch so'z va iboralar: lektor, tyutor, edvayzer, supervayzerlik, moderatorlik, fasilitatorlik

ВИДЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ В КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЕ

Носирова Дилноза Тоир кизи,

*Учитель кафедры методики преподавания математики Джизакского
государственного педагогического института*

Камолова Азиза Пардабоевна,

*Учитель кафедры методики преподавания математики Джизакского
государственного педагогического института*

Аннотация. В данной статье рассмотрены задачи и виды деятельности профессоров и преподавателей в кредитно-модульной системе педагогических вузов: лектора, тьютора, эдвайзера, а также деятельность и обязанности преподавателей, работающих в зарубежных вузах, таких как научные руководители, модераторы, фасилитаторы -методологически обоснованы.

Ключевые слова и фразы: лектор, тьютор, эдвайзер, супервайзер, модератор, фасилитатор.

TYPES OF ACTIVITIES OF TEACHERS IN THE CREDIT-MODULE SYSTEM

Nosirova Dilnoza Toir qizi,

*Teacher of the Department of Methods of Teaching Mathematics, Jizzakh State
Pedagogical Institute*

Kamolova Aziza Pardaboyevna,

*Teacher of the Department of Methods of Teaching Mathematics, Jizzakh State
Pedagogical Institute*

Annotation. In this article, the tasks and types of activities of professors and teachers in the credit-modular system of pedagogical universities: lecturer, tutor, adviser, as well as the activities and responsibilities of teachers working in foreign higher education institutions, such as supervisors, moderators, facilitators. -methodologically substantiated.

Key words and phrases: lecturer, tutor, adviser, supervisor, moderator, facilitator.

Kirish. XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab barcha sohalarda bo'lgani kabi oliy ta'limga tizimida ham xalqaro hamkorlikka erishish, oliy ma'lumotli, malakali kadrlarni tayyorlashga yagona yondashuvni qaror toptirish yo'lida amaliy harakatlar olib borilmoqda.

Kredit-modul tizimi zamonaviy ta’limning eng takomillashgan shakli sanaladi. Bugungi kunda taraqqiyatni davlatlar o’rtasida ijtimoiy, iqtisodiy, harbiy va madaniy sohalarda o’zaro kelishuvga erishish, hamkorlikni yo’lga qo’yishning yangidan yangi yo’llarini izlashda davom etmoqda[3].

Zamonaviy o’qitish texnologiyasi, OTMning jihozlanganligi, professor-o’qituvchilar tarkibi faqat darajali, yuqori malakali kadrlardan iborat bo’lishi, o’qitishning yuqori sifatlari – ECTS uchun dastlabki zaruriy talablar hisoblanadi.

Kredit-modul tizimiga ko’ra o’quv mashg’ulotlari shaxsga yo’naltirilgan o’qitish texnologiyalari va talabaning mustaqil o’qib o’rganishiga asoslanadi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7 fevraldagagi PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan “2017-2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar Strategiyasi”da milliy kadrlarning raqobatbardoshligi va umumjahon amaliyatiga asoslangan oliy ta’lim milliy tizimining sifati oshishiga, Bolonya jarayoni ishtirokchi-mamlakatlari diplomlarini o’zaro tan olishga, o’qituvchi va talabalar bilan almashuv dasturlarini

amalga oshirishga ko’maklashuvchi 1999-yil 19-iyundagi Bolonya deklaratsiyasiga qo’shilish masalasini ko’rib chiqish belgilab qo’yilgan[1].

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-son Farmoni bilan tasdiqlangan “O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiysi”da oliy ta’lim jarayonlariga raqamli texnologiyalar va zamonaviy o’qitish usullarni joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb etish, korrupsiya qarshi kurashish, muhandislik-teknik ta’lim yo’nalishlarida tahsil olayotgan talabalar ulushini oshirish, kredit-modul tizimini joriy etish, o’quv rejalarida amaliy ko’nikmalarni oshirishga qaratilgan mutaxassislik fanlari bo’yicha amaliy mashg’ulotlar ulushini oshirish bo’yicha aniq vazifalar belgilab berilgan[2].

Kredit-modul tizimini yurtimizdagi oliy ta’lim muassasalarida joriy qilishdan maqsad ta’lim sifatini oshirish, talabaning mustaqil o’qib o’zlashtirishiga e’tiborni kuchaytirish, shuningdek talabalarni baholashdagi shaffoflikni ta’minalashga qaratilgan. Kredit-modul tizimiga o’tgan oliy ta’lim muassasalari professor o’qituvchilarining faoliyat turlari ham o’ziga xos tarzda avvalgi ta’limdan tubdan farq qiladi.

Kredit-modul tizimida akademik faoliyat turlari. Kredit ta’lim tizimini joriy etishning yangi sharoitlarida professor-o’qituvchilarining roli ham sezilarli darajada o’zgaradi.

Kredit ta’lim tizimida o’qituvchi (pedagog) o’zining vazifasiga ko’ra ta’lim jarayonining quyidagi sub’ektlari sifatida faoliyat olib borishi mumkin[4]:

- lektor;
- tyutor;
- edvayzer;
- maxsus komissiya a’zosi.

Lektor sifatida yuqori akademik professorlar yoki dotsentlar safidan malakali o’qituvchilar tayinlanadi. Ular ma’ruza darslarini yuqori ilmiy-uslubiy darajada olib borishadi.

Ma’ruzalar akademik potoklarga, ya’ni mutaxassisligi yaqin bo’lgan bir nechta guruhlarga o’qiladi. Auditoriyadagi talabalar soni lektorning malakasidan va auditorianing texnik imkoniyatlaridan kelib chiqib belgilanadi.

Professor va dotsentlar o’zlarining ilmiy savyiyasi, ilmiy izlanish yo’nalishlari va pedagogik mahoratidan kelib chiqib bir mutaxassislik ichida bir nechta fanlaridan ma’ruza o’qishlari mumkin.

Oliy o’quv yurtining Ilmiy kengashi qaroriga ko’ra ma’ruza o’qish huquqi ilmiy darajasiz, lekin eng tajribali va yuqori malakali o’qituvchilarga ham beriladi.

Lektor, tyutor, edvayzer va boshqa sub’ektlarning vazifalari.

Lektor o’zining har bir ma’ruza mashg’uloti bo’yicha o’qituvchi rahbarligisiz amalgaloshiriladigan talabaning mustaqil ta’limiga (TMT) ga 0,5-1 soat oralig’ida vaqt ajratishi maqsadga muvofiq.

Tyutor – fan o’qituvchisi sifatida amaliy va laboratoriya mashg’ulotlarini olib boradi, maslahat beradi, O’RTMI ni tashkil qiladi

va amalga oshiradi, kurs ishlariga rahbarlik qiladi, amaliyotlarni tashkil qiladi.

Tyutor har bir talabaning fanni o'rganishini nazorat qiladi, shaxsiy topshiriqlarni bajarishini va amaliy mashg'ulotlardagi faoliyatini baholaydi va zarur bo'lsa yordam ko'rsatadi. SHuningdek, tyutor talabaning aniq bir fanni o'rganishdagi faoliyatini umumiy tahlil qilishi mumkin.

Tyutorlar quyidagi sifatlarga ega bo'lishlari lozim:

- o'qituvchilik: amaliy mashg'ulotlarni talab darajasida olib borish, talabalarga kasbiy o'zini anglashda yordam berish, fanning o'quv-uslubiy materiallаридан to'g'ri va samarali foydalaniшlarini ta'minlash;
- maslahatchilik: talabalarning bilish jarayonlarini muvofiqlashtirish, guruhli maslahat va muloqot darslarini olib borish, fanning turli masalalari bo'yicha talabalarga yakka tartibda maslahatlar berish;
- menejerlik: talabalar guruhlarini yig'ish va shakllantirish, guruhli mashg'ulotlarni boshqarish, talabalarning fanni o'zlashtirishini nazorat qilish.

Tyutorning vazifalari quyidagilardan iborat:

- talabaning o'qishi maksimal darajada samarali bo'lishiga yordam berish;
- talabalarning o'zlashtirishini muntazam nazorat qilish;
- bajarilgan topshiriqlar bo'yicha talaba bilan aloqani ta'minlash;
- guruhli va yakka tartibda maslahatlar berish;
- butun o'qish davrida o'qishga bo'lgan qiziqishini ta'minlash.

Tyutor O'RTMI uchun har bir amaliy mashg'ulotga nisbatan 0,5-1 soat oralig'ida vaqt ajratishi tavsiya etiladi.

SHaxsiy o'quv traektoriyasini tanlash va amalga oshirish, shuningdek o'quv rejalarining mobilligi va moslashuvchanligini ta'minlash uchun kredit ta'lim tizimi sharoitida oliv o'quv yurtlarida maslahat xizmati, ya'ni edvayzerlar – akademik maslahatchilar xizmati tashkil qilinadi. Ularning soni fakultetdagi talabalarning sonidan kelib chiqib aniqlanadi[5].

Edvayzerlar talabalarning akademik manfaatlarini himoya qilishi va o'quv jarayonini tashkil etish bo'yicha barcha zarur axborot materiallарини тақдим этиши, ularни talabalarga elektron shaklda taqdim etishi va ularning shaxsiy o'quv rejalarini tuzish va tuzatish kiritishda yordam berishi, uslubiy materiallarning o'z vaqtida tayyorlanishi va mavjudligini, yo'nalishning barcha fanlari bo'yicha oraliq va yakuniy nazoratlarni o'tkazish qoidalaring bajarilishini nazorat qilishi zarur[6].

Edvayzer – o'qish davri bo'yicha shaxsiy o'quv traektoriyasini tanlash va ta'lim dasturini o'zlashtirishga yordam beruvchi o'qituvchi hisoblanadi.

Bundan tashqari, edvayzer talabaga kelgusidagi karerasiga oid masalalarni yechishda, bitiruv ishi mavzusini tanlashda, kasbiy amaliyot bazalarini aniqlashda maslahat yordamini ko'rsatishi mumkin.

Edvayzerning vazifalari quyidagilardan iborat bo'ladi:

- talabalarga shaxsiy o'quv traektoriyalarini aniqlash va ta'lim dasturini o'zlashtirishda yordam ko'rsatish;
- o'quv traektoriyasini tanlashda talabalarning ehtiyojlari, qiziqishlari va istaklarini aniqlash;
- talabalarga fanlarni tanlashda maslahatlar berish;
- talabalarga shaxsiy o'quv rejalarini tuzish va zarur bo'lsa tuzatishga yordam berish;
- talabalarning o'zlashtirishi va akademik mavqeい masalalari bo'yicha ekspert komissiyalari ishida ishtirok etish.

Edvayzerlar kafedra mudirlari bilan kelishilgan holda oliv o'quv yurti rektori buyrug'i bilan tayinlanadi.

Edvayzer talabalarni oliv o'quv yurtining o'ziga xos jihatlari, ishchi o'quv rejasi mazmuni, diplom olish uchun qo'yiladigan talablar, tanlangan yo'nalishning imkoniyatlari bilan tanishtiradi va talabalarning moyilligi, imkoniyatlari, qiziqishlari va maqsadlariga muvofiq shaxsiy o'quv traektoriyalarini tanlashda yordamchi hisoblanadi[4].

Edvayzer qayd qilish tadbirlarida ishtirok etadi. Har bir edvayzerga RO tomonidan ma'lum

miqdorda talabalar biriktiriladi. Talabalar biriktirilgandan so‘ng edvayzer ular bilan shaxsiy rejimda ishslashga o‘tadi.

Edvayzer tashkiliy-uslubiy ishlarda ishtirok etadi hamda fanlarni tanlash va ularga yozilish bo‘yicha maslahatlar beradi, yo‘nalishning tanlov fanlari kataloglari va ishchi o‘quv dasturlari bilan tanishtiradi.

O‘quv yili davomida edvayzer fakultet dekani tomonidan tasdiqlanadigan maslahat jadvallariga muvofiq ishlaydi. Talabalarning shoshilinch akademik muammolarini hal qilish maqsadida edvayzer ish jadvalidan tashqari shaxsiy uchrushuvlarni ham belgilashi mumkin.

Edvayzerning maslahatchilik faoliyati quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- talabalarni ta’lim jarayonining qoidalari bilan tanishtirish;
- talabalarning qarashlari, qadriyatları, ularning moyilligi va imkoniyatlarini aniqlash;
- namunaviy o‘quv reja va tanlov fanlari katalogi bilan tanishtirish (majburiy, tanlov fanlari ro‘yxatini, fanlarning prerekvizitlarini tuzishga qo‘yiladigan talablar bilan);
- kreditlar miqdori va ularni o‘zlashtirish bo‘yicha tushuntirishlar olib borish.

Kredit-modul tizimida xorijda keng tarqalgan supervayzerlik, moderatorlik, fasilitatorlik kabi faoliyat turlari ham ko‘zda tutilishi mumkin.

Fasilitator - (ingliz tilida facilitator, latincha facilis—engil, qulay) - guruhlardagi faoliyat natijasini samarali baholash, muammoning ilmiy yechimini topishga yo‘naltirish, guruhdagi komunikatsiyani rivojlantirish kabi vazifalarni bajaradi.

Moderator - qabul qilingan qoidalarga amal qilish tekshiradi, tinglovchilarning mustaqil fikrlesh va ishslash qobiliyatlarni rivojlantirish, bilish faoliyatini faollashtirishga yordam beradi. Ma‘lumotni, seminarni, treninglar va davra suhbatlarini boshqaradi, fikrlarni umumlashtiradi.

Supervayzer - quyidagi to‘rt fazifani bajaradi: o‘qituvchi sifatida o‘rgatadi, fasilitatorlik, maslahatchi, ekspert vazifani bajaradi. Bizning ta’limda ushbu faoliyatlarining hammasi professor-o‘qituvchilar tomonidan bajariladi. O‘qituvchilik faoliyatini bunday turlarga ajratish bu faoliyat turining samarasini yanada oshiradi[8].

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda, kredit-modul tizimining joriy etilishi o‘qituvchi va talabaning hamkorlikda ishslashda muhim omil hisoblanadi.

O‘qitishning kredit-modul tizimiga o‘tish oliy o‘quv yurti professor o‘qituvchilar oldiga majburiyatni va talabni oshiradi. Yuqorida ta’kidlab o’tilganidek, modulli o‘qitish tizimi bilan o‘qituvchi nafaqat axborot beruvchi va nazorat qiluvchi funksiyalarini, balki maslahatchi hamda muvoqiflashtiruvchilik vazifalarini ham bajaradi[7]. Kredit-modul tizimida o‘qituvchi talabani mustaqil o‘qib o‘rganishiga, izlanishiga yo‘nalish berib, uni nazorat qilib turadi. Pedagogik jarayonda o‘qituvchining yetakchilik roli saqlanib qoladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati

Prezident farmonlari:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevral “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi 4947сонли Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabr “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5847-сонли Farmoni.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning 2020 yil 25 yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

Nashr qilinganlari:

4. Nosirova D.T., Kamolova A, Qazibekov M. Duties Of Professor-Teachers In The Credit-Module System. The American Journal of social science and education innovatsion. Volume 2 Issue 11, 2020 Impact factor 5.525

5. Nosirova D.T., Pardaeva Z.O., Xummamatova K. The main forms of organization of independent work of students in the credit-module system. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Vol 23, №2(2020) November. Impact factor 5.6

6. Nosirova M., Nosirova D.T., Kubaeva L. Kredit texnologiyasi asosida o‘qitish - talabalar kompetensiyalarini oshirish omili sifatida. Ta’limga kompetensiyaviy yondashuv: muammo va yechimlar. Respublika onlayn ilmiy-amaliy anjumanı materiallari to‘plami I. Andijon-2020.

7. Usmonov B.SH., Xabibullaev R.A. Oliy o‘quv yurtlarida o‘quv jarayonini kredit-modul tizimida tashkil qilish. O‘quv qo‘llanma. T.: “Tafakkur” nashriyoti, 2020 y. 120 bet.

8. O‘rinov V. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim muassasalarida ECTS kredit-modul tizimi: asosiy tushunchalar va qoidalar. O‘quv qo‘llanma. Nyu Bransvik Universiteti, 2020 y.



**ФОРМЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ УЧАЩИХСЯ
НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НА ОСНОВЕ
ТЕХНОЛОГИЯ «ПЕРЕВЁРНУТЫЙ КЛАСС»**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.014>

Ахрапова Т.А.,

вободный соискатель кафедры «Методика дошкольного и начального образования»
технического института ЁДЖУ в г.Ташкенте.

Аннотация. В данной статье излагается методика использования технологии «Перевёрнутый класс» – «Flipped learning» на уроках математики в начальных классах, на примере темы в 4 классе: «Деление многозначных чисел на трехзначное число с остатком». Раскрыта суть технологии и показан образец проектирования урока.

Ключевые слова. Перевернутое обучение, перевёрнутый класс, видеоурок, самостоятельная работа, формы организации, деление.

**«INVERTED CLASS» TEKNOLOGIYASI ASOSIDA BOSHLANG'ICH
SINFLARDA MATEMATIKA DARSALARIDA TALABALARING MUSTAQIL ISHINI
TASHKIL ETISH SHAKLLARI**

- Qoraqalpoq xalqining etnopsixologik xususiyatlarini biz shu tarzda aks etilishiga urgu berdik, ammo ularni har biri juda katta manbalar, ma'lumotlarga ega. Sizlarni qisman tanishtirib o'tishga ham harakat qilamiz. Jumladan ular, quyidagicha ta'riflanadi:

Qoraqalpoq xalqining tarixi uzoq tarixlariga ega. Qoraqalpoq zamining tarixi

mamlakatimizning barcha qadimiylarining tarixi kabi azaliy boy tarixga ega. Qoraqalpoq xalqining yashash xududida odam so'nggi paleolit davridan yashay boshlaganligi, unga asos arxeologik qo'shlalar bo'la oladi. Qoraqalpoq xalqining yashash xududi O'zbekistonning shimoliy-g'arbiy qismida, Amudaryoning quyi qismi, Orol dengizining janubiy sohilida joylashgan. Respublika janubi-g'arb tomonidan Qoraqum sahrosiga tutashgan. Uning shimoliy-g'arbida Ustyurt tekisligi, shimoliy-sharqiy tomonida esa Qizilqum sahrosi yastanib yotibdi. Orol dengizining janubiy hududi qoraqalpoq zaminida joylashgan [5,14].

Respublikaning ma'muriy-hududiy tuzilmasi 15 ta tuman va 1 ta shahardan iborat. Bular Amudaryo, Beruniy, Qorao'zak, Kegeyli, Qo'ng'iroq, Qonliko'l, Mo'ynoq, Nukus, Taxtako'pir, To'rtko'l, Xo'jayli, Taxyotosh, Chimboy, SHo'manoy, Ellikqal'a tumanlari va Nukus shahridir[1.2].

Qoraqalpoq xalqining madaniyati, san'ati, klassik adabiyoti, folklor janri, milliy dasturlari va urf-odatlari haqida gap ketganda, turk tilli xalqlar o'rtaida qoraqalpoq xalqi o'zining keng va ko'p qirrari folklor eposi bilan mashhurdir, biz bilgan 5 mingdan 20 ming satrgacha bo'lgan qariyb 50 ta dostonlarimiz borligi odamni xayratga soladi [2.12]. Tulepbergen Qaipbergenovning "Qoraqalpoqnomma", "Qoraqalpoq dostoni" "Qoraqalpoq qizi" kabi asarlari ham aynan xalqning etnik xususiyatlarini ochib beradi. I.V.Savitskiy nomidagi Qoraqalpog'iston davlat san'at muzeyi respublikadagi yirik muzeylardan hisoblanadi. Muzey fondida 85 mingdan ortiq eksponat mavjud. Qoraqalpoq xalq ustalari tomonidan yaratilgan zargarlik, yog'och o'ymakorligi, kashtado'zlik, to'qimachilik (ayniqsa, o'tov jihozlari) va boshqa asarlar amaliy san'at bo'limida jamlangan.

Qoraqalpoq millatiga mansub shaxslarora munosabatlariga keladigan bo'lsak, odamlar bir-biriga juda ochiq va samimiydir. Kishilari nimani uylab turgan bo'lsa shuni yashirmsandan ochiq ayta oladigan xislatlarga ega. Ajiniyoq Kosiboy ug'li shoirining "Ellarim bordur" she'rida "So'rasan elimni Qojbon bizlardan, Qolpog'i qazondek ellarim bordi, xato chiqsa kechiringlar so'zlardan, Xitoy, Qungrod nomli ellarim bordi"- deb ta'kidlab o'tgan. Bu she'riy satrlarda qoraqalpoqlarni kechirimli, hozir javobliligin aks ettirgan. Qoraqalpoq maqollarida ham yoshi kattalar o'z farzandlariga g'ururli bo'lishini tayinlab kelganligini ko'rishi mumkin. jumladan, "Otangizning merosxo'ri bo'l mang, erkak o'g'li bo'ling" farzand tarbiyasiga juda mas'uliyatli ekanligidan darak beradi [3.15].

Boshqa millatlar bo'lgan munosabatlarida milliy madaniyati, urf-odatlariga sodiq, boshqa odamlarni hurmat qilishi, do'stona, kasbiy va shaxsiy munosabatlarda, qoida tariqasida, katta do'stona va xayrixohlikni namoyon ettira oladi. Qoraqalpoqlar qozoq, o'zbek, turkman xalqlari genotip, til, madaniyat, umumiy tarixi rivojlanishi nuqtai nazaridan bir-biriga juda yaqin bo'lgan xalqlardir.

Yuqorida xulosa qilish mumkinki, qoraqalpoq xalqining etnik psixologik xususiyatlarini aks ettirish xalqning uzoq tarixini o'rganishga bog'liq. Qoraqalpoq millatining etnopsixologiyasi o'ziga xos milliy psixologik xususiyatlarini aks ettiradi. Qoraqalpoq xalqining etnopsixologiyasida motivatsion va boshqada fazilatlarning namoyon bo'lishi, masalan tashabbuskorlik, mehnatsevarlik darajasi va boshqalarni tahlil qilish va umumlashtirish uchun odamlarning milliy psixikasining motivatsion fon sohasining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganib borish xalqni milliy xarakterini aks ettiradi. Xalqning milliy idrok etish stereotiplarida oldingi davrlardagi umumiyl yashash tarzi va hozirgi kundagi yashash sharoitlariga bog'liq hissiy baholashi hamda hozirgi kundagi yashash tarzi bilan bog'liq o'zgarib borayotgan milliy stereotiplarni ham ko'rishimiz mumkin. Qoraqalpoqlar milliy psixologiyaning o'ziga xos xususiyatlariga ega qat'iylik, qiyin vaziyatlarga chidamlilik, yaxlitlik, bosiqlik, xotirjamlik, yuksak milliy g'urur tuyg'usi, milliy an'ana va odatlariga sodiqlik, etnik-madaniy birdamlik va mas'uliyatlichkeit, bir so'zlilik, asosan, xolerik va sangvinik temperament tiplari xususiyatlari, ba'zida portlovchi hissiyotlarga ham ega, boshqa odamlarning harakatlari va hukmlariga yuqori sezuvchanlik kabi asosiy etnopsixologik xususiyatlariga egadir.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1. Qoraqalpog'iston respublikasining konstitutsiyasi. T. 1993y
2. Qaraqalpaq folklori mnogotomnik tom I. Nukus-1977
3. Qaraqalpaq folklor Ko'p tomlari 43-56-tomlar.
4. Davqaraev N. Revolyutsiyaga shekemgi qaraqalpaq adebiyati tariyxinin ocherkleri, Nokis, 1961, str. 62
5. Koshanov B.A."Qoraqalpog'iston tarixi " fani bo'yicha ma'ruzalar.2008y
6. Карапашвили Г.В. Этническое самосознание и традиции.Тбилиси, 2005
7. Этнопсихологический словарь: МПСИ, 1999. — 343 с.



TALABALARDA O'ZIGA BO'LGAN ISHONCH VA PSIXOLOGIK MADANIYATNI OSHIRISH

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.4.4.007>

*Komilova Aziza Sunatullaevna,
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universitetining Jizzax filiali
“Psixologiya” kafedrasi katta o'qituvchisi*

*Ravshanov Olim Axmedovich,
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universitetining Jizzax filiali
“Psixologiya” kafedrasi katta o'qituvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada talabalarning o`z maqsadlariga erishishlarida ularning iqtidor va qobiliyatini o'stirishda o'qituvchilar tomonidan ko`rsatiladigan ko`mak, ularning iqtidor va qobiliyatini o'stirish, qo'llab quvvatlash, o`ziga bo'lgan ishonchni oshirish, qobiliyat va iqtidorini yanada rivojlantirishga yordamlashish, yosh iqtidor egalarini o`ziga bo'lgan ishonchni va psixologik madaniyatini oshirishga qaratilgan fikrlar bo'yicha ma'lumotlar berilgan.

Tayanch so'zlar: layoqat, qobiliyat, iqtidor, ong, muvaffaqiyat, baxt, omad, ishonch, minnatdorchilik, sog'lom-munosabat.

ПОВЫШЕНИЕ УВЕРЕННОСТИ В СЕБЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТАХ

*Комилова Азиза Сунатуллаевна,
Старший преподаватель кафедры “Психологии” Джиззакского филиала
Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.*

*Равшанов Олим Ахмедович,
Старший преподаватель кафедры “Психологии” Джиззакского филиала
Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.*

Аннотации. В данной рассматривается информация о роли педагогов в оказании помощи учащимся в достижении поставленных целей, повышении их талантов и способностей, поддержке их, помощи в развитии их талантов и способностей, повышении уверенности в себе и психологической культуры юных дарований.

Ключевые слова: способности, талант, интеллект, успех, счастье, удача, уверенность, благодарность, здоровое отношение.

INCREASING SELF-CONFIDENCE AND PSYCHOLOGICAL CULTURE IN STUDENTS

*Komilova Aziza Sunatullaevna,
Senior lecturer of the Department “Psychology” of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.*

*Ravshanov Olim Axmedovich,
Senior lecturer of the Department “Psychology” of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.*

Annotations. This article discusses information about the role of teachers in collaborate students to achieve their goals, enhancing their talents and abilities, supporting them in developing their gifts and skills, increasing self-confidence and the psychological culture of young talents.

Key words: ability, talent, intelligence, success, happiness, luck, confidence, gratitude,

healthy attitude.

Barchamizga ma'lumki bugungi kunda ertamiz egalari bo'l mish yoshlarga bo'lgan e'tibor va g'amhurlik kun sayin oshib bormoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev takidlaganlaridek "Umuman, har qanday jamiyat taraqqiyotida uning kelajagini ta'minlaydigan yosh avlodning sog'lom va barkamol bo'lib voyaga yetishi hal qiluvchi o'rinni tutadi. Shu sababli biz islohotlarimiz ko'lami va samarasini yanada oshirishda har tomonlama yetuk, zamonaviy bilim va hunarlarni puxta egallagan, azmu shijoatli, tashabbuskor yoshlarimizga tayanamiz. Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Mirzo Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib, xizmat qilishi lozim. Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko'mak berish – barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. Shundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi" [5]. Darhaqiqat inson shaxsi kamolotida uning individual psixologik xususiyatlarini hisobga olgan xolda ish olib borish muhim ahamiyatga egadir. Har bir bolaning qiziqish, qobiliyat va iqtidorini o'z vaqtida aniqlab, hayotga to'g'ri yunaltirishda, barkamol shaxs sifatida shakllanishidan umidvor bo'lgan jamiyat bu jarayonda faol aralashishi va inson shaxsini kamolga yetkazish borasidagi vazifalarga psixologik nuqtai nazardan yondoshishimiz lozim. Iqtidorli talabalarni qo'llab quvvatlash, o'ziga bo'lgan ishonchi, iqtidorini yanada rivojlantirishga, psixologik madaniyatini oshirishga yordam berish har bir oily o'quv yurtidi faoliyat olib borayotgan o'qituvchining zimmasidagi eng masuliyatli va e'tiborsiz qoldirish mumkin bo'limgan vazifasidir. O'qituvchi tomonidan oliy o'quv yurtida tahsil olayotgan talabalarga o'z vaqtida ko'rsatilgan e'tibor va ko'mat albatta o'z ijobjiy natijasini ko'rsatishi muqarrardir. Bu jarayonda har bir o'qituvch avvalo talabalarda o'zini anglashga yordamlashishlari lozim.

Psixologiyadan bizga ma'lumki qobiliyatsiz insonni o'zi bo'lmaydi. Qobiliyat va iqtidor insonning tug'malik alomatiga ega bo'lgan sifati ya'ni layoqatlari ustida tinimsiz ishslash, mashq qilish, shug'llanish, rivojlantirish orqali yuzaga chiqadi. Insonga eng katta ishonchni o'z tajribasi beradi shuning uchun hatolardan to'g'ri hulosa chiqarishga o'rganish lozim. Insonning tinimsiz mehnati, o'z ustida muntazam ishslashiga shuningdek insonning o'ziga, orzu-xayollari, xatti-harakatlariga bog'liq. Har qanday holatda ham taqdirdan nolimaslik, yaxshi niyat, shirin orzular qilish, olg'a intilish, sa'y-harakatda gap ko'pligini anglash lozim. Shuningdek psixologik jihatdan olib qaraganda hammasi nuqtai nazarga bog'liq. Muvaffaqiyat kaliti shundaki, sizda nimayiki mavjud bo'lsa, albatta qadrlay biling va seving, shuningdek, uni boshqa kimgadir berishga layoqatli bo'ling. Siz o'z iqtidoringiz, layoqatingizni o'zgalarni baxtli, shod qilishga qarating. Qo'lingizdan keladigan ish faqatgina yaxshilik va ezzgulik bo'lsin. Biz kimga duch kelmaylik, uni uyg'otishga intilsak, u o'zida bor imkoniyatdan ham ko'prog'iga erishadi uning xulq-atvorida ham ozgina bo'lsa-da, o'zgarish ro'y beradi. Biz uni mutlaqo tubdan o'zgartirib yuborishimiz ham mumkin. Fikrimizni isboti sifatida eng mashhur ruhshunos va faylasuf Uilyam Jeymsning so'zlarini keltirib o'tishimiz mumkin, "Bizni qanday bo'lishimiz kerakligi bilan solishtirganda, hali yarim mudroq holatda bo'lamiz. Biz o'zimizning jismoniy va ruhiy zaxiralaramizning juda oz qismidan foydalanamiz. Umuman aytish mumkinki, inson yashaydi, u o'zining imkoniyat darajasida hayot kechiradi. U juda ko'p qobiliyat turiga ega bo'ladi-yu, ammo undan odatda foydalanmaydi" [1]. Xaqiqatdan ham har bir talaba ham o'ziga xos xususiyatidan kelib chiqqan holda turli qobiliyatlarga ega. Lekin uni hamma talaba ham odatda ta'lim faoliyatida namoyon etavermaydi.

Har bir o'qituvchi talaba yoshlari bilan ishlaganda ularga qobiliyatsiz, omadsiz, baxtsiz insonlar bo'lmasligi balki shunchaki, o'z qibiliyatlarni namoyon qila olmaydigan, o'zini «omadsiz» deb hisoblaydigan, baxtni his qila olmaydiganlar bo'lishini anglashga yordamlashish lozim. Hamma ham orzu qila olishi mumkin, lekin, uni maqsadga aylantira olish har bir insonning

o`ziga va o`zligini anglashga bog`liqligi, eng muhimi har bir inson qanday yashash kerakligini bilishi emas balki, nima uchun yashayotganligini anglashdir. Ma`naviy yo`lda birinchi qadam o`ziga ishonch hosil qilishdir. Ishonch bo`lmasa, hech narsaga erishib bo`lmaydi. Shuning uchun ularga ichki ovozga ishonch, muvaffaqiyatsizlikdan qo`rmaslik, o`zini-o`zi tinglay olish, o`ziga ishonish, boshqalar bilan raqobatlashmaslik kabi sifatlarni shakllantirish lozim.

Ma`naviy kamolot yo`lda talabalar quyidagilarga amal qilishlari lozim:

-ichki ovozingizga ishonishni o`rganing bu ovoz har doim ijobiy, u kuchli his qilishga yordam beradi, chunki u sizning potentsialingizni biladi va siz nimaga qodir ekanligingizni ayтиб beradi. Afsuski, ong ko`pincha qo`rquv va shubhalar bilan to`ldiriladi ijobiy fikrlar bilan to`ldirilsa har qanday yo`llar o`z-o`zidan ochilib boraveradi.

-muвaffaqiyatsiz bo`lishdan qo`rqmang mag`lubiyatni yangi narsa o`rganish imkoniyati sifatida ko`ring va yana urinib ko`ring.

-o`zingizni tinglang sizning pozitsiyangiz va tanangizning holati sizga qanchalik ishonchingiz haqida ko`p narsalarni ayтиб berishi mumkin. Ammo sizning ahvolingiz sizning imidjingizga tashqi qiyofangizga ham ta`sir qilishini unutmang.

-o`zingizga ishoning o`zingizga ishonganingizda va xohlagan narsangizga qanday erishishingizni tasavvur qilganingizda, bu muvaffaqiyat ehtimolini oshiradi.

-boshqalar bilan raqobatlashmang hamma hayotda o`zi uchun zarur bo`lgan narsalarni oladi va siz o`zingiz uchun qandaydir cheklovlarini olish va qo`yishni o`zingiz amalga oshirasiz.[3]

Avvalo baxtli insonligingizni angling. Baxt – aslida o`zimizda, buni tushinish lozim. Biz tashqaridan qo`llab quvvatlash va yupanch izlash uchun juda ko`p vaqtimizni sarflaymiz va har doim boshqa joydan izlaganimiz ma`lum bo`ladi. Qabul qilish usuliningizni o`zgartiring va hayotingiz o`zgaradi. Atrof olam - bu ko`zgu. Biz boshqalarda nimani yaxshi ko`rsak - o`zimizning undagi aksimizni yaxshi ko`rgan bo`lamiz. Boshqalarda bizni qayg`uga soladigan narsa, o`z - o`zimizda diqqatimizni qaratishimiz lozim bo`lgan jihatdir. Hayotingizni o`zgartirishga kuchli hohish bo`lmasa, har xil bahonalar topishni boshlaysiz. Bahona topish shart emas, shunchaki hozirgi holatingizni boricha qabul qiling va qachon o`zgartirishga kattaroq muammo tug`ilsa keyin xarakat qiling. Chunki hozirgisiga chidasa bo`ladi yoki hali jonингизга tegmagan. Mazza qilib qiyinalib, qiyinchilikga to`yib oling ana undan keyin o`zgartirishga xarakatni boshlaysiz.

Minnatdorchilik hayotingizga ijobiylik olib kiradi. Anglayotganingiz uchun minnatdorchilik - o`zingizni maqtash bu sizning ongingiz uchun minnatdorchilik bildirish, u bilan ong o`rtasidagi munosabatni yaxshilash demakdir. Bunga javoban, ong osti ong sizni ko`proq intensiv ravishda «sehrlay» boshlaydi - maqtash uchun ko`proq sabablar keltiradi. Sizlarga omad va yoqimli syurprizlar taqdim etiladi. Ijobiy munosabatlarda - maqtov, siz ijobiylikni ko`rishni o`rganasiz, yorqin va iliq ranglarda dunyoni idrok etishni sezasiz yaxshi narsalarni qanchalik ko`p kuzatsangiz, shuncha yaxshi narsalar paydo bo`ladi. Hayot qanchalik qiyin bo`lmasin, orzularingizga ergashishingizni va`da qiling. Sizning orzularingiz, ularni amalga oshirish uchun qancha vaqt talab qilinmasin, hayotingizning eng muhim tarkibiy qismlaridan biridir. O`zingizning qobiliyattingizga ishonchingiz komil emasligi uchun ularni rad qilmang. O`z vaqtingiz va kuchingizni ularga sarflashga harakat qiling va bir muncha vaqt o`tgach, harakatlarining qiziqish bilan to`langanligini tushunasiz.[4]

Kutilayotgan barcha o`zgarishlarni qabul qilishingizga va`da bering. O`zgarishdan qo`rqmang. Biz uchun qanchalik qiyin bo`lmasin, barchamiz vaqt-vaqt bilan ularni boshdan kechirishimiz kerak. Ular bizga o'sishga yordam beradi. Siz yaxshiroq bo`lishga harakat qilishingiz mumkin, lekin siz allaqachon to`la va o`zini o`zi ta'minlagan odam ekanligingizni unutmang. Faqt o`zingizga sodiq qoling va qo`lingizdan kelganicha harakat qiling. Shuni unutmanki sizning o`y - fikrlaringiz judayam kuchli energiyaga egadir. Siz fikrlaringiz bilan xoxlasangiz xayotingizni guzallashtirasiz yoki yemirib boramiz. Fikr xar doim - mehr, muhabbat, yaxshilik va xotirjamlik bilan band bulish kerak. Tinmay baxtlilicingiz va omadililicingiz haqida gapiring. Muvaffaqiyatli odamlar kabi o`ylang. Muvaffaqiyatli odamlar xar doim ijobiy fikrlaydilar. Qanday bo`lmasin, ular doimo hayotdan zavqlanib yashaydilar.

Ular deyarli hamma narsada yaxshilik topishni bilishadi. Ular bilan muloqot qilish har doim yoqimli, chunki ular tabassum va do'stona munosabatda bo'lishadi. Muvaffaqiyatli odamlar xatolardan qo'rqlmaydi, chunki ular faqat hech narsa qilmagan odam xato qilmasligini tushunishadi. Xatolar sizga tajriba beradi va tajriba esa eng qimmatli yutuqdir. Bu yo'lida siz o'z maqsadlaringizga erishishda qat'iy bo'ling.[2]

Xulosa qilib aytganda talaba yoshlarning individual rivojlanishi qobiliyat va iqtidorini oshirib borish ko'p jihatdan ularning o'zini anglashi, psixologik madaniyatining yuqoriligiga bog'liqdir. Muvaffaqiyatli odamlar eng yaxshi sarmoya o'zlariga, ularning rivojlanishiga, ta'limiga, sog'lig'iga sarmoya kiritishini biladilar. Ko'rib turganingizdek, bularning barchasi muayyan vaziyatga, hayotning o'ziga bo'lgan munosabatga bog'liq.

Adabiyotlar

1. Болтаева М.Ж, Ортиков О. Особенности научного наследия восточных мыслителей об отношении родителей к ребенку //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2/С. – ст. 470-474.
2. Boltaeva.M.J, Ortikov.O.Kh.(2020).Views of eastern thinkers on the development of intellectual abilities in the scientific heritage. Academicia An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 11 Issue 1, January 2021 211-214.
3. Ibragemov X.I, Yo'ldoshev U.A, Bobomirzayev X. Pedagogik psixologiya. O'quv qo'llanma. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2007. 227 b.
4. Komilova A.S. "Роль родителей в подготовке молодежи к семейной жизни" Общество и инновации Special Issue – 10 (2021) / ISSN 2181-1415, November. 2021. ст.437-441.
5. <https://president.uz/oz/4049>



ПСИХОДИАГНОСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН МОХИЯТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.006>

*Шодиева Райхон Сайдуллаевна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Психология»
кафедраси ўқитувчиси*

Уибұ мақолада психодиагностик компетенцияның мөхияти, бұлажасқ психологларда психодиагностик компетенцияни шакллантиришинг ўзига хос хусусиятлари, психодиагностик компетенция түзилмаси, компонентлари, психодиагностика билан шуғуланувчи мутахассислар учун құйыладыган маңсус малака талаблари, талабаларнинг ички ва ташқи ресурслари ҳақидаги илмий тақылп маълумотлари баён этилған. Бунда психодиагностик компетенция диагностика муаммоларини белгилаш ва ҳал қилиши, маълумотларни шаржлаш, психологик холоса чиқарыш, инсон психикасининг хусусиятлари, пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари тўғрисидаги билимлар, шунингдек, уларнинг қобилиятлари ва имкониятларини адекват баҳолаши, ижсобий мотивация ва психодиагностик фаолиятга ижсобий муносабат фонида маълумотларни қайта ишилаши, тақылп қилиши, умумлаштириши ва тақдим этиши билан тадқиқот усулларини кўллаши ва танлаши соҳаси эканлиги ҳақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: психодиагностик компетенция, психологик диагноз, диагностика, ишончлилик, асослилик, валидлик, психометрик ёндашув, каузал ёндашув, семиотик, техник, гностик, деонтологик компонентлар, ахборот компетенциялари, талабаларнинг ички ва ташқи ресурслари.

ПОНЯТИЕ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ И ЕЕ СОДЕРЖАНИЕ

*Шодиева Райхон Сайдуллаевна,
преподаватель кафедры «Психология»
Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами*

В данной статье описаны сущность психодиагностической компетентности, особенности формирования психодиагностической компетентности у будущих психологов, структура и компоненты психодиагностической компетентности, специальные квалификационные требования к специалистам-психодиагностам, научный анализ внутренних и внешних ресурсов студентов. При этом психодиагностическая компетентность представляет собой выявление и решение диагностических задач, интерпретацию данных, психологический вывод, знание особенностей, возникновения, формирования и развития психики человека, а также адекватную оценку его способностей и возможностей, положительную мотивацию и положительное отношение к психодиагностической деятельности, представления о применении и выборе методов исследования посредством выполнения, анализа, обобщения и изложения.

Ключевые слова: психодиагностическая компетентность, психологический диагноз, диагностика, надежность, валидность, психометрический подход, каузальный подход, семиотический компонент, технический компонент, гностический компонент, деонтологический компонент, информационные компетенции, внутренние и внешние ресурсы студентов.

THE CONCEPT OF PSYCHODIAGNOSTIC COMPETENCES AND ITS CONTENT

*Shodieva Raikhan Saydullaevna,
Teacher of the Department of Psychology of Tashkent State Pedagogical University
named after Nizami.*

This article describes the essence of psychodiagnostic competence, the features of the formation of psychodiagnostic competence in future psychologists, the structure and components of psychodiagnostic competence, special qualification requirements for psychodiagnostic specialists, a scientific analysis of internal and external resources of students. At the same time, psychodiagnostic competence is the identification and solution of diagnostic problems,

interpretation of data, psychological conclusion, knowledge of the characteristics, emergence, formation and development of the human psyche, as well as an adequate assessment of his abilities and capabilities, positive motivation and a positive attitude towards psychodiagnostic activities, ideas about the application and the choice of research methods through implementation, analysis, generalization and presentation.

Key words: *psychodiagnostic competence, psychological diagnosis, diagnostics, reliability, validity, psychometric approach, causal approach, semiotic component, technical component, gnostic component, deontological component, information competencies, internal and external resources of students.*

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар меҳнат бозорини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, ижтимоий фаол, ижодкор, касбий малакали инсонни тайёрлашни талаб қиласди. Ўқитувчининг касбий, педагогик, психологияк, қолаверса, психодиагностик компетенциясини шакллантириш университетда талаба шахсининг касбий ривожланиши соҳасидаги асосий масаладир.

Ушбу масалалардан бири бу психодиагностик компетенцияни шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг моҳияти етарли даражада аниқланмаган ва шакллантириш методологияси Е.П.Ивтуина томонидан анъанавий таълим технологиялари асосида ишлаб чиқилган фақат битта модел билан ифодаланади. Ушбу компетентлик тури, О.Еремкинанинг [1] фикрига кўра, талабалар учун психологик ва педагогик компетенция билан бир қаторда энг муҳим омиллардан биридир.

Асосий компетенциялар тизимидағи психодиагностик компетенциянинг моҳияти ва ўрнини аниқлаш учун А.В.Хуторской, А.Г.Каспржак, Л.Ф.Иванова, И.С.Зимняя, О.Е.Лебедев [5,6,7] ва бошқа муаллифларнинг компетенцияларни шакллантиришга бағишилаган илмий изланишлари таҳлил натижалари моҳиятига мурожаат қилиш керак.

Хозирги вақтда «диагностика» атамаси нафақат педагогика ва психологияда, балки техника, тиббиётда, ижтимоий амалиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам фаол қўлланилмоқда.

Психодиагностика психологик диагноз қўйиш ҳақидаги таълимот бўлиб, унда кўрсаткич ва тавсифномаларни биргалиқда таҳлил қилиб, синалавчининг ҳолати ва хусусиятлари ҳақида хуносалар берилади.

Замонавий умумий илмий концепция «диагностика» атамаси маълум бир обьект ёки тизимнинг ҳолатини ва муҳим параметрларини аниқлаш, уни хатти-харакатларини башорат қилиш, ушбу хатти-харакатга керакли йўналишда таъсир қилиш ва мавжуд имкониятлари тўғрисида қарор қабул қила олишни англатади [4].

Назарий жиҳатдан психодиагностика билиш жараёнининг маҳсус кўриниши ҳисобланади. Психодиагностика билишнинг маҳсус тури сифатида нафақат илмий тадқиқот усуллари ва маълумотларидан фойдаланади, балки ижтимоий мақсад, гносеологик мазмун, ўзига хос мантикий хусусиятлар билан ажralиб турадиган маълумотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш усулларини ишлаб чиқади [1].

Психодиагностика билан шуғулланадиган мутахассислар учун маҳсус малака талаблари мавжуд. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

- яхши назарий тайёргарлик,
- психодиагностика методлари ва уларни қўллаш қоидаларини пухта билиш,
- тегишли методлардан амалий фойдаланишда етарли тажрибага эга бўлиш.

Психодиагностика воситаларидан фойдаланувчи мутахассис психодиагностиканинг умумий назарий ва услубий тамойилларини билиши ва амалда қўллаши, дифференциал психометрия асосларини ўзлаштириши, психодиагностика бўйича амалдаги услубий адабиётларга амал қилиши, мустақил равишда картотека ва фойдаланилган усулларнинг шахсий кутубхонасини юритиши керак бўлади.

Хозирги вақтда психодиагностикани илмий тушунишда иккита ёндашув мавжуд - психометрик ва каузал. Ушбу ёндашувлар умумий ва ўзига хос фарқли хусусиятларга эга.

Ушбу ёндашувларнинг ўхшашлиги шундаки, улар психодиагностиканинг амалий ва илмий фаолият сифатида фарқини тан олишади.



Шу билан бирга, ушбу ёндашувлар бир-биридан тубдан фарқ қиласи.

Психодиагностика диагностика методикаларини ишлаб чиқишига кўра психометрик ёндошишдан ажralиб туради.

Психодиагностика шахсни йўналтиришда ва унга маслаҳат беришда самарали қўлланилиши мумкин. У психодиагностика методларини ишлаб чиқишига (ишончлилик, асослилик, валидлик ва бошқалар) оид психометрик талабларни ўз ичига олган методикалар назарияси билан шаклланади.

А.Ф.Ануфриевнинг сўзларига кўра [3], психометрик ёндашув илмий асосда факат диагностика обьекти элементларининг ҳолатини баҳолаш мумкин бўлгандиги, психологнинг диагностик фаолиятининг ягона воситаси психодиагностика методлари эканлигидан келиб чиқади. Психометрик ёндашувнинг ютуклари кўплаб диагностика методикаларини ишлаб чиқиш, танлаш ва йўналтиришнинг юкори самарадорлиги, диагностика методикаларини ишлаб чикувчи мутахассисларни тайёрлаш имконияти билан боғлиқ.

Психометрик ёндашувнинг камчиликлари маслаҳат бериш самарадорлигининг пастлиги, психодиагностика предметини етарли даражада тушунмаслик, унинг таркибий қисмларидан бири билан психодиагностикани идентификациялашга олиб келади. Каузал ёндашув психодиагностикани диагностика муаммоларини ҳал қилиш (ташхис кўйиш) фани сифатида тавсифлайди. У асосан консалтинг орқали амалга оширилади. Каузал ёндашув психодиагностик муаммоларни ҳал қилиш концепциясида ўз ифодасини топади.

У психологик тан олиш сифатида амалий психологнинг диагностик фаолиятининг ўзига хос хусусияти, психодиагностиканинг илмий асосларининг тўрт компонентли таркиби (семиотик, техник, гностик, деонтологик компонентлар), диагностик қидиувни, диагностика жараёнини тавсифловчи тушунчалар тизими, эмпирик текширишни таклиф қилувчи башоратли баёнотлар, психологнинг диагностика фаолияти учун маҳсус воситаларни ишлаб чиқишига кўйиладиган талабларни тартибга солиш каби диагностика муаммоларни ҳал қилиш тамоиллари ҳақидаги foялар билан шаклланади.

Каузал ёндашув [3] илмий маълумотлар асосида нафақат диагностика обьекти элементларининг ҳолатини баҳолаш, балки унинг амалдаги оптимал диагностик фикрлаш стратегияси ва диагностика қилувчи мутахассис ва субъект ўртасидаги алоқа усулидир. Шунингдек мутахассиснинг психодиагностик фаолияти нафақат илмий асосланган диагностика техникаси, балки диагностиканинг психологик схемалари, психодиагностик жадваллар ва диагностика алгоритмлари ҳам эканлигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, илмий асосланган диагностика гипотезаларини илгари суриш ва текшириш каби жараёнларни амалга оширишга имкон беради.

Каузал ёндашувнинг афзаллиги шундаки, у сизга психологнинг маслаҳат беришдаги диагностика фаолияти самарадорлигини максимал даражада оширишга, психологларни оммавий қасб мутахассислари сифатида тайёрлашга ва диагностика вазифаларини симуляция қилишга имкон беради.

Психодиагностик компетенция қиймат-семантик, умумий маданий, маърифий ва билим, ахборот, коммуникатив, ижтимоий ва меҳнат, ўзини ўзи шахсан такомиллаштириш компонентларига асосланади.

Шунинг учун биз психодиагностик компетенцияни А.В.Хуторский, О.Е.Лебедев ва бошқалар томонидан таклиф қилинган таълим компетенциялари таърифи, ва О.В.Еремкина, С.Н.Костромина ва Е.П.Ивутина томонидан тадқиқотларга мувофиқ келтирилган таснифи бўйича кўриб чиқдик.

Бунда Еремкина О.В. ва Ивутина Е.П. [1,2] ўқитувчининг диагностик компетенциясини педагогик диагностика соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўнкимларнинг бирлиги, етарли воситаларни танлаш усуллари ва педагогик жавоб бериш усулларини мустақил равишда топиш қобилияти сифатида белгилайди.

Диагностик компетенция сифатий характеристикага эга: кенглик ва чуқурлик; мустақиллик; педагогик вазифанинг мақсадлари, вазифалари, моҳияти ва мазмунига айнан мос келадиган психодиагностика усулларини танлаш қобилияти сифатида намоён

бўлади.

Костромина С.Н. психодиагностика субъектларининг компетентлиги касбий тайёргарлик даражаси билан белгиланади, деб таъкидлайди:

а) назарий - ўтмишдаги педагогик маълумот ва маҳсус психодиагностик малакаларнинг мавжудлиги (ёки йўқлиги);

б) амалий - диагностика муаммоларининг муайян турини ҳал қилиш тажрибаси, таълим шароитида инсон ақлий тизимининг ишлаш хусусиятлари тўғрисида билимларни тўплаш. Шундай қилиб, Костромина С.Н. сўзларига кўра, психодиагностик компетенция мезонлари психологик тайёргарлик даражаси, концептуал тузилмаларни марказлаштириш, психодиагностик фаолиятга мутахассиснинг шахсий тайёрлигини акс эттирувчи оширилиб борилаётган психологик ва педагогик билимларнинг бирлашиши ҳисобланади.

Шунингдек, биз психодиагностика соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашнинг илгари муҳокама қилинган хусусиятларидан келиб чиқамиз, бу эса каузал ёндашувни, яъни психодиагностикани диагностика муаммоларини ҳал қилиш (ташхис кўйиш) фани сифатида тавсифловчи ёндашувни назарда тутади.

Психодиагностик компетенция ҳақида гапирганда, авваламбор, психодиагностик компетенциянинг мазмунини, уни эгаллашга бўйсунадиган компетенция асосларидан бири сифатида аниқлаш керак.

Таълим компетенцияларининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш психодиагностик компетенциянинг моҳияти ва концепциясини аниқлаш имконини беради. Демак, психодиагностик компетенция - бу дифференциал психология билимларининг бирлиги, психологик педагогик тадқиқотларнинг амалий тажрибаси, математик статистикани билиш ва психодиагностик фаолиятга ижобий мотивациян ўйналишишdir. Шу билан бирга, психодиагностик компетенция тузилмаси талабанинг ички ва ташқи ресурсларининг бирлиги билан ифодаланиши мумкин.

Талабаларнинг ички ресурслари:

Қадриятли ўйналтирувчи компоненти

• Психодиагностик фаолият соҳасида ўз қобилияtlари ва имкониятларини етарлича баҳолашга қодирлик.

• Психодиагностика фаолияти соҳасида келгуси таълим учун билим олишнинг ички мотивацияси.

• Келажакда шахсий ўсиш учун ўз омадини кашф қилиш зарурлигини англаш.

• Психодиагностика тадбирларига ижобий муносабат ва қизиқиш

Талабаларнинг ташқи ресурслари

Ўқув- когнитив компоненти

• Диагностик муаммоларни шакллантириш ва ҳал қилиш кўнимаси ва тажриба, яъни психодиагностик тадқиқот процедурасини ташкил этиш ва психодиагностик тадқиқотларни режалаштириш бўйича билим ва кўнималар;

• Маълумотларниталқин қилиш, психологик хуласа тайёрлаш, асосан психодиагностик фаолиятни таҳлил қилиш, ўрнига ўзини қўйиб кўриш ва ўзини ўзи баҳолashi;

• инсон психикасининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари тўғрисида билимлар;

• психодиагностика методлари ва усусларини қўллаш ва танлаш соҳасидаги кўнимма ва малакаларни билиш.

Ахборот компетенциялари

• Натижаларни умумлаштириш ва тақдим этиш қобилияти;

• Натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

• Психодиагностик компетенция талабаларнинг ички ва ташқи манбаларини синтез қилишда намоён бўлади ва асосий таълим компетенцияларининг маълум критериялари билан ифодаланади

Яъни, психодиагностик компетенция талабаларнинг ички ва ташқи манбаларини синтез қилишда намоён бўлади ва асосий таълим компетенцияларига нисбатан хусусий бўлган психодиагностик компетенциянинг предмет компетенциялари орқали ифодаланган



маълум мезонлари билан ифодаланади.

Ушбу компетенцияларни психодиагностик компетенциянинг ажралмас тизимидағи компонентлари сифатида айтиш мумкин, бу биз учун қиймат-семантик компетенциялар билан ифодаланадиган қиймат-семантик, когнитив-мазмунли, ўкув-ахборот берувчи ва баҳоловчи- прогностик компонент, шу жумладан ахборот компетенциялари сифатида тавсифланиши мумкин. Шундай қилиб, психодиагностик компетенция - бу таркиби ва мазмуни жиҳатидан маҳсус таълим орқали ўзлаштирилган тизимли ажралмас динамик шахсий таълим куйидаги компонентларнинг бирлигини ташкил қиласди:

- когнитив-мазмунли, бу инсон психикаси хусусиятларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, диагностика муаммоларини белгилаш ва ечиш, маълумотларни талқин қилиш, психологик хулоса чиқариш шу билан бирга, тадқиқот методлари ва усусларини танлаш ва қўллаш каби хусусиятлар хақидаги билимлар тўпламиди;
- баҳоловчи-прогностик, математик статистика усусларини танлаш ва қўллаш, диагностика натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тақдим этиш кўникмалари;
- психодиагностик фаолият соҳасида келгуси таълим босқичида ўқиш, келажакда қатъиятлилик билан ижобий ички мотивация ва ҳаракатнинг мавжудлиги, ўзини ўзи муваффақиятли бўлиш учун шахсий ўсиш зарурлигини англаши билан тавсифланган ўз қобилияtlари ва имкониятларини етарлича баҳолаш қиймат-семантик қобилияти;

Кисқача айтганда, психодиагностик компетенцияни диагностика муаммоларини белгилаш ва ҳал қилиш, маълумотларни изоҳлаш, психологик хулоса чиқариш, инсон психикасининг хусусиятлари, вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги билимлар ва кўникмалар, уларнинг қобилияtlари ва имкониятларини етарли баҳолаш, ижобий мотивация ва психодиагностик фаолиятга ижобий муносабат, шунингдек маълумотлар ва уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тақдим этиш билан тадқиқот методлари ва усусларини қўллаш ва танлаш соҳасидаги қобилияtlардир.

Компетентли ёндашув нуктаи назаридан университетда ўқитиши ижтимоий ва касбий фаолиятнинг кўникмалари ва усусларини комплекс равишда ривожлантаришга йўналтирилган бўлиши керак, бу эса инсон ҳаётининг мухим соҳаларида ўз манфаатлари йўлида ва умуман жамиятда муваффақиятли ишлашини янада таъминлайди.

Таълим олишнатајасида талаба болаларнинг ёшга боғлиқривожланиш динамикасини, жумладан боланинг ақлий ривожланишининг индивидуал хусусиятларини аниқлаш, маълумотларни қайта ишлаш ва талқин қилиш, умумлаштириш ва натижаларни тақдим этиш каби жараёнларни ўрганиши керак. Шунингдек, бўлажак психологларни тайёрлашда психологик-педагогик тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, психодиагностика усусларини қўллаш; бирламчи маълумотларни йиғиши ва тизимлаштириш; экспериментал маълумотларнинг иккиламчи статистик ишлови; тадқиқот натижалари бўйича хулосаларни шакллантириш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Дастурий таълимнинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб ва олдимизга қўйган вазифаларга мувофиқ психолодиагностика соҳасидаги таълим мазмуни ва тузилиши доирасида биз аниқ психологик шарт-шароитларни аниқлашимиз мумкин.

Шу билан бирга, психодиагностик компетенциясини шакллантириш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар педагогика, психология ва инсон физиологиясининг умумий қонуниятларига, умумий назарий тушунчаларига асосланади ва педагогик цикл фанларини ўрганиш жараёнда шаклланади.

Психодиагностикага сабабий ёндашув доирасида психологик-педагогик цикл фанларини билиш талabalарга диагностика объекти элементларининг ҳолатини янада баҳолаш, умуман диагностик фикрлаш стратегиялари оптимал таъсир кўрсатадиган амалдаги сабаб-таъсир муносабатларини аниқлашга имкон беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, психодиагностик компетенция - бу маҳсус машғулотлар натижасида олинган ва ўзаро бир-бирига боғлиқ қадриятга йўналтирувчи, когнитив-мазмунли ва баҳоловчи, башорат қилювчи компонентларни ўз

ичига олган тизимли яхлит динамик жараёндир. Яъни, психодиагностик компетенция - бу диагностика муаммоларини белгилаш ва ҳал қилиш, маълумотларни шарҳлаш, психологик хулоса чиқариш, инсон психикасининг хусусиятлари, пайдо бўлиши, шаклланиси ва ривожланиш хусусиятлари тўғрисидаги билимлар, шунингдек, уларнинг қобилиятлари ва имкониятларини адекват баҳолаш, ижобий мотивация ва психодиагностик фаолиятта ижобий муносабат фонида маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тақдим этиш билан тадқиқот усулларини кўллаш ва танлаш соҳасидир.

Демак, психодиагностик компетенцияни шакллантиришнинг асосий шартлари ушбу компетенциянинг таркибий қисмларидан бири сифатида талабанинг ички ресурсларини ривожлантиришга, яъни қиймат-семантик компонентни шакллантиришга қаратилган таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак.

Психодиагностика фаолиятига бўлган муносабат - унинг аҳамиятини англаш, ушбу фаолиятга тайёр эмаслигини англаш тегишли билим ва қўнималарни эгалашга туртки бўлади. Шу билан бирга, таълим даражасининг ўсиши замонавий технология воситаларини кўллаш орқали, таълимнинг мақсадлари, ўкув жараёнининг барча даражаларини фаоллаштириш, яъни соҳага оид билим ва қўнималарни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш лозим.

Ушбу таълим даражасида шаклланган психодиагностик билимларга бўлган ижобий муносабат илмий дунёкарашни таъминлайди; шахснинг ижтимоий фаолияти; шахснинг аксиологик компетенциясини шакллантиришга ҳисса қўшадиган маданий, умуминсоний (диний, ахлоқий) ва ижтимоий (ишлаб чиқариш, иқтисодий, хукукий, сиёсий) қадриятлар асосида хулқ-атвор ва фаолият самарадорлигини белгилайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алферов, А.Д. Опыт и проблемы повышения психологической квалификации учителя / А.Д.Алферов // Вопросы психологии. - № 4. - с. 116-120.
2. Гершунский, Б.С. Профессиональная педагогика: учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям, и направлениям.-М.:Ассоциация «Профессиональное образование», 1997. — 512 с.
3. Зеер, Э.Ф. Профессиональное образование ремесленников-предпринимателей: В помощь преподавателю /Э. Ф. Зеер. - Юж.-Урал. науч,- образоват. Центр РАО, Челяб. гос. ун-т. - Челябинск, 2001. - 14 с.).
4. McClelland D. C. Testing for competence rather than for «intelligence»American Psychologist // 1973. Vol 28(1). P. 3.
5. Трофимова, И.Н. Компетентность с точки зрения синергетического подхода / И.Н.Трофимова // Развитие и оценка компетентности: материалы конференции. - М : Институт психологии РАН, 1996. - С.54
6. Хугорской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты/ А.В.Хугорской.—URL: <http://eidos.ru/journal/2002/0423.htm>)
7. Шишов С.Е. Понятие компетенции в контексте качества образования/ С.Е.Шишов // Стандарты и мониторинг образования. – 1999. – № 2. – с. 16–17



КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ И КОПИНГ – СТРАТЕГИИ У СТУДЕНТОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.005>

Аскарова Гулрух Уринбасаровна,

Преподаватель Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами

Аннотация: Наша работа посвящена исследованию коммуникативной компетентности и копинг-стратегии у студентов в учебном процессе. Выявлено, что различия коммуникативной компетентности и копинг-стратегий зависят от факультета, курса, также, от состояния и возраста студентов.

Ключевые слова: Коммуникативная компетентность, копинг – стратегия, совладающее – поведение, студент, учебный процесс, высшее образование.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КОПИНГ-СТРАТЕГИЯЛАРИ

Аскарова Гулрух Ўринбасаровна,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогикауниверситети ўқитувчиси

Аннотация: Бизнинг ишимиз ўқув жараёнида талабаларнинг коммуникатив компетентлиги ва коинг-стратегияларини ўрганишига бағишиланган. Коммуникатив компетентлик ва копинг-стратегияларидағи фарқлар факультетга, курсга, шунингдек, талабаларнинг ҳолати ва ёшига боялиқлиги аниқланды.

Калит сўзлар: Коммуникатив компетентлик, копинг - стратегия, енгизи - хатти-ҳаракатлар, талаба, ўқув жараёни, олий таълим.

COMMUNICATIVE COMPETENCE AND COPING STRATEGIES OF STUDENTS IN THE STUDYING PROCESS

Askarova Gulrukh Urinbasarovna,

Teacher at Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Abstract: Our work is devoted to the study of communicative competence and coping strategies of students in the studying process. It was revealed that the differences in communicative competence and coping strategies depend on the faculty, course, as well as on the state and age of students.

Key words: Communicative competence, coping - strategy, coping - behavior, student, studying process, higher education.

Современный учебный процесс обучения в системе высшего образования характеризуется противоречием между реальной на сегодняшний день, коммуникативной компетентностью студентов, с одной стороны, и несоответствием желаемой социально значимой, с другой стороны. Это так же сопровождается переживанием различных стрессовых ситуаций, связанных с учебным процессом и с личными взаимоотношениями.

Теоретическими и методологическими основами нашего исследования явились работы по коммуникативной компетентности В.Н. Куницына (Куницына, 2001), О.В. Крючкова (Крючкова, 2007), И.Н. Зотова (Зотова, 2006) и др. Так же работы по изучению копинг-стратегий Л.И. Анцыферовой (Анцыферова, 1994), Е.В. Битюцкой (Битюцкая, 2007), Т.Л. Крюковой (Крюкова, 2004), Р. Лазаруса и С. Фолкман (Lazarus, Folkman, 1984) и др.

Понятие «коммуникативная компетентность» в отечественной литературе часто отождествляется с понятием «компетентность в общении». Данный феномен

активно разрабатывается с середины 1980-х гг. Впервые, термин «коммуникативная компетентность» используется А. А. Бодалевым в социальной психологии и трактуется как «способность устанавливать и поддерживать эффективные контакты с другими людьми при наличии внутренних ресурсов (знаний и умений)».

Коммуникативная компетентность относится к группе ключевых компетентностей, т. е. имеющих особую значимость в жизни человека, поэтому ее формированию следует уделять пристальное внимание. Значение коммуникативной компетентности учащегося в образовательном процессе следующее:

- она влияет на учебную успешность;
- от коммуникативной компетентности во многом зависит процесс адаптации учащегося, в частности его эмоциональное благополучие в коллективе;
- коммуникативная компетентность учащихся может рассматриваться в образовательном процессе не только как условие сегодняшней эффективности и его благополучия, но и как ресурс эффективности и благополучия его будущей взрослой жизни.

Большинство отечественных ученых подчеркивают, что коммуникативная компетентность, является некой психологической характеристикой личности, без которой успешное общение в современном мире невозможно.

Понятие «копинг» происходит от английского «to cope» – («справляться, преодолевать»). Впервые термин «копинг» был использован L. Murphy в 1962 году в исследовании способов преодоления детьми кризисов развития. В российской психологической литературе его переводят как «адаптивное, совладающее поведение» или «психологическое преодоление».

Анализ теоретического исследования позволяет рассматривать копинг – стратегии как постоянно изменяющиеся когнитивные и поведенческие усилия. Задача совладания в трудных ситуациях состоит в том, что она даёт нам преодолеть трудности, либо уменьшить их отрицательные последствия, либо избежать этих трудностей, или вытерпеть их.

В нашем исследовании мы предприняли попытку сравнить уровень коммуникативной компетентности с копинг-стратегиями у студентов в учебном процессе. В исследовании приняли участие 141 студента факультета «Психология» и «Прикладная математика и информатика», 2-го и 4-го курса филиала МГУ имени М.В. Ломоносова в городе Ташкенте.

Изучение коммуникативной компетентности и копинг-стратегий базируется на принципе отражения и оценки человеком некоторых особенностей своего поведения в различных ситуациях.

При интерпретации полученных данных следует помнить, что методики констатируют лишь наличие уровня развития коммуникативных и организаторских склонностей коммуникативной компетентности, а также копинг-стратегий в данный период развития личности. Если при обследовании обнаруживается низкий уровень развития коммуникативных и организаторских склонностей и копинг-стратегий, то это не означает, что они останутся неизменными в процессе дальнейшего развития личности. При наличии положительной мотивации, целеустремленности и надлежащих условий деятельности данные склонности и стратегии могут развиваться. Ниже обсудим полученные нами в исследовании результаты:

Таблица №1

Дисперсионный анализ по шкале «Коммуникативные склонности»


Факультет	50,192	2,334	,129
Курс	23,255	1,082	,300
Факультет * Курс	9,120	,424	,516

Дисперсионный анализ не выявил влияния факторов факультета ($p=0,129$), курса ($p=0,300$) и их взаимодействия ($p=0,516$) на уровень «Коммуникативных склонностей»,

студенты-психологи и студенты-математики 2-го курса не отличаются по уровню «Коммуникативных склонностей». Следовательно, между 2-ми и 4-ми курсами не обнаружено отличий (см. Таблицу №4). И это говорит нам о том, что студенты-психологи и студенты-математики 2-го курса и 4-го курса в целом хорошие коммуникаторы, легко осваиваются в новом коллективе, стремятся знакомиться с другими людьми в качестве собеседника. В том числе, проявляют инициативу, ведут себя с другими уверенно.

График 1

Результаты сопоставления четырёх выборок по шкале «Организаторские склонности»



Мы обнаружили, что уровень «Организаторских склонностей» у студентов-психологов 2-го курса выше, чем у студентов-математиков 2-го курса. В этом случае мы можем сказать, что у студентов-психологов 2-го курса лучше сформированы организаторские способности, и они активнее решают коллективные задачи, быстро ориентируются в затруднительных ситуациях и принимают самостоятельные решения, способны повлиять на ситуацию и изменить ее в нужном направлении (см. График 1).

Уровень «Коммуникативных склонностей» и «Организаторских склонностей» коммуникативной компетентности у студентов-психологов и у студентов-математиков 4-го курса не различаются, они проявляют меньше «Организаторских склонностей», чем студенты-психологи 2-го курса. Здесь можно сказать, что на 4-м курсе студенты сталкиваются с множеством проблем, связанных с выпускным процессом и необходимостью учиться, поэтому они не могут, по-видимому, продемонстрировать организаторские способности и активно решать коллективные задачи.

График 2.

Результаты сопоставления четырёх выборок по шкале «Планомерное решение проблемы»





График 3.

Результаты сопоставления четырёх выборок по шкале «Позитивная переоценка»



У студентов-психологов среди 2-го и 4-го курсов копинг-стратегии «Планомерное решение проблемы» и «Позитивная переоценка» выше, чем у студентов-математиков. На основании полученных результатов, можно говорить, что студенты-психологи 2-го и 4-го

курсов, чем студенты-математики 2-го и 4-го курсов, лучше сосредоточиваются на поиске выхода из ситуации, анализе ситуации и на планировании способов решения задачи. Это можно объяснить тем, что студенты-психологи и студенты-математики достаточно сильно отличаются своим умением рассуждать, мышлением, багажом полученных в университете знаний. Студенты-психологи сосредоточиваются на положительных сторонах ситуации и позитивных изменениях собственной личности, также за счет своей учебной программы, куда включены много предметов, помогающих находить оптимальные пути выхода из трудных ситуаций, сами по себе более подготовленные к решению такого рода проблем, и мыслят более позитивно, чем математики (см. График 2, 3).

В нашем исследовании мы обнаружили, что студенты-психологи и студенты-математики 4-го курса обладают более высокими уровнями копинг-стратегий «Планомерного решения проблемы», «Позитивная переоценка» и «Самоконтроль», по сравнению со студентами 2-х курсов.

График 4.

Результаты сопоставления четырех выборок по шкале «Самоконтроль»





График 5.

Результаты сопоставления четырех выборок по шкале «Самообвинение»



Опыт учебы в университете, разрешение различных проблемных ситуаций привели к тому, что они выбрали копинг-стратегии, помогающие больше в проблемных ситуациях. И это означает, что студенты 4-го курса, сосредоточиваются на поиске выхода, анализа ситуации и на планировании способов решения задачи и на положительных сторонах ситуации и позитивных изменениях собственной личности. Они настроены на переосмысление трудных ситуаций, на обретение новых жизненных ценностей и убеждений, также прикладывают усилия по самосовершенствованию, для творческого вдохновения, толчком к которому может послужить анализируемое событие, вместе с тем они стараются прикладывать усилия, чтобы контролировать свои эмоции и чувства, чтобы их сдерживать (см. Графики 2, 3, 4).

На выборке студентов 4-го курса математики проявляют значимо большее «Самообвинение», чем психологи, также студенты-математики 4-го курса проявляют значимо большее «Самообвинение», чем студенты-математики 2-го курса. На выборке студентов-психологов курс обучения не влияет на уровень «Самообвинения» (см. График 5).

Коммуникативная компетентность и копинг – стратегии могут выступать важными факторами в учебном процессе студентов, способствовать его эффективности. Развивая коммуникативную компетентность студентов, с одной стороны, и их копинг – стратегии в трудных учебных ситуациях, с другой, можно добиться оптимизации учебного процесса.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аскарова Г., Усманова Э.З., факультет психологии филиала МГУ им. М.В. Ломоносова в г. Ташкенте, Основные подходы к изучению копинг – стратегий в трудных жизненных ситуациях, «Scientific Progress» Scientific Journal, 2021. С. 308.
2. Аскарова Г., Усманова Э.З., факультет психологии филиала МГУ им. М.В. Ломоносова в г. Ташкенте, Психологические методы совершенствования коммуникативной компетентности студента, Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке», Выпуск №42, 31.03.2021, С 670.
3. Битюцкая Е.В., Современные подходы к изучению совладания с трудными жизненными ситуациями, М., 2011.
4. Куницына В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М., Межличностное общение, СПб.: Питер, 2001—544 с.; ил. — (Серия «Учебник нового века»).
5. Иванов В.Д. Социально-перцептивно-коммуникативный тренинг как эффективный фактор формирования коммуникативной компетентности студентов ВУЗа - Челябинск: ЮУГУ, 2003.



YOSHLARNING IJTIMOIYLASHUVIGA INTERNET VA IJTIMOIY TARMOQLARNING TA'SIRI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.004>

*Kushakova Nargiza Islambaevna,
Nizomiy nomidagi TDPU "Amaliy psixologiya" kafedrasi o`qituvchisi*

Annotatsiya. Maqolada yoshlarning ijtimoiylashuviga internet va ijtimoiy tarmoqlarning ta'siri masalalari ochib berilgan. Shuningdek, internetning ijobiy va salbiy tomonlari haqida ma'lumotlar keltirilgan. Ayniqsa, hozirgi tahlikali zamonda internet tarmog'i orqali tarqatilayotgan yoshlar ongiga salbiy ta'sir etuvchi ma'lumotlar, turli buzg'unchi g'oyalalar, ijtimoiy normalarga zid bo'lgan materiallar, o'smirlar xulq-atvorida og'ishishga sabab bo'luvchi omillar borasida ilmiy-nazariy ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar. O'smir shaxsi, globallashuv, internetga tobelik, ijtimoiylashuv, ijtimoiy tarmoqlar, g'oyaviy-mafkuraviy immunitet, axborot, virtual muloqot, psixologik ta'sir.

ВЛИЯНИЕ ИНТЕРНЕТ И СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ В СОЦИАЛИЗАЦИИ МОЛОДЕЖИ

Кушиакова Наргиза Исламбаевна,

*Преподаватель кафедры «Практическая психология»
ТГПУ имени Низами*

Аннотация. В статье раскрыты вопросы влияния интернета и социальных сетей на общественность молодежи. Также приведены сведения о положительных и негативных аспектах интернета. Приведены материалы и научно-теоретические данные, оказывающие негативное влияние на сегодняшний день на сознание молодежи, распространяемые через Интернет, различные деструктивные идеи, материалы, противоречащие социальным нормам, факторы, вызывающие отторжение в поведении подростка.

Ключевые слова: Личность подростка, глобализация, интернет-зависимость, общественность, социальные сети, идеологический иммунитет, информация, виртуальный диалог, психологическое воздействие.

THE EFFECT OF THE INTERNET AND SOCIAL NETWORKS ON THE SOCIALIZATION OF YOUTH

Kushakova Nargiza,

TSPU named after Nizami, Teacher of «Practical Psychology»

Annotation. The article discusses the impact of the Internet and social networks on the socialization of young people. It also provides information on the pros and cons of the Internet. In particular, the article contains information that has a negative impact on the minds of young people, various destructive ideas, materials that contradict social norms, and lead to deviations in the behavior of adolescents in today's dangerous world. Scientific and theoretical information about the factors is given.

Keywords. Adolescent personality, globalization, Internet addiction, socialization, social networks, ideological immunity, information, virtual communication, psychological impact.

Bugungi globallashuv davrida zamon talablariga hamohang yashayotgan yosh avlodning internetga tobeligi alohida ahamiyatga ega bo'lgan masalalardan biridir. Hozirda deyarli barcha xonadonlarda internetga ulangan shaxsiy kompyuterlar mavjud bo'lib, ulardan o'smir-yoshlar keng foydalanib kelishmoqda. Ijtimoiy tarmoqlar bolalar, o'smirlar va yoshlar hayotida juda

muhim o'r'in egalladi. Aksariyat bolalar monitor oldida juda ko'p vaqt o'tkazadilar, bu esa ularning ta'biriha, fikrlari va dunyoqarashini kengaytirishga xizmat qiladi. Bugungi dunyoda Internet butun dunyoni va inson hayotining barcha sohalarini qamrab oldi. Shu boisdan ham endilikda hayotimizni ushbu manbasiz tasavvur qilish juda qiyin.

Hozirgi kunda yoshlarning ijtimoiylashuviga internet va ijtimoiy tarmoqlar jiddiy ta'sir ko'rsatmoqda. Internet insonlar hayot tarzini soddalashtiradi hamda ular uchun ko'p imkoniyatlar eshigini ochadi. Shuningdek, o'qish va ishda ham katta yordam beradi. Kishilar qisqa fursat ichida ma'lum bir mavzu bo'yicha o'zini qiziqtirgan har qanday ma'lumotni olishi, bir necha soniya ichida dunyoning istalgan nuqtasiga murojaat qilishi mumkin. Internet insoniyatga katta imkoniyatlar beradigan ajoyib kashfiyotdir.

Shuni alohida qayd etish joizki, internetning ham ijobiy, ham salbiy tomonlari bor. Internetda, ayniqsa, yosh avlod ongiga salbiy ta'sir etuvchi ma'lumotlar juda ko'pchilikni tashkil etadi. Hozirgi tahlikali zamonda internet tarmog'i orqali tarqatilayotgan g'arazli ma'lumotlar, turli buzg'unchi g'oyalar, odob-axlojni yemiruvchi manfur illatlar har bir ongli kishini tashvishga solishi aniq. Keyingi paytlarda internet bilan bog'liq buzg'unchiliklar, global tarmoqdan qabih maqsadda foydalanayotganlar ko'payib bormoqda. Oqibatda, zalolatga boshlovchi elektron nashrlar va videolavhalar keng yoyilmoqda. G'alamis kimsalar yoshlarni o'z tuzoqlariga ilintirishda internetdan ustalik bilan foydalanmoqda. O'zlarini "yaqin do'st" yoki "hidoyatga chorlovchi" sifatida tanitib, yoshlarni to'g'ri yo'ldan chalg'itmoqda. Aslida, ularning din va shariat haqida umuman ilmlari yo'q, faqatgina to'da boshidan yodlab olganlarini takrorlashdan nariga o'tmaydilar. Boshqa tomondan qaraganda, ular bu johilligi bilan boshqalarni ham jar yoqasiga tortayotgani va kimningdir nog'orasiga o'ynayotganini bilmaydilar. Bundaylar avval din-u diyonat, ibodat, jannat haqida turli jozibali so'zlarni gapirib, g'o'r yoshlarni yo'ldan urib, oxir-oqibatda, razolat qurbaniga aylantirmoqda. Internetdan olingan narsa to'g'ri, ishonchli va zararsiz ekanini bilish kerak. Yaxshi-yomonning farqiga bormagan yoshlarni internet orqali tarqatilgan har qanday ma'lumot-xabarlarini haqiqat deb qabul qilayotgani jiddiy xavotirga soladi. Bundan tashqari o'smirlar internetda ko'p vaqt sarflashi hisobiga ularda kitob o'qishni xohlamaslik, shuningdek, chat va forumlarda virtual muloqot bilan cheklanishlari tufayli ularning ijtimoiy doirasasi kamayishi, kompyuter o'yninlariga haddan tashqari va ba'zan kuchli ishtiyoq bilan namoyon bo'ladigan tajovuzkorlik holatlari ko'payib bormoqda. Bularning barchasi shaxsnинг bosqichma-bosqich tanazzulga uchrashiga olib keladi, chunki o'z tengdoshlari bilan muloqot qilishda qynalayotgan, asotsial o'smirlar jamiyatdagi muammolarni yanada kuchaytiradi.

Shu o'rinda "Internet" tushunchasining mohiyatiga alohida to'xtalib o'tish maqsadga muvofiq. Internet global kompyuter tarmog'i bo'lib, u World Wide Web deb ham ataladi. Mazkur zamonaviy manba orqali bugungi kunda kinoteatr yoki san'atkorlar konsertiga borish, kutubxonada o'tirish, bozor yoki savdo markazlarida xaridlar bilan ovora bo'lish shart emas, balki kompyuter qurilmasidagi monitor oqali barcha kerakli ma'lumotlarni olish imkoniyati mavjud.

Ko'pgina yoshlarni internetdan ko'ngilochar vosita sifatida foydalanadi, uning qimmatli bilimlar manbayi ekanligi hamda o'quv faoliyatida yordamchi qurolligi ikkinchi o'ringa tushib qoladi. Sarhadsiz internet dunyosiga kirgan shaxs vaqt, umr g'animat ekanini doimo yodda saqlamog'i lozim. Zero, bu global tarmoq bepoyon hududlarga ega bo'lib, unda inson adashib soatlab, kunlarini samarasiz o'tkazib yuborishi mumkin. Bugungi shiddatli globallashuv davrida yoshlarni ong-u shuurini internet orqali kirib kelayotgan zararli g'oya va ta'sirlardan samarali va ishonchli himoyalash tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Bu esa o'qituvchilar, ma'naviyat targ'ibotchilari, ota-onalardan yanada hushyor va ogoh bo'lishni, yosh avlodning g'oyaviy-mafkuraviy immunitetini mustahkamlash borasidagi ishlar ko'lamini yanada kengaytirishni talab qiladi. Shunga qaramasdan, ayrim o'smirlar kompyuter va internetdan ta'limiy maqsadlarda foydalanishadi.

O'smirlar tomonidan o'ynaladigan turli o'yinlar shunchaki qiziqarli mashg'ulot bo'lishi bilan bir qatorda, ayrimlari ularning hayoti va salomatligiga jiddiy xavf solishi mumkin. Ko'plab saytlar o'smirlar va yoshlarning balog'at yoshida kuzatiladigan psixologik va emotsiyonal o'zgarishlar, xulq-atvoridagi o'ziga xosliklardan unumli foydalanib, yaqin insonlari bilan nizoli

vaziyatlarga duch kelganda va ruxsat etilmagan saytlarga kirishga moyilligi yuqori bo'lgan paytda o'zlariga jalg qiladi.

Internet mavhum hodisa bo'lib, uning o'smirlarga ta'siri ham xuddi shunday noaniqdir. Bu esa uning chegaralari yo'qligi sabab salbiy oqibatlarga olib keladi, ya'ni o'smirlarni ijtimoiy normalarga zid bo'lgan turli axborot va ma'lumotlardan himoya qila olmaydi. Foydali ma'lumotlar bilan bir qatorda, giyohvand moddalar, o'z joniga qasd qilish holatlari, terrorchilar harakatlari, pornografiya materiallari mavjud bo'lib, ular hali ma'naviy qadriyatlar to'la shakllanmagan yoshlari uchun katta xavf tug'diradi. Jumladan, barchaga ma'lum bo'lgan internetdagi shov-shuvli o'yinni bunga yorqin misol sifatida olish mumkin, ya'ni «Moviy kit» deb ataluvchi mazkur o'zin muhokamalarsiz bajarishni talab qiladigan provokatsion vazifalar, o'smirlarni yakunida o'z joniga qasd qilishga undovchi shafqatsiz ko'rsatmalarni o'z ichiga oladi. Unda ishtirok etish psixologik immuniteti sust bo'lgan ko'plab bolalarning hayotiga zomin bo'ldi.

Kattalar tomonidan to'g'ri nazorat qilinmasa, yoshlari ijtimoiy tarmoqda salbiy axborot va psixologik ta'sirlar natijasida manipulyatsiya obyektiga aylanadi. Yoshlarning axborot urushi quroli sifatida foydalanishi, ommaviy norozilik aksiyalariga jalg etilishi odatiy hol emas. Bolaning ijtimoiy tarmoqlar orqali ekstremistik guruhlarga, faoliyati g'ayri ijtimoiy, noqonuniy, shu jumladan, jinoiy harakatlarni sodir etishga qaratilgan buzg'unchi diniy tashkilotlarga jalg qilish ehtimoli bola uchun alohida xavf hisoblanadi. Bularning barchasi o'sib kelayotgan yosh avlodlar uchun jiddiy salbiy oqibatlarga sabab bo'ladi.

Internetning o'smirlarga ijobiy ta'sirlari ham mavjud bo'lib, ular sirasiga ilmiy-ma'rifiy ma'lumotlarni qidirish va ulardan samarali foydalanish kabilarni kiritish mumkin. Shuningdek, internet orqali insonlar uzoq vaqtidan beri ko'rmagan eski do'stlarini topishi, ish qidirishi kabi imkoniyatlarga ega. Millionlab imkoniyati cheklanganlar masofadan turib ishlashi hamda do'stlari bilan muloqot qilishi mumkin. Internetda barcha turdag'i adabiyotlarning ulkan kutubxonalari mavjud, birinchi navbatda, ilmiy adabiyotlar muhim ahamiyatga ega. Darhaqiqat, internet haqiqatan ham katta ma'lumotlar to'plamidir. Internetdan ko'p narsalarni o'rganish, kasb-hunar egallash yoki insonlar o'z mahoratini yanada yuqori darajaga ko'tarish imkonini beradi. Internet imkoniyatlari deyarli cheksiz bo'lishiga qaramay, "World Wide Web" hech qachon do'stlar bilan birga bo'lish va jonli muloqotning xursandchiliklaridan baha olishning o'rnini bosa olmaydi.

Internet ta'sirining salbiy tomonlari shundaki, unda yoshlari uchun ayanchli oqibatlarni keltirib chiqaradigan turli ma'lumotlar o'rinni olgan. Jumladan, suitsidga da'vat etuvchi, giyohvand moddalar, spirtli ichimliklarni targ'ib qiluvchi, turli terrorchilik harakatlarini sodir etishga undovchi guruhlar har xil saytlarda faol bo'lishadi. Bunday saytlarga a'zo bo'lgan kishilar o'z joniga qasd qilishi, sovuq qurollar va giyohvand moddalarini sotib olishi hamda ulardan qanday foydalanishi o'rganib olishi mumkin. O'smirlar esa bunday toifadagi ma'lumotni tezda o'zlashtirib oladi.

Darhaqiqat, bugun axborot chunonam ko'p va tez kirib kelayaptiki ularni "hazm" qilish uchun teran tafakkur va keng dunyoqarash talab etiladi. Ayniqsa internet olami farzandlarimiz e'tibori va qiziqishini tortib borayotgan bugungi davrda ayrim kompyuter o'yinlari haqida ham shunday misollarni ketirish mumkin. Mutaxassislar ma'lumotlariga ko'ra, internet orqali tarqatiladigan kompyuter o'yinlarining 49 foizi sezilarli darajada zo'ravonlik va yovuzlik ko'rinishiga ega, 41 foiz jangari (turli otishmalar va portlashlarga asoslangan) o'yinlarda esa o'yin qahramoni o'z maqsadiga yetishish uchun shunday zo'ravonlik va yovuzlik sodir etadi. 17 foiz o'yinlarda ana shu zo'ravonlik va yovuzlikning o'zi bosh maqsad hisoblanadi. Turli jangovar, mentalitetimizga mos bo'Imagan, ba'zan qahramonlik vahshiylikka o'tib ketadigan bu kabi o'yinlar o'smirlar axloqiy-estetik tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bir qarashda ular oddiy o'yindek ko'ringani bilan zo'ravonlik g'oyalari, yovuzlik kayfiyatini uyg'otishi juda ko'p salbiy oqibatlarga olib kelgani xususida hayotiy misollar ko'plab topiladi.

Internet saytlarida yoshlarga kuchli ta'sir etuvchi axborotlarni quydagicha tasniflash mumkin. Birinchi toifadagi axborotlar sirasiga yot, buzg'unchi g'oyalari (diniy ekstremizm va terrorchilik g'oyalari, millatchilik, irqchilik, sadizm kabilalar)ni kiritish mumkin. Ikkinci

toifadagi axborotlar esa G'arb hayot tarziga xos, o'zbek mentalitetiga zid odatlar va ko'nikmalarni targ'ib etadi. Bu ayniqsa, G'arb yoshlarining kiyinishi, odatlarini targ'ib qiluvchi maqolalar, kliplar, filmlarda yaqqol namoyon bo'ladi. Uchinchi toifaga esa pornografik axborotlarni kiritish mumkin. To'rtinchi toifaga esa hali tekshirilmagan, o'z isbotiga ega bo'lмаган turli hujumkor axborotlarni kiritish mumkin. Internet saytlaridan tarqatilayotgan bu kabi yet g'oyalar va axborotlarni yoshlar tomonidan qabul qilinayotganligi va uning oqibatlari jahondagi barcha mamlakatlari xalqini ham tashvishga solmoqda. Yoshlarimiz ongini egallashga qaratilgan har qanday xatti-harakatlarga, milliy manfaatlarimizga raxna solishga, ma'naviyatimizga tajovuz qilishga, umrimiz mazmuni bo'lgan tarixiy xotiramizni buzishga urinayotgan g'arazli kuchlarga qarshi doimo ogoh turishimiz darkor. Ana shundagina insonlarni hech kim, hech narsa o'zi tanlagan yo'lidan ortga qaytara olmaydi va ular ko'zlagan ulug'vor maqsadlariga yetishiga zamin hozirlaydi.

Yurtimizga olomoncha madaniyat asosan internet tarmog'i orqali kirib kelyapti. Bu hol odob-axloq, milliy va diniy qadriyatlargacha hurmat pasayishi kabi ko'plab noxushliklarni keltirib chiqaryapti. Yoshlarining hayosizlarcha kiyinishi, tanalariga rasm chizdirishi, quloq va burunlarini teshib, "zirak" taqib olishlari, qiz bolalarning o'g'il bolalarga o'xshab kiyinishi kabi "moda" unsurlari aynan internet orqali yoyilayotgani aniq. Internetdagi g'oyaviy tuzoqlar go'yo madaniyatga o'xhashi va yoshlarga moydek yoqishi bilan ham xatarlidir. Insoniy axloqda ters olomoncha madaniyat ayrim yoshlar ongiga chang solib, ma'naviyat kushandasiga aylanmoqda. Achinarlisi, mazkur "madaniyat" ta'siriga berilib qolganini yoki uning qurbaniga aylanayotganini ko'pincha yoshlar o'zlarini sezmaydi. Global axborot tizimidagi xabarlarni "filtrsiz" qabul qilish oqibatida yoshlar ongi zaharlanmoqda. Masalan, biror kerakli ma'lumotni olish maqsadida saytg'a kirgan yoshlarining "falonchi mashhur shaxs halokatga uchradi" kabi shov-shuvli e'longa ko'zi tushadi va beixtiyor uni ochadi. U yerda esa yana bir sayt ochiladi va unda aldamchi xabarlarning davomini o'qiydi. Shu tariqa g'o'r yoshlar g'alamislarning tuzog'iga ilinadi. Bunday jirkanch "madaniyat" ta'siriga berilgan o'smir loqayd, hayotga yengil-yelpi qaraydigan, yurt ravnaqi va xalq tinchligiga befarq kimsa bo'lib ulg'ayadi. Shuningdek, olomoncha madaniyat tuzog'iga ilingan bolalar inson istagan ishini qilaverishi mumkin, deb biladi, ya'ni o'taketgan manqurtga aylanib qoladi. Ijtimoiy tarmoqlarning oila va jamiyat barqarorligiga solayotgan eng katta tahididlaridan yana biri – ulardag'i muloqotlar sababli ko'plab tinch-totuv oilalar barbod bo'lib ketayotganidir. Farzandining istiqbolini, yorqin kelajagini istaydigan har bir ota-onasi tarbiya masalasiga jiddiy e'tibor bermog'i zarur.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida bugungi kun yoshlari uchun quyidagi takliflar berish mumkin: hech qachon notanish kishilar tomonidan yuborilgan elektron pochta xabarlarini ochmaslik lozim, chunki bunday fayllar barcha ma'lumotlarga zarar yetkazuvchi viruslar yoki kompyuter tizimliniga salbiy ta'sir etuvchi har qanday dasturlarni o'z ichiga olgan bo'lish ehtimoli mavjud. Shuningdek, kompyuter va shaxsiy qurilma parollarini doimo ehtiyyotkorlik bilan saqlash, o'zgalarga ma'lum qilmaslik kerak. Hech qachon keraksiz xabarlar, takliflarga javob bermaslik, bunday holatlar tez-tez takorlansa, ota-onasi yaqin qarindoshlarga xabar berish lozim. Doimo esda tutish keraki, agar notanish insonlar ko'p miqdordagi mukofot pulini yutganligingizni ta'kidlashsa hamda buning uchun plastik karta ma'lumotlarini so'rashsa, bu firibgarlikning bir ko'rinishi hisoblanadi. Har doim «faqat 18 yoshdan oshganlar uchun» qabilidagi saytlarga kirmaslik maqsadga muvofiq. Saytlardagi bunday ogohlantirishlar o'smirlarning himoyasi uchun maxsus yaratilgan bo'ladi.

Xulosa tarzida shuni ta'kidlash mumkinki, internet insonlar hayotida muhim rol o'ynaydi va hozirgi vaqtida turmush tarzimizni usiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Bu holatni ijobjiy yoki salbiy deb atash qiyin bo'lib, unga faqat kishilar hayotida undan qanday foydalanishiga qarab baho berish mumkin. Zero, agar u inson internetga qaramlikni yoki sog'likka zarar yetkazishni tanlasa, kelajakda uning hayoti va faoliyatida ham salbiy holatlar paydo bo'ladi. Aksincha, internetni ijobjiy maqsadlarda ishlatish shaxs taraqqiyotida muhim o'rinn tutadi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'oziyev.E.G. Umumiyl psixologiya. – Toshkent, 2002.
2. V.Karimova, F.Akromova, N.Lutfullayeva. Ijtimoiy psixologiya. – Toshkent, 2011, 154 b.
3. V.M.Karimova. Ijtimoiy psixologiya. – Toshkent, 2007.
4. Internet manbalari:
 - www.ziyonet.uz;
 - www.edu.uz.



MAMLAKATIMIZ IJTIMOIY ISLOHATLARI DAVRIDA O'QUVCHI-QIZLARNI IJTIMOIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.003>

Nurmatova Nargiza Ulug'bekovna,
«Oila va xotin-qizlar» ilmiy-tadqiqot instituti
tayanch doktoranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada bugungi kunda yurtimizda o'quvchi-qizlarga qaratilayotgan e'tibor, mamlakatimiz ijtimoiy islohatlarida o'quvchi-qizlarni ijtimoiy faolligini rivojlanterish masalalari, ijtimoiy faollik tushunchasining mazmun va mohiyati, oila, mahalla va maktab hamkorligi, gender tenglik masalalari, o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini ta'minlash afzalliklari muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: faollik, ijtimoiy faollik, ijtimoyleshuv, ta'lim, tarbiya, gender tenglik, rivojlanterish, oila, mahalla, maktab, maqsad, intilish, qaror qabul qilish, madaniyat, millat.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ ДЕВУШЕК В ПЕРИОД СОЦИАЛЬНЫХ РЕФОРМ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Nurmatova Nargiza Ulug'bekovna,
Базовый докторант научно-исследовательского
института «Семья и женщины»

Аннотация. Данная статья посвящена современной направленности на студенчество в нашей стране, развитию социальной активности студенческой молодежи в условиях социальных реформ страны, содержанию и сущности понятия социальной активности, семейного, общественного и школьного сотрудничества, гендерного равенства, обсуждались преимущества обеспечения участия девочек в общественной жизни.

Ключевые слова: активизм, социальная активность, социализация, образование, воспитание, гендерное равенство, развитие, семья, соседство, школа, цель, стремление, принятие решений, культура, нация.

CONCEPTUAL FRAMEWORK OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY OF SCHOOLCHILDREN-GIRLS IN THE PERIOD OF SOCIAL REFORMS OF OUR COUNTRY

Nurmatova Nargiza Ulug'bekovna,
Base doctoral student of the Research Institute , Family and Women

Annotation. This article focuses on the current focus on student girls in our country, the development of social activism of student girls in the social reforms of the country, the content and essence of the concept of social activism, family, community and school cooperation, gender equality, the benefits of ensuring girls social participation were discussed.

Keywords: activism, social activism, socialization, education, upbringing, gender equality, development, family, neighborhood, school, goal, aspiration, decision making, culture, nation.

Respublikamizda o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlanterish, ularning turli hil sohalar hamda yo'naliishlarda o'zlarining qobiliyat, layoqat, imkoniyatlarini namoyon qilishlari uchun sharoitlar yaratib berish, huquqiy ma'nfatlarini himoya qilinish, gender tenglikni ta'minlanish hamda oila va mahalla, maktab hamkorligini ta'minlash borasida bugungi kunda juda ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. "Mamlakatimizda xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini ta'minlash, iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy faolligini oshirish davlat siyosatining muhim yo'naliishi sifatida belgilangan"[1] - yurtbosimiz, Sh.M.Mirziyoevning quyidagi so'zlaridan bilishimiz mumkinki, o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlanterish, ularni jamiyat hayotida faolligini yoshlik davridan boshlab ta'minlab borishimiz davlat siyosatining

eng asosiy yo‘nalishi qilib belgilangan. Shu o‘rinda ijtimoiy faollik tushunchasining o‘zi “(lotincha activus faol) - insonning ijodkorlik, irodaviy xatti-harakatlar, muloqot, xulq-atvorda namoyon bo‘ladigan moddiy va ma’naviy madaniyat boyliklarini o’zlashtirish asosida dunyoda ijtimoiy ahamiyatga ega o‘zgarishlarni amalga oshirish qobiliyati” ma’nosini anglatadi. O‘quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligi bo‘lsa – ularning ijtimoiy muammolarni hal qilishga ongli ravishda qaratilgan faoliyati bo‘lib, mehnat, ijtimoiy-siyosiy, madaniyat va turmush sohalarida o‘zlarining faolliklarini ko‘rsata olishlaridir.

“2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF–60-son Farmonining 69-maqсади “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta‘minlash”[5] bo‘lib, ushbu maqsadda xotin-qizlarni har qanday kamsitilishlardan himoya qilish, yurtimizda gender tengligini amalga oshirishni davom ettirish, ijtimoiy faolligini rivojlantirish, xotin-qizlarni kasb hunarli bo‘lishiga yordam berish, hamda ularda moddiy va ma’naviy ko‘mak berish nazarda tutilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Xalqaro xotin-qizlar kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи nutq”larida shunday deb ta‘kidlab o‘tdilar: “Ma’lumki, har qanday jamiyat va davlatning qay darajada xalqparvar hamda adolatli ekani uning xotin-qizlarga bo‘lgan munosabati va g‘amxo‘rligi bilan belgilanadi”[3]. Darhaqiqat yurtimizda bugungi kunda xotin-qizlar hayotini yaxshilash, ularga imkoniyatlar yaratish borasida juda ko‘plab ishlar amlanga oshirilishi ko‘zda tutilgan. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev 2022-yil 1-martdagи “Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniyarlarni qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-81-sonli farmonlari asosida “Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi”[4] tashkil qilindi. Ushbu qo‘mitaning vazifalari qatorida albatta xotin hamda qizlarni itimoiy faolligini rivojlantirish eng asosiy vazifalaridn biri sifatida belgilab qo‘yilgan. Shuningdek, magistratura va doktaranturada o‘qishlari uchun ham ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda, qizlarimiz uchun qo‘srimcha kvotalar ajratilishi ko‘zda tutilgan.

Shu o‘rinda, ijtimoiy faollik tushunchasining ma’nosini ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, ijtimoiy faollik tushunchasiga “Pedagogik entsiklopediya” da shunday ta‘rif beriladi: 1) ijtimoiy subektlarning ijtimoiy – siyosiy jarayonlardagi ishtirokining, mehnat hamda madaniy-marifiy faoliyatining kuchayishi, qonunda belgilab qo‘yilgan huquq va burchlarini to‘liq amalga oshirishga intilishini ifodalovchi tushuncha. 2) Sub‘ektning jamiyat hayotida ongli holda mustqil harakat etishi, ma’lum ijtimoiy-ma’naviy sohada vujudga keladigan muammolarni hal etishga qaratilgan harakatdir. Ijtimoiy faollik shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topishi va xulq atvorini ongli ravishda boshqarishning asosiy sharti hisoblanadi[6,365].

Bizningcha o‘quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligi jamoada, guruhda, norasmiy birlashmada muloqot qilish va harakat qilish, boshqalar bilan samarali munosabatda bo‘lish, tengdoshlari, oilaning katta va kichik a‘zolari, mahallalar oldidagi muayyan majburiyatlarni ixtiyoriy ravishda faol bajarishlari, o‘zlarini rivojlantirish, faollashtirishga qaratilgan ongli va tizimli faoliyatidir.

O‘quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini ta‘minlash bilan biz kelajakda bir qancha afzalliliklarga ega bo‘lishimiz mumkin, jumladan ta‘lim, sog‘liqi saqlash va iqtisodiy rivojlanishni yaxshilanishi kabi. Bugungi kunda o‘quvchi-qizlarning ijtimoiy, siyosiy jarayonlarda faol bo‘lishlari va bunga to‘sinqilik qilayotgan ko‘plab to‘silar ham olimlar, siyostchilar tomonidan keng muhokama qilinmoqda.

Yevropa olimlarining ta‘kidlashicha, qizlarning ta‘lim olish imkoniyatlarini yaxshilash qizlar va ularning oilalari, jamiyatlar va mamlakatlari uchun iqtisodiy hamda sog‘liq bilan bog‘liq sohalarda foyda keltirishi mumkin. Jumladan, Yevro‘palik olimlarning ta‘kidlashicha, qizlar uchun ta‘limning yaxshilanishi iqtisodiy o‘sishga, shuningdek, tug‘ilish, bolalar o‘limi va to‘yib ovqatlanmaslikning qisqarishiga olib keladi.

L.K.Klenevska bo‘lsa ijtimoiy faollik tushunchasini “barqaror xususiyat sifatida ijtimoiy faollik tashabbuskorlik, maqsadlilik, mehnatsevarlik, mustaqillik, ijtimoiy mas‘uliyat, o‘ziga talabchanlik va hokazolarda namoyon bo‘ladi”[7,14-15]- deya ta‘kidlaydilar.

I.Ergashev bo‘lsa, ijtimoiy faollikni – shaxsning maqsadga yo‘naltirilgan faoliyati bo‘lib, ijtimoiy vogelikka nisbatan individual munosabati va tizimli hatti harakatlarining yuksak ko‘rinishini ifodalovchi tushunchadir. Ijtimoiy faollik meyyoriy va odatdagiga nisbatan kuchli

faoliyatdir. Bundan ko'riniq turibdiki o'quvchi qizlarning ijtimoiy faolligi albatta ta'lif va tarbiya jarayonida shakillanib borar ekan.

O'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligi doyimiy harakatlariga nisbatan kuchli faoliyatidir. Bu jihatdan ularning ijtimoiy faollikni quyidagi jihatlarida namoyon bo'lishlarini ko'rishimiz mumkin: o'quvchi-qizlarning turli ishlarda qatnashish va maqsadga erishish uchun yuksak darajada faollik ko'rastishga tayyorligi va turli xil faoliyatlarda o'zi tomonidan harakatni amalga oshirishi hamda pirovard natija ijtimoiy faol shaxsga aylanishi.. "Ijtimoiy faollik" o'quvchi-qizlarning alohida tizimi sifati bo'lib, u qizlarimizda birdaniga paydo bo'lib, shakillanmaydi, balki bir umir kamol topishining mahsuli hisoblanadi.

O'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlantirish muammosi Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarning bir qismi sifatida hal qilinmoqda. Shu ma'noda o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlantirish quyidagi holatlarni o'z ichiga olishini ta'kidlashimiz lozim:

- o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlantirish umummilliyl darajadagi muammo hisoblanadi. "Butunicha millatga, shu millatdagи kishilarning barchasiga taalluqli, millat uchun umumiy" bo'lgan muammolardandir. O'quvchi-qizlar ijtimoiy faolligini oshirish shaxslar, oilalar, mahallalarning va davlatimizning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishi uchun asosdir. Xuddi shu nuqtai nazardan, o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini rivojlantirish imkoniyatlarini yaxshilay olmaslik hamma salbiy oqibatlarga olib keladi. Qizlar o'z hayotlarini, (kelajak) farzandlarining hayoti va sog'lig'ini yaxshilash imkoniyatlaridan mahrum bo'lishadi. Chunki ertangi kunimizning qanday bo'lishi - bugun qizlarimizning ijtimoiy faol qilib tarbiyalanishi, kelajak avlodlarimizning davomchilari bo'lmish, bo'lg'usi onalarimizning qo'llidadir;

- "Oila-mahalla-maktab" hamkorligi umumiyl mas'uliyatli va o'zaro birgalikdagi jarayon bo'lib, o'quvchi-qizlarning rivojlanishi, o'qishi, va ijtimoiy faolligini qo'llab-quvvatlashda tashabbus ko'rsatadilar. Hamkorlik o'quvchi-qizlarning o'zlarining maksimal potentsiali(har qanday sohada, yo'naliashlarda mavjud bo'lgan barcha imkoniyatlar, vositalar yig'indisi, keng ma'noda "zahira" degani)ga erishishlariga yordam berish uchun zarurdir. Ota-onalar va mahallalarning ishtiropi har doim yoshlar tarbiyasining asosi bo'lib kelgan bo'lsada, bu hamkorlikdagi sa'y-harakatlarning ahamiyatini ko'proq e'tirof etish va qo'llab-quvvatlash zarur;

- gender tengligini ta'minlash. Jamiyatda har ikkala jins vakillarining hech qanday kamsitishlarsiz huquqga ega bo'lishidir. Bu holatga erishilganda, barcha shaxslar tabaqasi, jinsi, rangi, kasbi va mavqeidian qat'i nazar, teng deb hisoblansa, biz buni tenglik deb ataymiz. Har ikki jins vakillari ham o'xshash imkoniyatlarga ega bo'lsa, davlat har tomonlama yaxshi rivojlanishga erishadi. Qaror qabul qilishda, sog'liqni saqlashda, siyosatda, infratuzilmada, kasbda va hokazolarda teng huquqlar yurtimizni yangi rivojlanishiga kata hissa qo'shishi shubhasizdir. Hozirgi kunda maktabda qizlar o'g'il bolalar bilan teng ravishda raqobatlashmoqda. Shuningdek, ular o'z kasblarida muhim rivojlanishni yaratmoqdalar. Ayollar endi turmush qurishdan oldin iqtisodiy mustaqillikka intilmoqda. Bu ularga o'zlari uchun yaxshiroq qarorlar qabul qilish uchun ishonch beradi.

Yurtimizda bu sohada yurtimizda juda ko'plab ishlar amalga oshirilayotgan bo'lsada lekin bugungi kunda o'quvchi-qizlarning kasb tanlashlari va sport sohasida faoliyat olib borishlari uchun ota-onalar tomonidan to'siqlarning qo'yilishi kabi holatlар mavjud. Ya'ni faqat ayollar faoliyat yuritadigan kasblar va sport turlariga qizlarini yo'naltirishlari, qolgan sohalar uchun cheklowlarning qo'yilishi kabilardi. Bu kabi holatlarning oldini olish uchun ota-onalar uchun maxsus kurslarni tashkil qilinishini ta'minlashimiz zarur.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faollik eng avvalo boy va serqirra umumiyl madaniyatga, yuqori darajada faollikga ega bo'lgan, o'z qobiliyatini ijodiy namoyon etishda ongli ravishda qo'llay olishidir. Ijtimoiy faollikning ko'rinishlari juda xilma-xildir. Bular ixtiolar va ratsionalizatsiya, tadbirdorda, hasharlarda, volantyorlik harakatlarida o'zini ko'rsatishi, hamda, amaliy maslahat va ma'naviy yordam, eng yaqin jamiyatni o'zgartirishga qaratilgan harakatlardir. Ijtimoiy faollikning namoyon bo'lish shakllari boy bo'lib, lekin o'quvchi-qilarning ijtimoiy faolligini oshirishda oila, mahalla va maktabning hamkorligi asosiy o'rinni egalovchi vositalardan biridir.

Yurtimizda o'quvchi-qizlarga qaratilayotgan e'tibor, hamda imkoniyatlar, o'quvchi-

qizlarning ijtimoiylashuviga milliy o'zligini yo'qotmasligiga va albatta gender tengligiga o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi. Zero, xalqimizda shunday bir hikmat bor “Bir o'g'ilni yaxshi tabiyalasangiz, bir insonni, bir qizni yaxshi tabiyalasangiz, bir millatni yaxshi tarbiyalagan bo'lasiz”.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 7-fevral kuni xotin-qizlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash masalalariga bag'ishlangan yig'ilishdai nutqidan. <https://uza.uz/oz/posts/xotin-qizlarni-har-tomonlama-qo'llab-quvvatlash-doimiy-e-tib-07-02-2018>

2. Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 1-martdagи “Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniyarlarni qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida” PF-81-sonli farmon.

3. Shavkat Mirziyoyevning “Xalqaro xotin-qizlar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi”dan 07.03.2022 <https://review.uz/uz/post/shavkat-mirziyoyevning-xalqaro-xotin-qizlar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

4. Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 1-martdagи “Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniyarlarni qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida” PF-81-sonli farmoni

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.

6. Педагогик энциклопедия. 2-жилд/Тузувчилар жамоа. -Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрёти. 2015, 368-бет.

7.Кленевская, Л.К. Развитие социальной активности современных подростков: монография / Л.К. Кленевская. - Пятигорск: ПГЛУ, 2005. 14-15 с



КРЕАТИВ - БҮЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МУХИМ ОМИЛ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.4.4.002>

Самарова Шохиста Рабиджановна,
психология фанлари номзоди, психология кафедраси доценти, Тошкент вилояти
Чирчик давлат педагогика институти

Эшқораев Қахрамон Абурахматович,
Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада креативлик бўлажак психологларнинг касбий ривожланишида мухим оми эканлиги асосланган. Таълим соҳасида, хусусан, креативлик каби субъектив кўрсаткични оширишда тушунарли ва содда, лекин айни пайтда мослашувчан тизимни шакллантиришга имкон берадиган методология ҳали мавжуд эмас. Ушбу мақоланинг илмий ҳиссаси психология йўналишидаги талабаларнинг креативлигини ошириш механизмини шакллантириш, аниқ методологияни яратиш шароитида эмас, балки мақсадни батафсил кўрсатиш учун кўп даражали универсал алгоритмни шакллантириш контекстида кўриб чиқилиши мумкин.

Калит сўзлар: ижодий салоҳият, креативлик, шахсий ривожланиш, касбий салоҳият, касбий тайёргарлик, психолог, талаба.

Кириш. Олий ўкув юртларида замонавий психология тизимининг мухим вазифаларидан бири талабаларнинг нафакат касбий салоҳиятини, балки унинг шахсини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Креативлик шахснинг янги тушунчаларни яратиш ва янги кўнималарни шакллантириш хусусиятларини акс эттирувчи қобилиятига, яъни ижодий қобилиятта асосланади. Бу концепция интеллектдан ажralmas тарзда ўрганилади ва шахснинг ижодий ютуклари билан боғлиқ (Feist, 2010; Wells & Dickens, 2020).

Ижодкорлик асосий мотивация, онгли ва кўрсатилган қизиқиш, фаол ва мустақил позиция, соглом рақобат, меҳнатсеварлик ва катъият билан таъминланади. Бу сафарбарлик, ахборот, ривожланаётган, ориентация кўнималарини, ғояларни яратиш қобилиятини, техник зукколикни ҳисобга олади.

Ижодий потенциални шакллантириш жараёни кидирув аппаратини шакллантириш ва инсоннинг умумий эҳтиёжларини қондириш учун объектларни яратиш билан боғлиқ. Компонент сифатида ижодкорлик унинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг бир қисмидир. Шу муносабат билан, инсон креативлиги деганда, унинг ижодий фаолиятининг ички асоси сифатида юзага келадиган шахснинг ажralmas мулки тушунилади.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида мамлакат ижтимоий ҳаётида рўй берадиган жадал ўзгаришлар муносабати билан юқори малакали ижодий мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Келажақдаги касб-хунарларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш ҳақида савол туғилади, бу эса кундалиқ ҳаёт муаммоларига эътибор қаратиш ва келажакда уларни самарали ҳал қилишни таъминлаши керак. Талабаларнинг таълим фаолиятини ташкил этиш муаммоси долзарб ҳисобланади, чунки замонавий олий таълим тизимининг етакчи мақсади – ўз ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун жамият манфаатларидан максимал даражада фойдалана оладиган, самарали ва инсонпарвар бўла оладиган юқори малакали ва рақобатбардош мутахассисни шакллантиришдир.

Касбий ривожланиш жараёнида талаба нафакат маҳсус фанлар бўйича билим, кўнимма, кўнималарга эга бўлиш, балки маълумотларни ижодий ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш, ўз ютукларини фаолиятда амалга ошириш бўйича ижодий позитсияни кристаллаштириш заруриятига дуч келади. Шахсий интеграция ва ўсиш жараёни турли йўллар билан таъминланиши мумкин ва улардан бири инсоннинг ижодий салоҳиятга, ҳаётий кучнинг битмас-туганмас манбасига йўналтирилишидир.

Бугунги кунда психология факультети талабаларининг креатив қобилиятларини шакллантириш ва аниқлаш уларнинг касбий тайёргарлигини оширишнинг гаровидир.

Креативлик ҳаётда ҳам, билимнинг ҳар қандай соҳасида тажриба ўтказиш қобилиятида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Талаба креативлигини шакллантириш жараёни - бу унинг бевосита ижодий фаолиятни кўрсатишга, ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият тури мазмуни билан вазиятли креативлик ташувчининг индивидуал хусусиятларини актуаллаштиришга тайёр бўлишидир.

Креативлик - қобилиятнинг энг юкори даражаси. Бўлажак психологнинг креативлигини ошириш жараёнида қуйидагиларни эгаллаши керак:

- креатив қобилияtlарни шакллантириш учун асос бўлган интеллектуал соҳанинг фаол кенгайиши сифатида ташкил этилган когнитив компонентни актуаллаштириш;

- муаммоли вазиятлар характерига эга бўлган тадқиқот, креатив вазифаларни ҳал қилишда буни семантик манипуляция килиш учун концептуал-категорик аппаратни шакллантириш;

- фаол ақлий фаолиятни рағбатлантирувчи муаммоли характердаги масалаларни ифодалаш;

- билимдонликни ривожлантиришни рағбатлантириш, соҳадаги билимларни кенгайтириш;

- турли ўйналишдаги илмий билимлар

- муқобил фикрлаш усулларини ўрганиш (маълумотлар оқимини мустақил ва ижодий қайта ишлашга, хуносалар чиқаришга ёрдам берувчи мантикий операциялар, шунчаки тайёр аргументлар ва баёнотларни қабул қилиш эмас);

- ўкув жараёнини илмий тадқиқот сифатида ташкил этиш (ташкил этиш мантиғига кўра, усуллардан фойдаланиш), турли тадқиқот жараёнлари билан танишиш ва уларнинг бориши ҳақида фикр юритиш. Талаба ижодини ривожлантириш учун демократик муносабатлар ва ижодий шахсга тақлид қиласидаган тартибга солинмаган мухит керак. Бундай ривожланиш мотивлар ва шахсий хусусиятлар (мустақиллик, ўз-ўзини амалга ошириш учун мотивация) тизимини шакллантириш орқали микро мухит ва тақлид таъсирида содир бўлади.

Ушбу компонентлар ўкувчи ижодиётининг ривожланиши ва шаклланишининг асосини тўлиқ тушунишга ва келажакда яхлит тузилмани ва уни ошириш алгоритмини шакллантиришга имкон беради.

Шахс-фаолият концепциясига (шахснинг шахс сифатида ривожланиши), шахсиятнинг ўйғун ривожланиши ва самарадорлигига асосланиб, касбий фаолият самарадорлиги, биринчи навбатда ўйғун ва ижодий яхлитлик муаммоси, шахс образининг субъектив ва мақсадли шакли билан боғлиқ. Профессионал, хусусан, бу психолог касбида айниқса мухимдир.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, таълим тизимида жараёнларнинг ишлашини яхшилаш учун яратилган қўпгина усулларнинг шаклланиши доимо ўқувчиларнинг табиати ва индивидуал хусусиятлари каби омиллар уларнинг самарадорлигига таъсири қилишига доимо дуч келади. Шунинг учун ҳам доимий ва қатъий алгоритмлар асосида шаклланадиган барча техникалар қисқа муддатга мавжуд бўлишга маҳкум бўлади ёки умуман олганда, биринчи босқичларидан бошлаб бутунлай самарасиз бўлиб қолади.

Психологларнинг касби кўп киррали бўлиб, у кўпинча ушбу касб вакилларининг ижодий қобилияtlарига таянади. Бунинг сабаби шундаки, ўзларининг касбий фаолияти давомида психологлар bemорларнинг муаммоларига тез ва тўғри ёндашиб, ечим топишлари керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда психология талабаларининг ижодий қобилиятини оширишнинг аниқ схемасини шакллантириш жуда мухим, шунинг учун мақоланинг мақсади механизмлардан фойдаланган ҳолда психология талабаларининг ижодий қобилиятини ошириш жараёнининг аниқ босқичларини тизимлаштириш ва шакллантиришdir. Психология ўйналиши бакалавр талабалари ўртасида креативликни оширишнинг асосий усуллари ҳар бир ўқитувчининг методологиясига қараб фарқланади, аммо таълим тизимининг асоси таклиф килинган моделга асосланади.



Психология факултети талабаларининг креативлигини ошириш масалалари кўп йиллардан буён олий ўқув юртларида талабалар ижодиётини ошириши йўлларини умумий илмий изланишнинг бир қисми сифатида кўриб чикилиб келинмоқда.

Талабалар ўртасида креативлик ва унинг даражасини ошириш муаммолари узоқ вақт давомида кўриб чикилди. Жумладан, Вейсберг (1988) ўз ишида шахс ижодининг, шу жумладан олий ўқув юртларида ўқийдиганларнинг асосий тамойиллари ва парадигмаларини очиб берди.

Методология. Вайсберг (1988) таъкидлаганидек, бўлажак мутахассисларда профессионал креативликни шакллантириш профессионал ижодий фаолиятга тайёр бўлган яхлит шахс бўлиш жараёнининг ўта муҳим таркибий қисмидир. Ижодкорлик янги ва ўзига хос тарзда амалга ошириладиган, янги алоқаларни топиш ва янги муносабатлардан хабардор бўлишнинг ажралмас қобилияти сифатида пайдо бўладиган идрок, тажриба ва ҳаракатларнинг бирлигини тавсифлайди, ишлашга ва янгиликларни ўрганишга мойиллик, мия фаолияти, янги тушунчаларга, тажрибани янги ташкилотларга айлантиришга ва мисли кўрилмаган маънолар туркумини ифодалашга олиб келади. Айтилганларни ҳисобга оладиган бўлсақ, психологик профилдаги мутахассиснинг ҳақиқий касбий маҳоратининг умумий маҳражи ёки белгиловчи принциспи тўлақонли, ижодий бошланган, касбий ривожланишни бошқача йўлга кўядиган ва унга асосланган ижтимоий фикрлаш фаолиятидир.

– университет битирувчиларининг назарий ва амалий социология, умумий, ижтимоий ва ёш психологияси, ижтимоий иш назарияси, методологияси ва технологиялари, фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш асослари бўйича фундаментал билимлари;

- шахснинг яхши ривожланган стандартлари, мукаммал касбий фаолият кўнилмаларини шакллантирган ҳолда, уни мунтазам равишида ижтимоий касбийликнинг маълум бир йўналиши бўйича малакали мутахассис сифатида тавсифлайди, у кундалик ҳаётнинг қундалик вазифаларини самарали ҳал қила олмайди, балки амалий вазиятларга мақбул эҷимларни топа олмайди. шахсий муаммолар;

